У12

Р. УБАЙДУЛЛАЕВА, О. ОТА-МИРЗАЕВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

Тошкент - 2006

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ
«ИЖТИМОИЙ ФИКР» МАРКАЗИ

Р. УБАЙДУЛЛАЕВА, О. ОТА-МИРЗАЕВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

TATU KUTUBXONASI
365220 SONLI

Тошкент - 2006

Р. Убайдуллаева, О. Ота-Мирзаев. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри социологияси (назария, услубиёт, амалиёт).

Монографияда Ўзбекистон жамоатчилик фикри социологиясининг асосий соҳалари ҳақида фикр юритилади. Бош эътибор назарий методологик масалаларга, жамоатчилик фикрини ўрганиш услубиётига ва амалиётига қаратилган. «Ижтимоий фикр» марказида мониторинг сифатида ўтказилган комплекс социологик тадқиқотларнинг натижалари кенг ёритилган.

Монография социолог, файласуф, сиёсатшунос олимлар, аспирантлар, талабалар ва социология соҳасидаги амалиётчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар: А.Холбеков, социология фанлари доктори.
Т.Ташланов, фалсафа фанлари доктори, профессор.
Ў.Қаюмов, иқтисод фанлари номзоди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази қошидаги республика илмий-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (Баённома №3, 2006 й. 7 май).

© «Ижтимоий фикр» 2006 й.

*«...Жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу.»*

***Ислом КАРИМОВ***

# КИРИШ

Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг муҳимлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш энг долзарб муаммоларга, воқеликнинг муайян жиҳатлари ва жараёнларига эътиборни қаратади, ҳар хил ижтимоий гуруҳлар, умуман халқнинг манфаатларини ифодалайди.

Ушбу феномен кўпчилик давлатлар ҳаётининг муҳим, доимий амал қиладиган ва таъсирчан қисмига айланганлиги замонавий жамиятлар ҳаётида ижтимоий фикр ролининг ошганлигидан далолат беради. Жамоатчилик фикри социал (ижтимоий) бошқарувнинг деярли барча даражаларида қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида ҳисобга олинади.

Охирги ўн йилликда жамиятимизда социология фанига бўлган муносабат ўзгарди. Демократиянинг қарор топиши, янги сиёсий институтлар пайдо бўлиши ва миллий истиқлол ғояси асосидаги сиёсий маданиятнинг шаклланиши ижтимоий фикр вазифалари ҳамда унга мутаносиб равишда жамоатчилик фикри хусусидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Сўнгги йилларда янги сиёсий элита жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга одатланмоқда.

«Ижтимоий фикр» тушунчаси бир-биридан фарқ қиладиган икки хил мазмунни ифода этади. Бир тарафдан, ижтимоий фикр - у ёки бу воқеа тўғрисида ҳар хил социал умум томонидан билдириладиган умумий мулоҳаза сифатида намоён бўлса, бошқа тарафдан эса - жамият ривожланишининг барча даражаларида ҳокимиятни амалга оширишда самарали иштирок этувчи сиёсий институт сифатида гавдаланади.

Кўпинча, жамоатчилик фикри деганда у ёки бу даражада муайян миллат турмуш тарзининг ҳолатига кўп ёки кам даражада таъсир

кўрсатишга, ижтимоий жиҳатдан муҳим ўрин тутган масалаларга доир фикр ва қарорларни шакллантиришда ҳукуматни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган оммавий онгнинг алоҳида ҳолати тушунилади. Кўп жиҳатдан ушбу феномен социал динамика омили сифатида қаралади ҳамда кенг доирада аҳамиятсиз омилдан белгиловчи омил даражасига ўзгариши ҳам мумкин.

Муайян давлатда аниқ бир вазиятга нисбатан жамоатчилик фикри қандай роль ўйнайди деган саволга жавоб муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ижтимоий фикр жамоатчилик фикри ва мулоҳазаларини ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг амалий қарорларига киритиш мезони, жамиятнинг очиқ-ошкоралиги, унда энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликлар ривожланганлиги даражаси ниҳоят, сиёсий тузумнинг демократлаштириш кўрсаткичларидан биридир.

Жамоатчилик фикрининг муҳим хусусиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам қайд этган: «Мамлакатдаги социал-сиёсий барқарорлик етарли даражада жамоатчилик фикрининг аҳволига боғлиқ»[1].

Мамлакатимизда йигирмадан ортиқ жамоатчилик фикрини тадқиқ этиш марказлари фаолият кўрсатаётганлиги, жамоатчилик фикри фаол ўрганилаётганлиги нафақат жамиятнинг демократиялашувидан, балки жамият оддий одамлар фикрини ҳам инобатга ола бошлаганидан дарак беради. Истиқлол туфайли жамиятда умуман аҳолининг, жумладан, унинг социал-сиёсий соҳадаги фикрини ўрганишнинг янги услубиёти ва усуллари шаклланишига жиддий таъсир кўрсатувчи ахборотга бўлган ижтимоий эҳтиёж юзага келди. Ушбу эҳтиёжларнинг учта энг асосийсини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жамиятда юз бераётган сиёсий жараёнлар, аҳолининг ҳар хил социал, миллий гуруҳларининг сиёсий кайфияти ҳамда жамоатчилик фикри тўғрисидаги ахборотга бўлган эҳтиёжлари;
- аҳолининг ОАВ (оммавий ахборот воситалари)га бўлган эҳтиёжи ва муносабатини доимий равишда ўрганиб бориш бўлган ижтимоий институтлар эҳтиёжи;
- социал-сиёсий жараёнларни илмий тушунтириб бериш, назария ва фаразларни жамоатчилик фикри орқали текширишга доир директив институтлар эҳтиёжлари.

---

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997.

Эҳтиёж ўсиб бориши билан бир вақтда социологик тадқиқот лабораториялари ва марказлари тарзидаги янги тадқиқот инфратузилмаларининг жадал шаклланиш жараёнлари юз берди. Улар орасида асосий тадқиқот мавзуси аҳолининг сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий мақбул кўришини ўрганиш ҳисобланган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази етакчи ўринни эгаллайди.

Ҳозирги кунда «Ижтимоий фикр» маркази ва бошқа йирик тадқиқот марказлари аҳолининг умуммиллий сўровини ўтказиш имкониятига эга. Бундай тадқиқотларнинг муваффақиятли амал қилиши учун эркин танлаш имконияти туғилганлиги, шунингдек, интервью олувчиларнинг доимий тармоғи мавжудлигидир.

Кўп ҳолларда социологик ҳақиқат жамоатчилик фикри билан тенглаштирилади, яъни кўпчиликнинг фикри ҳақиқатдир. Бу эса социологик ҳақиқат инсон ижтимоий фаолияти намоён бўлувчи ижтимоий тузумнинг фаолият кўрсатишига кўп ўлчовли, комплекс ёндашув жиҳатидан қаралиши зарурлигини англатади. Мазкур тузумни доимо инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қиёслаш лозим.

Қачонки жамиятнинг ўзи, тузум, миллат эмас, балки инсон, унинг муносиб ҳаёт кечиришга бўлган сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳуқуқлари диққат-эътиборда турса, жамият фаровон бўлади. Буларсиз ҳар қандай жамият, тузум тарқоқ «ўртамиёна индивидларга»[1] айланиб қолади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш социологияси фан сифатида Ўзбекистонда фақат мустақиллик йилларида шакллана бошланди. Ушбу илмий йўналиш бўйича М.Бекмуродовнинг «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» (1999) монографияси дастлабки илмий иш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикри социологияси сезиларли равишда «Ижтимоий фикр» марказининг ташкил этилиниши ва фаолиятининг бошланиши билан ривожланди (1997). «Ижтимоий фикр» маркази ташкил топганининг биринчи йилларидан бошлаб, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг методологик муаммоларига катта эътибор берила бошланди. Ушбу назарий масала чет эл социологлар тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистон аҳолисининг

1. Социология. Основы общей теории. М., 1998. 66-бет.

миллий хусусиятлари ва унинг менталитети нуқтаи назаридан чуқур қаралди. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг методологияси ишлаб чиқилди, мамлакатимиз социолог олимларининг мазкур соҳадаги илмий изланишлари тўпламларда чоп этилди. Жумладан, қуйидаги илмий ишларин ва монографияни кўрсатиш мумкин: «Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри» (2000), «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрни ўрганишнинг ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» (2003), «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш методологияси» (2004, рус тилида).

Сўнгги йилларда жамоатчилик фикрини ўрганиш услубиятининг такомиллаштирилишига катта эътибор берилди. О.Б. Ота-Мирзаев, Ў.К. Қаюмов ва бошқаларнинг «Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқот асосида ўрганиш» методик қўлланмаси (1999), М. Бекмуродов, О. Ота-Мирзаев, Н. Алиқориев ва бошқаларнинг «Социология. Маърузалар матни». Т.: (2000), Р. Убайдуллаева, О. Ота-Мирзаев, М. Бекмуродов, Ў. Қаюмовнинг «Социологик тадқиқотлар амалиёти, методик қўлланма». Т.: (2001), Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқаларнинг. «Социология. Ўқув қўлланма». Т.: (2002) каби ўқув ва услубий қўлланмалари чоп этилди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолиятида Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва сиёсий ҳаётининг барча соҳалари бўйича комплекс, кенг қамровли социологик сўровлар ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди. Улар қаторида энг муҳимлари сифатида: «Ўзбекистонларнинг миллий ўзлиги», «Ўзбекистон аҳолисининг диний эътиқоди», «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Оила ва маънавият», «Ўзбекистонликларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари» ва бошқаларни кўрстаиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий бел-

гисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим»[1].

Президентимизнинг ушбу сўзларини Ўзбекистон социолог олимлари долзарб ижтимоий буюртма сифатида қабул қилишди ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш муаммолари тадқиқотларини янги босқичга кўтармоқдалар.

Муаллифлар ушбу монография социолог, файласуф, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар учун фойдали бўлиб, республикамизда ижтимоий фанлар соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ёрдам беради деб ишонч билдирадилар.

---

1. «Халқ сўзи» 2002 йил, 30 август.

Биринчи боб

# ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1. Жамоатчилик фикри: асосий тушунчалар ва уни ўрганиш хусусиятлари

Жамоатчилик фикри мураккаб маънавий-ахлоқий тизим ҳисобланади, бу аҳоли ижтимоий онгининг алоҳида шаклидир ва у жамият ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг турли жиҳатларига аҳоли томонидан баҳо берилишида намоён бўлади.

Қуйидагилар жамоатчилик фикрининг тизим ҳосил этувчи белгилари ҳисобланади:

жамоатчилик фикри шаклланадиган ижтимоий факт, воқеанинг аҳамияти;

жамоатчилик фикрини ифодалайдиган жамият, қатлам, гуруҳ, индивиднинг маънавий-интеллектуал, маънавий савияси;

жамоатчилик фикрини уйғотувчилар сифатида партиялар, ижтимоий ҳаракатлар етакчиларининг маънавий-ахлоқий нуқтаи назари, сиёсий даъватлари;

жамоатчилик фикрида ўз ифодасини топадиган ижтимоий ҳаракатларни белгилаб берадиган аҳолининг миллий, этник, диний хусусиятлари;

ижтимоий хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши жараёнида рўёбга чиқадиган асосий ва қўшимча манфаатлар нисбати, жамоатчилик фикри ҳолати ва барқарорлигини белгилаб берадиган уйғунлик даражаси.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар мантиқий ўзаро боғлиқлик ва изчилликда кўриб чиқилади.

Қуйидагилар жамоатчилик фикри ифодаланадиган асосий соҳалар ҳисобланади: иқтисодиёт, сиёсат, демография, ахлоқийлик, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, маданият, турмуш тарзи, экология ва бошқалар. Жамият фаолиятининг ушбу соҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш моҳиятига кўра ўзида ижтимоий амалиётнинг тегишли сўровларига социология фанининг тезкорлик билан муносабат билдиришини ифодалайди.

Жамоатчилик фикри ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиниши тизимининг зарур элементи ва самарали воситаси ҳисобланади. Жамият ҳаёт фаолиятининг долзарб муаммолари бўйича халқ томонидан ифодаланган жамоатчилик фикри ўзида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жараёнлар ривожланишининг доимий ижтимоий мониторингини олиб бориш имконини берадиган ўзига хос «ижтимоий барометр»ни ифодалайди. Жамият тараққиётининг энг муҳим жиҳатларига доир илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар мана шунинг асосида ишлаб чиқилади. Бу таклиф ва тавсияларни ўз вақтида ҳисобга олиш пайдо бўладиган ижтимой кескинликларни юмшатиш ва давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Замонавий социология фанининг илмий методологияси асосида жамоатчилик фикрини илмий ўрганиш жамоатчилик фикри шаклланиши тенденцияларини ва қонуниятларини ҳамда жамоатчилик онги намоён бўлиши механизмларини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга жамоатчилик фикрининг доимий мониторинги аҳоли «онги ҳолати»ни аниқлашнигина эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг у ёки бу масалалари бўйича жамоатчилик фикри шаклланишида бевосита иштирок этиш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб, тўлиқ ишонч билан жамоатчилик фикрини илмий асосланган тарзда ўрганиш аҳоли ижтимоий онги фаол шаклланишининг муҳим, зарур омили эканлигини қайд этиш мумкин.

Жамоатчилик фикри аниқ бир ижтимоий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий шароитларда пайдо бўлади ва мавжуд бўлади. У ёки бу вазиятга қараб жамоатчилик фикри кескин ўзгариши мумкин. Бу мутлақо объектив ҳолатдир, чунки абстракт, тизимдан, тарихдан ташқари жамоатчилик фикри бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Айни бир хил муаммо бўйича, бироқ ҳар хил ижтимоий-сиёсий вазиятда, турли тарихий вақт оралиғида жамоатчилик фикри мут-

лақо бир-бирига ўхшамаслиги ва ҳатто олдингисидан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши сифатида демократиялаштириш даражаси билан боғлиқдир. Шу сабабли жамоатчилик фикрини ўрганиш эркинлиги, унинг теранлиги даражаси, кенглиги ва ёйилганлиги жамият демократиялашувининг ифодаси ҳисобланади.

Демократик сайловларни тайёрлаш ва ташкил этишда муҳим давлат қарорларини қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарур. Айниқса, ҳар хил қонунлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш зарур. Жаҳоннинг ривожланган, демократик давлатларида ижтимоий аҳамиятли давлат қарорлари ва қонунлар қабул қилинишидан олдин, қоидага кўра, жамоатчилик фикри пухта ўрганиб чиқилади. Бу қабул қилинадиган қонунлар ва давлат қарорларининг сифати ва ишончлилигини жиддий равишда оширади ва шу билан бирга мамлакатда ҳокимиятни ташкил этишнинг демократик шакллари ривожланганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Глобал, умумилмий жиҳатдан социолоияни жамият тўғрисидаги фан деб айтиш мумкин. «Социология» тушунчасининг ўзи икки сўздан иборат: лотинча societas (жамият) ва грекча logos (таълимот). У илмий муомалага жамият тўғрисидаги мустақил фан сифатида социологияинг асосчиси ҳисобланган француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857 йй.) томонидан киритилган.

Жамият, маълумки, кўплаб фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. ҳар бир фан жамиятни ўрганар экан ўз табиатига ва асосий мақсадларига яқин бўлган ўз тадқиқот мавзусини аниқлаб олади. Бу жиҳатдан жамият тўғрисидаги фанлар мажмуида социологияни, энг аввало, уни индивид, оила, маҳалла, мактаб, институт, завод, муасаса, туман, шаҳар, вилоят, умуман мамлакат ва бутун жамиятдан тортиб, жамият ижтимоий тузилмаларининг турли даражаларида шаклланадиган ижтимоий ўзаро алоқалар ва инсоний муносабатлар қизиқтириши ажратиб туради. «Шу сабабли, социология жамиятни эмас, балки жамият ундан шаклланадиган, унинг негизида мавжуд бўладиган ва ривожланадиган ижтимоий материални ўрганади»[1].

---

1. Социология. Ўқув қўлланма. А.Н.Елсуков таҳрири остида. Минск, «Тетрасистема», 1998, 70-бет.

Жамият тўғрисидаги фанларнинг умумий тизимида социология фани ўзига хослигининг бундай талқин этилиши замонавий социология фанига қуйидагича таъриф бериш имконини беради: «Социология жамият ижтимоий ва ҳудудий тузилмасининг ҳар хил даражаларида инсоний мунсобатлар ва жамоатчилик фикрининг кенг доираси шаклланишига алоҳида эътибор берган ҳолда, жамиятни ташкил этувчи унинг алоҳида қисмлари, ижтимоий ташкил этиш тизимида унинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари бўйича муракаб ижтимоий организм сифатида жамиятни ўрганади».

Социология фани табақалашиш ва интеграциянинг интенсив жараёни натижаси сифатида ҳозирги вақтда комплекс (синтетик) ва хусусий (тармоқ) фанлари ва илмий йўналишларнинг мураккаб, алоҳида тизимларига айланди.

Ижтимоий фикр социологияси социология фанларининг замонавий тизимида марказий ўринда туради. Чунки у социологиянинг амалда барча синтетик ва тармоқ йўналишлари билан мустаҳкам ўзаро алоқаларга эгадир.

Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқ этишга тизимли-таркибий ёндашиш асос қилиб олинган. Жамиятда жамоатчилик фикри шаклланиши ва мавжуд бўлишини этносоциал, минтақавий ва ижтимоий-табақалаштирилган таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериалади.

Этносоциал ёндашув халқнинг менталитетини, унинг миллий ўзликни англашини ва диний мансублилигини, миллий анъаналари, урф-одатлари, хулқ-атвор нормаларини ҳар томонлама ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбек халқига ҳос бўлган энг олий қадриятлар сифатида ёши катталарни эъзозлаш, ҳурмат қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, дўстона муносабатда бўлиш, юксак даражадаги бағрикенглик, болажонлик, қариндошлик ришталарининг мустаҳкамлиги, оилага муносабат сингари характерли белгилар Ўзбекистонда жамоатчилик фикри шаклланиши ва мавжуд бўлишига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу миллий хусусиятлар ўзбек халқининг алоҳида менталитетини шакллантиради. Бу жамоатчилик фикрини ўрганишда ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб этади (1-расм).

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ муҳим ҳудудий тафовутлар мавжуд бўлган шароитда жамоатчилик фикрини ўрганишда минтақавий ёндашишга муайян эътибор берилади.

1- расм. Социология фанларининг замонавий тизимида жамоатчилик фикри социологиясининг ўрни



У маъмурий ҳудудлар даражасида жамоатчилик фикри пайдо бўлиши, шаклланиши ва мавжуд бўлишининг маҳаллий хусусиятларини аниқлашни назарда тутади. Турли маъмурий бирликлар бўйича жамоатчилик фикри ҳолати ва ривожланишининг қиёсий таҳлили ижтимоий онгнинг шаклланиши ва транформацияси сабаблари ва омилларини теран ва ҳар томонлама тадқиқ этиш ва бу орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқариш бўйича илмий асосланган хулосалар, таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Жамоатчилик фикрини ижтимоий-табақалаштирилган ўрганиш жамиятнинг алоҳида қатламлари, аҳолининг этник ва демографик гуруҳлари бўйича ижтимоий онгнинг объектив, реал мавжуд табақаланишидан келиб чиқади.

Жамоатчилик фикрини ўрганишга ижтимоий-табақалаштирилган ёндашиш мамлакат, минтақалар, шаҳарлар ва ҳоказолар аҳолисининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда турли ижтимоий қатламлар даражасида жамоатчилик фикри шаклланиши хусусиятларини теранроқ ва батафсил кўриб чиқиш имконини беради.

Бундай ёндашув Ўзбекистон сингари аҳолиси кўп миллатли мамлакатлар учун айниқса муҳимдир.

Замонавий социология фан сифатида янги маълумотлар, гипотезалар ва концепциялар билан бойимоқда. Уларни социологиянинг барча муаммоларига тегишли деб ҳисоблаш мумкин. У ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларида пайдо бўлаётган турлича вазифаларни ҳал этишга тобора фаолроқ киришмоқда. Социология, энг аввало, одамлар онги реалликлари билан иш кўради. Социология нуқтаи назаридан ижтимоий турмуш - бу кенг халқ оммаси фаолиятида онг ва психология намоён бўлишидир.

Социологиянинг инсон фаолиятининг аниқ соҳаларини ўрганадиган тармоқлари орасида ижтимоий онгнинг ифодаланиши, намоён бўлишининг ўзига хос шакли, нисбатан ёйилганлиги, интенсивлиги ва барқарорлиги билан фарқ қиладиган баҳолаш ҳукмларининг жами сифатида жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Унда муайян ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий жамоаларнинг жамият ҳаётидаги турли воқеаларга, одамларнинг хатти-ҳаракатларига, уларнинг қилмишлари ва хулқ-атворига, ижтимоий турмушнинг бирор-бир жараёнига баҳо беришига муносабати ифодаланади.

Жамоатчилик фикрини индивидуал фикрларнинг тўплами деб тушунмаслик лозим. Индивидуал фикрлар жамоатчилик фикрининг

бошланғич босқичи, унинг намоён бўлиши пайти ҳисобланади ва индивидуал фикрлар жамида мавжуд бўлган барча умумий жиҳатларни ўзида сақлаб қолади. Улар ўртасидаги айнан мана шундай диалектик алоқа индивидуал баҳоларни социологик усуллар билан қайд этиш ва шу билан бирга жамоатчилик фикри даражасига чиқиш имконини беради.

Жамоатчилик фикрининг социологик тадқиқотлари ижтимоий ривожланишнинг у ёки бу объектив қонунлари амал қилишининг аниқ механизмларини аниқлашга, боз устига ушбу қонунларнинг алоҳида олинган бир вилоят, шаҳар, туман, жамоада юз бераётган аниқ ижтимоий ва сиёсий жараёнларга татбиқан амал қилиш механизмини ўрганишга ёрдам беради.

Натижада жамиятдаги у ёки бу ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар пайдо бўлишининг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Буларнинг барчаси ҳокимият ва бошқарув органларига ишдаги асосий йўналишларни аниқлаш, олдинга қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш имконини беради. Социологик таҳлил ижтимоий ҳодисалар, сиёсий жараёнларнинг моҳияти ва уларнинг ривожланиш тенденциялари тўғрисида объектив билимлар беради ва бу билан бошқарув институтларини реал объектив вазиятни тавсифлайдиган фактлар тизими билан қуроллантиради.

Бундан жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурлиги бевосита жамиятни илмий бошқариш вазифаларидан келиб чиқиши маълум бўлади. Социологик тадқиқотлар фаннинг методологик воситаси сифатида бошқарув органларига ўрганилаётган объект бўйича реал вазиятни холисона баҳолашнинг ишончли кафолатини беради. Шундай қилиб, жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий амалиётнинг ишончли бўғини ҳисобланади.

Объектив оламнинг алоқалари ва муносабатлари кўп хиллилигини акс эттирар экан жамоатчилик фикри фаол, бетараф ва консерватив ижтимоий куч бўлиши мумкин. Жамиятни демократиялаштириш ва ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар даврида жамоатчилик фикри ҳолати, айниқса, сезиларли омилга айланади. Жамоатчилик фикри фаоллашади, сиёсий ва ижтимоий жараёнларнинг боришига қаттиқроқ, бевосита таъсир кўрсата бошлайди. Объектив воқеликда юз бераётган бундай даврлар, жараёнлар ғоялар ва онгда яққол акс этади.

Назарий-методологик жиҳатдан жамоатчилик фикри социологияси моҳият эътибори билан давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш,

фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий муносабатларни демократик асосда ривожлантириш, Ўзбекистон жамиятининг сиёсий маданияти динамизмини кенгайтиришнинг мураккаб, кўп қиррали вазифаларини ҳал этишга, яъни жамоатчилик фикри соҳасининг мавзусини ташкил этадиган барча вазифаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятида айниқса ижтимоий-маданий ҳаётда эркин, мустақил фикрлашнинг ўсиши тенденцияси кучаймоқда. Демократиялаштириш ва бозор ислоҳотлари изчил амалга оширилиши шароитларида кўп жиҳатдан эволюцион ривожланиш реалликлари туфайли жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ўзгармоқда, одамларнинг ўзи камол топмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув органлари иши услуби, методлари ва шаклларини янада такомиллаштиришни талаб этади. Бу иш ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, демографик, экологик, ижтимоий-маданий жараёнлар тўғрисидаги аниқ маълумотларга, шунингдек, жамоатчилик фикри ҳар томонлама ҳисобга олинишига эҳтиёж сезади.

Мустақил, эркин ривожланиш шароитларида жамоатчилик фикри аниқ конституциявий асосга эга бўлади, унга мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш сиёсий тизимни демократиялаштиршнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, демократик жамиятнинг сиёсий тизими механизмида жамоатчилик фикрини социологик ўрганишнинг роли тобора ўсиб боради ва долзарблашади.

Нафақат ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларни холисона таҳлил этиш, балки уларни ўзаро алоқадорликда ва ўзаро таъсирда комплекс, тизимли қараб чиқиш жамоатчилик фикри социологик тадқиқотларининг характерли хусусияти ҳисобланади. Агар фактлар яхлитдан узиб олиниб айрим-айрим, реалликдан ажратилган ҳолда алоқасиз кўриб чиқилса, улар ижтимоий воқеликни бузади ва жамоатчилик фикрини нохолис баҳолашга олиб келади.

Одамларнинг ички ижтимоий муносабатлари ва уларнинг ижтимоий хулқ-атворини тадқиқ этишнинг миллий ўзига хослиги ҳам мавжуд. У жамоатчилик фикрини ўрганиш социологик методларининг жамиятни социал ташкил этишнинг анъанавий шакллари билан диалектик бирга қўшиб олиб боришни тақозо этади.

Социологик тадқиқотлар «аксинча алоқа»ни ишлаб чиқиш, ўрганилаётган ҳодисалар, воқеалар бўйича аниқроқ чора-тадбирларни белгилаш, фаолиятнинг фанга ҳам, амалиётга ҳам фойдали бўлган

энг қизиқарли ва амалий шакллари ва методларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

«Аксинча алоқа» - бу воқеликнинг алоҳида бўғинлари ва жиҳатлари ўртасида номувофиқлик ва зиддиятлар аниқланган тақдирда ижтимоий, сиёсий жараёнлар тўғрисидаги ахборотдир. У қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатларини ҳар томонлама баҳолаш имконини беради.

Масалан, аниқ бир шаҳар ёки туман доирасида жамоатчилик фикрини ўрганиш вужудга келган вазиятни мавзули таҳлил этиш асосида шаҳар ёки туманннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига кундалик илмий асосланган раҳбарликни амалга ошириш учун зарур бўлган жуда муҳим усуллар ва воқеалар тўғрисида амалий тасаввур беради. Мана шу даражада айнан социологик тадқиқотлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ишининг самарадорлиги тўғрисида энг юқори даражада муайян жамоатчилик фикрини шакллантириш ва раҳбарлар омма билан қанчалик алоқада эканлигини ва уларнинг қизиқишлари, манфаатларини қанчалик билишларини кўрсатиш имконини беради. Шундай қилиб, жамоатчилик фикрини ўрганиш муайян маъмурий-ҳудудий даражада аниқ муаммоларни ҳал этишда стихиялилик ва субъективизмни енгиб ўтишга кўмаклашадиган муҳим воситага айланади.

Ўзбекистоннинг мустақил, демократик ривожланишининг ҳозирги шароитларида жамият ва давлат қурилишида жамоатчилик фикрининг роли доимий равишда ошиб боради, фуқароларнинг давлат ишларидаги иштироки кўламлари ва шакллари кенгаяди. Халқнинг маълумоти, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти умумий даражаси ўсиши билан, оммавий ахборот воситалари ривожланиши ва такомиллашиши билан фуқароларнинг хабардорлиги кескин ошади. Бу аҳолига иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча воқеалари тўғрисида мустақил ҳукм чиқариш имкониятини беради.

Жамоатчилик ф.икри ваколатлилиги - жамиятда демократ..нинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У фуқароларнинг фактлар ва ҳодисаларга сиёсий жиҳатдан тўғри баҳо бериш, уларнинг социал оқибатларини кўра билиш қобилиятини англатади. Бу кўп жиҳатдан аҳоли тўлиқ ва холис ахборотга қанчалик эга эканлигига боғлиқ бўлади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади, шу сабабли назарий-методологик нуқтаи назардан ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган жамоатчилик фикрининг ўзини аниқ мақ-

садни кўзлаб шакллантириш муаммосини жуда муҳим деб ҳисоблаш зарур.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг йўналишини ва ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий жамоаларнинг ижтимоий онгида акс этиши даражасини очиб берувчи назарий тадқиқотларга зарурият сезилмоқда. Шу билан бирга улар амалий йўналишга эга бўлиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни жамоатчилик фикрида аниқроқ, муқобил акс эттириш мақсадига эга бўлиши лозим.

Шунингдек, кишиларнинг савияси ва турмуш тарзи, миллий ўзликни англаши, психологияси, анъаналари, маданияти, ижтимоий эҳтиёжлар ривожланганлиги билан боғлиқ жамоатчилик фикри шаклланишининг маънавий-ахлоқий шарт-шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шундай қилиб, жамоатчилик фикрининг назарий муаммоларини ишлаб чиқиш реал ҳаётга теранроқ кириб боришни, унинг муаммолари ва зиддиятларини аниқлашни талаб этади.

## 2. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг замонавий методологик базаси

«Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик кўп жиҳатдан жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ эканлиги» Ўзбекистонда амалга ошириладиган социологик тадқиқотларнинг асосида турадиган фундаментал қоида ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистон мавжуд бўлиши ва ривожланишининг тарихан янги сифати - миллий мустақиллик ғояси, юксак маънавият ва маърифатпарварлик, демократия ва фуқаролик жамияти мустаҳкамланишининг ўзидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг беш тамойилига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ўзбек модели, мустақиллик йилларида тўпланган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тажрибани ўзига сингдирган, ўзбек халқининг бой қадимий тарихи ва маданиятига, унинг анъаналарига, менталитетига, умуминсоний қадриятларга таянади.

Ўзбекистон жамиятшунослик фанида қийин ва мураккаб изланиш бормоқда. Жамиятшунослик фани бугунги кунда юз бераётган тарихий жараёнларни, ўтиш даври шароитларида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш назарияси ва методологиясини ту-



TATU KUTUBXONASI
365220-SONLI

шунтириб бериш ва талқин қилишда ўз ўрнини топишга интилмоқда.

Назарий билимларни аниқлаш бўйича, яъни янги фундаментал билимларни «ишлаб чиқиш»га ёки пайдо қилишга йўналтирилган методларнинг яхлит тизими фанда умумий эътироф этилган тушунчага кўра методологик асосларни ифода этади. Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби айнан мана шундай илмий йўналишга эгадир. Ушбу асар ҳаётнинг барча жиҳатларида янгиланишнинг бурилиш босқичида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши стратегиясининг базис муаммоларини очиб бериб, бутун Ватан жамиятшунослигига, шу жумладан, социологияга аниқ мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатувчи методологик салоҳиятга эгадир.

Методологик ёндашувларнинг тушунчали қаторида тизим ҳосил қилувчи мезонларни - Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ажратиб кўрсатиш зарур. Давлат - хавфсизлик, барқарорлик ва барқарор ривожланиш стратегик формуласи Ўзбекистон социология фани ва амалий социологиясининг вазифаларини бевосита тақозо этади. Уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз:

Биринчи - бозор механизмлари ишга туширилган ва демократик ислоҳотлар амалга оширилаётган ўтиш даврида жамоатчилик фикри ҳолатини ўрганиш, аниқ социологик тадқиқотлар орқали шахс, жамият ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги аксинча алоқанинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва бу билан демократик ва фуқаролар мулоқотига кўмаклашиш талаб этилади.

Иккинчи - барқарорлик ва барқарор ривожланиш учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-демографик гуруҳларнинг объектив социологик «қиёфаси»ни ишлаб чиқиш муҳимдир. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири ўзининг мстақил қийматига эга, бироқ ижтимоий янгиликлар ва мослашиш сингари омиллар орқали ёшлар, аёллар, тадбиркорлар социологияси муаммоларига эътиборни жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи - маънавий-маданий соҳа. Эътиқод ушбу китобда қонуний равишда шахснинг салоҳияти эркин қўйиб юборилиши асосида мамлакатимизда шаклланаётган янги демократик, фуқаролик жамиятининг тизимли тавсифи сифатида қаралади. Бинобарин, социология жамиятда фуқаролик ва ватанпарварварлик, миллий ўзликни англаш, мафкура, демократиялаштириш маданияти каби омилларни

мавзули ўрганиш назарияси ва технологиясини ишлаб чиқиши зарур.

Тўртинчи - социологлар тараққиёт шарт-шароитлари ва кафолатларидан келиб чиқадиган ижтимоий ривожланишнинг ижобий тенденцияларини аниқлаб, аниқ социологик тадқиқотлар, бевосита кузатиш, социостатистик методлар, оммавий ахборот воситаларида контент-таҳлил материалларини эълон қилиш орқали ва юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг социологик хизматлари ва муассасалаари амалиётида умумий эътироф этилган бошқа йўллар билан Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим миллий манфаатларига таҳдидлар, хавфларни аниқлашнинг «нозик» методикасини ишлаб чиқишга даъват этилгандир.

Бешинчи - мустақиллик ва маънавий янгиланиш шароитларида шахс, жамият ва давлат ривожланишининг вазиятини социологик ўрганиш моҳиятига кўра бўлинмас, ўзаро алоқадор жараён ҳисобланади. Бундай тадқиқот олимларни Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграцияси келтириб чиқарган модернизациялаш ва мослаштириш сингари тенденциялар ва қонуниятларга нисбатан йирик умумлашмаларга олиб келиши керак.

Олтинчи - барқарорлик ва тараққиёт кафолатлари шартларидан бири сифатида демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асослари шакллантирилиши халқнинг демократик ташкилоти, институционал тузилма сифатида маҳалланинг ижтимоий салоҳиятини ўрганишни фаоллаштиради.

Бундан ташқари, эмпирик социология реал мавжуддир ва у жамоатчилик фикрини ўрганиш билан боғлиқ. Социологиянинг ушбу йўналиши Ўзбекистонда эндигина пайдо бўлмоқда ва республикада социология фанининг ролини кучайтиришда, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда авж олдириб юборилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистон социология фани олдига иқтисодиёт, жамият ва давлат билан муносабатларнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятини қўйди. Бошқача сўзлар билан айтганда, унга мавжуд бўлиш ва ривожланишнинг янги парадигмаси зарур.

Республиканинг мустақиллик йилларидаги тажрибаси жамият барча аъзоларининг талабларини турлича етарлиликда қондирадиган моддийлик ва идеаллик нисбатини аниқлашни талаб этадиган жамиятдаги ички қарама-қаршиликларни ҳал этишга интеграл ёндашув зарурлиги ҳақидаги ғояни тасдиқлайди.

Ушбу ҳолат жамият турли қатламларининг мувозанати сақланиб қолишида муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у жамиятнинг барқарорлигини, маънавий оламни ва ҳар бир кишининг қадр-қимматини таъминлайди. Ўзбекистонда ушбу мувозанат айнан қўллаб-қувватланганлиги туфайли ривожланишнинг янги босқичига ўтиш ижтимоий ларзаларсиз юз бермоқда. Устуворликлар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, фақат мувозанатли ва уйғун нисбат принципи ўзгаришсиз қолади.

Маънавий қадриятларни тиклаш, давлат тизимини ислоҳ қилиш, демократик институтлар барпо этиш, бозор муносабатларини шакллантириш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш мустақил Ўзбекистон ривожланишининг бош йўналишлари ҳисобланади.

Инсоннинг, оиланинг манфатларини таъминлаш, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, молиявий сиёсат, иқтисодиётнинг кучли қонунчилик асосини шакллантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, айниқса аграр сектордаги қайта ўзгартиришлар, инсон салоҳиятининг ролини ошириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция масалалари ижтимоий-иқтисодий муаммолар орасида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маънавият ва маърифат муаммоси социологик устуворликлар орсида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан ижтимоий ривожланишнинг асосий қонуни ҳисобланган авлодларнинг ахлоқий меросхўрлиги жамият барча аъзоларининг (ўқитувчи ва ўқувчи, ота-оналар ва болалар, эр ва хотин, маҳалладги қўшнилар ва бошқалар) маънавий мулоқотига эҳтиёж сезишини таъкидлашни лозим топамиз. Ўзбеклар учун анънавий равишда катталарга, ота-онага, анъаналарга, аждодларга ҳурмат бажо келтириш хосдир, шу сабабли бизнинг миллий ўзига хослигимиз сақланиб қолган.

Янги ижтимоий тизимга ўтиш фан учун изсиз кетмайди. Ўзбекистондаги социология фани ҳам бундан мустасно эмас. Ҳақиқатни излаш мураккаб ва кўп жиҳатдан қийин кечмоқда ва унинг кўплаб бирламчи назарий қоидалари ижтимоий муносабатларнинг янги тизимида яна шубҳа остига олинмоқда. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга татбиқан доимий равишда олиб бориладиган теран социологик тадқиқотларга эҳтиёж кучаймоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг бой тарихий тажрибаси ва меросини ҳисобга олиб ҳамда бугунги кунда жаҳон социология фани

тўплаган энг яхши ютуқлардан фойдаланиб, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янги назарий асосларини ишлаб чиқишдек жуда масъулиятли вазифа турибди.

Бу жиҳатдан илмий изланишларни қуйидаги йўналишларга жамлаш мақсадга мувофиқдек туюлади:

мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларида инсоннинг хулқ-атворини ва жамият менталитетини чуқур тадқиқ этиш;

ахборот танлашнинг назарий асослари ва мезонларини ишлаб чиқиш, унинг устуворликларини аниқлаш;

пайдо бўлаётган янги муаммолар ва ижтимоий ҳодисаларнинг илмий изланишларини олиб бориш;

узоқ муддатли ижтимоий ривожланиш соҳасида тизимли социологик тадқиқотлар олиб бориш.

## 3. Жамоатчилик фикри Ўзбекистон мустақиллигининг миллий мафкурасини ифодаловчи сифатида

Мустақиллик қўлга киритилган йилларда мамлакатимиз ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошди, ижтимоий ривожланишни демократлаштириш жараёнлари бошланди, кўп укладли ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт шакллантирилди, тадбиркорлик эркинлиги учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди, иқтисодиёт эркинлаштирилди ва бозор инфратузилмаси шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолият эркинлаштирилди, аҳоли кенг қатламларининг ишончли ижтимоий кафолати таъминланди, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тикланиши бошланди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон жамияти тарихий ривожланишнинг ўз йўлини - мустақиллик ва жамият асосларини эркинлаштириш йўлини танлаганлигидан далолат беради. Бу жиҳатдан жуда кўп нарса мамлакат бутун халқининг жипслиги ва бирдамлигига, тараққиёт учун, ўз фарзандлари ва ўз мамлакатининг келажаги учун ислоҳотларни давом эттиришдаги қатъиятига боғлиқдир. Ўзбек халқи мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган миллий мустақиллик мафкураси ғояси атрофида жипслашиши керак. Мафкура ва унинг асосий йўналишлари жамиятимизнинг олға қараб ривожланишида йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиладиган йўналишлар бўлиши керак. Буни жаҳон цивилизацияси тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон бугунги кунда ўзида янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар туғилиб келаётган янги сиёсий қурилишли давлатни ифодалайди. Давлатнинг ўз фуқароларига бўлган муносабатининг ўзгариш жараёнлари юз бермоқда, бу эса ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг давлатга, ўз юртига бўлган муносабатини ўзгартиришини талаб этади. Шу муносабат билан муайян тенденция кўзга ташланмоқда: мамлакат аҳолисининг кўпчилиги Ўзбекистонни нафақат яшаш жойи сифатида билибгина колмай, балки ўзини бой, озод ва айни вактда жаҳон мамлакатлари эътиборини қозонган буюк давлатнинг фуқароси сифатида ҳис этишга эҳтиёж сезмоқда. Бу аслида «янги ватанпарварлик»нинг намойиш бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳаётидаги фаол ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотларида устувор ўринда туради. Марказ жамоатчилик фикрини олинган маълумотларни самаралироқ прогнозлаштириш ва ижтимоий жараёнларни бошқаришни мақбуллаштиришда фойдаланиш мақсадида ўрганади, одамлар дунёқараши шаклланишининг, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий онгининг ҳолати ва мазмунининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг методологик асослари соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни уюштиради.

Миллий мафкура концепцияси тақозо этаётган талаблардан келиб чиқиб, «Ижтимоий фикр» маркази миллий ўзликни англаш, умуминсоний ва миллий қадриятлар, аҳолининг ижтимоий-демографик ва этник гуруҳлари ўзига хосликларини, шунингдек, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шахснинг фуқаро сифатида ҳаётда тутган йўлини ўрганиш каби муҳим жиҳатлар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Фаол меҳнат ёшидаги ёшларнинг ҳаётий йўналишлари ёппасига ўрганилмоқда. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари миллий мафкура концепцияси шаклланишига ва унинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашади.

Миллий мафкура концепцияси энг аввало бизнинг умумий уйимиз бўлган мустақил Ўзбекистондаги охирги йилларда бизнинг катта ютуғимиз ҳисобланган тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликка асосланади. Ушбу қадриятларни ва уларнинг қиёслаб бўлмайдиган аҳамиятини тушуниш Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи онгида кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Сўров натижалари мана шундан далолат беради. Тинчлик ва ҳотиржамлик энг устувор долзарб қадриятлардан бири сифатида қайд этилди. Агар илгари, 1999 йил февраль воқеаларига қадар фуқаролар инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодиётнинг нормал фаолият кўрсатиши ва ижтимоий муҳофаза мустаҳкамланишини нормаллаштириш бош вазифа деб ҳисоблаган бўлсалар, охирги сўров Ўзбекистон фуқароларининг кўпчилиги мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ва тартибни таъминлаш давлатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашини кўрсатди. Кўпчилик респондентларнинг фикрига кўра (66,6%), ушбу вазифани республика раҳбарияти тўла муваффақият билан уддаламоқда, чунки давлатимизнинг ҳозирги ҳолатида айнан ушбу хусусиятнинг мавжудлиги кўпчилик фуқаролар томонидан кўпроқ қадрланади. Сўраб чиқилганларнинг мутлақ кўпчилиги (97,5%) буни мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг хизматлари деб ҳисоблайди.

Ҳозирги даврда ижтимоий яхлитлик сифатида бутун Ўзбекистон аҳолисининг ривожланган миллий ўзликни англаши шаклланиши юз бермоқда. Бу жараён Ўзбекистондаги барча этник гуруҳларининг нуқтаи назари бир бутун бўлиб жипслашувини ифодалайди. И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек - миллий мафкуранинг муҳим жиҳати шундаки, «у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериши учун хизмат килиши керак»[1].

Умумийликнинг барқарор туйғу эканлиги тўғрисида сўз борар экан, сўров натижалари «Ўз миллатингизга мансублилик ҳисси нимада ифодаланади?» деган муҳим саволга - ҳар икки респондентдан бири (56,3%) - «ўзим ва аждодларим туғилиб ўсган Ерга муҳаббат», 41,4 фоизи - «ўз миллатимга мансублик ҳисси ва улар билан маънавий бирлигим» деб қайд этганлигини кўрсатди.

Кўпроқ мамлакат фуқароларига хос бўлган ҳам ижобий, ҳам салбий сифатларни акс эттирувчи сўров натижалари эътиборга лойиқдир. Ижобий сифатлар орасида анъаналарга амал қилиш, халқ маданияти ва тарихига эҳтиром билан муносабатда бўлиш (38,8%); эзгулик, муҳаббат, оила, фарзандлар ҳақида қайғуриш (31,3%); меҳнатсеварлик (21,8%); катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш, ўзаро

1. И.А. Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз, 8-том. 466-бет.

тушуниш (19,8%); виждонлилик, поклик (10,1%) кабилар ажралиб туради.

Шу билан бирга, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий ўзликни англаш янада қатъийлашиши, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар ва элатларнинг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини ривожлантириш юзасидан давлат томонидан қўйилган муҳим вазифаларни ҳал этиш, бу соҳада яратилган имкониятлар ва шарт-шароитларни кенгайтириш йўлида бир қатор тўсиқлар мавжуд. Уларга ижтимоий тузилманинг эскирган унсурлари, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг асосини ташкил этувчи табақалар, тоифалар кўринишида ҳаётни ташкил этиш шакллари тааллуқлидир. Жумладан, сўраб чиқилганларнинг кўпчилик қисми (41,2%) у ёки бу табақа ёки уруғга мансублик ўзи учун аҳамиятли эканлигини тан олди. Гендер бўлиниш 43,8 фоиз аёлларга бундай нуқтаи-назар эркакларга қараганда (38,5%) катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Тил Ўзбекистон халқларининг миллий ўзликни англаши ривожланишида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан сўров натижаларига кўра 65,4 фоиздан 71,3 фоизгача бўлган респондент учун мамлакатга ном берган миллат тили ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу муносабат билан давлат тилининг (ўзбек тилининг) янада ривожланишига йўналтирилган чора-тадбирларнинг аҳоли томонидан тегишли жамоатчилик фикри сўрови натижалари ҳам қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, респондентларнинг аксарияти (80,5%), умуман олганда давлат тилини ривожлантиришга доир жараёнларни ва давлатнинг чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Боз устига респондентлар ўз нуқтаи назарини бирмунча аниқлаштиради: сўраб чиқилганларнинг 58,1 фоизи ўзбек тилини ҳали билмайдиганлар учун ўзбек тилини ўрганиш учун шароит ва имкониятларни яхшилиш, ўзбеклар орасида ва мамлакатда яшовчи бошқа халқлар орасида ўзбек адабий тилини янада ёйиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак деб ҳисоблайди.

Мамлакат ҳар бир фуқароси ўзини Ўзбекистон халқининг бир қисми сифатида ҳис этиши ва тушуниши миллий ўзликни англаш ҳисси шаклланишида андаза бўлиши керак. Ўз халқидан, унинг тарихи ва маданиятидан фахрланиш, мамлакат келажагига ишониш миллий мустақиллик мафкурасига асос бўлиши керак.

Миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, жамиятнинг жипслашуви миллий мафкура концепциясининг муҳим жиҳати ҳисобла-

нади. Жамоатчилик фикрига кўра мамлакатнинг фуқароси эканлик мана шундай жиҳат сифатида эътироф этилган. Сўраб чиқилганларнинг кўпчилиги (65%) ўзини биринчи навбатда мамлакат фуқароси - ўзбекистонлик деб ҳис этади. Қишлоқ аҳолиси (68,8%) шаҳарликларга қараганда (61%) ўзларини биринчи навбатда мамлакат фуқароси деб ҳисоблайди. Мазкур маълумотлар мамлакатда истиқомат қилаётган барча этник гуруҳ вакилларини ўз ичига оладиган «ўзбекистонликлар» интегратив миллий умумийлиги шаклланиш жараёни юз бераётганлигини қайд этиш имконини беради.

Миллий мафкура консепцияси ҳар бир ватандошимизда Ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг бир кўриниши давлатчилик, мадҳия, герб, байроқ сингари муқаддас рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтирилган қоидаларни ҳам ўз ичига олади. Сўров натижалари шуни кўрсатдики: «Ўзбекистон байроғини кўрганингизда ва мадҳиясини тинглаганингизда сиз нимани ҳис этасиз?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг мутлақ кўпчилиги (74,2%) ўз юрти ва халқи билан фахрланиш туйғуларини ҳис этишини таъкидлади. Чуқур ватанпарварлик ҳисси яна шу билан таъкидланадики, сўраб чиқилганларнинг 78,4 фоизи Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблайди ва деярли респондентларнинг 90 фоизи «Ўзбекистондан яхши юрт жаҳонда йўқ» деб таъкидлагани ҳолда бошқа мамлакатда яшашни хоҳламасликларини билдирди.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси характерининг асоси бўлиб қоладиган умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда ўзида миллий анъаналарни мужассамлаштирган шахсни шакллантириш миллий ғоя, миллий мафкуранинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Миллий ғоя икки асосий талабга таяниши лозим: асрий анъаналар, халқнинг урф-одатлари, унинг тили, дини, маънавияти, миллий қадриятлари, халқнинг дунёқараши ва тафаккури, замонавий умуминсоний қадриятлар ва ютуқлар.

Жамоатчилик фикри сўров натижалари оила, унинг фаровонлиги, болалар ҳақида ғамхўрлик килиш ва фарзандлар тарбияси жамиятда, Ўзбекистонда одамларнинг уларни ижтимоий идеаллар билан боғлайдиган ҳаётга қарашини белгилаб берадиган умунисоний қадриятлар иерархиясида устун ўринда турадиган қадрият ҳисобланади. Оилани ҳаётнинг маъноси (59,2%), қариндош ва яқин одамларнинг жам бўлиши (21,1%) сифатида таърифлаш респондентлар томонидан оила тушунчаси шакллантирилишидаги асосий белгилардир. Бундан ташқари, сўраб чиқилганларнинг мутлақ кўпчилиги (92%) ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қилолмайди. Бинобарин, оила ўзбек халқининг олий

ва умуминсоний қадриятларидан бири сифатида таърифланиши мумкин. Оила жамиятнинг бир қисми, унинг асосий ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади. Демак, жамиятимизнинг миллий мафкураси концепциясида оила, унинг жисмоний ва маънавий ҳолати, моддий фаровонлиги ҳақидаги қоида ҳақли равишда муҳим ўрин тутади.

Миллий мафкура чуқур тарихий илдизларга таянади, халқ ўзининг кўп йиллик тарихида ишлаб чиққан энг яхши ва ҳаётбахш анъаналар, урф-одатлар, маънавий ва маданий меросни сингдиради.

Жамиятимизда чуқур фалсафий, эволюцион деб таърифлаш мумкин бўлган меҳнатга ўзгача муносабатда бўлиш юзага келган. Тадқиқот натижаларига кўра, сўраб чиқилганларнинг аксарияти (46,7%) меҳнатга бўлган муносабатини қуйидагича таърифлайди: «меҳнат - бу ҳаётнинг бош белгиси, инсон меҳнат қилар экан - у тирикдир, у инсондир» ҳамда «инсонларга фойдаси тегиш, уларга фойда, хурсандчилик келтириш, уларнинг ҳаётини енгиллаштириш». Бу кўрсаткич ўзбекистонликларнинг ахлоқий тавсифлар тизимида меҳнат устувор ўринда туришидан далолат беради.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Ўзбекистонда шўролар давригача бўлган ўтмишда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллий бошқарув органи - халқнинг анъаналари ва урф-одатларининг соҳиби ва сақлаб келувчиси бўлган маҳалла тикланмоқда. Миллий мафкура концепциясида ижтимоий-маданий организм сифатида маҳалла тўплаган бошқарувнинг энг яхши анъаналари, барча ижобий тажрибаси ҳисобга олинган. Буларнинг барчасининг зарурлигини сўров натижалари таҳлили тасдиқлайди. Мамлакатимизнинг кўпчилик фуқароларнинг ҳаётида маҳалла катта роль ўйнайди. Буни респондентларнинг 64,7 фоизи эътироф этган. Сўраб чиқилганларнинг аксарияти (89,3%), маҳалла қабул қилган урф-одатларга аосан амал қилади.

Миллий мафкура концепциясининг асосий қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш жамиятимиз тарихда ўхшаши бўлмаган мураккаб даврни бошдан кечираётган бир даврга тўғри келмоқда. Нафақат иқтисодий ҳаётда, балки онгу тафаккуримизда ҳам чуқур янгиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Шунга қарамасдан, бизнинг жамиятимиз Ўзбекистон жамиятининг ахлоқий соғломлигининг муҳим мезони ҳисобланувчи тарихий ва ижтимоий ҳаётсевар бой захирага эга. Буни, шу жумладан, сўров натижалари ҳам кўрсатади. Мамлакат фуқароларининг аксарияти (95,2%) ҳаётда ўз мақсадига эга. Бу «оила фаровонлиги ва соғломлиги, фарзандлар тарбиялаш» (56,3%), «Ва-

тан, жамият ва тинчлик учун меҳнат қилиш» (13,3%) ва улар бунга эришишига ишонадилар.

Ёшларнинг энг муҳим муаммоларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ёшлар ниҳоятда муҳим вазифани бажараётганини ҳисобга олиш лозим. Улар ривожланишнинг олдинги босқичларида жамият томонидан ишлаб чиқилган моддий ва маънавий қадриятларнинг субъекти - вориси бўлиб хизмат қилади. Айнан ёшлар орқали авлод узвийлиги, ҳар бир муайян жамият, инсоният тарихининг ривожланиши айнан ёшлар орқали амалга оширилади. Тарихий ривожланишнинг йўналтирилганлиги ва суръати, унинг изчиллиги ёшлар қандай идеалларни, ахлоқ нормалари, иқтисодий укладларни, сиёсат ва демократия тамойилларини қабул қилишига ва қайси бирларини инкор қилишига боғлиқдир.

Илгариги ғоявий йўналишлар ва сиёсий тамойиллардан кескин воз кечиш жамиятдаги ғоявий бўшлиқ билан қўшилган ҳолда ёшларни адашишга, маънавиятсизликка, ахлоқий қадриятларнинг пасайишига ва жиноятчиликнинг ошишига олиб келади. Бизнинг мамлакатимиз учун ушбу муаммони ҳал қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб Президент И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлади: «тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун бегона ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор»[1].

Ёшлар жамиятимизнинг мамлакатдаги барча ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ўзгаришларга тезда муносабат билдирадиган, жамиятнинг тоталитар ўтмишнинг эскича қарашлари ва андазалари босим ўтказмайдиган энг илғор қисми ҳисобланади. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар буни яққол тасдиқлайди. Сўров натижалари Ўзбекистон ёшларига юксак ватанпарварлик туйғуси хос эканлигини, уларда миллий ўзликни англаш, етарлича ривожланганлигини, улар Ватанга фидокорона хизмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон XXI асрга ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлган ҳолда қадам қўйди. Олдинда уни аниқ дастурлар билан бойитиш, амалий ҳаракатларнинг ҳақиқий мазмуни билан тўлдириш турибди.

---

1 И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз, 8-том 65-466-бетлар.

Ўзида барча инсоний оқилликни, барча кўп асрлик тажрибани, халқимизнинг ва энг ривожланган мамлакатларнинг барча ижобий ютуқларини ўзига сингдирадиган миллий мафкура концепцияси барча мўлжалланган ишларнинг аниқ воситалари бўлиб хизмат қилиши керак. Кўп нарса, жуда кўп нарса мамлакат бутун халқининг жипслиги ва бирдамлигига, тараққиёт учун, ўз фарзандлари ва ўз мамлакатининг келажаги учун ислоҳотларни давом эттиришга бўлган қатъиятига боғлиқ. Айнан шу сабабли давлатимиз инсоннинг камол топиш учун ҳеч нарсани аямаяпти. Фақатгина шу орқали ҳақиқий равнақ топиш, чинакам мустақиллик ва барқарор ютуқлар таъминланиши мумкин.

Шундай қилиб, республикада олиб борилаётган социологик тадқиқотлар ҳамда жамоатчилик фикри сўровлари жамият бошқариш самарадорлигини ошириш манфаатлари йўлида ижтимоий стратегиянинг тизим ҳосил қилувчи манбалари функциясини бажаради. Тадқиқот натижалари ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида ижтимоий ривожланишга яхлит ҳодиса сифатида интегратив ёндашиш маданияти шаклланиши тенденциясини ёрқин намойиш қилади, миллий мафкура концепциясини илмий асосланган ва амалий тарзда шакллантиришга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашади.

### 4. Кўп миллатли муҳитда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг хусусиятлари

Анъанавий равишда жамоатчилик фикри оммавий онгнинг ўзига хос намоён бўлиши ва мавжуд бўлиши усулларидан бири сифатида қаралади. Жамоатчилик фикрида ижтимоий гуруҳларнинг реал воқелик муаммолари, воқеалари, фактлари, ҳодисалари, жараёнларига муносабатини акс эттирадиган баҳоловчи мулоҳазалари (вербал ва новербал) ифодаланади. Воқеликнинг мазкур феноменлари ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатларига қанчалик кўп даражада дахл қилса, қоидага кўра, жамоатчилик фикри шунчалик аниқроқ шаклда ифодаланади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг алоҳида, мустақил шакли, тури ёки типи сифатида ажратиб кўрсатилиши мумкин эмас, чунки у қандайдир турғун, бир маъноли эмас. Бу муайян вақтда муайян ижтимоий гуруҳнинг (ёки умуман жамиятнинг) муайян ҳолатини ўзида ифодалайдиган динамик тавсифдир. Жамоатчилик фик-

рини ўрганишда тушунчанинг ўзини аниқлашга турлича ёндашувлар мавжуд эканлигини назарда тутиш лозим. Улардан ҳеч бўлмаганда иккита асосий ёндашувни қайд этиш зарур. Булар:

жамоатчилик фикри умуман жамиятдаги асосий фикр (етакчи, устунлик қилувчи, энг оммавий) сифатида;

муайян ижтимоий гуруҳ (демографик, этник, профессионал ва ҳоказо) ёқлайдиган жамоатчилик фикри.

Биринчи ҳолатда жамоатчилик фикри фикрлар консенсуси сифатида амал қилади ва биз «жамоатчилик фикри» ва «жамият фикри» тушунчаларининг бирлиги ҳақида сўз юритишимиз мумкин бўлади. Иккинчи ҳолатда эса априорлар ҳар қандай социоақлда жамоатчилик фикрлари кўп эканлигини назарда тутади. Бунда мазкур социоақлнинг ижтимоий тузилмаси қанчалик мураккаб бўлса, унинг ижтимоий табақалашуви даражаси юқори бўлса, ушбу фикрлар шунчалик кўп бўлади.

Жамоатчилик фикрининг субъекти умуман олганда халқ ҳисобланади, бироқ халқ қандайдир монолит бўлмайди, балки ўзида мураккаб ички тузилмага эга бўлган тизимни ифодалайди. Конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан фуқароларнинг ёши, жинсий, миллий, ирқий, тил, диний ва бошқа фарқларидан қатъи назар, уларнинг барчаси халқни ташкил этади. Бироқ социолог учун ушбу тафовутлар сўзсиз муҳимдир, чунки ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг жамоатчилик фикри ўзига хослиги айнан улар орқали ифодаланади. Анъанавий (трайбалистик, патриархал-уруғчилик) жамиятда жамоатчилик фикри устун даражада ишонч ва обрўга асосланган бевосита шахслараро алоқалар натижасида шаклланади. Уруғ-қабила етакчилари қарорларни тор доирада ҳамда анъаналар, урф-одатлар ва одатдаги ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилади. Фавқулодда ҳолларда у бутун жамоанинг фикрига қулоқ солади.

Жамият социал тузилмасининг мураккаблашиши аҳоли сони ўсиши билан биргаликда турли социал гуруҳлар жамоатчилик фикри тобора кўпроқ табақалашуви жараёнида таянч нуқталар бўлди. Масалан, кўп миллатли (полиэтник), яъни таркибида кўплаб миллатлар, қабилалар, этник, ирқий, тил, этноконфессионал гуруҳлар бўлиши мумкин бўлган аҳолининг мураккаб миллий (этник) тузилмасига эга бўлган жамиятларнинг пайдо бўлиши жамоатчилик фикрининг ўзининг ички тузилмаси мураккаблигини тақозо этади.

Абсолют, шунингдек авторитар, тоталитар ва исталган нодемократик режимлар шароитида жамоатчилик фикри ҳеч бўлмаганда давлатнинг ичида ҳеч қандай муҳим роль ўйнамайди. Унга ҳавола қили-

надиган бўлса, бу шунчаки номигагина ёки демагогик мақсадларда амалга оширилади. Очиқдан очиқ зўравонлик ва аниқ кўриниб турган демагогия жамоатчилик фикри билан ҳийла-найранг қилишнинг асосий элементлари ҳисобланади. Бунда гарчи тарихда жуда қаттиқ сиёсий режимларда (фашистлар Германияси ва бошқалар) демагогиянинг ҳаддан ташқари ривожланганлиги маълум бўлса ҳам қаттиқроқ режимлар биринчисини, анча мослашувчанлари иккинчисини маъқул кўради.

Нодемокртаик жамиятларда миллий, ирқий, тил, диний жиҳатдан камчиликни ташкил этадиган аҳоли нодемократик жамиятларда аҳолининг энг кўп камситиладиган қатламларидан бирини ташкил этишини қайд этиш лозим. Боз устига, аҳоли айрим гуруҳларининг камситилиши ва таҳқирланиши у ёки бу режим сиёсатининг асосини ташкил этиши мумкин (масалан, ЖАРда «рангли» аҳолига нисбатан апартеид, гитлерчилар Германиясида яҳудийларга қарши сиёсат, ер юзининг у ёки бу минтақасида вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган «этник тозалаш» ва бошқалар). Албатта, бундай шароитларда озчиликнинг фикрини ҳисобга олиш ҳақида сўз ҳам бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бироқ, нодемократик режим кўпчиликнинг фикрини ҳам эътиборга олмайди: бу фикр ўрганилмайди, балки «яратилади». Фақат демократия жамоатчилик фикри ролининг ўсишини таъминлайди. Бу қуйидаги омилларга боғлиқдир:

аҳоли (ёки ижтимоий гуруҳ) бевосита (сайловлар, лоббилаштириш ва ҳоказолар) ёки билвосита (митинглар, намойишлар, пикетлар ва ҳоказолар) усуллар билан ўз фикрини ифодалашнинг реал имкониятига эга бўлади;

замонавий демократик жамиятни жамоатчилик фикри шаклланиши жараёнида аҳамияти бебаҳо бўлган етарли даражада ривожланган оммавий ахборот коммуникациялари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди;

демократик жамиятда фақат жамоатчилик фикрининг маъқуллаши билан у ёки бу сиёсий йўлни изчил ва самарали амалга ошириш мумкин.

Жамоатчилик фикри алоҳида индивидлар (ёки ҳатто гуруҳлар) фикрининг оддий механик жами ҳисобланмайди, балки ўзида ушбу фикрларнинг ўзаро муносабати, ўзаро бир-бирини бойитиши, узвий қўшилиши маҳсулидир.

Жамоатчилик фикри рационал-ҳиссий-иродавий яхлитликдир. Ушбу яхлитликнинг намоён бўлиши устун даражада маънавий (мафкуравий), ёхуд маънавий-амалий, ёхуд устун даражада амалий хусу-

сиятга эга бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда жамоатчилик фикри намоён бўлиши ҳиссий-баҳо бериш ҳукми сифатида, иккинчи ҳолатда ирода намоён бўлиши кўринишида, учинчи ҳолатда эса - амалий хатти-ҳаракатлар тарзида ифодаланади.

Социологик тафаккур тарихида турли даврларда ҳам жамоатчилик фикри шаклланиши ва мавжуд бўлиши, ҳам ундан фойдаланиш ва уни ўрганиш жараёнларида у ёки бу нуқтаи назарлар устунлик қилди. Жумладан, XIX-XX асрлар чегарасида таниқли француз социологи Г.Лебон жамиятни «оломоннинг маънавий бирлиги» бошқаради деб ҳисоблаган. Жамоатчилик фикри, Г.Лебоннинг фикрича, фаол озчилик томонидан ўз фикрини қайд этиш, такрорлаш, маънавий экспансия қилиш йўли билан муайян ғояларни пассив кўпчиликка мажбур қилиш йўли билан шаклланади.

Бошқа бир француз социологи Г.Тард ҳам ана шундай қарашларни ёқлар эди. Г.Лебон ва Г.Тард социологиянинг (ўша пайтларда пайдо бўлган социал психологиянинг ҳам) асосий вазифаларидан бирини оммага «юқиб», уни бошқариладиган халқдан бошқарилмайдиган оломонга айлантирадиган турткилар пайдо бўлишини ўрганиш ва уларнинг моҳиятини очиб беришда кўрдилар. Бу, айниқса, кўп миллатли жамият шароитларида жуда муҳимдир, чунки миллий (этник) туйғуларнинг ҳиссий салоҳияти жуда юқоридир. Ж.Тошенко қайд этганидек: «замонавий дунёнинг моддий базаси нафақат этно-миллий омилнинг ўзининг аҳамияти ва таъсири роли доимий равишда катта куч билан ўсиб боришинигина эмас, балки муайян сиёсий кучларнинг ҳукмронлик қилиш даъволарига эришиш ва рўёбга чиқариш учун ундан тобора кўпроқ фойдаланишни намоён қилмоқда»[1].

Бундан ташқари, ушбу туйғулар муайян сафарбар қилувчилик қобилиятига ҳам эга. Аҳоли у ёки бу миллий (ирқий, этноконфессионал, тил ва ҳоказо) гуруҳларининг жамоатчилик фикрини инкор этиш жамиятни кескин ва сурункали низоли вазиятларга олиб келиши мумкин.

Жамоатчилик фикри шаклланиши ва мавжуд бўлиши механизми ва жараёнига эътиборсизлик ўзида демократиянинг (халқ ҳокимияти) охлократияга (оломон ҳокимияти) ўсиб чиқиши хавфини сақлайди. Шу сабабли жамоатчилик фикрини ўрганиш мазкур салбий ҳодисанинг олдини олишнинг назарий асосларини

---

1. Тошенко Ж. Этнократия: история и современность. М., 2003 й., 3-бет.

ишлаб чиқишни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билиши зарур.

Этник жамоалар (миллат, элат, миллий ва этник гуруҳлар) жамоатчилик фикрининг алоҳида субъектлари сифатида фавқулодда қизиқиш уйғотади. Бу этник жамоалар ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида этноцентризмнинг анча кенг ёйилганлиги туфайли, қоидага кўра, ўз аъзоларининг этник андазалари (ҳам автоандазалар, ҳам гитероандазалар сингари), этник кўрсатмалари, этнопсихологик устун қўйишларининг муайян тўпламига эга эканлиги билан изоҳланади.

Бироқ, шунга қарамай, кўп миллатли (полиэтник) жамиятда «ўзимиз (бизникилар) - ётлар (бизники эмаслар)» дилеммаси жуда оддий ва кўргазмали тасаввур қилиниши хато бўлган бўлур эди ҳамда бутун этник жамоанинг жамоатчилик фикри бирлигининг барқарор ҳолати тўғрисида хулоса чиқаришга эртадир. Ҳатто, агар айнан мазкур этник жамоа учун ҳаётий муҳим социал муаммолар тўғрисида сўз бораётган бўлса ҳам жамоатчилик фикри мураккаб (бир хил бўлмаган) тусда бўлиши мумкин. Бу қуйидаги принципиал жиҳатлар билан боғлиқдир:

1. <u>Этник ўзини ўзи идентификациялаш.</u> У ёки бу жамоага расман тегишлилик факти аҳамиятга эга бўлиши ёки аҳамиятга эга бўлмаслиги, нафақат жамиятнинг оддий аъзолари учун, балки бутун гуруҳлар учун катта ёки камроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўзликни англашнинг етакчи омили этник мансублик эмас, балки бошқача (конфессионал, ҳудудий, сиёсий, корпоратив ва ҳоказо) мансублик бўлиши мумкин.

2. <u>Этник ўзликни англашнинг намоён бўлиши шакллари.</u> У фаол (исталган социал масалаларни этник мансублик призмаси орқали кўриб чиқиш), камроқ фаол (фақат айрим масалаларни этник мансублик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш), пассив (этник мансублик кам аҳамиятли ва жуда оз аҳамиятли социал ва психологик омил сифатида) бўлиши мумкин.

3. <u>Этник мансублилик гуруҳли бирдамлик омили сифатида.</u> Бу юқорида айтиб ўтилган икки жиҳат билан боғлиқдир, чунки ўзини ўзи идентификациялаш даражаси, этник ўзликни англаш намоён бўлиши шакллари билан этник мансублик асосидаги гуруҳли бирдамлик ўртасида аниқ корреляция мавжуд. Бироқ бу ўринда номувофиқликнинг бир банди мавжуд: агар биринчи икки жиҳат нисбатан барқарор бўлса, учинчиси жуда динамик ва ташқи шароитлар таъсирига жуда берилувчандир. Масалан, этник жамоага реал хавф туғилган вазиятда

гарчи барқарор ва хавфсиз шароитларда ушбу белги этник жамоанинг бир қисми учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, у этник белгига кўра жуда тез сафарбарлик ҳолатига келиши мумкин.

4. Этник жамоанинг ички табақалашуви. Ҳар қандай этник жамоа - монолит эмас, балки тизимдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, этник жамоанинг ўзининг ички тузилмаси мураккаб хусусиятга эга. Ва мана шу ички табақалашув у ёки бу гуруҳларнинг ижтимоий фикрида ҳар хилликларни келтириб чиқаради.

Кўп миллатли социоақлнинг жамоатчилик фикрини ўрганишнинг аниқ методлари орасида квотали танлаш методига алоҳида ўрин тегишлидир. Бу бош жамликнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Қуйидагилар ушбу метод амалиётда қўлланилишининг типик хатолари ҳисобланади:

жамият миллий (этник) тузилмасининг барча элементларини қамраб олишга интилиш, яъни асосий, энг кўп сонли миллатлар, элатлар, миллий ва этник гуруҳларнинг вакиллигини эмас, балки уларнинг барчаси вакиллари танлаб олинишини таъминлаш. Агар сўз умуман социоақлнинг бутун жами ҳақида эмас, балки унинг бир қисми тўғрисида бораётган бўлса бу мумкин, яъни барча гап бош жамлик кўламида;

этник умумийликнинг ички табақалашувини ҳисобга олмаслик, танлашга ҳаддан ташқари расмий ёндашиш. Масалан, у ёки бу этник жамоа бош жамлаш таркибида устун даражада қишлоқ аҳолиси билан, танлаб жамлаш таркибида эса (фоиз нисбати бир хил бўлганда) асосан шаҳар аҳолиси билан ифодаланиши мумкин. Бир белгига эътибор бошқа қолган белгилар рад этилишига олиб келмаслиги зарур;

бош жамлашда тақсимлаш хусусиятига нотўғри баҳо бериш. Масалан, ҳар хил этник жамоалар, миграция ва ҳоказоларнинг табиий ўсишидаги тафовут ҳисобга олинмасдан миллий таркиб тўғрисидаги эскирган маълумотлардан фойдаланилиши мумкин.

Ушбу принципиал, методологик хатолардан ташқари, биринчидан, фақат бир белги асосида айрим субъектларнинг бошқа субъектлар билан алмаштирилиши билан боғлиқ бўлган тактик нуқсонлар ҳам бўлиши мумкин. Етмиш ёшли деҳқон бир миллатга мансуб бўлганликлари учун (майли улар ҳатто бобо ва набира бўлсин) йигирма ёшли талаба билан алмаштирилиши мумкин эмас. Бошқа бир тактик хато танлаб олинганнинг бир қисмида муайян тенденция устунлик қилиши асосида ушбу тенденция умуман бутун танлаб олинганларга татбиқ қилинган ҳолатларда-

ги танлашнинг ўзининг тўлиқ қамраб олинмаслиги билан боғлиқ. Ушбу мақсадлар учун танлашга тузатиш киритиш тартиб-қоидаси қўлланилади.

Шундай қилиб, кўп миллатли жамиятда миллий омилни, этник жамоаларнинг жамоатчилик фикрини ҳисобга олмасдан ҳал этиш мумкин бўлган бирорта ҳам социал масала амалда йўқ.

Ўзбекистоннинг полиэтниклиги теран тарихий илдизларга эга. У жуда қадим замонларда шаклланган, чунки мамлакат Марказий Осиёда қулай географик жойлашган ҳолда машҳур Буюк ипак йўлининг муҳим йўналишида эди. Бугунги Ўзбекистоннинг ҳудуди, энг аввало, унинг қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган воҳалари Шарқдан кўчиб келувчиларни ҳам, Ғарбдан кўчиб келувчиларни ҳам жалб этар эди.

Мамлакатнинг кўп миллатлилиги чор ва шўро мустамлакачилиги даврида анча кенгайди. Бу даврда славянларнинг оммавий миграцияси, бутун-бутун халқлар - месхети турклари, қрим татарлари, корейслар, немислар, Кавказ халқлари ва бошқа халқларнинг мажбурий кўчирилиши амалга оширилди.

Славянлар асосан шаҳарларда ўрнашиб қолдилар. Шаҳарларда аҳоли орасида уларнинг улуши жуда юқори. Шу сабабли жамоатчилик фикрини ўрганишда ҳисобга олиниши керак бўлган Ўзбекистоннинг этносоциал хусусиятларидан бири асосий кўпчилиги қишлоқларда яшайдиган туб жой аҳолининг паст урбанизацияси ҳисобланади. Мамлакат шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларида Ўзбекистондаги туб миллатга мансуб аҳолининг 20 фоизидан кўпроғи яшайди, қолган 80 фоизи қишлоқдадир.

Мамлакат аҳолисининг шўро даврида деформацияга учраган ижтимоий тузилмаси Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганишда ҳисобга олиш аҳамиятли бўлган яна бир муҳим социал жиҳат ҳисобланади. Деҳқонлар, фермерлар ўзбек жамиятининг асосий ижтимоий қатламлари ҳисобланади, туб миллатларга мансуб ишчиларнинг салмоғи жуда кам. Фақат мустақиллик қўлга киритилиши туфайли мамлакатда мулкдорлар, тадбиркорлар, банкирлар, диндорлар табақалари шакллана бошлади.

Ўзбекистон аҳолиси маълумотининг умумий даражаси етарлича юқори эканлигини таъкидлаш лозим. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлигига эришилган, ўрта маълумот мажбурий ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамай, ўзбек халқининг алоҳида менталитети жамоатчилик фикрини ўрганишда муайян қийинчиликлар туғдиради. Гап шундаки, туб жой аҳоли учун жамоанинг фикри шахсий фикр-

га қараганда анча муҳимроқдир. Ушбу жамоавий менталитет катта ёшдагиларнинг, мансаби юқориларнинг, жамиятда мавқеи баланд бўлганларнинг фикри сўзсиз қабул қилиниши, вилоят, шаҳар, туман раҳбарига тўлиқ ишониш ва улар олдида тавозе қилиш билан бирга қўшилиб кетади.

Ўзбек жамиятидаги жамоавий тафаккур мустақиллик йилларида маҳалла институти сақлаб қолиниши ва мустаҳкамланиши туфайли аҳолининг жамоавий ўзини тутиши анъаналари билан мустаҳкамланди. Маҳалла аҳолиси ўз хулқ-атворини қўшнилар ва маҳаллага қараб тўғрилайди, миллий анъаналарга, маҳаллада риоя қилинадиган жамоа бўлиб турмуш кечириш билан боғлиқ халқнинг урф-одатларига бўйсунади.

Миллий анъаналарга содиқлик, халқнинг урф-одатлари ва расм-русумларига сўзсиз риоя қилиш туб жой аҳолининг мусулмонларга хос диний онгидан келиб чиқади. Бу Ўзбекистондаги жамоатчилик фикрини ўрганишда диққат-эътибор марказида бўлиши керак бўлган муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади.

## 5. Жамоатчилик фикри ижтимоий бошқарув тизимида

Ҳар қандай илмий тушунчани таърифлаш ўзида, қоидага кўра, тури жиҳатидан фарқини кўрсатган ҳолда уни умумийроқ (турдош) тушунча остига келтиришни ифодалайди. «Ижтимоий бошқарув» тушунчаси учун умуман бошқарув тушунчаси шундай тушунчани ифодалайди. Ижтимоий бошқарувдан ташқари ушбу тушунча, шунингдек, биологик, техник ва ҳоказо тизимларда бошқарувни ўз ичига олади. Шу билан бирга шундай нуқтаи назар ҳам мавжудки, унга биноан «ижтимоий бошқарув» тушунчаси «бошқарув» тушунчасига тўлиқ мувофиқ келади, яъни бошқарувда ижтимоий бошқарувга тегишли бўлмаган ҳеч нарса йўқ[1]. Биз учун бошқа бир ёндашув кўпроқ маъқулроқ, унга биноан ижтимоий бошқарув - бу бошқарувнинг бир қисми, бироқ энг муҳим, жиддий ва ўзига хос кисми[2]. Шундай экан «бошқарув» ва «ижтимоий бошқарув» тушунчалари кўпинча синоним тушунчалар сифатида

---

1. Ответственность в системе управления. М., 1987,; Слепенков И.М., Аверин Ю.П. Основы теории социального управления. М., 1990 ва бошқалар.

2. Андреев Э.П. К вопросу о понятии социального управления//Философия. Социальное познание. Социальное управление. М., 1991. 2-қисм, 15-бет.

кўлланилади. Гарчи «бошқарув» тушунчаси анча кенг эканлигини олдиндан қайд этсак ҳам биз ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаймиз.

Социологик ва ижтимоий-фалсафий адабиётларда «ижтимоий бошқарув» тушунчасининг ўхшашлари сифатида ишлатиладиган бир қанча тушунчалар учрайди. Булар: «ижтимоий жараёнларни бошқариш», «ижтимоий муносабатларни илмий бошқариш», «жамиятни илмий бошқариш», «жамият ишларини бошқариш» ва ҳоказо тушунчалардир. Биз лўнда, умум томонидан қабул қилинган ва бизнинг тадқиқотларимиз вазифаларига жавоб берадиган тушунча сифатида «ижтимоий бошқарув» тушунчасини афзал кўрамиз.

Фанда жамиятда ижтимоий бошқарувнинг ўрни ва ролини баҳолашга турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Н.Ш.Шайдуллаев уни инсон фаолиятининг шаклларидан бири деб атайди[1], В.Ф. Сиренко эса - ижтимоий муносабатларни онгли тартибга солиш усули деб атайди[2].

Э.П. Андреев ижтимоий бошқарувни кенг ва тор маъноларда фарқлашни таклиф этади. Кенг маънода - умуман жамиятни бошкариш сифатида (давлатни, ижтимоий турмушнинг ҳар хил тизимларини бошкариш ҳам шу жумлага киради ва ҳоказо). Сўзнинг тор маъносида у томонидан камида уч хил тушуниш таклиф этилади:

ижтимоий бошқарув ижтимоий ўзини ўзи бошқарув сифатида;

ижтимоий соҳани бошқаришни англатиш учун йиғма тушунча сифатида;

бошқарувчилар ва бошқарилувчиларнинг шахслараро ўзаро муносабатлари жараёни сифатида[3].

Биз ижтимоий бошқарувни кенг ва тор маъноларда фарқлашга оид нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаймиз. Сўзнинг тор маъносида ижтимоий бошқарувни умуман ижтимоий соҳани бошқариш, яъни ижтимоий жараёнларни, муносабатларни, ўзаро алоқаларни бошқариш сифатида тушуниш яқинроқ.

Ғарб социология адабиётида ҳам «ижтимоий бошқарув» тушунчасининг бир маъноли талқини йўқ. Жумладан, америкалик социолог Роберт М.Фалмер бошқарувнинг уч асосий тушунчасини ажратиб кўрсатади. Улар:

---

1. Шайдуллаев Н.Ш. Человек как субъект социального управления. Автореферат дисс. канд. философ. наук. Т., 1991, 8-бет.
2. Сиренко В.Ф. Интерсы, власть, управление, Киев. 1991. 23-бет.
3. Андреев Э.П. Кўрсатиб ўтилган асар. 15-16-бетлар.

1) мақсадга йўналтирилган ва самарали эришиш имконини берадиган ғоялар, методлар ва жараёнлар;

2) умумий мақсадларга эришиш муҳитини яратиш;

3) мақсадга эришиш жараёнининг ўзи[1].

Айтиб ўтилганларнинг ўзиданоқ Ғарб, айниқса Америка социологияси учун хос бўлган назарий муаммоларни ҳал этишга прагматик ёндашиш аниқ кўриниб турибди.

Англиялик тадқиқотчи А.Гидденс бошқарув деганда «кўпчилик одамлар ва жамиятга дахл киладиган қарорларни амалга оширишнинг ҳар қандай тизимлаштирувчи воситаларини» тушунади ва бошқарувни жараён сифатида ва аппарат сифатида фарқлашни таклиф қилади[2].

Юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий бошқарув тушунчасини ўзимизча тушунишимизни кайд этмокчи эдик. Ижтимоий бошқарув - бу ижтимоий тизимнинг нормал фаолият кўрсатишини қўллаб-кувватлаш, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида ижтимоий тизимга (ёки унинг кичик тизимига) доимий равишда, аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишдир. Ижтимоий бошқарув мазкур тизимга хос бўлган объектив конуниятларни ўрганиш, билиш ва улардан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ижтимоий бошқарув тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:
- бошқарув объекти (бошқариладиган кичик тизим);
- бошқарув субъекти (бошқарадиган кичик тизим);
- бошқариш максадлари (мақсадли кичик тизим);
- бошқарув принциплари (динамик кичик тизим);
- бошқарув объекти ва субъекти алоқалари кичик тизими.

Ижтимоий бошқарув тизими охирги таркибий элементи (асло аҳамиятига кўра эмас, балки тартиб бўйича) мавжуд бўлиши жамоатчилик фикри сингари феномен билан мустаҳкам алоқадордир.

Жамоатчилик фикри оммавий онг мавжуд бўлиши ва намоён бўлиши шакли сифатида амал қилади. У баҳолаш ҳукмларини акс эттиради. Бу ҳукмларда социал жамоалар ва гуруҳларнинг ижтимоий реалликнинг у ёки бу муаммолари ва жараёнларига, шу жумладан ижтимоий бошқарувга аниқ муносабати ифодаланади. Жамоатчилик

---

1. Фалмер Р.М. Энциклопедия современного управления. М., 1992. 5-т, 99-бет.
2. Гидденс А. Политика, управление и государство.//Рубеж: Альманах социальных исследований. 1992. 3-сон, 80-81-бетлар.

фикри орқали бошқарувнинг тескари алоқаси амалга оширилади, яъни жамоатчилик фикри - бу бошқарув самарадорлиги индикатори. Ижтимоий бошқарув жараёнлари гуруҳлар ва жамоаларнинг ҳаёт фаолиятига (максадлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар ва ҳоказоларга) қанчалик кўп даражада дахл қилса, бу жамоатчилик фикрида шунчалик аниқ акс эттирилади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муҳим шаклларидан бири сифатида аниқ бир вақтда муайян тарихий шароитларда социал жамоа, гуруҳ ёки умуман жамиятнинг ҳолати динамикасини тавсифлайди.

Ижтимоий бошқарувда жамоатчилик фикрининг роли уни ўрганмасдан туриб бошқарув объектининг ҳолати тўғрисида тўғри хулосалар чиқариш мумкин эмаслиги билан белгиланади. Бунда «ижтимоий фикр» тушунчасининг ўзи бир хил маънога эга эмаслигини ёдда тутиш зарур.

Биринчидан, жамоатчилик фикри деганда кўпинча умуман жамиятда устунлик қилувчи (етакчи, энг оммавий, кўпчиллик ёқлайдиган) фикр тушунилади. Ушбу ҳолатда «жамоатчилик фикри» ва «жамиятнинг фикри» умуман олганда бир-бирига мувофиқ келади.

Иккинчи ҳолатда жамоатчилик фикри муайян ижтимоий гуруҳнинг (профессионал, этник, демографик, ҳудудий ва ҳоказо) фикри сифатида талқин қилинади. Бунда ҳам ҳар қандай социоақлда битта эмас, балки бир нечта жамоатчилик фикри бўлиши назарда тутилади. Жамиятнинг социал тузилмаси қанчалик мураккаб ва табақалашган бўлса, жамоатчилик фикрлари ҳам шунчалик хилма хил бўлади.

Ижтимоий бошқарув амалиётида бошқарув объектлари турлича бўлиши муносабати билан «ижтимоий фикр» тушунчасининг бу икки талқини ўртасидаги тафовут аҳамиятли бўлади. Агар бошқарув объекти жамият, умуман социоақл бўлса, ушбу социоақлда қандай фикр устунлик қилиши фавқулодда муҳимдир.

Бошқа томондан, агар жамиятнинг бирор-бир соҳаси (иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳоказо) бошқарув объекти бўлса, ушбу ҳолатда, сўзсиз, ушбу соҳаларнинг ҳар бири бўйича жамоатчилик фикрининг аҳамияти амалиёт учун муҳимдир.

Гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги фикрлардаги фарқ улар бошқарув субъектини ижтимоий консенсусни излашга йўналтириши жиҳатидан ижтимоий бошқарувнинг самарали амалиёти учун жуда муҳимдир. Албатта, барчани қониқтирадиган бошқарув қарорлари қабул қилиш мумкин эмас. Бироқ умуман социоақлнинг, алоҳида гуруҳлар

ва жамоаларнинг жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятнинг ривожланиши унинг социал тузилмаси мураккаблашиши, табақалашиши йўлидан бормоқда. Бу ижтимоий бошқарув жараёнига алоҳида талаблар қўяди. Жамият таркибий элементларидан ҳар бири ўзида, бир томондан, ижтимоий бошқарув объектини, иккинчи томондан, ижтимоий бошқарув субъектини (ҳеч қачон ижтимоий бошқарув субъекти билан алмаштириб юбормаслик зарур) ифодалайди.

Анъанавий, патриархал-уруғчилик жамиятида ижтимоий бошқарув жараёни прецеденталар (урф-одатлар, анъаналар, оддий ҳуқуқ нормалари ва бошқалар) асосида амалга оширилади. Мураккаб ва фавқулодда вазиятларда бутун гуруҳ ёки жамоанинг (уруғ, қабиланинг) ижтимоий фикрига қулоқ солинади.

Жамият қанчалик ривожланган ва мураккаб бўла борган сари (индустриал, айниқса постиндустриал даврда) ижтимоий бошқарув жараёни шунчалик мураккаблашади, жамоатчилик фикри шунчалик табақалашади, унинг бошқарув жараёнига тескари таъсири ҳар хил бўлади.

Демократиянинг ривожланиши ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши жамоатчилик фикрининг ижтимоий роли ва унинг бошқарув жараёнига таъсири ўсишини тақозо этади. Бу қуйидагиларда ифодаланади:

- умуман халқ (ёки у ёки бу ижтимоий жамоа, гуруҳ ва ҳоказо) ўз фикрини ҳам бевосита (сайловлар, лобби фаолияти, референдумлар ва ҳоказо), ҳам билвосита (митинглар, намойишлар, йиғилишлар ва ҳоказолар) тарзда ифодалашининг кафолатланган имкониятига эга бўлади;
- замонавий ижтимоий тузумда ҳам жамоатчилик фикрини акс эттириш, ҳам уни шакллантириш жараёнларида муҳим роль ўйнайдиган ривожланган оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларсиз иш юритиб бўлмайди;
- демократик жамиятда ижтимоий бошқарув агар жамоатчилик фикри маъқуллашига таянсагина самарали ва изчил бўлиши мумкин.

Давлат бошқарувни амалга ошириш жараёнида социал жамоалар, гуруҳлар, алоҳида индивидларнинг ривожланишига муайян таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир жараёнида хусусий ва умумий манфаатларнинг йўналишлари ва ўзаро алоқаси келишилади. Бироқ бундай келишиш бошқарувнинг онгли жараёнидан ташқари объектив равишда

ҳам амалга оширилиши мумкин. Жамоатчилик фикри, унинг унинг ҳолати (яхлит, қисман табақалаштирилган ёки «юлиб олинган») ҳар хил социал субъектлар манфаатлари келишилиши даражасини акс эттиради.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши социоақл ҳаёт фаолиятида ўзини ўзи бошқариш асосларининг тобора ўсиб боришини назарда тутади. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳолати акс эттирилишини таъминлайдиган ҳодисадан тобора ижтимоий бошқарув жараёнининг ўзини амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда. Бу жамоатчилик фикри ўз-ўзича бошқарувнинг муайян механизмларига эгалиги билан белгиланади. Булар:

- намуна кўрсатиш изми;
- маънавий мажбурлаш изми;
- маънавий тақдирлаш изми;
- эксперт изми;
- анъанавий турдаги қонуний ҳокимият;
- рационал-легал турдаги қонуний ҳокимият[1].

Жамоатчилик фикри ижтимоий (умумий ва хусусий) манфаатларнинг манбаи ва ифодаловчиси сифатида бошқарув аппаратига нисбатан ўзининг тартибга солувчи функциясини бажаради. У ушбу аппаратга ижтимоий манфаатларни амалга ошириш мақсадида таъсир кўрсатади. Ижтимоий бошқарувнинг муҳим омили сифатида жамоатчилик фикри роли айнан мана шу билан боғлиқдир.

Жамоатчилик фикри ва ижтимоий бошқарувнинг ўзаро алоқаси нафақат биринчисининг иккинчисига таъсирида, балки аксинча таъсирда ҳам ифодаланади. Жамоатчилик фикрини муқобил ҳисобга олмасдан туриб, принцип жиҳатидан самарали ижтимоий бошқарувни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки бошқарув ўз моҳиятига кўра ўзида оммавий инсон фаолияти турини ифодалайди.

Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ҳар хил вариантлари бўлиши мумкин:

- респондентларнинг тўғридан-тўғри социологик сўрови йўли билан;
- ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ижтимоий институтлар фаолиятини ўрганиш орқали;
- оммавий ахборот воситалари таҳлили орқали;

---

1. Аверин Ю.П. Люди управляют людьми: модель социологического анализа. М., 1996, 40-бет.

- хоҳишни билдиришнинг тўғридан-тўғри шаклларини (сайловлар, референдумлар, намойишлар ва бошқалар) ўрганиш орқали.

Ҳам оғзаки, ҳам ёзма сўз - мақолалар, декларациялар, шиорлар, плакатлар ва ҳоказолар кўринишидаги вербаль (сўз билан) шакллар жамоатчилик фикри намоён бўлишининг анъанавий шакллари ҳисобланади. Рамзий хатти-ҳаракатларнинг ҳар хил турлари жамоатчилик фикри намоён бўлишининг қўшимча шакллари бўлиши мумкин.

Масалан, фуқароларнинг бош тортиши (20-30-йилларда Ҳиндистонда инглиз товарларини қабул қилишнинг рад этилиши), атроф-муҳит муҳофазаси ҳаракатлари («Гринпис» кемалари карвонлари), сайловлар бойкот қилиниши, қандайдир рамзларнинг йўқ қилиниши (Ироқ, Эрон, Куба, Югославияда Америка байроқларининг оммавий ёндирилиши) ва бошқалар.

Социология, сиёсатшунослик, бошқарув назариясидаги замонавий тадқиқотлар ижтимоий бошқарувда жамоатчилик фикри омилига катта эътибор беради. Жамоатчилик фикрининг йўналтирилганлиги (ижобий, салбий, бетараф фикр), интенсивлиги (очиқ ёки очиқ бўлмаган ижобий, очиқ ёки очиқ бўлмаган салбий ва ҳоказо), интеграцияси (жамоатчилик фикрининг бутун муомала маданияти билан алоқаси) каби тавсифлари ҳисобга олинган тақдирда жамоатчилик фикрини ўлчаш мукин бўлади[1].

Юқорида қайд этилганидек, ижтимоий бошқарувнинг ҳар қандай тизими тузилмасида бошқарув объектининг субъектга тескари таъсирининг кичик тизими албатта мавжуд бўлади. Жамоатчилик фикри ушбу тизимнинг муҳим кичик тизими ҳисобланади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий бошқарув тизимига турлича тарзда, масалан, субъектни у ёки бу хатти-ҳаракатларга ундаш (ижобий фикр ҳолатида) ёки у ёки бу ҳаракатни рад этишга ундаш (салбий фикр ҳолатида), бошқарув субъектига ахборот тақдим этиш, бошқарув субъекти билан объекти ўртасида мустаҳкамроқ алоқалар ўрнатиш воситасида таъсир кўрсатади.

Тоталитар, авторитар, ҳар қандай демократик режимларнинг жамоатчилик фикри шаклланиши жараёнида катта роль ўйнайдиган оммавий ахборот воситаларини доимий назорат остида ушлаб туришга интилиши айнан жамоатчилик фикрининг аҳамияти билан изоҳланади.

---

1. Фролов С.С. Основы социология. М., 1997, 249-бет.

Жамоатчилик фикри кишиларнинг дунёқараши, хулқ-атвори, фаоллигини, уларнинг мақсадлари, вазифалари, улар ҳаёт фаолияти жараёнининг ўзини бевосита ва билвосита шаклда акс эттиради. Модомики, замонавий жамият ижтимоий страфтикация ва табақалашувнинг сезиларли даражада ўсиши биалан фарқ қилар экан жамоатчилик фикри бир хил ва бир маъноли ҳодиса эмаслиги билан ҳисоблашишга тўғри келади. Ижтимоий табақалашув ва дезинтеграциялашганлик даражаси қанча юқори бўлса, ва ижтимоий динамика қанчалик катта бўлса, яъни ижтимоий ўзгаришлар тезлиги қанчалик тез бўлса, бу шунчалик сезиларлидир. Шу муносабат билан ҳам умуман социоақлнинг, ҳам алоҳида социал жамоалар ва гуруҳларнинг жамоатчилик фикри динамикасини ўрганишга йўналтирилган мунтазам ўтказиладиган мониторингли социологик тадқиқотлар муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий йўналишлар кескин алмашиши шароитларида жамоатчилик фикридаги салмоқли ўзгаришлар жуда сезиларлидир ва бу табиийдир. Социоақл транформацияси шубҳасиз жамоатчилик фикри трансформациясига олиб келди.

Жумладан, кишилар ҳаёт фаолиятининг истисносиз барча ижтимоий аҳамиятли шакллари «ташқаридан» бошқариладиган бошқарувнинг тоталитар тизими шароитларида жамоатчилик фикрининг роли амалда режим томонидан тартибга солинган нарсаларни маъқуллаш ёки қоралашдан иборат қилиб қўйилди. Бошқача сўзлар билан айтганда, омма ўзининг хусусий манфатлари намоён бўлиши имкониятдан маҳрум этилган эди. Тоталитаризм шароитида жамият ва давлат амалда бирга қўшилган бўлади («тоталитар тизимдаги жамият - ялпи давлат»[1]), шу сабабли ҳукмрон режим томонидан ишлаб чиқиладиган ва қўллаб-қувватлаш жуда зарур бўлган «давлат фикри» феномени тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Замонавий илмий адабиётда ижтимоий бошқарувнинг бир қанча асосий типлари ажратиб кўрсатилади:

- тоталитар;
- авторитар;
- демократик;
- охлократик.

---

1. Аверин Ю.П. Кўрсатиб ўтилган асар, 49-бет.

Модомики, ҳокимиятнинг юқори даражада марказлаштирилищи, бир партия ва бир мафкуранинг чексиз равишда ҳукмронлик қилиши, фуқаролик жамияти элементларининг амалда тўлиқ мавжуд эмаслиги тоталитаризмнинг асосий белгилари ҳисобланар экан, жамоатчилик фикри давлат ичида ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмайди. Тўғридан-тўғри бостириш тизимиға қўшимча равишда демагогия ва ижтимоий онг билан найранг қилиш тизими ривожланганлиги тоталитар режимларнинг характерли белгиси ҳисобланади.

Авторитаризм тоталитаризм ва демократия ўртасидаги оралиқ шакл ҳисобланади. Авторитаризмда ижтимоий турмушнинг бирмунча эркинлаштирилиши кузатилади. Авторитар тизим қандай тизим ўрнига келиши - тоталитаризмнинг (у ҳолда бу бирмунча ижтимоий тараққиёт ҳисобланади) ёки демократиянинг (бу ҳолда бу аниқ кўриниб турган деаградация) ўрнига келиши фавқулодда муҳимдир.

Собиқ СССРнинг 1956-1991 йиллардаги ривожланиши, Хитой ва Кубада режимлар трансформацияси ва ҳоказолар тоталитар режимнинг авторитаризм билан алмашиши мисоллари бўлиб хизмат қилади. Грецияда (1967 й.) ва Чилида (1973 й.) демократия ўрнига авторитаризм келди.

Авторитар режимлар шароитида жамоатчилик фикри ўзининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун айрим имкониятларга эга бўлади. Боз устига авторитаризм демократик асослар ривожланиши томонга ҳаракат қилиши мумкин ва у ҳолда жамоатчилик фикри мавжуд бўлиши учун имкониятлар пайдо бўлади.

Охлократия жамоатчилик фикри ривожланишининг бошқача кўринишидир. Охлократия ижтимоий институтлар ва ташкилотларни четлаб ўтиб, ўз манфаатларини бевосита рўёбга чиқарадиган оломон ҳокимиятга эга бўлган ижтимоий бошқарув типидир. Кўпинча бевосита тоталитар режимлар ўрнатилишидан олдин айнан охлократия бошқарув шакли ҳисобланади. Янги тарихда охлократия авжга чиқишининг классик кўринишини 1917 йилнинг феврали ва октябри оралиғида Россияда кузатиш мумкин эди. Италия, Германия, Испаниянинг ривожланишида уларда фашист диктатуралари ўрнатилишидан олдин охлократия элементларини учратиш мумкин эди.

Ижтимоий бошқарув тизимининг элементи сифатида жамоатчилик фикрининг тўлақонли мавжуд бўлиши учун реал шароитларни фақат демократия яратади.

Немис социологи Р.Дарендорф қайд этганидек: «демократия - «халқнинг бошқаруви» эмас... Демократия - бу халқ томонидан сайланадиган, агар зарур бўлса халқ томонидан ағдариб ташланадиган ҳокимиятдир»[1].

Шундай қилиб, демократия шароитида халқ - бошқарувнинг фақат пассив объекти эмас, ижтимоий бошқарув тизимида фаол иш кўрадиган элемент, унинг роли фақат сайловларда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик билан чегараланиб қолмайди.

---

1. Дарендорф Р. Дорога к свободе.//Вопросы философии, 1990, №9, 91-бет.

Иккинчи боб

# ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ УСЛУБИЁТИ

## 1. Социологик тадқиқот дастури ва саволномаси

Амалий социологик тадқиқотни ўтказиш учун, аввало, тадқиқот дастури муфассал ишлаб чиқилади ва у социологик тадқиқотларни ўтказиш технологик жараёнида энг муҳим босқич ҳисобланади.

Дастурнинг барча таркибий қисмлари ўзаро мантиқан боғлиқликда бўлиб, илмий изланишнинг умумий мақсадига бўйсундирилган бўлади.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо моҳиятини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларни тавсифлаб ва таснифлаб бериш, иш гипотезасини (илмий тахмин) белгилаш, усулларини аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш схемасини чизиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни методологик-назарий ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

Назарий-методологик бўлим мавзу танлаш, тадқиқот объектини таснифлаш, мақсад ва вазифалар, гипотеза ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, амалий-услубий бўлим маълумотларни тўплаш усулларини баён этиш, йиғилган маълумотларини тўплаш усулларини баён этиш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар тайёрлаш сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Социологик тадқиқотлар назарий асосларини ишлаб чиқиш ва фактларни йиғиш бир пайтда амалга оширилмайди, аммо улар муштарак бирликда умумий вазифаларга бўйсунган ҳолда амалга ошири-

лади. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга риоя қилиш муҳимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилган назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш ва иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш кўникмаларига эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир. Бу икки талабга риоя қилиш бир жиҳатдан социологик тадқиқотларни ўтказишни тизимли йўлга қўйиш, жамият ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш ишларини узлуксиз амалга ошира боришни таъминласа, иккинчи жиҳатдан илм-фан турли соҳаларини узвий ривожлана бориши учун имкониятлар очади.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммо вазиятлар аниқ-ёрқин ифода этилмоғи лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар ҳамда амалий андазалар доирасидан қониқмаслик, бу билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир. Зеро, муайян ва тадқиқот бошлангунга қадар маълум бўлган билимлар доирасида ҳамиша ҳам ижтимоий муаммо ҳал этилавермайди.

Одатда ижтимоий муаммо амалий воситалар билан ҳал этилмаган ҳолатда илмга, тадқиқот ўтказишга мурожаат қилинади. Бу мурожаат илмда ижтимоий буюртма деб аталади. Шу тариқа социологик тадқиқотлар икки йўналишда: ижтимоий буюртма ва шахсан социологнинг ташаббуси асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо социологнинг шахсий ташаббуси ҳам реал ҳаёт муаммолари асосига қурилиши шарт.

Социологик тадқиқотларда илмий мақсад муҳим аҳамият касб этиб, тадқиқотларнинг назарий ёки амалий йўналишларда бўлишини кўрсатувчи мўлжал вазифасини ўтайди.

Мақсадни амалга ошириш жараёнида бир қатор ижтимоий зиддиятли ҳолатларга дуч келиш мумкин. Зеро, ҳамма нарсани олдиндан аниқ белгилаш мумкин эмас. Шу билан барча тадқиқотчи кутилган натижалардан ташқари яна қўшимча натижалар пайдо бўлишини ҳам назардан қочирмаслиги керак.

Мақсадни амалга ошира бориш жараёнида баъзан фақат асосий вазифанигина эмас, иккинчи даражали вазифаларни ҳам бир йўла бажаришга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ишда асосий ва қўшимча у ёки бу масалалар бирваракайига ҳал этилади ёки ҳал қилишнинг конкрет йўллари белгилаб берилади.

Мақсаднинг амалга оширилиш жараёнида тадқиқотчи уч анъанавий вазифани бажаришни ўз олдига қўяди. Аввало, мавзуни илмий-

назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш, иккинчидан, бу илмий-амалий мавзунинг бошқа илм ва ҳаёт жабҳалари билан нечоғлик боғлиқлиги, уларга таъсири масалаларини ўрганиш ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий зиддиятли ҳолатлардан чиқишнинг мантиқли асосланган йўлларини белгилаб беришдан иборатдир. Дастурда ҳал этилмаган ноасосий вазифалар алоҳида тадқиқотлар сифатида мустақил тадқиқ этилиши қайд қилинади.

Биринчи иловада «Ўзбекистон - умумий уйимиз» номли социологик тадқиқотнинг дастурини келтираяпмиз (1-илова). Келтирилган дастурда тадқиқот предмети сифатида «Умумий уй - ватан барпо этиш шароитидаги ўзбекистонликларнинг ижтимоий фикрининг этномиллий ва ижтимоий-маданий таркибий қисмлари» олинган бўлса, тадқиқот объекти сифатида эса «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи барча миллат вакиллари» олинган.

Социологик тадқиқотлар илмий атамалари ва тушунчалари қаторида объект ва предмет тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Тадқиқотчи ижтимоий муаммо вазиятини самарали ҳал этиши учун ***объект ва предметни*** тўғри белгилаши муҳим аҳамиятга эга. ***Объект*** одатда мустақил тушунча сифатида тадқиқотчи илмий-амалий фаолиятларининг умумий сарҳадларини ифодалайди. ***Предмет*** эса тадқиқотчи томонидан муаммо муайян шаклга солинади ва махсус тадқиқот кўлами сифатида ўрганилади. Объект предметдан маъно доираси жиҳатидан анча кенг, предмет объектнинг ҳосиласидир. Зеро, биргина объект замирида бир неча алоҳида тадқикот предметларини ажратиб олиб ўрганиш мумкин. Баъзан тадқиқотчи дастлаб махсус ўрганиладиган масала, айни предметни муҳит, масалага қон-қариндош жиҳатлар доирасини, яъни объектни белгилайди. Объект ва предмет масаласида илм аҳли даврасида турли мунозаравий ёндашувлар мавжуд. Айрим муаллифлар объект деганда одамлар ёки турли ижтимоий табақа вакилларини тушунишади. Биз бундай ёндашувга умуман қўшила олмаймиз. Негаки, инсон кенг маънода тадқиқот объекти бўлиши жуда қийин. Айниқса, ижтимоий соҳада (социология, педагогика ва психология ва б.) инсоннинг жисми, физиологик тузилиши эмас, балки унинг руҳий-маънавий дунёси, фаолияти ёки фаолиятининг муайян жиҳатлари ўрганилади. Шу боисдан ҳам ижтимоий фанларда объект деганда ўқувчи кўз ўнгида мавҳум тарзда одамлар эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти, турмуш тарзи, хулқ-атвори гавдаланмоғи лозим.

Предметни илмий жиҳатдан тўғри ажратиб олишда абстрактлаштириш усулининг аҳамияти каттадир. Абстрактлаштириш дегани му-

айян предметларнинг у ёки бу иккинчи даражали хусусиятларидан энг муҳимларини ажратиб тасаввур этишдир. Абстрактлаштириш жараёнида биз, мазкур предметнинг умумий хусусиятларини ифодалаш имкониятига ҳам эга бўламиз. Масалан, шишани кесиш лозим бўлса, уни кеса олувчи предметларнинг бош хусусияти қаттиқлик бўлиши лозим. Қаттиқ предметлардан энг машҳури эса олмосдир. Илмий-назарий муаммолардан бирини мисол қилиб олайлик. Агар мавзу ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўлса, мазкур илмий муаммо предмети ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш масаласи бўлиши мумкин. Негаки ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ билимларини ўзлаштирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Шу мавзу объекти эса ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш учун ёшлар ва тарбиявий жараён билан боғлиқ қатор муассасалар, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари, мактаб ўқитувчилари, ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бўлиши мумкин. Ёки миграцион жараёнлар ҳодисаларини тадқиқ этадиган бўлсак, объект муайян ҳудуддаги аҳолининг кўчиш аҳволи бўлиши, предмет эса шу аҳолининг миграцион жараёнларда иштирок этишининг ижтимой-психологик иқтисодий ёки табиий омиллари бўлиши мумкин. Мақсад эса ана шу миграцион жараёнларни яхшилаш, миллий ва маҳаллий ихтилофларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлади.

Дастурда комплекс социологик тадқиқот натижаларини қўлга киритиш, ўрганилаётган объект ва предмет хусусиятларини аниқлаш мақсадларида социологик тадқиқотлар инструментарийсига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Социологик тадқиқотлар инструментарийси деганда социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган методик ва техник усуллар йиғиндисини эътиборга оламиз. Бу йиғинди ёки умумлашма замирига дастлаб бирламчи маълумотларни тўплаш, яъни кузатиш усулини амалга ошириш учун зарур бўлган кўрсатма ва қоидаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатларни таҳлил этиш, сўроқ қоғозларини тартибга солиш, ёзма манбаларни қўлда ёки машина ёрдамида санаш, умумлаштиришга тайёрлаш босқичи ҳамда тадқиқотни амалга ошириш учун мутасадди раҳбарлар, илмий-техник ходимларни муайян тайёргарликдан ўтказиш босқичлари киради. Социологик тадқиқотлар инструментарийси тадқиқот ўтказилиш жараёнида барча техник операциялар, респондентлар иши, тадқиқотчи позицияси ва бошқа жиҳатларни умумий талаблар асосида аниқ тартибга туширади. Бу эса ўз навбатида тадқиқот ишини илмий асосланган тартибда ҳаққоний ва ишонарли ўтказиш имконини беради.

Асосий тушунчаларга атрофлича изоҳ ва таснифлар бериш билан бир вақтда ўрганилаётган объектни олдиндан ҳар томонлама муфассал ва тўлақонли таҳлил этиб бориш лозим. Бу эса муайян тадқиқот соҳаси ва шу соҳага алоқадор бошқа ҳаётий жабҳалар хусусида барча амалий-ҳаётий, адабий-илмий манбаларни ҳам аниқ тартибга туширишда қўл келади.

Маълум система ўрганилаётганда, бу объектнинг аниқ-ойдин система яратувчи элементларини белгилаб олиш лозим. Масалан, кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ишга ўтиш муаммоси илмий муаммо сифатида ўрганилаётган бўлса, тадқиқотимиз объектининг тахминий элементлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- иш жойида ҳақ тўлаш даражаси;
- иш жойидаги ахлоқий-психологик муҳит;
- бошлиқ билан келишмовчиликлар мавжудлиги;
- иш жойининг яшаш жойидан узоқ-яқинлиги;
- меҳнат шароитининг оғир-енгиллиги;
- иш жойида мавқе мартаба орттириш, яъни фаолиятдаги карьера истиқболлари;
- фаолиятнинг шахсга ёки жамиятга жуда зарур ёки бефойда эканлигини ҳис этиш;
- иш жойида дам олиш, ҳордиқ чиқариш масалаларининг ҳал этилганлиги;
- саломатлик билан боғлиқ сабаблар;
- оилавий масалалар ҳамда турмуш тарзи билан боғлиқ сабаблар юқорида тилга олинган объектимизнинг элементлари сифатида қайд этилиши ва бу элементларнинг ҳар бир иш жойини ўзгартириш учун сабаб бўлиши ёки шу қарорга келиш учун шарт-шароит ҳозирлаши мумкин.

Шу тариқа илмий муаммо объектини тизимли таҳлил этиш тадқиқотчи учун уч асосий фаолият йўналишини асослайди. Улар қуйидагилар: тадқиқот предметини аниқлаб олиш, асосий тушунчаларни ажратиб олиш ва уларга изоҳ бериш ҳамда тадқиқот учун иш гипотезасини яратишдир. Кўпинча ана шу уччала талаб бир пайтда юзага келади, шу боисдан ҳам юқоридаги уч талабнинг дастур босқичлари деб эмас, балки дастурнинг узвий қисмлари деб қараш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот дастурини тузганда ягона тушунчалар аппаратига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот бир эмас, бир нечта тадқиқотчи томонидан амалга оширилиши эътиборга олинадиган бўлса, бу тушунчалар аппаратидаги атамалар ҳажми тадқиқотчилар томони-

дан бир хил тушунилиши керак, ҳар хил изоҳлар беришга уриниш ҳолларига йўл қўймаслиги лозим. Дастурда тушунчалар моҳияти илмий асосланган тарзда объектив ва тўла очилиши зарур.

Тушунчалар моҳиятини аниқлаш босқичи, табиий равишда тадқиқот предмети моҳиятини ҳам чуқур таҳлил этиш зарурлиятини кун тартибига қўяди. Предмет ҳам ўз навбатида система сифатида ўрганилиши ва система яратувчи элементлардан ташкил топиши мумкин.

Дастурда концептуал ҳамда операционал моделлар ҳам ўзининг батафсил ифодасини топган бўлиши лозим. Концептуал модель категорияси мантиқий асосга қурилган, тадқиқот мақсадини юзага чиқаришга имкон берувчи назариядир. Операционал қоидалар даставвал мантиқий процедура бўлиб, назарий маъноларнинг эмпирик жиҳатдан тушунилишини қайд этади ва кўрсатиб беради.

Юқоридаги тушунчалар мазмунининг атрофлича очиб берилиши дастур гипотезасини тузиш учун кенг йўл очиб берилишига имкон яратади. Социологик тадқиқотларда гипотеза ижтимоий объектнинг тузилиши ҳақидаги назарий асосланган илмий тахмин бўлиб, мазкур объектнинг ташкил этувчи турли хил элементлар ва алоқалар таснифи, уларнинг фаолият юритиши ва тараққиётини ўзида ифодалайди. Илмий гипотеза ўрганилаётган объект хусусида дастлабки таҳлил ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Гипотезанинг нечоғлик ҳаётийлилиги ёки ҳаётий эмаслиги эмпирик асосланиши жараёнида, конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиш давомида маълум бўлади. Бундай тадқиқотлар натижасида гипотезалар бекор этилади ёки тасдиқланади. Ҳаётийлиги исботланган гипотеза муайян назариянинг қоидаси бўлиб, тадқиқотнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Илмий асосланган гипотеза қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

*Аввало,* илмий гипотезанинг мантиқий исботланиши лозим бўлган ва илгари сурилаётган фикрларнинг бир жиҳатдан моҳияти принципларига, иккинчи жиҳатдан эса реал ҳаёт ҳақиқатларига мувофиқ бўлиши лозим. Бу ўринда ўқувчи тўғри тасаввур олиши учун шу нарсани таъкидлаш керакки, илгари тарихий материализмнинг принципиал нуқтаи назарига мос тушмайдиган қоидаларни ноилмий деб аташ қабул этилган эди. Бундай қарашлар ҳамма нарсани пролетариат синфи нуқтаи назаридан баҳолаш, ишчилар синфи манфаатлари, дунёқараши эҳтиёжларига мувофиқ келмайдиган ҳамма нарса, барча воқеа ва ҳодисаларни кераксиз ноилмий ҳисоблаш одатидан келиб

чиққан эди. Аммо мустақиллик туфайли умуминсоний манфаатларнинг устунлиги хусусидаги фалсафий-методологик фикр-қарашлар қабул қилингандан сўнг илмий гипотеза учун илмий-социологик фалсафий фаза доираси янада кенгайди.

***Иккинчидан,*** илмий гипотеза исботи аллақачон маълум бўлган воқеа ва ҳодисаларни асослашга бағишланмаган бўлиши лозим. Аммо, илмий тахмин бир мунча эскирган, қайта исботга муҳтож назарияларнинг ҳаётийлигини яна бошдан текшириб кўришга бағишланиши мумкин. Бу умуммиллий тадқиқотлар мантиқига хилоф бўлиб тушмайди.

***Учинчидан,*** илмий гипотеза ҳаммага маълум бўлган, исботи аниқ айрим фактлар ҳақиқатга зид бўлмаслиги керак.

***Тўртинчидан,*** илмий гипотезани социологик тадқиқотларнинг бутун жараёни давомида исботлаш имкони таъминланган бўлиши лозим.

Ўрганилаётган ижтимоий объектни мазмунан тахмин этиш асосида уни баён этувчи ва изоҳловчи гипотезаларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин.

***Баён этувчи гипотеза*** - бу тадқиқ этилаётган объектнинг шаклий ва мазмуний алоқаларини аниқлаш хусусидаги илмий тахминдир. Сабаб- оқибат алоқадорлиги ҳақидаги илмий тахмин шу масала юзасидан экспериментал текшириш олиб боришни талаб этади.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги билимлар ҳолати илмий изланишларни амалга оширишнинг турли йўллари ва режаларини юзага келтиради. Улардан изланиш асосидаги, баён этиш йўлидаги ва экспериментал усулдаги режаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Изланиш асосидаги тадқиқотлар режаларини ўрганилаётган муаммо ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар ҳали унчалик конкретлашмаган ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу режанинг асосий мақсади илмий муаммони аниқ номлаш ва унинг конкрет чегараларини белгилаб олишдан иборатдир. Тадқиқотнинг муҳим босқичлари сифатида изланиш олиб бориш услубларини ишлаб чиқиш, бу услубларрни қўллаш тартибини аниқлаб олиш, вазифаларнинг муҳимлигига кўра кетма-кет бажарила боришини тахминлаш жараёнларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Шундай қилиб, изланишга қаратилган тадқиқот режаси босқичдаги тадқиқот турини (ҳужжатларни ўрганиш, экспертлар билан маслаҳатлашув ва кузатиш ўтказишни) ўз ичига олади. Бу босқичларнинг биринчисини илмий муаммо хусусидаги маълум бўлган барча илмий, публицистик ва архив ҳужжатларни чуқур ўрганиб чиқиш

назарда тутилса, иккинчи босқичда шу соҳа бўйича таниқли олимлар, тажрибали кишилардан иборат экспертлар гуруҳи фикрини ўрганиш эътибор марказида туради. Сўнгги босқичда эса тадқиқотчи муайян тушунча ва тасаввурларга эга бўлган ҳолда объект хусусида кузатиш ишларини олиб боришни кўзда тутади. Изланиш режаси илмий муаммони аниқ номлаб олиш ва асосланган гипотезани илгари суриш билан якунланади.

Баён этиш режаси бир қатор социологик тадқиқот режаларини қўллаш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали қабул этилган гипотезанинг ҳаётийлигини текшириб кўриш ва ўрганилаётган объект хусусида аниқ миқдорий ва сифат таснифига эга бўлишни тақозо этади. Баён этиш режаси асосида иш кўрилганда илгари маълум бўлган кўпгина фактларни тартибга тушириш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай эканлиги хусусида кўпгина маълумотлар қулга киритилади. Бундай тадқиқотлар объект тузилишига алоқадор барча эмпирик маълумотларни классификация қилиш билан якунланади.

Социологик тадқиқотларнинг экспериментал режаси объект ҳақидаги маълумотлар асосида изоҳловчи гипотезани илгари суриш имконини беради. Мазкур тадқиқот режасидан мақсад объект замиридаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш, объектнинг айни ҳолати ва ривожланиши хусусидаги шарт-шароитларини аниқ-ойдин билиб олишдан иборатдир. Социологик тадқиқотлар ўтказишнинг реал тажрибасида муайян илмий тадқиқот жараёнида юқорида тилга олинган ҳар уч режа ҳам ўзаро уйғун ҳолатда кетма-кет қўлланилиб боради.

Тадқиқот дастурининг амалий қисми ўтказилиши мўлжалланган изланишнинг бевосита услубий жараёнларини ўзида акс эттиради. Бунда бирламчи материалларни тўплаш, ижтимоий ахборот мажмуини шакллантириш, таҳлил этиш ва таснифлаш, тайёрланган назарий ва амалий тавсияномаларни ҳаётга татбиқ этиш ва тавсия жараёнлари баён этилади. Ишлаб чиқарилган илмий назарияни ҳаётга татбиқ этиш масаласи ҳам мураккаб жараён бўлиб, унда қуйидаги талаблар бажарилган бўлишини тақозо этади:

- илмий назария муайян ва тизимга эга бўлиб, пухта ишланган илмий умумлашмалар кўринишида ифодаланиши;
- илмий назариянинг муайян тартибдаги талаблари ва тамойиллари ифодаланган бўлиши;
- татбиқ этиш амалиёти ва тайёргарлик босқичларининг муфассал ишлаб чиқилган бўлиши ва дастлабки синовдан ўтказилиб, тайёр ҳолатга келтирилиши;

- татбиқ этилувчи усулларни амалдаги фаолият жараёнлари мазмунига тадрижий сингдириш хусусида амалий малака ва тажрибага эга бўлиш;

- илмий назарий хулоса ва тавсияномаларнинг қандай ҳолатларда ижобий самаралар ва қандай муҳитда салбий натижалар ҳосил этиши жараёнларининг социолог томонидан аниқлаб қўйилиши ва тажрибада синаб кўрилган бўлиши муҳимдир.

Ялпи сўров натижаларининг турли тадқиқот усуллари жараёнида тўпланган маълумотларни мушоҳада этиш ва қайта ишлаш тадқиқот дастурининг кейинги муҳим босқичларидан саналади. Маълумотларни атрофлича таҳлил этиш ҳозирги замонда социологдан чуқур ва атрофлича билимларга эга бўлишни талаб этади. Улар жумласига таҳлилнинг математик усулларини яхши ўзлаштириш, программалаштиришнинг зарурий усулларини билиш, компьютерда ишлаш қобилиятларини ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Социологик тадқиқотнинг дастури ёзилиб, муайян ҳужжат кўринишда тайёр бўлгач, у ўзининг мазмунида ахборот тўплаш усулини мужассамлаштирган бўлади. «Ижтимоий фикр» марказида ўзининг хусусиятига кўра кўпроқ ахборотлар йиғиш усули сифатида сўров усули қўлланилади. Бу усул ҳозирги кунда ахборот тўплашнинг энг кенг тарқалган усулидир.

Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усулларини фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин.

Сўров усули бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари, тадқиқот кўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта.

Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва, ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин.

Кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз бераётган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, ҳаракатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Чунки, бу

ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди.

Лекин сўров усули фақат афзаллик ва қулайликлардан иборат экан, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Бу усулнинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд. Масалан, бу усул ёрдамида олинган маълумотларнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини синчиклаб текшириш керак. Чунки бу усул қўлланилганда маълумот манбаи фақат респондент бўлади. Респондентлар эса ўз характери, дунёқараши, хулқи, маълумоти бўйича турли кишилар бўлиб, улар ҳар доим ҳам ҳақиқатни гапиравермайдилар. Респондентнинг жавобларига қай даражада ишониш мумкинлиги масаласи жуда мураккабдир. Респондент жавобларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текширишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улардан қанчалик усталик билан фойдалана олиш социологнинг маҳоратини кўрсатади. Бу усуллар сўровномадаги саволларнинг қай даражада ўйлаб ва пухта тузилгани, уларнинг пайдарпайлиги, саволларда респондент руҳияти ҳисобга олинганлиги билан боғлиқ.

Саволларнинг самарали тизимини яратиш учун социологик тадқиқот муаммосидан ташқари, ўрганилаётган объект структураси, шу жамоадаги ахлоқий-маънавий муҳит, умумий ва ижтимоий психологияни яхши билиш талаб қилинади. Тажриба шуни кўрсатдики, агар сўровнома саволлари узундан узун бўлса, ихчам ва сержило бўлмаса, савол жумлалари услубий жиҳатдан пухта бўлмаса, сўровномага нисбатан респондентнинг салбий муносабатини уйғотади. Жавоблардги ноаниқликларга, баъзан эса жавоб беришга истакнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўровномани тузишга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. «Ижтимоий фикр» маркази социологик тадқиқотларда интервью усулини қўллашни маъқул кўради. Интервью респондент билан бевосита юзма-юз шаклда ўтказилади.

Сўров усулидан фойдаланувчилар учун биринчи галда сўровномани тузиб чиқиш қийинчилик туғдиради. Сўровномага киритиладиган саволлар иложи борича блокларга бўлиниши лозим. Ҳар бир блок -дастурда келтирилган изланиш мақсади ва гипотезасига мантиқан боғлиқликни тақозо этади. Масалан, иккинчи иловада «Ижтимоий фикр» марказида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» сўровномасини кўриб чиқадиган бўлсак, у тўртта блокка, яъни А блоки - «Кўп миллатли Ўзбекистон», В блоки - «Миллатлараро муносабатлар», С блоки - «Ижтимоий-сиёсий ҳолат» ва Д блоки - «Демография» қисмларига бўлинганлигининг шоҳиди бўламиз

(1-илова). Умуман айтганда, сўровнома таркибий тузилиши бўйича уч қисмга бўлинади. Сўровноманинг биринчи қисми кириш қисмидир. Бу қисм сўровноманинг ҳажми бўйича кичик бўлагини эгаллаган бўлса ҳам, у муҳим аҳамиятга эгадир. Сўровноманинг кириш қисмида тадқиқотни ким олиб бораётганлиги, унинг мақсади ва тўлдириш бўйича қисқача кўрсатмалар келтирилади. Масалан, дастлаб эсга олинган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» сўровномасида кириш қисми шундан иборат:

*Ассалому алайкум! Менинг исмим ______________________.*

***Мен «Ижтимоий фикр» маркази вакилиман. Биз мамлакатимиздаги фуқароларнинг миллатлараро, шахслараро муносабатлари ҳақида фикрини билмоқчимиз.***

***Бизнинг сўровномамиз махфий, исм ва фамилиянгизни кўрсатиш шарт эмас. Сизнинг жавобларингиз фақат умумлаштирилган ҳолда фойдаланилиб, бизнинг Ўзбекистонмизда миллатлараро ва фуқаровий ҳамжиҳатликни яхшилашга ёрдам беради.***

Сўровноманинг иккинчи қисми, ўз ичига саволларнинг асосий мажмуини қамраб олади. Юқорида айтиб ўтилгандек, бу саволлар маъноси бўйича гуруҳлантириб, ҳар хил блокларга бўлинади. Саволлар мумкин қадар респондентларнинг эътиборини ўзига жалб этадиган бўлади. Дастлабки саволлар иложи борича содда ва қизиқарли бўлиши лозим. Сўровноманинг асосий қисмида суҳбатнинг ўртасигача содда саволдан мураккабига ва ундан сўнг мураккабидан содда саволларга аста-секин ўтилиши керак. Чунки, респондент суҳбат давомида тез чарчаб қолиши мумкин, у ҳолда берилган саволларга жавоб беришга қийналади ёки умуман суҳбатни давом эттиришдан бош тортади. Ана шу омил эътиборга олинмаса, сўровноманинг кўп саволлари ёки жавобсиз қолади, ёки сифатсиз тўлдирилади.

Сўровномага киритиладиган саволлар ўз хусусиятларига кўра турлича бўлади. Улар қуйидаги уч белгига, яъни мазмунига, шаклига ва функциясига қараб тасниф қилинади.

Мазмунига кўра саволлар икки гуруҳга бўлинади: турмуш тарзи, ҳаётимиздаги нарса-ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари ҳақидаги, шунингдек, ўтган замонда, ҳозирги даврда ва келажакда бўладиган ҳодисалар ҳақидаги саволлар ҳамда кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, орзу-ниятлари ва мотивлари тўғрисидаги саволлар.

Деярли барча турдаги сўровномаларда учрайдиган саволлар, яъни респондентнинг ёшига, жинсига, миллатига, касбига, маълумотига

ва бошқаларга оид саволлар ҳам биринчи гуруҳдаги саволлар тоифасига киради. Бундай саволлар одатда сўровноманинг алоҳида бир қисмига жамланади ва бу кисм социологияга оид адабиётларда демография қисмини ёки паспорт қисми номлари билан юритилади.

«Ўзбекистон - умумий уйимиз» саволномасининг Д блоки ушбу саволноманинг паспорт ёки демография қисми деб ҳисобланади ва у қуйида келтирилган:

## D. Демография

**D1. Жинсингиз?**

1. Эркак  2. Аёл

**D2. Тўлиқ ёшингиз нечада?**

| | | |
|---|---|---|
| 1. 16-20 | 4. 30-39 | 7. 60 ёш ва ундан катта |
| 2. 21-24 | 5. 40-49 | |
| 3. 25-29 | 6. 50-59 | |

**D3. Ўзбекистонда қачондан бери яшайсиз?**

1. Туғилганимдан бери
2. Қачондан? (ёзинг) ____________________

**D4. Миллатингиз?**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Ўзбек | 6. Рус | |
| 2. Қозоқ | 7. Татар | |
| 3. Тожик | 8. Корейс | |
| 4. Қирғиз | 9. Уйғур | |
| 5. Туркман | 10.Украин | 11. Бошқа (қайси?) ________. |

**D5. Маълумотингиз?**

| | |
|---|---|
| 1. Тўлиқсиз ўрта | 4. Тўлиқсиз олий |
| 2. Тўлиқ ўрта | 5. Олий |
| 3. Ўрта махсус | 6. Илмий даражам бор |

**D6. Оилавий аҳволингиз?**

1. Уйланган (турмушга чиққан)
2. Уйланмаган (турмушга чиқмаган)
3. Ажрашган
4. Бева

**D7. Айни пайтда Сиз қандай иш билан бандсиз?**

1. Деҳқон (ширкат ва фермер хўжалигининг ишчиси)
2. Ишчи
3. Муҳандис
4. Ўқитувчи
5. Тиббиёт ходими
6. Маданият соҳаси ходими
7. Савдо ходими
8. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходим
9. Давлат бошқарув органлари соҳаси ходими
10. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, суд ва ҳ.к. ходими
11. Ширкат хўжалигининг раҳбари
12. Фермер (фермер хўжалигининг раҳбари)
13. Илмий ходим
14. Олий ўқув юрти ўқитувчиси
15. Ҳарбий хизматчи
16. Менеджер
17. Банкир
18. Программист
19. Тадбиркор
20. Ўқувчи, талаба
21. Бола парвариши бўйича нафақада
22. Нафақахўр
23. Уй бекаси
24. Ногирон
25. Ишсиз
26. Бошқа (қандай) __________ .

Сўровноманинг паспорт қисмидаги саволлар аниқ ва конкрет жавобларни талаб қилади ва одатда, бу қисмдаги саволларга берилган жавобларнинг ҳаққонийлик даражаси жуда юқори бўлади. Хорижий мамлакатларда ўтказилган социологик тадқиқотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сўровномада қўйилган саволлар респондентни оз бўлсада хавотирга солиб қўйса, унинг жавоблари самимий бўлмайди. Респондент сўровномадаги саволларнинг самимийлигига ишонса ва ўзига ҳеч қандай зарар етмаслигига амин бўлган тақдирдагина, уларга тўғри жавоб беради. Баъзан эса, респондент чалғитишга уринади, яъни хавотирга солмайдиган саволларга тўғри жавоб беради-ю, сўровноманинг паспорт қисмидаги саволларга нотўғри жавоб беради. Шу йўл билан у гўё ўзининг хавфсизлигини таъминламоқчи бўлади.

Иккинчи гуруҳ саволлар, ҳис-туйғу, кечинма ва мотивларни аниқлашга қаратилгани учун, уларга берилган жавобларнинг ҳам биринчи гуруҳдагига нисбатан ҳаққонийлиги камроқ бўлади. Бунинг сабаби респондентларнинг атайлаб нотўғри жавоб беришганидагина эмас, балки ҳис-туйғу, кечинмаларини баҳолашдаги мураккабликларда ҳамдир. Субъектив кечинмаларини баҳолашда субъективлик кучли бўлади. Шунинг учун бу тоифадаги саволлар бир-бирини тўлдирадиган, бирига берилган жавобдаги ноаниқликни иккинчиси аниқлашга ёрдам берадиган бўлиши керак. Бундан ташқари, респондентнинг жавоб топишини енгиллатиш учун сўровномага жавоб вариантлари киритилиши маъқулдир. Жавобларда турли ҳолатлар ҳисобга олинган бўлиб, улардан яхлит жавоб ўрнига ўша жавобнинг қисмлари акс этиши жавобнинг ҳаққоний бўлишига хизмат қилади. Чунки шундай ҳолатда респондент жавоб вариантларидан бирини ёки ўзида содир бўлган кечинма, ҳис-туйғуларга мос равишда бир нечтасини танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Масалан:

<u>«Сиз Ўзбекистондан кўчиб кетишни хоҳлайсизми?»</u> саволига

1. Йўқ, хоҳламайман.
2. Йўқ, ҳеч қандай шароитда ҳам кўчиб кетмайман.
3. Хоҳишим бор, лекин имкониятим йўқ.
4. Кўчиб кетишни хоҳлайман, лекин кўчиш учун аниқ бир чора кўрмадим.
5. Аниқ бир ўта хавфли шароит юз берган тақдирда кўчиб кетаман.
6. Яқин орада кўчиб кетаман, кўчиш билан боғлиқ бўлган асосий масалалар ҳал бўлган.

Мана шу келтирилган вариантларда респондентнинг фақат «ҳа» ёки «йўқ» кабилидаги жавоблари эмас, балки шу қарорга эмоционал муносабати турлари ҳам қамраб олинган. Бинобарин, айни шу ҳолатларда интервью усули ёрдамида бошқа усулларга нисбатан кўпроқ маълумот тўплаш мумкин. Айниқса, миқдорий нуқтаи назаридан кўп сонли респондентлар билан тадқиқот олиб бориш зарурати туғилганда сўров усулининг афзалликлари яққол намоён бўлади.

Социологияда берилган жавобларни текшириш учун назорат саволлари ҳам ишлатилади. Бундай саволларни сўровномага киритишдан мақсад бир нечта: респондентнинг қўйилган саволларга бераётган жавоби самимийми, йўқми эканлигини аниқлаш; респондентнинг саволнома ёки интервьюга муносабатини аниқлаш; респондентнинг саволнома ёки интервьюдаги баъзи саволларга муносабатини аниқлаш. Назорат саволларидан фойдаланишнинг муҳим-

лиги шундаки, агар ўтказилаётган сўровда респондентларнинг кўпчилиги саволларга самимий жавоб бермаганлиги аниқланса, бу тадқиқот натижалари бекор қилиниши мумкин. Назорат саволлари ёрдамида ташқи таъсир туфайли респондентнинг жавоблари носамимий бўлаётганнини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Саволноманинг аноним эканига респондентда шубҳа пайдо бўлганида ҳам жавоблар самимий бўлмайди. Олий ўқув юртларидан бирида ўтказилган тадқиқотнинг мақсади талабларнинг бўш вақтини қандай ўтказишларини аниқлаш эди. Сўровномага қуйидагича назорат саволи ҳам киритилди.

<u>«Сиз Бобурнинг «Баҳром ва Дилором» достонини ўқиганмисиз?»</u>

Натижалар шуни кўрсатдики, талабаларнинг бир қанчаси бу достонни ўқиган экан. Ҳолбуки, Бобур бундай достон ёзмаган.

Сўровнома ҳар қанча яхши тузилган бўлишига қарамай респондентларнинг ҳаммаси ҳам унга бир хил самимий жавоб бермайдилар. Бу одамларнинг таснифи, дунёқараши, хулқи ва бошқа жиҳатларига боғлиқ.

Назорат саволларини киритишдан мақсад эса ана ўшандай носамимий жавобларнинг улуши қанча эканлигини аниқлашдир.

Жавоб вариантлари таклиф қилинганига қараб, саволлар очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Масалан:

<u>Кўчиб кетишни истасангиз қайси давлатга?</u> (Ёзинг) ______.

Бу саволга респондент ўз дунёқараши, маълумоти, интилишларидан келиб чиқиб жавоб ёзади.

Ёпиқ саволларга қараганда очиқ саволларни умумлаштириш мураккаброқдир. Чунки ёпиқ саволларга берилиши мумкин бўлган жавоб вариантлари тайёр бўлади, уларни ЭҲМ ёрдамида умумлаштириш ҳам осон. Очиқ саволларга бериладиган жавобларни синчиклаб ўрганиб чиққандан кейингина умумлаштириш керак. Очиқ савол қўйилганда ақлий меҳнатнинг бир қисми респондент елкасига юкланади.

Ёпиқ саволлар тайёр жавоблар билан сўровномага киритилади. Респондент ўша тайёр жавоб вариантларидан бирини танлаб олиб остига чизиши ёки бошқа йўсинда белгилаши лозим. Ёпиқ савол киритиладиган бўлса, социолог савол устида ҳам, респондент бериши мумкин бўлган жавоб вариантлари устида ҳам бош қотиради. Ёпиқ саволларни қўллашнинг мураккаблиги шундан ҳам кўринадики, кўпинча жавобнинг тайёр вариантлари берилганда, жавоблар умумий характерининг ижобий томонга силжиши кўзга ташланади. Масалан, сўровномага қуйидагича саволлар киритилади:

«Бўш вақтда Сиз бадиий адабиёт ўқийсизми?»

Жавобларнинг вариантлари қуйидагича:

1. ўқийман
2. кўп ўқийман
3. кам ўқийман
4. ўқимайман

Тажриба шуни кўрсатдики, бундай ҳолларда деярли ҳеч ким ёки жуда озчилик «ўқимайман» деган вариантни белгилайди.

Мана шу саволнинг ўзи бошқачароқ йўсинда берилса, натижалар фарқлироқ чиқади. Айтайлик, савол қуйидагича қўйилди:

Бўш вақтда баъзилар спорт билан шуғулланади, баъзилар бадиий адабиёт ўқийди, баъзилар саёҳатга чиқади, баъзилар эса телевизор олдида ўтиради.

«Сиз нима билан шуғулланасиз?»

Жавоб вариантлари:

1. спорт билан шуғулланаман
2. бадиий адабиёт ўқийман
3. саёҳатга чиқаман
4. телевизор кўраман

Респондентларга жавобнинг фақат биттасини эмас, балки бир нечтасини белгилаш ҳам мумкинлигини айтилади. Савол шундай қўйилганда айни бир гуруҳнинг ўзида ҳам бадиий адабиёт ўқийдиганларнинг сони анча кам экани маълум бўлади.

Ҳақиқий ҳолатни билиш учун фақатгина жавоб вариантларигина эмас, саволдаги нарса-ҳодисанинг ҳам муқобилларини назарда тутиш ва саволномага киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ёпиқ саволар берилиши мумкин бўлган жавобларнинг хусусиятларига қараб икки турга бўлинади: 1. Даражали саволларга бериладиган жавоблар. Улар «ҳа-йўқ» тарзида бўлади. 2. Муқобилли саволнинг муҳим белгиси ана шундаки, унга бериладиган жавоблар муқобил вариантлардан иборат бўлиб қолмай, саволнинг тузилиши ҳам муқобил ҳолат ва ҳодисалардан иборат бўлади. Масалан, «Сиз спорт билан шуғулланасизми?» деган саволга респондентлар «ҳа» ёки «йўқ» қабилида жавоб беришади. Бу ерда савол муқобилли эмас, балки жавоб муқобиллидир. «Бўш вақтда баъзилар эса китоб ўқийдилар ёки саёҳатга чиқадилар. Сизчи?» тарзида қўйилган савол муқобилли саволлар ҳақиқатга яқин жавоб олишга кўпроқ ёрдам беришини кўрсатади.

Даражали саволлар ҳам аслида муқобилли саволнинг бир тури. Лекин уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг жавоби

субъектив ҳис-туйғу ёки юз бераётган воқеаларга муносабат даражасини ифодаловчи жавобларни кўзлайди. Масалан:

«Илмий-фантастик адабиётга муносабатингиз қандай?» саволи қуйидаги жавоблардан бирини танлашни тақозо қилади:

1. ёқтираман
2. унчалик ёқтирмайман
3. бефарқман
4. ёқтирмайман
5. жуда ёқтираман.

Демак, юқоридаги савол муносабатларнинг турли даражасини назарда тутгани ва жавоб вариантларида ана шу муносабат даражалари ифодалангани учун у даражали савол ҳисобланади.

## 2. Респондентларни танлаш усуллари

Социологик тадқиқотда танловни шакллантиришнинг усулий жиҳатлари объектнинг тавсифи, гипотезалар, тадқиқот вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, объектни тавсифлаш ва бевосита танлов мажмуасининг шаклланиши билан тугайдиган тадқиқотнинг босқичини, бир бутун усулий жараён деб ҳисоблаш мумкин.

Мажмуавий танлов учта асосий босқичга бўлинади:

- тадқиқот объектини таснифлаш;
- таснифлашни амалга ошириш учун хизмат қилувчи (математик- мантиқий) воситалар танлови;
- бевосита мажмуавий танловни шакллантириш.

Охирги босқич биринчи босқичнинг маъносига боғлиқ бўлиб, ёки биринчи билан бирлаштирилиши ёки мустақил бўлиб ажралиб чиқиши мумкин.

Кўпинча социологик тадқиқотлар ёппасига ўтказилмасдан, балки айрим аҳоли қатламлари орасида ўтказилади. Танлов усулларидан фойдаланилган ҳолда, ўрганилаётган аҳоли гуруҳининг маълум миқдоридаги шахслари танлаб олинади. Бу жараён «танлов» деб аталади. Унинг тўғри бажарилиши социологик ахборотнинг ишончлиги ва сифатига боғлиқдир. «Ижтимоий фикр» марказида социологик тадқиқотлар ўтказиш жараёнида танлов усулларидан қандай фойдаланишимизни батафсил тушунтириб берайлик.

Танлов усуллари қуйидаги иккита асосий саволга жавоб беради: бош мажмуада нечта бирликларни ўрганиш зарур ва ахборотнинг

илмийлигини таъминлаш учун уларни қандай қилиб танлаб олиш керак.

Танлов жараёни ижтимоий объектнинг сифат белгилари (жинси, ёши, касби ва ҳ.к.) ва таснифлари орасидаги ўзаро боғлиқликка асосланган.

Танловнинг асосий усулларини ўрганишдан аввал, унга тааллуқли бўлган тадқиқот объекти, танлов мажмуаси, бош мажмуа, танлов бирлиги, таҳлил бирлиги каби асосий тушунчалар билан танишиб чиқамиз.

Бизнинг тадқиқотларимизда илмий-амалий изланишларимизнинг пировард объекти сифатида Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига оид социологик маълумотлар тўплаш назарда тутилади. Социологик тадқиқотларда бош мажмуа деб ҳудудий, вақтли ва ишлаб чиқариш билан чегараланган объектлар тўпламига айтилади.

Бош мажмуа - тадқиқот муаммосига алоқадор бўлган барча кузатув бирликлар мажмуасидир.

Берилган бош мажмуадан қандайдир қоида бўйича ажратиб олинган маълум миқдордаги элементлар тўплами танлов мажмуаси деб аталади. Тадқиқот ўтказиш вақтида танлов мажмуасининг таркиби, ўрганаётган бош мажмуанинг тасниф сифати ва назорат аломатлари таркибини кичрайтирилган ҳолда такрорлаш зарур. Ўрганилаётган танлов мажмуасининг элементлари (респондентлари) таҳлил бирликларини ташкил қилади. Бундай бирликлар намунаси сифатида шахслар ёки бутун оилаларни келтириш мумкин.

Танловнинг ҳар бир босқичида алоҳида режа бўйича танлаб олинадиган элементлар (қишлоқлар, маҳаллалар, ўқув муассасалар) танлов бирлиги деб аталади.

Танловни асослаш. Усулий (методологик) масалалар ҳал қилинган, яъни мавзу, тадқиқот мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалар таърифи, гипотезалари белгилангач танлов ҳажмини белгилайдиган таҳлилий бирликлар миқдорини аниқлаб олиш керак. Буларнинг барчасини ҳал этишда бош мажмуа ва танлов мажмуаси асос қилиб олинган.

Танлов мажмуаси бош мажмуанинг кузатув бирликларидан таркиб топган. Кузатув бирликлари сифатида айрим шахслар, оилалар, гуруҳлар, минтақалар, сайлов округлари ва б. бўлиши мумкин. Масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг социологлари талаба ёшлар муаммоларини ўрганишда кузатув бирликлари сифатида талабалар, профессор-ўқитувчиларни олганлар.

Социологлар доимий дуч келадиган муаммо - тадқиқот учун қанча кузатув бирликларини олишдир. Агар биз бош мажмуани бутунлайча ўргансак, энг ишончли маълумотларга эга бўлар эдик. Лекин бу йўлни амалга оширишда жуда кўп муаммолар туғилади. Энг зарур ва муҳим томонини аниқлаш учун ушбу мажмуанинг барча таҳлил бирликларини олиш шарт эмас, унинг бир қисмини олса ҳам бўлади. Бироқ қайси бирини олиш керак? Қачонки биз танлаган қисмнинг хулосаларини барча қилган ишларга, барча танлов мажмуаларига татбиқ этишимиз мумкин бўлса, яъни бу хулосалар бош мажмуани аниқ акс эттирган, у ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қиладиган бўлсагина жавоб тўғри бўлади. Бунда танлов ва бош мажмуаларнинг асосий хусусиятлари мутаносиб бўлиши талаб қилинади. Агарда бундай мутаносиблик бўлмаса, катта фарқлар бор бўлса, танлов мажмуаси натижаларини барча мажмуаларга ўтказиб бўлмайди. Агар танлов мажмуасининг кўрсаткичлари билан бош мажмуанинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ 5 фоиздан кўп бўлса, тадқиқот ўтказиш мумкин эмас. Борди-ю, бу фарқ 5 фоиздан кам бўлса тадқиқот ўтказиш мумкин. Ҳар хиллик қанча кўп бўлса, кузатув бирликларини шунча кўп олиш керак. Агар биз ишчилар синфини умуман ўрганаётган бўлсак, биз унинг ҳар бир ижтимоий ва профессионал гуруҳлар вакилларини танлов мажмуасида кўпроқ жалб этишимиз лозим. Ишчилар синфини, станоксозлик саноати ишчиларини ўрганадиган бўлсак, танлов сиғимини озроқ олса ҳам бўлади. Агарда ушбу станоксозлик саноатининг юқори малакали ишчиларининг ўзигина танланадиган бўлса, танлов сиғими янада оз бўлиши мумкин. Демак, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда унинг бир хиллиги ёхуд турли хиллиги омили муҳим роль ўйнайди.

Аҳолидан сўров ўтказилаётганда сўраладиган гуруҳ Ўзбекистон аҳолисининг статистик тўғри кичрайтирилган ифодасидан иборат бўлиши керак. Бу миқдор мамлакат аҳолиси умумий миқдорининг 1 фоизгача бўлиши керак.

Социологик тадқиқот ўтказилаётганда асосан танловнинг икки усули қўлланилади: эҳтимолий (тасодифий) танлов ва квотали танлов.

Эҳтимолий (тасодифий) танлов усули - бу математик танлов бўлиб, содир бўлиши мумкин ҳодисаларнинг кутилаётган ҳодисалар сонига нисбатидир. Бунда ҳодисаларнинг умумий сони етарлича катта бўлиши керак.

Эҳтимолий-тасодифий танлов - амалдаги социологик тадқиқотлар ўтказиш тажрибасида танловнинг, яъни маълумотлар ҳаққоний-

лигини таъминлашнинг энг яхши модели ҳисобланади. Эҳтимолий танловнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар қаторига оддий тасодифий, системали, страфикацияланган, кластерли, кўп поғонали танлов хиллари киради.

Оддий тасодифий танлов қуйидаги босқичлардан иборат.

Биринчидан - бош мажмуа аъзоларининг рўйхатини олиб, уларни номерлаб чиқиш керак. Бу рўйхат танловнинг асоси дейилади.

Иккинчидан - танловда чамаланган танлов ҳажмини, яъни сўровдан ўтадиган одамлар сонини аниқлаш керак.

Учинчидан - тасодифий сонлар жадвалидан (3-илова) танлов бирликлари тадқиқот учун қанча керак бўлса, шунча сонларни танлаб олиш керак бўлса, жадвалдан 100 та тасодифий сон олинади. Тўртинчидан - асосий рўйхатдан тасодифий олинган сонларга мос келадиган респондентларни танлаб олиш керак.

Бош мажмуанинг ҳажми катта бўлганида, оддий танлов усули билан ишлашдаги чекланишлар яққол кўзга ташланади. Кенг кўламда ўтказилаётган социологик тадқиқотларда: сайловлар рўйхатлари, уй хўжалик китоблари, туман электр бошқармаларининг рўйхатлари, қишлоқ кенгашларининг уй хўжаликларини рўйхатга олувчи китоблари ишлатилади.

Системали танлов - сифати бўйича оддий тасодифий танловга яқиндир. Системали танлов оддий танлов каби бутун рўйхатни ёки мажмуани берилган тартибга келтирилишини талаб қилади. Системали танловни амалга ошириш йўли қуйидагича: дастлаб тасодифий йўл билан биринчи бирлик танлаб олинади, сўнг ҳар бир k - элементи танлаб олинади. K сони бу ҳолда танловнинг қадами деб айтилади. Танлов қадами (k) - қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$k= N\backslash h$

бу ерда N - бош мажмуанинг катталиги, h - танлов мажмуасининг катталиги. Масалан, K=2000/200=10

Бу нарса рўйхатдан ҳар бир ўнинчи бирлик танлаб олинишини билдиради. Танлов ҳисоби - рўйхат бошидан ёки охиридан бошланиши мумкин.

Масалан, «Ижтимоий фикр» маркази оддий тасодифий ва системали танловларни мамлакатимиз фуқароларининг истиқомат манзилларига мувофиқ статистик ахборотлар асосида ўтказди.

Ўзбекистондаги қишлоқ ҳудудларида яшайдиган аҳоли учун, эҳтимолий-тасодифий танловлар уй хўжаликларини ҳисобга олиш китоблари бўйича, шаҳарларда эса элекротармоқдан фойдаланувчилар (абонентлар) рўйхати асосида бажарилади. Сўров ўтказилиши

керак бўлган уй хўжалигининг танловини тасодифий танлов йўли билан ёки танлов қадами орқали аниқлаймиз. Бунда уй хўжаликларининг умумий рўйхатидан бир хил оралиқларни ўтказиб, сўровга мос уй-хўжаликлари танлаб олинади. Уй хўжалиги танлангандан сўнг Киш картаси ёки квота картаси орқали оиладан саволларга жавоб берувчи шахс ажратиб олинади.

Туманлар, қишлоқ кенгашлари ва маҳаллалар танлови - Ўзбекистон бўйича статистик маълумотларнинг умумий тўпламидан, математик усулларни қўллаган ҳолда, тасодифий сонлар жадвали асосида бажарилади.

Бош мажмуанинг рўйхатига нисбатан, объектлар рўйхатини қисман-қисман олиш енгилроқ бўлса, статификацияланган танлов сонига нисбатан пропорционал бўлинади; ундан сўнг ҳар бир стратадан оддий тасодифий танлов ажратиб олинади.

Кластерли (уяли, инли) танлов. Бу усулда дастлаб кластерлар (гуруҳлар) танлаб олиниб, сўнг шу кластерлар ичида барча бирликларни ўрганиш асосланади. «Кластерлар» (инглиз тилида - уя, ин) - бу кузатув остидаги бирликларнинг табиий гуруҳланишларидир. Масалан, ҳарбий хизматчилар бош мажмуаси ҳарбий қисм - бўлинмаларга бўлиниши мумкин, талабалар мажмуаси - университетлар, институтлар ва коллежлар бўйича бўлиниши мумкин ва ҳ.к.

Бош мажмуани локал гуруҳларга ажратиб олиш мумкинлиги бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда ахборот бирлигига кетадиган сарф-харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Умуммиллий сўровлар ўтказилаётганда кластер усулини қўллаш намунаси сифатида қишлок туманлари, маҳаллалар, шаҳар туманлари, сайлов участкаларига бўлинишни мисол сифатида келтириш мумкин.

Кластер жараёнлари тўғри қўлланиши учун тўртта зарур шартга амал қилиш керак:

1. Кластерлар аниқ белгиланиши лозим. Бош мажмуанинг ҳар бир аъзоси битта кластерга тегишли бўлиши мумкин.

2. Ҳар бир кластерга кирадиган бош мажмуа аъзоларининг сони аниқ бўлиши лозим.

3. Кластерлар жуда ҳам катта бўлмаслиги ва географик жипслашган бўлиши лозим.

4. Кластерли танловни шундай бажариш лозимки, у танлов хатосининг ўсишини камайтириши керак.

Кластер ёки стратификациялаш танловини бажаришдан олдин тадқикотга кетадиган сарф-харажатларнинг самарадорлигини солиш-

тириш фойдалидир. Ўзгарувчилар сифатида кластернинг ўртача катталиги ва кластерлар сони танланади. Шу икки ўзгарувчига боғлиқ бўлган сарф-харажатлар фукцияси қуйидаги кўринишга эга:

Ct=A*C1+H*C2

Бунда Ct - тадқиқотнинг умумий баҳоси

A - «дастлабки танлов бирликлари» сони

C1 - дастлабки тадқиқ қилишга кетадиган ўртача харажатлар

H - режалаштирилган танловнинг умумий катталиги

C2 - битта интервью ўтказиш учун ўртача сарф-харажатлар.

Кўп поғонали танлов тасодифий танловнинг бир неча бўлимидан иборат бўлиб, мураккаб статистик масала кўринишида бўлади. Умуммиллий тадқиқотларда танлов 4 ёки 5 «зинадан» - вилоятдан бошлаб токи маҳаллагача тушиб боради. Биринчи қисмларида худди кластер танловидек, туман, маҳаллалар танлаб олинади. Охирги бўлимларида бош мажмуа бирлик аъзолари, респондентлар, оилаларнинг тасодифий танлови бажарилади. Шуни айтиб ўтиш кераккки, қисмлар кўпайиши олинган баҳолар аниқлигининг камайишига олиб келади. Танлов таснифини яхшилаш учун стратифицирлаш билан кўппоғонали таҳлилли танловларни танлов жараёнининг охирги босқичларида қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Социологик тадқиқотларда эҳтимолий танлов билан бир қаторда бирор мақсадга йўналтирилган квотали танлов ишлатилади. Жамоатчилик фикрини ўрганишда кенг қўлланиладиган ва энг аниқ бўлган бу танлов - квотали танлов усули деб аталади. Бу усул тадқиқотнинг мақсади аниқ бўлганда ишлатилади.

Танловнинг квотали усули бош мажмуанинг қандайдир бир қисмини (фоиз нисбатида) бошқа тўлиқ кўрсаткичлар билан мувофиқлаштириш мумкинлигини эътиборда тутган ҳолда олишни мўлжаллайди. Кўпинча бундай кўрсаткичлар сифатида респондент маълумоти, ёши, профессионал тайёргарлиги ва ҳ.к. бўлади. Бу кўрсаткичлар бўйича бош мажмуа ҳақидаги маълумотлар, одатда расмий статистикадан олинади. Бош мажмуа ҳақида қатор маълумотларнинг борлиги квотали танлов усулини маълум идоралар, муассасалар, корхоналарда қўллаш имконини беради. Корхоналарда ўтказиладиган тадқиқотлар учун квотали танлов усулининг муҳимлиги яна шундаки, бу ерда ижтимоий тажрибалар ўтказилаши мумкин. АҚШ ва Польша социологлари тажрибасининг кўрсатишича, бош мажмуадаги кузатув бирлигининг атиги 10 фоизини олиш билан ишончли квотали танлов мажмуасини ҳосил қилиш мумкин экан. Савол туғилади: мана шу кузатув бирлигининг 10 фоизини қандай қилиб танлаб олиш

мумкин? Танловнинг энг кўзга кўринган маълум усуллари қуйидагилардир: тасодифий қайта танлов, тасодифий қайтариқсиз танлов, механик, типик ва районлаштирилган (уяли) танлов.

Тасодифий қайта танловни қўллаш жараёнида биз таҳлил бирликларини маълум талаблар асосида эмас, балки тасодифан ажратиб оламиз. Масалан, завод картотекасидан тадқиқот учун жалб қилинган ишчиларни танлаб оламиз. Дейлик, 10 минг кишилик жамоадан бир минг кишини танлаб олишимиз керак. Битта карточкани оламиз, карточкани қайтариб қўямиз, сўнг таваккалига бир неча бор бошқа карточкани оламиз, яъни биз риоя этаётган тасодифийлик баъзан қайтариб турилади.

Механик танлов. Маълум оралиққа риоя этган ҳолда кузатиш бирликларини саралаш йўли билан амалга оширилади. Агарда юқоридаги картотекадан ишчиларнинг карточкаларини оладиган бўлсак, ҳар ўнтадан биттасини оламиз, бордию танлов фоизи паст бўлса - масалан, ҳар йигирмадан биттасини оламиз. Бундаги муҳим ҳолат қайси карточкадан - 1,3 ёки 9-карточкадан олишни бошлашда бўлади. Буни яхшиси қуръа ташлаб ҳал этиш керак. Дастлабки ўнта карточкани олиб, уларни аралаштириб, биттасини тортиб олиш керак. Мана шу номерга қараб, биттасини тортиб олиш керак. Мана шу номерга қараб қутидан белгиланган вақт масофасига риоя қилиб, карточкаларни олишни бошлаш лозим. Олдимизда картотекали қути ёки алифбо тартибида тузилган рўйхат бўлган чоғда шундай қилиш тавсия этилади.

Бу ерда биз кузатиш бирликларининг ўрганилаётган белгиларга нисбатан тартибсиз жойлашганлигини кўрдик. Бироқ бизнинг олдимизда кузатиш бирликлари ўрганилаётган белгига нисбатан тартибли жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Барча белгиланган аломатларимиз бўйича зарур микдорда саралаб олгунимизча, гуруҳларга ажратишни давом эттирамиз. Лекин бунга кўп берилиб кетиш керак эмас.

Илмий жиҳатдан энг самарадори типик танлов усулидир. Механик йўл билан танлаб олинган таҳлил бирликлари ҳар бир белгиланган аломатга кўра танлов мажмуасига тушишни таъминлайди, бунда ўзаро фарқ қилувчи барча кузатиш бирликлари танлов мажмуасига тушади. Бу кузатиш бирликларини танлов мажмуасига саралашнинг энг репрезентатив усулидир. Бу усулдан фойдаланилганда танловда хато қилиш энг кам миқдорда бўлади. Фақат камдан-кам ҳоллардагина, қачонки олинган типлар ўртасида ўрганилаётган белги бўйича ҳеч қандай фарқ бўлмагандагина тасодифий ва механик танловда хато ўтиб кетиши мумкин. Бу вариантда типик танловни қўллаш

керак эмас, механик танлов билан чекланиш мумкин. Типик танлов ўрганилаётган мажмуани кузатиш бирликлари орасида кескин фарқ бўлгандагина фойдали ва ўта зарурдир. Натижада ўрганилаётган белги бўйича типлар (гуруҳлар) ўртасида фарқ қанча катта бўлса, танлов хатоси шунча кам бўлади. Энг катта мажмуани белгиланган аломатларга қараб ажратар эканмиз, улар орасидаги фарқ иложи борича кескин бўлиши лозим. Демак, танловнинг барча усулларини қўллаш жойида тасодифий хатоларга сўзсиз йўл қўйилади, яъни танлов ва энг катта мажмуанинг кўрсаткичлари орасида фарқ бўлади. Бу хатолар объектив мазмунга эга, чунки тадқиқотчига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳатто илмий танлов шароитида ҳам текширилаётган қисм тизими бош мажмуа тизимига мос тушмайди. Хатонинг катта-кичиклиги, танлов ўтказилишнинг усулларига боғлиқ бўлади. Танловнинг асосий принципи - тасодифийлик принципи бузилган чоғдаги доимий хато мазмунан бошқадир. Баъзан эркин танлов ўрнига кузатиш бирликларини онгли равишда, уларнинг энг яхши кўрсаткичларга қараб танлаб олинади. Масалан, ўн минг кишилик ишчилар жамоасидан мингта энг яхшилардан танлаб олиб, уларни ўрганишади. Бу ҳолатда танлов хатоси субъектив бўлади, зеро танлов ва энг катта қисмлар натижаси мутахассисликнинг онгли фаолияти оқибатида олинган бўлади. Бундай танлов мажмуасини ўрганиш чоғида олинган хулосалар бош мажмуада акс этмайди. Илмий талаблар нуқтаи назардан бундай қилиб бўлмайди.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг репрезентативлик даражаси танлов усулини қўллашга бевосита боғлиқдир. Хулосаларнинг ишончлиси, ўз навбатида репрезентативлик даражасига боғлиқ бўлади. Демак, танлов социологик тадқиқотда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Танлов ўтказилаётган пайтда танлов ҳажмини аниқлашга катта аҳамият берилиши керак.

### 3. Дала ишларини ташкил этиш ва социологик сўровни ўтказиш

«Ижтимоий фикр» марказида дала ишларини бошлашдан аввал дастлабки (пилотаж) - ахборотни тўплаш бўйича танланган усул, яъни усули синовдан ўтказилади. Синов респондентларнинг сони катта бўлмаган 25-30 кишидан иборат гуруҳида ўтказилади. Бунинг учун бутунлай қарама-қарши тоифаларга мансуб (маълумоти, ёши, жинси, ҳаётий тажрибалари) бўлган вакиллар танлаб олинади.

Синовда, тадқиқот муаллифларидан ташқари, бўлажак интервьюерлар, матнларни кодлаштирувчилар, дастурчилар қатнашишлари зарур. Агар синовда бир нечта одам қатнашса, маълумотлар йиғиш инструментарийсининг сифатини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Синовдан асосий мақсад режаланган саволлар қанчалик тўғри тузилган? Респондентларга улар тушунарлими? Кўзланган ахборотни олиш мумкинми? - каби саволларга жавоб беришдир. «Пилотаж» тадқиқот - босқичма-босқич бажарилади. Бир гуруҳ маълумотлар йиғилгандан сўнг ахборот таҳлили ўтказилиб, фикр алмашинади ва шу жараён пилотаж тугагунича такрорланаверади. Тадқиқотнинг муаллифлари интервьюерлар билан биргаликда услубиётнинг барча элементларини тадқиқотга кириш босқичидан бошлаб, ижтимоий-демографик босқичгача қадамма-қадам муҳокамадан ўтказишади. Тадқиқот натижалари дарҳол таҳлил қилиниб, ечимнинг янги варианти синовга қўйилади. «Пилотаж»нинг якуни - услубиёт ва маълумотлар тўплами бўйича кўрсатма матнини, ташкилот ҳамма бўғинларининг, айниқса тадқиқотда иштирок этувчиларнинг тайёрлик даражасини кўрсатиб беради.

Сўров усули қўлланиши чоғида сўровномадан ташқари ҳам тадқиқотчи ва респондент ўртасидаги алоқа интервьюер воситаси ҳисобланади.

Интервьюер тадқиқотчи кўзда тутган саволларни бериб, алоҳида олинган ҳар бир одам билан суҳбат ташкил этади, бошқаради ва кўрсатмага мувофиқ олинган жавобларни қайд қилади. Ҳар бир сўровнома учун интервьюерга мўлжалланган ўзига хос кўрсатма ишлаб чиқилади.

Интервьюернинг иши жуда муҳим, яъни интервьюернинг сўровнома ва респондент ўртасидаги воситачилиги саволларга жавоб берувчининг ички дунёсига максимал даражада яқинлашиш имкониятини беради. Респондент алоҳида сўзлар ёки саволлар мазмунини тушунмаган, воқеаларни эслаш қийин бўлган ва шу каби бошқа вазиятларда интервьюер ёрдамга келиши, қўшимча саволлар бериши, тушуниш қийин бўлган сўзлар ёки ифодаларни тушунтириб бериши, пировард натижада эса янада аниқроқ ва ишонарлироқ ахборотлар олишга эришиши мумкин.

Интервьюер учун кўрсатмалар (4-илова) алоҳида китобча кўринишида тузилади ва сўровнома матнига киритилади. Бундай кўрсатмалар мазмунининг зарурий элементлари қуйидагилардир:

1. Интервьюернинг сўров ташкилотчилари билан муносабатларини аниқлаб олиш («Ижтимоий фикр» марказида сўров вазифалари ва

ҳужжатлари, яъни маршрут варағи (ёки респондент манзилгоҳи), Киш картаси (ёки квота), интервьюер гувоҳномаси ва ҳ.к. берилади).

2. Респондентни қидириб топиш ёки жойида бўлмаганларини захирадаги номзодлар билан алмаштириш қоидалари.

3. Респондент билан дастлабки суҳбат мазмуни ва у билан дастлабки алоқа ўрнатиш, унинг интервью беришга розилигини олиш бўйича кўрсатмалар.

4. Сўровномани тўлдириш техникасини тушунтириш.

Интервьюерга сўровномани тўлдириш техникаси бўйича кўрсатмалар сўровнома матнининг ўзида бўлиши керак. Булар қуйидагилар бўлиши мумкин: фильтрловчи саволлардан сўровга жалб этилувчиларнинг маълум бир қисмига тааллуқли саволлар гуруҳига ўтишини кўрсатувчи белгилар ҳақидаги тушунтиришлар; очиқ саволлар, интервьюер респондентга бериши керак бўдган жавоб вариантлари келтирилган карточкалар ҳақидаги эслатмалар ва ҳ.к. Бу каби кўрсатмалар чизма ёрдамида ёки «Диққат, интервьюер!» сўзлари билан ажратилган бўлади.

Интервьюерлар гуруҳларини шакллантириш, ўқитиш ва уларга кўрсатмалар бериш. Дастлабки ахборот тўплаш учун интервью услуби қўлланиладиган социологик тадқиқот мобайнида ушбу тадқиқот хусусиятларига мос келувчи интервьюерларни ажратиб олиш ва тайёрлаш вазифаси туради.

Интервьюерлар аввал жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровларда иштирок этган ва сўровда қатнашиш таклифномасини олган одамлар орасидан танлаб олинади. Интервьюер бўлиш истагини билдирган шахс ариза беради ва ўзи ҳақидаги маълумотлар бўйича сўровнома тўлғазади. Агарда номзод сўровнома талабларига мос келса, суҳбатга таклиф этилади. Суҳбат давомида унинг интервьюер ишига муносабати, унинг мазмунини англаш, кўрсатмаларни бажариш қобилияти, аниқ ёзувлар олиб бориш лаёқати, шунингдек, турли маълумот ва ижтимоий даражалардаги респондентларга тўғри йўл топа билиш кўникмалари аниқланади. Суҳбатдан ўтган номзодлар дастлабки машғулотларга таклиф этиладилар.

Дастлабки ўқитиш курслари 10-12 кишидан иборат, унча катта бўлмаган гуруҳлардаги бир қанча машғулотлардан (масалан, ҳар бири 2 соатлик 4 машғулот) иборат.

Тингловчилар тадқиқотнинг барча босқичлари ва муаммолари, интервьюер роли ва унинг хатти-ҳаракатларига қўйиладиган талаблар, қўлланиладиган тушунчалар билан таништириладилар. Номзодлар ўқув интервьюерларида ва интервьюер учун мўлжалланган кўрсат-

мадан олинган сўровномалар чизмаларининг муҳокамасида қатнашадилар. Машғулотлар натижаларига кўра ҳар бир номзодга баҳо қўйилади ва шу асосда у кейинги машғулотларга қолдирилади ёки унинг хизматидан воз кечилади.

Интервьюерлар билан ишлашнинг кейинги босқичи - тест асосида баҳолашдир. Ўқув интервьюси ўтказиладиган бундай машғулотда ҳар бир номзодга супервайзер бириктирилиб, у номзод билан ҳар бир интервьюни олиб боришни муҳокама қилади. Шундан сўнг номзод мунтазам равишда ишга кўника боради, супервайзер эса уни кузатади ва заиф томонларини аниқлайди. Супервайзер тест натижалари асосида ҳисобот тайёрлайди ва номзоднинг интервьюер бўлиб ишлаш имконияти ҳақида қарор қабул қилади.

Интервьюерларни ўқитиш жараёни интервью ўтказиш техникасини ва сўровнома тузиш қоидаларини ўрганишдан ташқари, тадқиқот мавзуси ва респондент муҳити билан танишишни ҳам ўз ичига олади. Ўқитишнинг ушбу томонларини кўриб ўтамиз.

Интервью мавзуини ўзлаштириш. Интервьюернинг мавзуни яхши билиши, гап нима ҳақида кетаётганлигини англаши - муваффақиятнинг зарурий шартидир. Респондент ўз суҳбатдошининг муҳокама этилаётган саволни тушунишини сезиб туриши керак. Бунинг учун тадқиқот лойиҳасининг раҳбари ва супервайзер интервьюерларни саволнома мазмуни ва уни тўлдириш бўйича кўрсатма билан таништирадилар, уларни диққат билан ўрганадилар, муҳокама этадилар ва зарур бўлган тақдирда ўрганилаётган мавзу бўйича қўшимча материалларга мурожаат қиладилр.

Респондентлар яшаётган муҳитнинг хусусиятларини билиш. Интервьюернинг ўзи иш олиб борадиган муҳит хусусиятларини, яъни респондентларнинг маълумот даражасини, меҳнат ва турмуш хусусиятларини, кундалик тил муаммоси жиҳатларини билиши ва буларнинг барчасини интервьюга тайёрланиш чоғида ҳисобга олиши муҳимдир.

Респондент яшаётган муҳитни билиш интервьюерга респондент билан тезда суҳбатга киришиш, унинг суҳбатдаги иштирокини таъминлаш, суҳбат жараёнида саволнинг ҳақиқий мазмунини респондентга етказа олишида муҳим аҳамият касб этади.

Интервью олиш техникасини билиш. Интервью олиш техникаси деганда, интервьюернинг интервью жараёнига халал бермаган ҳолда респондентни ишончли жавобларга рағбатлантириш мақсадига йўналтирилган усуллар мажмуаси тушунилади. Бу усуллар кўп сонли ва турли хил бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин:

- респондентни интервьюда қатнашишга ундовчи хусусиятига кўра;

- суҳбатдошнинг ҳолатидаги кескинликни юмшатиш хусусиятига кўра;

- суҳбатни аниқ оқимга йўналтирувчи ва суҳбатдошнинг диққатини жамловчилик хусусиятига кўра;

- тушуниш қийин бўлган саволларни аниқлаштиришга кўра;

- «респондентнинг ҳимоя реакциясини» бартараф этишга бўлган қобилиятига кўра;

- респондентни очиқ жавоб беришга ундовчилик малакасига кўра;

- суҳбат бошида туғилган ноқулай таассуротлар ҳамда кайфиятларни самарали изга сола олишига кўра;

- кутилмаганда узилиб қолган суҳбатни тиклай олишига кўра;

- жавобни мунтазам текшириш ва атайлаб нотўғри шаклда олинган жавобга муносабат билдира олиш хусусиятларига кўра.

Дала тадқиқотларини ўтказиш. Дала тадқиқоти - бу бевосита объектларга чиқиб, ахборотлар тўпламини ялпи тарзда йиғиш демакдир. Бу босқичдаги ташкилотчиликнинг асосий талаблари: кўрсатмаларга аниқ риоя этиш, бирламчи ахборотни сақлашнинг мақбул тизимига риоя этишдир.

Интервьюер савол-жавобни бошлашдан олдин сўровномани диққат билан ўқиб чиқиб, мавжуд саволларни ва уларга тегишли жавобларни кўрсатма бўйича мукаммал ўрганиб чиқиши лозим. Агар шу ишни бажармаса, савол-жавоб пайтида ўзини йўқотиб, ташаббусни респондентга бериб қўйиши ва шу билан бутун сўров натижаларининг хато булишига олиб келиши мумкин.

Топшириқ олган интервьюер сўров ўтказиш жойига (қишлоқ, шаҳарча ва х.к.) етиб келгач, даставвал қишлоқ кенгашига мурожаат этади, чунки бу ерда кўрсатмага мувофиқ танлаш амалга оширилади. Танлаш хўжаликлар ҳисоб-китоби асосида амалга оширилади. Барча ажратиб олинган манзилгоҳларни интервьюер марказда берилган бланкага ёзиб қўяди. Рўйхат туизлгандан сўнг интервьюер аниқ манзилгоҳлар бўйлаб юради ва сўровни олиб боради. Интервьюер сўровни ҳеч қачон кўчада, қишлоқ кенгашида, чойхонада ва респондентнинг ишхонасида ўтказмаслиги, балки фақат респондент уйида ўтказиши лозим. Аниқ бир респондентни ажратиб олишнинг асоси оила ҳисобланади. Агарда танлашга тушган манзилгоҳда бир неча оила истиқомат қиладиган бўлса, интервьюер яна бир танлаш босқичини амалга оширади, яъни ушбу манзилгоҳда яшовчи барча оила бошлиқларини ёзиб олади. Шун-

дан сўнг, интервьюер фамилияси алфавит бошидаги ҳарфга яқин оилани танлаб олади. Суҳбат ўтказилиши керак бўлган шахсни аниқлаши учун интервьюер Киш картасидан фойдаланади. Маълум бир манзилгоҳ учун Киш картаси номери супервайзер томонидан белгиланади.

Киш картаси 8 вариантдан иборат (4-илова). Уй хўжалигининг аниқ манзили аниқлангач, Киш картасини тўлдиришга ўтилади. Бунда Киш картанинг ичига аввал ёши энг катта эркакдан бошлаб, Киш картасида кўрсатилган энг кичик ёшгача барча эркаклар ёзиб чиқилади, давомига эса ёши энг катта бўлган аёлдан бошлаб, ёши кичигигача ёзиб чиқилади. Ундан сўнг оилада сўровда лойиқ бўлганлар сонига қараб қайси бири билан сўров ўтказиш керак эканлиги аниқланади.

Респондент танланганидан сўнг интервьюер у билан сўровнома бўйича суҳбат олиб боради. Интервьюер сўровнома билан кўрсатмага мувофиқ ишлайди. Ҳар бир сўровномага мувофиқ тарзда кўрсатма ишлаб чиқилади.

Интервьюер кўрсатмада келтирилган талаблардан четга чиқмаслиги лозим. Агарда у ўзбошимчалик қилиб, ўзича кўрсатмада кўрсатилмаган тартибда сўровни олиб борса, бундай сўровнома «яроқсиз» деб ҳисобланади ва инобатга олинмайди, бу ҳол тадқиқотнинг тозалигига путур етказади. Агарда сўровномани тўлдириш жараёнида айрим саволлардан бошқа саволга сабабсиз сакраб ўтилса ва шу туфайли айрим саволларга жавоб берилмаса, бу ҳам сўров олиб борувчининг қўпол хатоси деб ҳисобланади.

Берилган саволларга танланган жавобларни ёрқин (кўк ёки бинафша) рангли ручка билан тўлдириш лозим. Сўровномада ҳар бир ёзув аниқ харфлар билан ифодаланиши керак. Саволларга жавоблар мос бўлган рақамларни доира ичига олиш керак. Айрим интервьюерлар шошилиб доирани катта чизиб юборади, шу билан қўшни рақамни ҳам айлананинг ичига олиб қўяди. Албатта, бундай ҳол бўлмаслиги лозим, чунки ЭҲМда маълумотларни киритишда оператор адашиб, нотўғри маълумотларни киритиб қўйиши мумкин.

Аниқ манзилгоҳга келгач, интервьюер ўзини таништириши, гувоҳномасини кўрсатиши ва ўз ташрифи мақсадларини баён қилмоғи керак. Кириш суҳбати матн сўровномасининг биринчи саҳифасига ёзиб қўйилади.

Бу босқичда бир нечта муҳим вазифалар амалга оширилади. Улардан биринчиси респондентни сўровга тайёрлаш. Респондентдан керакли маълумотни олиш учун унга сўровнинг сабаби ва мақсадини

тушунтириб, саволларнинг мазмуни билан таништириш керак. Агар сўров анкета ёрдамида ўтказилаётган бўлса, уни қандай тўлғазишни ҳам тушунтириш лозим. Сўров мавзуи маълумот тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Бевосита саволларни бериш ва анкета тўлдиришга ўтишдан аввал респондентни шу мавзуга қизиқтириш зарур. Масалан, иқтисодий мавзудаги сўровларни ўтказишдан олдин респондентларга сўровнинг мақсадини билдириб, мавзунинг шу корхона, жамоа, минтақа ва мамлакат учун аҳамияти тушунтирилса, сўровга жиддий муносабат вужудга келади.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ҳар бир респондентнинг ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, манфаатлари мавжуд бўлиб, сўровга қизиқиш ҳосил қилишда шуларни назарда тутиш керак.

Кўникиш даврида респондентга бевосита мурожаат қилинади. Бу мурожаат оғзаки ва ёзма тарзда амалга оширилиши мумкин. Мурожаатда тадқиқот мақсадлари ва аҳамияти таъкидланади. Мурожаатда респондентга чуқур ва самимий ҳурмат изҳор қилинмаса, унинг бу тадқиқотга кизиқиши сусайиши ёки мутлақо йўқолиши мумкин. Шунинг учун мурожаатда респондентнинг руҳий ҳолати ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ўтказилган сўровга респондентда қизиқиш уйғотиш, ҳеч бўлмаганда мойиллик пайдо қилиш натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бу қизиқиш ва мойилликни уйғотиш учун эса адаптация босқичи жуда эҳтиёткорлик ва моҳирлик билан ўтказилиши лозим. Бунинг учун мурожаатда қуйидагилар акс этиши шарт:

1. Респондентга чуқур ҳурмат. Тадқиқотчи респондентга чуқур ҳурмати мавжудлигини сездириши керак. Бунинг учун эса анкетага: «биз Сизни жуда ҳурмат қиламиз» деб ёзиб қўйиш кифоя қилмайди. Ҳурмат мурожаатдаги ҳар бир сўздан ва матндаги мазмундан сезилиб туриши керак.

2. Респондентга ўрганилаётган мавзу бўйича мутахассис сифатида мурожаат қилиш лозим. Ўзининг фикри тадқиқот учун зарур эканини респондент ҳар бир сўз ва жумладан сезиб туриши зарур. Мана шу икки ҳолат таъминланганда, сўровга қизиқиш пайдо бўлиши ёки бор қизиқиш кучайиши мумкин.

Қозирги вақтда сўров усули дастлабки социологик ахборот олишнинг энг кўп тарқалган усули ҳисобланади. Шу сабабли у гоқида умуман олганда барча социологик тадқиқотлар билан, баъзида эса социологиянинг ўзи билан тенглаштирилади. Бу фикр муайян асосга эга, чунки сўров усули қисқа муддатда ҳамда нисбатан кам ташки-

лий харажатлар билан ҳар томонлама ахборот олишнинг жуда самарали йўли ҳисобланади.

Сўровлар кишиларнинг субъектив олами, уларнинг қизиқишлари, фаолияти мотивлари, фикрлари тўғрисида ахборот олиш имконини беради ва одамларнинг ички истакларини билиб олишнинг энг яхши манбаларидан бири ҳисобланади. Сўров усулининг аҳамиятлилиги даражаси биринчи навбатда жамоатчилик онгининг соҳаларини ўрганиш билан боғлиқдир. Сўров тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ социологлар томонидан берилган саволларга респондентларнинг жавобларини қайд этиш йўли билан дастлабки оғзаки ахборотларни бевосита ёки бавосита тўплаш усулидир. Сўров усулларининг икки катта синфи мавжуд. Булар интервью олиш ва саволнома сўровлари.

Интервью - интервью олувчи билан респондентнинг тўғридан тўғри алоқасини кўзда тутадиган аниқ режа бўйича ўтказиладиган суҳбатдир, бунда респондентнинг жавобини ёзиб олиш ёки интервью олувчи томонидан, ёки механик тарзда амалга оширилади. Интервьюнинг қар хил турлари мавжуд. Мазмунига кўра суҳбатлар мақсади баҳо, фикр ва ҳукмларни кўрсатишга қаратилган ҳужжатли интервью (ўтмиш ҳодисаларини ўрганиш, фактларни аниқлаштириш) ва фикрлар интервьюси фарқланади. Мутахассис-экспертлар билан ўтказиладиган интервьюларни ажратиб кўрсатиш айниқса зарурдир. Техник жиқатдан эркин, ностандартлаштирилган ва бир шаклга солинган интервьюлар бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Эркин интервью бу саволлар қатъий қўйилмаган, бироқ умумий дастур бўйича олиб бориладиган узоқ давом этадиган суҳбат («йўл кўрсатувчи интервью»). Бундай интервьюлар одатда тадқиқотларнинг формулятив режасида разведка қилиш босқичида ўтказилади.

Стандартлаштирилган интервью бир шаклга солинган кузатиш сингари суҳбатнинг умумий режаси, изчиллиги ва саволларнинг тузилиши, эҳтимол тутилган жавобларнинг вариантларини ўз ичига оладиган барча тартиб-қоидаларнинг батафсил ишлаб чиқилишини тақозо этади. Тартиб-қоидаларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда интервью а) баъзида соатлаб давом этадиган интенсив, б) сўраб чиқилаётганларнинг нисбатан тор доирасининг йўналтирилган муносабатини аниқлашга қаратилган интервью бўлиши мумкин (масалан, киши оммавий ахборот воситаларининг айрим қисмларига қандай муносабатда бўлади ва ҳоказо).

Телефон орқали интервью олиш мулоқотнинг бавосита шаклини акс эттиради. Уни амалга ошириш учун кўп интервью олувчилар

талаб қилинмайди ва сўровни эпчиллик билан бошқариш имконияти туғилади. Телефон орқали интервьюда интервью олувчининг нутқи, юзага келган муайян шароитда унинг вазиятни тезда англаб олиш қобилияти ҳамда ундан тадқиқот мақсадида фойдаланиши катта аҳамиятга эгадир. Телефон орқали интервью фикрларни тез зондлаш учун қўлланилади.

Саволнома асосида сўраб чиқиш бу тадқиқотнинг асосий турларидан бири бўлиб, тадқиқотнинг асосий ҳужжати - саволномани тузишни қатъий тартибга солишни талаб этади. Саволнома бўйича сўраб чиқишнинг ўзига хослиги шундаки, респондент мустақил равишда саволнома билан ишлайди ва унинг саволларига жавоб беради. Бир томондан, мазкур сўров турининг афзаллиги шундаки, саволга жавоб вариантини танлашда, ўз фикрини билдиришда, респондент эркин бўлади, тадқиқотчининг таъсири эса кам даражага келтирилади. Бошқа тарафдан эса, респондент жавобини аниқлаштиришнинг ҳамда савол мазмунини тушунтиришнинг имкони йўқлиги саволнома асосида сўраб чиқишнинг жиддий камчилигидир. Айнан шунинг учун саволнома бўйича сўраб чиқиш усули социологик интервью сингари тезкор усул ҳисобланмайди.

Зондлаш ёки тезкор-сўров жамоатчилик фикрини назорат қилишда қўлланилади ва асосий ахборотнинг бор йўғи 3-4 банддан, шунингдек, сўралаётганларнинг демографик ва ижтимоий тавсифлари билан боғлиқ бир қанча бандлардан ташкил топади.

Эксперт сўров ёки мутахассислар сўрови анъанавий сўровлардан фарқ қилади, чунки қўйилган масалаларни тушунтиришда сўраб чиқилаётганларнинг энг фаол қатнашишини назарда тутади. Унда асосан очиқ саволлар устунлик қилади, яширин саволлар эса фақат ишончлилик даражасини баҳолашга мўлжалланади.

Сўров ўтказишда улар ёрдамида субъектив фикрлар ва баҳолар аниқланишини ёдда тутиш зарур. Бу фикр ва баҳоларга сўров ўтказилаётган шарт-шароитлар ва бошқа ҳолатлар таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу омиллар билан боғлиқ равишда маълумотларнинг бузилишини энг кам даражага келтириш учун сўров усулининг ҳар қандай турини қисқа муддатда амалга ошириш керак. Сўровни узоқ муддатга чўзиб бўлмайди, чунки сўровнинг охирига бориб ташқи шароитлар ўзгариши ва респондентлар таркибига кейинроқ келиб қўшиладиганларнинг жавоблари хусусиятига таъсир қилиши мумкин.

Сўровнинг оддий изчиллиги (стандартлаштирилган интервью ёки саволнома орқали сўров ўтказишда) қуйидагича:

Кириш, унда қуйидагилар кўрсатилади: ким (ташкилот ёки илмий муассаса) ва нима мақсадда сўров ўтказади, маълумотлардан қандай фойдаланади, саволномалар тўлдириш ва уни қайтаришга доир кўрсатмалар.

Шунингдек, сўровнинг мақсадини респондентни қизиқтириш учун содда тилда тушунтириш зарур. Респондентнинг фаоллик кўрсатишини таъкидлаган, масалан: «Сизнинг мулоҳазаларингиз бирор соҳада ишни яхшилашга ёрдам бериши мумкин» ёки «Сизнинг жавобларингиз бирор муаммони ўрганиш имконини беради». Кириш қисмда мавзунинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш ва расмий ҳужжатлардан парча келтиришга ҳожат йўқ. Бундай қилинса, респондентга босим ўтказилиши мумкин. Шу билан бирга респондентларга мулозамат қилишнинг ҳам кераги йўқ. Сўров ўтказаётган ташкилотнинг номини ва тадқиқот мақсадларини айтиш ишчанлик муҳитини яратиш учун етарлидир.

Тезкор сўровларда ёки хуфиёна сақлаш имкони бўлмаганда ташкилот номидан ахборотдан асосли ва холисона фойдаланиш кафолати берилиши лозим.

Сўнгра кириш саволлари берилади. Бу асосан икки вазифани бажаради: респондентни қизиқтириш ва унга ишга киришиш учун мумкин қадар енгиллик бериш. Шунинг учун сўровнинг энг бошида респондентлар учун мураккаб бўлган ёки уларни ташвишга соладиган саволлар берилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Сўров бошида берилган мураккаб саволлар уларни қўрқитиб қўйиши мумкин ва бу сўровда иштирок этишдан бош тортишга олиб келади. Агарда респондент суҳбатга киришиб кетган бўлса, суҳбатни ярмида тўхтатиб қўйишдан кўра уни якунига етказиб қўйиш истагида бўлади. Айниқса, одамларни «паспортичка» ташвишга солиб қўяди, шунинг учун демография тўғрисидаги маълумотларни саволнома варағининг сўнгида келтириш мақсадга мувофиқдир. Энг ўткир ва интим саволлар варақнинг охирги учдан бир қисмига жойлаштирилади.

Якуний саволлар мавзунинг мазмунига кўра нисбатан қийин бўлмаслиги керак, чунки респондентлар саволнома билан ишлаб астасекин толиқиб қолади. Тўла изоҳ талаб қиладиган очиқ саволлар саволноманинг ўрта қисмига яқин жойлаштирилади, улар сўнгги қисмига ҳам жойлаштирилиши мумкин, бироқ бир-иккитадан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Сўровлар берилаётган саволларнинг мазмунига ва тузилишига кўра ҳам таснифланади. Респондентлар эркин шаклда ўз фикрларини билдирадиган очиқ сўровлар фарқланади. Яширин сўров варағида

жавобларнинг барча вариантлари олдиндан кўзда тутилган, ярим яширин сўровлар икки тартибни ҳам бирлаштиради.

«Паспортичка» охирги бетдан жой олади, у одатда лўнда бўлиб, алоҳида зўриқишни талаб қилмайди ва сўров якунланганлигидан дарак беради.

Пировардида сўровда иштирок этганлиги учун миннатдорчилик билдирилади, кўпинча бу такроран айтиладиган миннатдорчиликдир, чунки кириш қисмида қам «иштирокингиз учун Сизга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз» деб ёзиш қабул қилинган.

Интервью олишнинг асосий муаммоларидан бири респондентларнинг жавобларини тўлиқ қайд этиш ҳисобланади, бу ҳолда интервью корточкаларидан фойдаланиш қийинчиликларни бартараф этиш усулларидан биридир.

Интервью карточкаси бу асосий йўл-йўриқларга қўшимча муҳим элементдир, у саволларнинг методик режасида энг мураккаб саволлар моҳиятини аниқлаштиради ёки яққол намоён этади. Карточкаларни қўллаш интервью жараёнининг ҳам техник, ҳам мазмуни билан боғлиқ муаммолар мажмуини ҳал этишга кўмаклашади. Уларни татбиқ қилиш интервью бланкалари ҳажми камайишига олиб келади, чунки баъзи саволларга жавоб вариантлари кўп қўлланиладиган алоҳида карточкага кўчирилади (масалан, респондент оиласининг моддий аҳволи тўғрисидаги ахборот). Карточкалар ҳар хил респондентларнинг саволларни тўғри тушуниши ва жавобларни бирхиллаштириш имконини беради. Бу олинган ахборотни ишлаб чиқиш ва интервью олиб боришнинг нормал суръатини сақлаш учун муҳимдир.

15 минутдан бир ярим-икки соатгача давом этиши мумкин бўлган сўровнинг ўсиб бориш динамикаси умуман олганда қуйидагича кўринишга эга: сўровнинг биринчи ярмида - оҳиста авж олиш, кейин респондент имкони борича ишга киришганида тахминан чорак соат ўтгандан сўнг тиғизлик бошланади, ва якунловчи фазада қийинчиликларнинг кескин камайиши.

Асосий бўлимларга ўтишдан олдин алоҳида тушунтиришлар берилади. Масалан: «энди баҳолашга (ёки муҳокамага) ўтамиз»

Идеал интервью икки тенг манфаатдор шахснинг жонли ва эркин суҳбатини ёдга солиши лозим. Бироқ интервью олувчи мазкур ҳолатда тенг ҳуқуқли суқбатдош ролини ижро этаётган профессионал тадқиқотчи эканлигини ёдда тутиши керак.

Интервью олувчи ҳамда респондент ўртасида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқа ва руҳий яқинлик ахборот олиш учун бир қатор афзаллик-

ларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга бу афзалликлар интервью олувчининг «кўрсатма берувчи» таъсири ва андазалаштириш самараси муаммоси билан боғлиқ муайян қийинчиликларга олиб келади.

Жумладан, энг аввало ҳам интервью олувчининг респондентни, ҳам респондентнинг интервью олувчини идрок қилишининг андазалилги самараси намоён бўлади, боз устига маълумки, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши бир андазадалиги идрок қилишда кўплаб хатоларни келтириб чиқаради. Интервью олувчининг вазифаси режалаштирилган саволларга респондентнинг жавобларини беғараз ва холисона қайд этиш, респондентнинг хулқига доир гипотезаларга «ён бериш»га қодирлигини кўрсатиб саволларни одоб билан, бир маромда, шилқимлик қилмасдан беришга мумкин қадар ҳаракат қилишдан иборат бўлиши зарур.

Интервью олувчи шахснинг салбий таъсирини камайтириш қийинлиги боисидан оммавий ахборотни тўплаш учун имкон борича кўп интервью берувчиларни жалб қилиш тавсия этилади. Бу ҳолда якка хатолар, оммавий маълумотлардаги нотўғри талқинлар ўзаро бир-бирини қоплайди.

Интервью олувчи тадқиқотнинг умумий мақсадларини, унинг ғоясини яхши фаҳмлаши, феълига кўра дилкаш бўлиши, ижтимоий фаол, етарлича юксак маданиятли ва олий маълумотли бўлиши лозим (ўрта ва олий маълумотли интервью олувчилар агар улар махсус тайёргарликдан ўтган бўлса энг яхши ходимлар ҳисобланади).

Анъанавий сўров техникаси доирасида респондентлар тадқиқотчилар томонидан ҳийла ишлатилиши объекти ҳисобланади. Сўровнинг респондентлар томонидан қабул қилиниши хусусиятлари, унга муносабати, жавоб қайтаришга ундайдиган мотивлар социологнинг нигоҳидан ташқарида қолади. Бироқ мазкур муаммони етарлича баҳоламаслик тадқиқот натижаларининг сохталаштирилишига олиб келиши мумкин.

Респондентлар сўровни мулоқотнинг бир тури сифатида қабул қиладилар ва саволнинг мазунигагина эмас, балки сўров вазиятига ҳам муносабат билдирадилар. Сўров натижасида олинган маълумотлар эса савол мазмунига муносабат билидиришгина бўлиб қолмасдан, балки ўзаро ҳамкорлик қилишга муносабат билдириш бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли сўров усули олинадиган ахборротга нисбатан бетараф бўлмайди ва ахборот сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Сўровнинг ҳар қандай тури тадқиқотчи билан респондентлар ўртасидаги ўзаро муносабатни бирор восита орқали ифодалайдиган ва

якуний эмпирик маълумотларга суггестив таъсир кўрсатадиган алоқанинг ажойиб усулидир.

Респондентларнинг маълумотлар тўплаш методига муносабатини билиш уларнинг табиати ва хусусиятларини чуқур англаш ва шу асосда мавжуд сўров техникасини перцептив моделларга ва сўраб чиқилаётганларнинг кундалик ўзини тутишларига мумкин қадар яқинлаштириш имконини беради.

Бир қатор тадқиқотлар кўпчилик одамлар шахсий интервьюлар - га (ёки «юзма-юз» деб ҳам номланадиган интервьюлар) тарафдор эканлигини яққол намойиш этмоқда. Шахсий интервьюлар респондентлар томонидан енгил алоқа усули сифатида қабул қилинади. Интервью олувчиларнинг жисмонан ҳозир бўлиши, алоқанинг кўз билан кўриш мумкин бўлган таркибий қисмн мавжудлиги, суҳбатдошларнинг ҳиссий яқинлиги, алоқанинг табиийлиги респондентларда ишонч туғдиради.

Кўплаб кузатишлар ва махсус тадқиқотлар интервью олувчиларнинг сўровни муваффақиятли ўтказишига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган респондентларнинг бир қанча жинс-ёш хусусиятлари мавжудлигини кўрсатди.

Ёш респондентнинг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади. Одатда ёш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

15-29 ёшдагилар - ёшлар; 30-45 ёшдагилар - ўрта гуруҳ; 45-59 ёшдагилар - катта ёшдагилар гуруҳи; 60 ёш ва ундан катта ёшдагилар - кекса кишилар гуруҳи.

Респондентларнинг ёши катта бўлгани сари сўров олдида қўрқув ҳисси ошиб боради. Очиқчасига жавоб бериш хавфли деб ҳисобловчилар ёши катта одамлар ёш респондентларга нисбатан икки марта кўпроқ учрайди.

Респондентнинг ёши қанча катта бўлса, интервью олувчининг унга мурожаат қилиши шакли шунчалик муҳимдир. Агар интервью олувчи ресондентнинг нафсониятига тегкудек бўлса, шахснинг ошкорароқ жавоб бериши эҳтимоли ортади.

Саволнома мазмунидан, сўров усулидан ва ҳоказолардан қатъи назар, сўровда иштирок этишдан бош тортувчилар биринчи навбатда ёши катта одамлар бўлиб чиқади. Ёшлар орасида эса сўровдан бош тортишнинг энг паст фоизи қайд этилган.

Умуман олганда аёлларга нисбатан эркаклар сўровда жон деб қатнашадилар.

Сўровда иштирок этишга бўлган хоҳиш маълумот даражасининг пастлилигига қараб камайиб боради.

Аҳолининг фикри, эътиқоди, нималарни устун қўйишини билишнинг, унинг хулқ-атворини прогноз қилиш имкониятига эга бўлиш ва буни кенг жамоатчиликка маълум қилишнинг фақат бир йўли бор. Бу таркиби бутун халқнинг демографик тавсифини акс эттирадиган одамларнинг кичик бир гуруҳини сўраб чиқиш йўлидир. Яъни бу - «репрезентатив танлаб олиш» йўлидир.

Шахсий интервью ўтказиш учун мўлжалланган барча материални интервью олувчилар супервайзерлардан (supervisor), яъни даланинг техник ташкил этилишига масъул бўлган шахслардан олади. Бу: саволномалар, квоталар, йўналиш варақлари, илова хатлардир.

Сўров ўтказиш олдидан интервью олувчи аниқ бир топшириққа нисбатан барча махсус кўрсатмалар мавжуд бўлган қўлланмани диққат билан ўқиб чиқиши лозим.

Интервью олувчи ҳар хил хулқ-атворлик кишиларга бериладиган бир неча саволлар тоифаси мавжуд эканлигини ёдда тутиши зарур.

Жумладан, яширин саволлар ахборот олишнинг энг муҳим ва асосий воситаси ҳисобланади. Респондентга бериладиган савол саволномага ёзилган савол билан сўзма-сўз мос тушиши керак, яъни уни шунчаки овоз чиқариб ўқиб бериш лозим. Бирор сўз қўшиш, тушунтириш бериш мумкин эмас.

Эркин ифодаланадиган (очиқ) саволлар - бу ҳолда интервью олувчи саволномада саволнинг ифодаланишига амал қилмаслиги мумкин, яъни саволни сўзма-сўз қайта такрорлаши шарт эмас. Уни ўз сўзлари билан таърифлаши ва суҳбатдошидан эркин сўраши мумкин.

Жавоблар суҳбат жараёнида саволномага дарҳол ёзиб борилиши керак. Биринчи навбатда саволнинг турига - савол очиқ ёки яширин эканлигига эътибор қаратиш лозим. Буни осонгина аниқлаш мумкин: очиқ савол учун бланкада жавоб ёзиб бориш учун бир ёки бир қанча нуқтали чизиқлар кўрсатилган; яширин саволлар учун тадқиқотчилар жавоб вариантларининг чекланган сонини кўрсатади.

Очиқ саволга берилган ҳар бир жавоб ажратилган сатрларга (сўзма-сўз) ёзиб борилади. Жавобларнинг «ғализлигини» йўқотмаслик, яъни уларни тўғри адабий тилда ёзиб бормаслик айниқса муҳимдир. Сўзма-сўз жавоблар қанча кўп бўлса, суҳбат шунча қимматли бўлади, чунки бу интервью олувчи респондент билан ишончли муносабатлар ўрнатганлигини ва уни очиқ суҳбатга чорлашга эришганлигини англатади.

Суҳбат ўтказиш уч босқичдан иборат:

Биринчи босқич мақсади: суҳбат ўтказиш учун қулай шароит яратиш ҳисобланадиган биринчи алоқани ўрнатиш. Шу муносабат билан бир бирга қуйидагилар зарур:

· ўзини ва ташкилотни таништириш;

· қуйидаги эслатмалар ишонч муҳитини яратишини ёдда тутиш: шундай эмасми?, тўғрими?, сиз нима деб ўйлайсиз?;

· агар респондент бош тортмоқчи бўлса, саволлар жуда оддийлигини ва суҳбатни хоҳлаган пайтда тўхтатиш ҳуқуқи билан жавоб бериб кўришни айтиш;

· суҳбат муҳитини илитиш учун интервью олувчи мулоқотни умумий тарздаги мавзулардан бошлаши мумкин.

Иккинчи босқич мақсади: алоқани мустаҳкамлаш. Бу пайтда олинаётган ахборот муҳим ва қизиқарлилигини таъкидлаш лозимдир. Рағбатлантириш сифатида қуйидаги турдаги эслатмалардан фойдаланиш лозим: ҳозир сиз айтиб ўтганингиз жуда муҳимдир; ҳа-ҳа, сиз ҳақсиз ва ҳоказо.

Учинчи босқич мақсади: асосий саволлар. Мураккаб саволларга жавоб беришни қуйидаги усуллар билан рағбатлантириш керак: эътиборли қараш, маъқулловчи бош қимирлатиш, қувватлаш. Кўпинча сўров узоқ давом этиши мумкин, натижада респондентлар билан алоқа йўқотилади. Интервью олувчининг респондент билан алоқани ва унинг сўровга қизиқишини тиклашда қуйидагилар ёрдам беради: қарши саволлар - батафсил тушунтиришнинг иложи йўқми?; жавоблардаги мавжуд зидликларни кўрсатиш; эслатмалар - кечирасиз, менга яхши эшитилмади ёки аниқлик киритинг, илтимос; «акс-садо» шаклидаги изоҳлар, яъни респондентнинг кетидан унинг сўзларини такрорлаш.

## 4. Социологик маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаш

Дала ишлари ўтказилиб, керакли маълумотлар сўровномада акс эттирилган ҳолда тўплангач, улар устида ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш босқичи бошланади. Сўровноманинг ҳажми кичик (10-15 савол) ва сони 150-300 тадан кўп бўлмаса, у ҳолда ҳисоб-китоб ишлари қўлда бажарилгани қулай. Лекин сўровноманинг ҳажми катта бўлиб, уларнинг сони 300 тадан ортиб кетса, ҳисоб-китоб ишларини замонавий ЭҲМда бажарилиши яхши самара беради. «Ижтимоий

фикр» марказида ўтказилаётган тадқиқотларда саволлар сони 100-150 тагача, сони эса 1800 тадан 2500 тагача етадиган сўровномалар респондентлар орқали тўлдирилади. Масалан, биз намуна сифатида олган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» социологик тадқиқотида 1141 та респондент сўровномани тўлдиришда қатнашди. Социолог учун асосий қийинчиликлар ҳисоб-китобларнинг натижалари олингандан сўнг бошланади, айрим натижаларга кўрсаткичлар ўзаро мос келмай қолади. Бундай хатоларга йўл қўйилишининг асосий сабабларидан бири, математиклар билан етарли даражада ҳамкорлик қилинмаганликдир. Социолог билан математикнинг ҳамкорлиги дала ишларидан кейин эмас, балки дастлабки поғонада - гипотезани шакллантиришда, режа ва дастур тузишда, сўровноманинг саволларини жойлаштириш вақтида бирламчи ва иккиламчи ахборотлар устида ҳисоб-китоб ишлари бажарилишидан олдин ўрнатилиши лозим.

Хўш, социолог ва математик орасида қандай ижодий хамкорлик бўлиши керак?

Математик тўплаган ахборотларни ўзида сақловчи сўровномалар тўпламини статистик ишловни амалга ошириши керак. Математик учун ЭҲМ бу ишни бажарувчи техник восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг ахборот моделини шакллантириш қуйидаги қисмлардан иборат:

- сўровнома саволлари ва жавоблар орасидаги боғланишларни ҳисобга олиб атрибутларни идентификациялаш;
- сўровнома маълумотлари базасининг тузилмаларини ишлаб чиқиш;
- натижавий жадваллар шаклини яратиш;
- жадваллар учун кесимларни белгилаш;
- маълумотлар базаси ахборот объектларининг қийматлари чегараларини, зиддиятсизлик, тўлалик ва мутаносиблик шартларини аниқлаш;
- жавобларни кодлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.

Социолог маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаши учун зарур бўлган асосий тушунчаларни киритайлик:

Математик ишлов объекти - сўровнома, яъни сўров натижасида олинган сонли маълумотлар тўплами.

Аломатлар - сўровномаларнинг саволлари.

Аломатлар қийматлари - респондент томонидан берилган жавоблар.

Мисол - Ўзбекистон бўйича ўтказилаётган социологик тадқиқот ахборот моделининг кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Вилоят
2. Туман
3. Қишлоқ кенгаши
4. Маҳалла
5. Уй хўжалиги ёки респондент идентификацияси
6. Сўровнома саволлари

Вилоятлар, туманлар, қишлоқ кенгаши, маҳалла бўйича уй хўжаликлари, эркаклар, аёллар сони ҳақида маълумотнома мавжуддир. Вилоят, туман, қишлоқ кенгаши, маҳаллалар номерлари кодлаштирилган тарзда ишлатилади.

Ахборот объектларининг қийматларини чегаралш мисоли сифатида зиддият келтириб чиқармайдиган шартларни танлаб олиш мумкин.

Ахборотларни кодлаштириш деганимизда кодлаштирилаётган аломатнинг ҳар хил қийматларига кетма-кет сонли қийматлар, масалан, 1, 2, 3... қиймат бериш назарда тутилади. Бундай ҳолда компьютрга шу маълумотлар киритилишида сонли матрица ҳосил қилинади, яъни сатр бўйича - сўровнома саволлари жойлашган бўлса, устун бўйича эса - аломатлар жойлашади.

Ҳозирги кунда социологик тадқиқот маълумотларини ЭҲМ орқали қайта ишлашда чет элда ишлаб чиқилган SPS, ACSESS каби дастурлардан фойдаланиб келиняпти. Шу билан бирга «Ижтимоий фикр» марказида ўз мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилаётган махсус машина дастурлари ҳам яхши самара бермоқда. Ана шу дастур асосида энг замонавий ПЭҲМларда (PENTIUM II, PENTIUM III) социологик маълумотлар устида ҳисоб-китоблар бажариляпти.

Мисол тариқасида «Ижтимоий фикр» марказида олиб борилаётган социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш жараёнининг амалий тажрибасини баён этамиз. Ушбу баён Марказнинг математиклар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, сўровномалар маълумотларига ишлов беришга мўлжалланган «сўровнома ишлови» машина дастурлари мажмуасининг амалий қўлланилиши мисолида ифода этилади. Социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш бир неча босқичларда амалга оширилади ва бу босқичлар унга мос мутахассислар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Биринчи босқичда сўровномаларнинг тўлдирилишини текшириш, ишловга яроқсиз сўровномаларни ҳисобдан чиқариш ишлари бажарилади. Сўровнома хар хил сабабга кўра яроқсиз ҳисобланиши мумкин. Биринчидан респондент ҳақидаги маълумот тўла бўлмаса, яроқ-

сиз ҳисобланади. «Ўзбекистон - умумий уйимиз» сўровномасида D блок саволлари шундай маълумотларни аниқлайди. Иккинчидан, сўровнома тўлдирилган жой, ҳудуд ҳақида маълумот бўлмаса ҳам яроқсиздир. Сўровноманинг биринчи бетида маълумотлар келтирилиши керак. Яна асосийси, сўровномада келтирилган барча саволлар жавобга эга бўлиши, қўйилган талабга мос тўлдирилиши керак. Баъзан битта жавоб белгиланиш ўрнига бир неча жавоб белгиланиши учрайди. Шунга ўхшаш, агар иккитагача жавобни белгилаш сўралса, ундан ортиқ жавоб белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, сўровномада A1-саволга фақат битта жавоб белгиланади, B5 саволга жавоблар иккитагача, C1 да эса учтагача белгиланиши мумкин.

Яна баъзи ҳолларда саволни ташлаб ўтиш қоидаси бажарилмаган бўлади. Мисол сифатида, агар A1 саволга 3 ёки 4-жавоб белгиланган бўлса A2 савол ташлаб ўтилиб, A3 саволга ўтилиши кераклигини кўрсатиш мумкин.

Ишлов беришга яроқсиз сўровномалар ҳисобдан чиқарилгач, иккинчи босқич - сўровномаларни гуруҳлаш ва номерлаш ишлари олиб борилади. Сўровномаларни гуруҳлаш деганда, тадқиқот ўтказилган ҳудудлар -вилоятлар, туманлар бўйича сўровномаларни тартибга солиш, вилоят, туман ва шаҳарлар кодларини белгилаш тушунилади. Кейин эса ҳар бир гуруҳ сўровномалари тартиб рақамлари белгиланади. Одатда рақамлаш бажарилгандан кейин ҳам баъзи сўровномалар яроқсизлиги аниқланиб, улар ҳисобдан чиқарилади. Бундай ҳолларда қайта номерлаш шарт эмас.

Учинчи босқич сўровномадаги очиқ саволлар жавобларини кодлаштириш жараёнидир. Ушбу жараён анча мураккаб ва машаққатли ишдир.

Сўровномалар тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил бўлгандан сўнг жавобларни кодлаштиришга ўтилади. Одатда сўровномада ҳар бир саволга тартиб билан сон қўйилган жавоблар келтирилган бўлади. Ана шу сон жавобнинг «коди» вазифасини бажаради. ЭҲМга жавоблар матни эмас, балки уларга мос бўлган сонлар киритилади ва улар устида арифметик амаллар бажарилади, чунки ЭҲМ фақат сонлар билан ишлайди. Демак, ҳар бир жавобнинг коди мавжуд бўлади десак, хато бўлмайди. Ҳисоб-китоблар бажарилгандан сўнг ҳар бир сонга мос бўлган жавобнинг матни унга қайтариб берилади.

Кодировка қилиш жараёнида очиқ саволларни кодлаштирилиши маълум қийинчиликларга олиб келади. Бундай саволларни кодлаштириш учун ёрдамчи тўпламни ажратиб оламиз. Бу ишлар қуйидагича бажарилади. Аввало, очиқ саволлар берилган ҳамма жавоблар ма-

хус дафтарга кўчирилади. Ушбу жавоблар маъноси бўйича яқинлари сараланади. Улар асосида классификатор тузилиб, ҳамма жавобларга мос кодлар берилади.

Юқорида бажарилган ишлардан сўнг маълумотларни компьютерга киритиш ишлари амалга оширилади.

Бирламчи кодлаштириш. Сўров ўтказилгандан сўнг, сўровномада акс эттириладиган очиқ саволларнинг кетма-кет кодлаштирилиши бажарилади.

Иккиламчи кодлаштириш. Очиқ саволлар бўйича якуний жадвалларни ҳосил қилиш жараёнида алоҳида қийматларни гуруҳларга ажратиш зарурияти туғилади. Шундай ҳолларда иккиламчи кодлаштириш бажарилади.

Масалан, савол шундай қўйилган бўлса: «Сиз, сўмни харид қилиш салоҳиятининг даражаси нимага боғлиқ, деб ўйлайсиз?» Савол очиқ бўлганлиги туфайли респондентлар (чунки мумкин бўлган жавоблар вариантлари келтирилмаган), бу саволга кўп жавоблар келтирадилар. Ҳамма жавобларни бирламчи кодлаштиришда кодлаштириш варағига киритадилар ва кетма-кет тартиб рақамига эга бўладилар. Агар ўзаро яқин вариантлар кўп бўлса, уларни у ёки бу мезонлар бўйича гуруҳларга ажратиш зарурияти пайдо бўлади. Берилган ҳолатда ҳамма вариантларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Давлатнинг таъсири
2. Хусусий тадбиркорликнинг таъсири
3. Фуқаролар онглилиги таъсири
4. Ташқи омиллар таъсири

Шу уч босқич давомида сўровнома ЭҲМга киритиш учун тайёр ҳолатга келади. Тўртинчи босқичда ЭҲМда сўровнома маълумотларини сақлаш учун маълумотлар базасини тузиш ва маълумотларни киритиш ишлари бажарилади. «Сўровнома ишлови» машина дастурлари мажмуасида QABUL дастури маълумотларни киритиш вазифасини ўтайди. Дастурлар амалиётда кенг тарқалган FOXPRO тизими орқали ишлайди. Бу тизимда маълумотлар базаси ахборотларни сақловчи майдонлар тўпламини ўзида жамловчи ёзувлар кетма-кетлиги тарзида шакллантирилади. Майдонлар ўз идентификатори - номига эгадир. Сўровнома саволи фақат битта жавоб бериладиган тарзда бўлса, база унга мос битта майдон ажратади, иккитагача жавоб бериладиган саволга иккита майдон, учтагача бўлса учта майдон белгиланади.

Масалан, A1 саволга CA 01 номли майдон, B5 саволга CB 051, CB 052 номли майдонлар, C саволга CC011, CC012, CC013 номли май-

донлар олиниши мумкин. Баъзида саволлар учун VIL номли майдон, вилоятлар кодини сақлаш учун TUM номли майдонлар бўлиши мумкин.

QABUL дастури маълумот базасига сўровнома маълумотларини жуда тез ва қулай тарзда киритиш имконини беради. Сўровнома номери, вилоят коди каби майдонлар қийматини автоматик тарзда қўйиш, маълумотларни киритишда ортиқча клавиша босилишига йўл қўймаслик лозим. Жавоблар аксарият бир хонали сонлардан ташкил топади ва шунинг учун бир хонали қийматларни кетма-кет, ҳеч қандай ажратишсиз, бир дона клавишани босиш орқали киритиш амалга оширилади.

Кўп хонали сон эса махсус усулда киритилади. Масалан, 25ни киритиш 2+5 тарзида амалга оширилади. QABUL дастурининг яна бир ажойиб имконияти бир вақтда бир машинада икки киши мустақил равишда ахборотлар киритиш ишини бажаришлари мумкинлигидир. Бири учун экраннинг ўнг томони ва сонли клавишалар хизмат қилса, иккинчи кишига экраннинг чап томони ва белгилар олинган ҳарфлар тўплами ёрдам беради.

Навбатдаги бешинчи босқич маълумот базасига киритилган ахборотларни текшириш ва хатоликларни тўғрилашдир. Бунда базанинг ҳар бир майдони қийматлари ўз чегарасига мос келиши текширилади ва аниқланган хатолик қайта тўғриланади. Масалан, CA 10 майдон қийматлари 1 дан 4 гача оралиқда бўлиши мумкин. CB 051, CB 052 майдонлар ва эса B5 саволи жавобларини кодлаштирилиши натижасига боғлиқ бўлиб, 1 дан энг охирги код рақамигача бўлиши керак.

CB052нинг қиймати бўш бўлиши мумкин, бунда саволга битта жавоб берилган бўлади.

Текширишнинг иккинчи қисмида сўровномада кўзда тутилган баъзи саволларни ташлаб ўтиш қандай бажарилганлиги аниқланади. Агар ташлаб ўтилиши керак бўлган савол бўйича ҳам қиймат киритилган бўлса, бу қиймат ўчириб ташланади, яъни бундай хатоликни автоматик тарзда тўғрилаш мумкин. Бу ишларни TUZAT дастури амалга оширади.

TUZAT дастури кодлаштирилган жавобларни қайта кодлаш ишини ҳам бажаради. Бу эса кодланган жавобларни янги умумлашган гуруҳларга бирлаштириш масаласида ёрдам беради. Дастурни ишлатишда текшириладиган ва тузатиладиган майдонлар номи, қийматлар чегараси, қайта кодлаш схемаси махсус ёрдамчи файлда берилади.

Энг муҳим қисмлардан бўлган олтинчи босқичда натижавий жадваллар шакли ишлаб чиқилади. Бу иш кўпчилик томонидан яхши ўзлаштирилган WORD тизими ёрдамида бажарилади. Аввало тадқиқот мақсадига ва қўйилган масалаларга кўра натижавий жадваллар қандай кесимларда тайёрланиши лойиҳаланади. «Ўзбекистон - умумий уйимиз» сўровномаси бўйича тайёрланган натижавий жадвалларни ифодавий иловада келтирилган 1-гуруҳ жадваллари тадқиқот ўтказилган вилоятлар, 2-гуруҳ жадваллари респондентларнинг жинси ва ёш гуруҳлари, 3-гуруҳ жадваллари респондентларнинг маълумоти, 4-гуруҳ жадваллари респондентларнинг миллати, 5-гуруҳ жадваллари респондентларнинг мутахассислик гуруҳлари бўйича ва 6-гуруҳ жадваллар респондентларнинг ишлаётган касб гуруҳлари бўйича кесимларни аниқлашга мўлжалланган.

Ҳар бир саволга алоҳида жадвал тузилган. Жавоблар сатрлар бўйича жойлаштирилган. Устунлар бўйича жавоблар натижаларининг турли респондентлар гуруҳлари бўйича кесимлари ва охирги устунда умумий тўплам бўйича натижалар кўрсатилган.

Тадқиқот ўтказилган вилоятлар, эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ, ёш гуруҳлари, миллатлар ва миллатлар гуруҳлари, маълумоти, мутахассисиги, иш соҳаси ва бошқа гуруҳлар, яъни респондент умумий тўпламидан турли демографик ва ижтимоий ҳолатига кўра исталган гуруҳ бўйича кесим учун натижавий маълумотларни аниқлаш мумкин. Натижалар икки миқдорни: шу жавобни кўрсатган кишилар сони ва уларнинг умумий сонига нисбатан фоиз шаклида келтирилади.

Жадвал юқорисида саволнинг қўйилиши берилган, жавоблар тартиб номерлари ва матн келтирилган бўлиб, охирги сатрда эса жами кўрсатилади. Ҳар бир жадвал алоҳида номерланган ва бу номер саволнинг номери ва жадваллар кетма-кетлигини ифодалайди. Қоғознинг ҳар бир бетида социологик тадқиқот номи, ўтказилган вақтини кўрсатувчи колонтитул ҳам қўйилган. Ҳисобни бажарувчи машина дастурининг муҳим жиҳати натижавий жадваллар барча учун анча қулай ва яқин бўлган WORD ҳужжати шаклида тўғридан-тўғри ҳосил бўлишидир. Бу эса WORD тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, натижалар чизма талқинини тезда тайёрлаш имконини ҳам беради.

Барча тайёргарлик ишлари тугатилгандан сўнг еттинчи босқичда ЭҲМ орқали ҳисобни бажариш иши амалга оширилади. Бу иш дастурлар мажмуасидаги HISOB дастури ва JADVAL дастури ёрдамида бажарилади.

HISOB дастури бирор гуруҳ кесимлар бўйича натижаларни ҳисоблаб чиқади ва натижавий маълумотлар тўпламини ҳосил қилади. Дастур орқали маълумотлар базасига ишлов бериш жараённинг энг мураккаб қисмидир. Жадвал учун олинган кесим шартлари, ҳисоб бажариладиган савол ва унинг жавоблари ҳақида маълумотлар махсус ёрдамчи файлда берилади. Масалан, VIL = 1 шарти бўйича базадаги вилоят коди 1 га тенг бўлган ёзувлар учун ҳисоб бажарилади; СД04=2 шарти бўйича эса, сўровноманинг «Демография» блокидаги Д4 саволга 2-рақамли жавобни берган, яъни миллати қозоқ бўлган респондент учун ҳисоб бажарилади.

Саволда битта жавоб белгиланадиган ҳолда ҳисоблаш бирмунча енгилроқ. Бундай савол бизнинг базанинг битта майдонида жойлашган бўлади ва фақат шу майдон ишлов беришда қатнашади. Жавоб кодлари бўйича респондентлар сони аниқланади ва умумий сонга нисбатан фоиз қиймати ҳам топилади. Бу ерда жавоблар бўйича фоизлар йиғиндиси 100 фоизни ташкил этиши шарт.

Саволга бир нечтагача жавобни белгилаш кўзда тутилган бўлса, маълумотлар шунча майдонда жойлашади, базага ишлов беришда шу майдонларнинг ҳар бирини ҳисобга олиш керак, яна биринчи майдонда бошқа майдонлар бўш бўлиши мумкинлигига эътибор бериш керак. Жавоб кодларига мос келган ёзувлар сони барча майдонлар бўйича топилади ва унинг фоиз қиймати ҳисобланади. Бу ҳолда оддий саволдан фарқли ўлароқ жавоблар бўйича фоизлар йиғиндиси 100 фоиздан ошиб кетиши мумкин.

JADVAL дастурининг вазифаси HISOB дастури ёрдамида топилган маълумотлар натижаларини олдинги босқичда аввалдан тайёрланган ва жадваллар шакли жойлашган WORD ҳужжатларига кўчириб ёзишдир.

Дастур орқали нафақат WORD ҳужжатларига, балки оддий матн шаклидаги, EXCEL ҳужжати ва бошқа кўринишдаги файлларга ҳам натижавий маълумотларни кўчириб ёзиш мумкин.

Натижавий жадваллар тайёрлангандан сўнг WORD тизими орқали уларни қоғозга чоп этиш ва бошқа қўшимча ишларни амалга ошириш мумкин. Намуна сифатида «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзуидаги социологик тадқиқотнинг А блокидаги баъзи бир натижавий жадваллари иловада келтирилган (6-илова).

### 5. Социологик ахборотларни таҳлил қилиш услубиёти

Жамоатчилик фикри давлатдаги вазиятга у ёки бу даражада таъсир қилиши учун унинг натижаларининг юқори даражада холислиги ҳамда ишончлилигига эришиш лозим. Бунда социал маълумотларни таҳлил қилишнинг расм бўлиб қолган усулларини такомиллаштириш социологларнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Тадқиқотнинг усуллари масаласи ҳар қандай фан учун ҳам муҳим саналади. Социология бундан мустасно эмас. Расмий нуқтаи назардан методика - хусусий операциялар, уларнинг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлигини ўзида мужассамлаштирган махсус усуллар умумийлигини англатувчи тушунчадир[1].

Ҳар қандай тажрибага асосланган тадқиқот бир қатор тадбирларни ўз ичига олади: 1) тайёргарлик ишлари (тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш); 2) асосий иш (тажрибага асосланган тадқиқот ўтказиш); 3) якунловчи иш (маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, хулоса ва тавсияномаларни тузиш). Шубҳасиз, барча асосий босқичлар муҳим ва зарурдир.

Мамлакатда амалга оширилаётган бир қатор ижтимоий тадқиқотлар даражасининг пастлигининг асосий сабабларидан бири қатъий меъзонлар нуқтаи назаридан дастлабки маълумотни таҳлил қилиш ва талқин этишга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги муносабатнинг мавжудлигидир.

Ахборотнинг статистик қонунийлигини (ахборот) излаш тартиб-қоидаси зарурий услубий тамойилларга асосланган бўлиши керак. Улар орасидан учта асосий тамойилни қайд этиш муҳимдир.

Биринчи тамойил ўрганилаётган ҳодисанинг муайян модели негизидан, яъни дастлабки шарт ва фаразларнинг муайян тизимидан иборат бўлади. Иккинчи тамойил - тизимли ёндашув. Маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида ички ахборотдан (яъни ўрганилаётган объектни тавсифловчи маълумотлар) ҳамда экзоген ахборотдан (объект жойини тавсифловчи маълумотлар) янада тўлароқ фойдаланишнинг турли усуллари изланади. Тизимли ёндашув тадқиқотчига юқори талаблар қўяди, чунки у фанлараро хусусиятга эгадир.

Ҳар бир тадқиқотнинг бошланиши ва охири бўлади, деган нуқтаи назардан воз кечиш учинчи тамойил саналади. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш маълумотларнинг мавжуд бўлиши усули, айни бир маълумотга қайтишга шайликдир.

---

1. Кончалин Т.Л. ва бошқалар. Социология. Ростов-Дон 2001. 455-бет.

Мониторингли социологик тадқиқотлар янги қарорларни қабул қилишнинг муттасил ўсиб борувчи тадбирлари ва тадқиқот воситаларини ўзгартириш ҳамда аниқлаштириш билан қўшиб олиб борилиши лозим. Янги маълумотларнинг пайдо бўлиши билан янги ғоялар, ёндашувлар, усуллар юзага келади, юз бераётган жараёнларни тушуниш ойдинлашади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан амалга оширилаётган бир қатор социологик тадқиқотлар мониторинг режими орқали бажарилади. Маълумотлардан олинадиган натижаларни таҳлил қилиш илгариги сўров босқичлари билан қиёсланган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, 1998-2002 йилларда ўтказилган «Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий фаоллик, ахлоқ, келажак режалари» тадқиқотининг асосий мақсади ўзгармаган ҳолда ҳар бир босқич вазифалар ва кўламларнинг мураккаблашуви, услубиёт ва усулларнинг такомиллашуви билан характерланди. Ўзбекистон ёшларининг кенг ҳажмли «социал қиёфаси»ни яратишга йўналтирилган тадқиқотларнинг воситалари доимо аниқлаштирилди ва унга қўшимчалар киритиб борилди.

Умуман сўраб чиқиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилишга боғлиқ социологик маълумотлар етарли эмас. Социологик тадқиқотлар мантиғи турли социал-демографик муҳитда аҳолининг алоҳида гуруҳлари фикри чуқурлаштирилган ҳолда таҳлил этилишини талаб қилади. Масалан, 1999-2005 йиллар мобайнида ўтказилган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» тадқиқоти натижаларига кўра, олинган социал маълумотларни таҳлил қилишда, «Ўзбекистон сиз учун қандай мамлакат саналади?» деган саволга «яшаш жойи» деб жавоб берган респондентларнинг қатъий сони (тахминан сўраб чиқилганларнинг ўндан бир қисми) кузатилди. Шубҳасиз, Ўзбекистонни «ўз Ватани», шунингдек, «ўзи туғилиб ўсган ва аждодлари яшаб ўтган юрт» деб ҳисобловчи ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилигининг фикри қатъий саналади. Бироқ озчиликнинг фикри билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган ҳолатда Ўзбекистон улар учун атиги яшаш жойи ҳисобланган турли жинс, ёш, маълумот даражасига эга ва ҳар хил миллатларга мансуб бўлган, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида ҳар хил муддатлардан буён яшаётган бу одамлар ким эканлигини аниқлаш зарур. Уларнинг ўзларини бундай ҳис қилиши сабаби тўғрисидаги саволни сўровномага киритишнинг аҳамияти ҳам кам даражали эмас. Шунингдек, этник андазалар нуқтаи назаридан ўзининг этник вазиятидан ташвишланганлар ҳамда мамлакатни тарк

## 5. Социологик ахборотларни таҳлил қилиш услубиёти

Жамоатчилик фикри давлатдаги вазиятга у ёки бу даражада таъсир қилиши учун унинг натижаларининг юқори даражада холислиги ҳамда ишончлилигига эришиш лозим. Бунда социал маълумотларни таҳлил қилишнинг расм бўлиб қолган усулларини такомиллаштириш социологларнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Тадқиқотнинг усуллари масаласи ҳар қандай фан учун ҳам муҳим саналади. Социология бундан мустасно эмас. Расмий нуқтаи назардан методика - хусусий операциялар, уларнинг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлигини ўзида мужассамлаштирган махсус усуллар умумийлигини англатувчи тушунчадир[1].

Ҳар қандай тажрибага асосланган тадқиқот бир қатор тадбирларни ўз ичига олади: 1) тайёргарлик ишлари (тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш); 2) асосий иш (тажрибага асосланган тадқиқот ўтказиш); 3) якунловчи иш (маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, хулоса ва тавсияномаларни тузиш). Шубҳасиз, барча асосий босқичлар муҳим ва зарурдир.

Мамлакатда амалга оширилаётган бир қатор ижтимоий тадқиқотлар даражасининг пастлигининг асосий сабабларидан бири қатъий меъзонлар нуқтаи назаридан дастлабки маълумотни таҳлил қилиш ва талқин этишга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги муносабатнинг мавжудлигидир.

Ахборотнинг статистик қонунийлигини (ахборот) излаш тартиб-қоидаси зарурий услубий тамойилларга асосланган бўлиши керак. Улар орасидан учта асосий тамойилни қайд этиш муҳимдир.

Биринчи тамойил ўрганилаётган ҳодисанинг муайян модели негизидан, яъни дастлабки шарт ва фаразларнинг муайян тизимидан иборат бўлади. Иккинчи тамойил - тизимли ёндашув. Маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида ички ахборотдан (яъни ўрганилаётган объектни тавсифловчи маълумотлар) ҳамда экзоген ахборотдан (объект жойини тавсифловчи маълумотлар) янада тўлароқ фойдаланишнинг турли усуллари изланади. Тизимли ёндашув тадқиқотчига юқори талаблар қўяди, чунки у фанлараро хусусиятга эгадир.

Ҳар бир тадқиқотнинг бошланиши ва охири бўлади, деган нуқтаи назардан воз кечиш учинчи тамойил саналади. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш маълумотларнинг мавжуд бўлиши усули, айни бир маълумотга қайтишга шайликдир.

---

1. Кончалин Т.Л. ва бошқалар. Социология. Ростов-Дон 2001. 455-бет.

Мониторингли социологик тадқиқотлар янги қарорларни қабул қилишнинг муттасил ўсиб борувчи тадбирлари ва тадқиқот воситаларини ўзгартириш ҳамда аниқлаштириш билан қўшиб олиб борилиши лозим. Янги маълумотларнинг пайдо бўлиши билан янги ғоялар, ёндашувлар, усуллар юзага келади, юз бераётган жараёнларни тушуниш ойдинлашади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан амалга оширилаётган бир қатор социологик тадқиқотлар мониторинг режими орқали бажарилади. Маълумотлардан олинадиган натижаларни таҳлил қилиш илгариги сўров босқичлари билан қиёсланган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, 1998-2002 йилларда ўтказилган «Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий фаоллик, ахлоқ, келажак режалари» тадқиқотининг асосий мақсади ўзгармаган ҳолда ҳар бир босқич вазифалар ва кўламларнинг мураккаблашуви, услубиёт ва усулларнинг такомиллашуви билан характерланди. Ўзбекистон ёшларининг кенг ҳажмли «социал қиёфаси»ни яратишга йўналтирилган тадқиқотларнинг воситалари доимо аниқлаштирилди ва унга қўшимчалар киритиб борилди.

Умуман сўраб чиқиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилишга боғлиқ социологик маълумотлар етарли эмас. Социологик тадқиқотлар мантиғи турли социал-демографик муҳитда аҳолининг алоҳида гуруҳлари фикри чуқурлаштирилган ҳолда таҳлил этилишини талаб қилади. Масалан, 1999-2005 йиллар мобайнида ўтказилган «Ўзбекистон - умумий уйимиз» тадқиқоти натижаларига кўра, олинган социал маълумотларни таҳлил қилишда, «Ўзбекистон сиз учун қандай мамлакат саналади?» деган саволга «яшаш жойи» деб жавоб берган респондентларнинг қатъий сони (тахминан сўраб чиқилганларнинг ўндан бир қисми) кузатилди. Шубҳасиз, Ўзбекистонни «ўз Ватани», шунингдек, «ўзи туғилиб ўсган ва аждодлари яшаб ўтган юрт» деб ҳисобловчи ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилигининг фикри қатъий саналади. Бироқ озчиликнинг фикри билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган ҳолатда Ўзбекистон улар учун атиги яшаш жойи ҳисобланган турли жинс, ёш, маълумот даражасига эга ва ҳар хил миллатларга мансуб бўлган, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида ҳар хил муддатлардан буён яшаётган бу одамлар ким эканлигини аниқлаш зарур. Уларнинг ўзларини бундай ҳис қилиши сабаби тўғрисидаги саволни сўровномага киритишнинг аҳамияти ҳам кам даражали эмас. Шунингдек, этник андазалар нуқтаи назаридан ўзининг этник вазиятидан ташвишланганлар ҳамда мамлакатни тарк

этишни хоҳловчилар ўртасида ўзаро боғлиқликни ҳам белгилаш лозим.

Социологлар томонидан маълумотларни таҳлил қилиш учун қўлланиладиган усуллар турли-тумандир. Муайян усулни танлаш, биринчи навбатда, тадқиқот гипотезалари характерига, яъни қандай саволларга жавоб олишни хоҳлаётганимизга боғлиқ бўлади. Фаразларнинг услубиётдаги роли биринчидан, қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган бир қатор фактларни танлаб олишда, иккинчидан, мазкур фактларни аъло даражада ташкил этиш имконини берувчи муайян маънодаги йўналишни белгилашда намоён бўлади.

Маълумотларни талқин қилиш - бу мазкур маълумотлар орқасида нималар турганлигини бизнинг кўришимиз, сўраб чиқиш натижасида олинган рақамлар мазмунини тушунишимиздир. Айнан маълумотларни талқин қилиш тушунчасида эмпирик ва назарий «уланиш» акс этади. Ушбу тушунчага ҳар бир тадқиқотчи ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни ўзича ҳис қилишини белгилайдиган хусусиятни қўшади. Шунга қарамасдан, ҳар қандай тадқиқотдан ўрин оладиган айрим жиҳатлар мавжуд.

Энг аввало, айнан нима идрок қилинаётганлиги ва ким идрок қилаётганлигини акс эттирувчи идрок қилиш моделини белгилаш зарур. Кўп ҳолларда идрок қилиш субъекти деганда респондентлар, идрок қилиш объекти деганда эса - сўраб чиқилувчининг баҳоси социологни қизиқтирадиган реал ҳаётнинг қандайдир объектлари тушунилади.

Мукаммал таҳлил қилиш буюртмачи томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган, муаммони ҳар томондан кўриб чиқадиган ва таклиф қилинган вариантларни амалга ошириш ҳамда унинг оқибатларини прогнозлаштириш учун ҳар хил усуллардан фойдаланадиган миқдорий ва сифатли ахборотни ўз ичига олиши керак.

Дастлабки ахборотни ишлаб чиқиш жараёни моҳияти уни умумлаштиришдан иборатдир. Тажрибага асосланган социологик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнини ташкил этишнинг биринчи босқичи маълумотларни тавсифлаш ҳисобланади.

Тавсифлаш - ифодалашнинг танланган тизими ёрдамида тажрибага асосланган социологик тадқиқотлар натижаларини қайд этиш ва бу натижаларни фан тушунчасида ифодалашдир.

Тушунарли, лўнда, аниқ ва, бундан ташқари, маълумотларни холисона акс эттирувчи услубни топиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, натижаларни бошқалар учун ҳам тушунарли қилиб тақдим

этиш керак. Тўғри талқин қилиш материалнинг схематик ва график сифатига, жадвал ва диаграммаларнинг муваффақиятли танланишига, улар тузилишининг аниқ ҳамда тушунарлилигига ва, ниҳоят, статистика усулларининг қўлланилишига боғлиқ бўлади.

Социал маълумотларни гуруҳлаш - кузатилаётган умумийликларнинг ўхшашликлари ва фарқларига кўра бир турдаги гуруҳларга бўлиб юбориш.

Гуруҳлаш социал фактларни у ёки бу белгиларига асосланиб, бир тизимга бириктириш имконини беради. Гуруҳлаш асослари асосланганлик даражасига боғлиқ равишда эклектик ҳамда органик гуруҳлашга бўлинади.

Функционал ёки сабабий изоҳлаш мумкин бўлмаган гуруҳлаш эклектик гуруҳлаш, дейилади. Жумладан, у ёки бу телевизион каналлар қанчалик кўп кўрилишини ўрганишда жинси ва ёшига кўра гуруҳлаш мумкин. Жинс ва ёш ўртасида принцип жиҳатдан мазмунга алоқадор боғлиқлик мавжуд эмас. Бироқ яширин ўзгарувчи - ҳар хил жинс ва ёшга мансуб телетомошабинларнинг қизиқишлари мавжуд. Агар ана шу яширин ўзгарувчанликни топишнинг уддасидан чиқилса, мазкур социал гуруҳлаш асосланади ва уни органик номи билан аталадиган гуруҳлашга киритиш мумкин.

Эклектик гуруҳлаш катта амалий қимматга эга. Бу хилдаги репрезентатив маълумотларга эга бўлиб, турли теледастурларнинг потенциал томошабинлари кўламини тахминан белгилаш мумкин.

Асосини изоҳлаш мумкин бўлган кузатиш бирликларини гуруҳлаш органик гуруҳлаш деб номланади. Ўзбекистон[1] туб жой аҳолисининг анъаналари, урф-одатлари ва кундалик турмушида исломнинг ўрни ва ролини ўрганишда респондентларнинг диндорлиги меъёри (С) ва даражасини (Р) белгилаш вазифаси турар эди.

С ва Р гуруҳи белгиларига кўра чапараста таснифлаш эклектик гуруҳлаш (СР) деб белгиланган қуйидаги бирикмани беради. Қуйидаги тўрт турғун категориялар олинди: СР-1, Худога ишонувчилар; СР-2, ўзларини мусулмон дини тарафдори, деб ҳисобловчилар; СР-3, ўз турмуш тарзини диний эмас, балки дунёвий, деб ҳисобловчи аҳоли; СР-4, исломнинг барча йўл-йўриқларини бажарувчи ва қатъий диний турмуш тарзи кечирувчи аҳоли.

Ўзбекистон аҳолисининг диндорлик даражаси етарлича аниқ белгиланди (2-расм). Уларнинг мутлақ кўпчилиги (99 фоиздан ортиғи)

---

1. Қаранг: Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни Т., «Ижтимоий фикр» маркази. 2003 (ўзбек, рус ва инглиз тилларида).

Худога ишонади (СР-1) ва 90 фоиздан ортиғи ўзини мусулмон, деб ҳисоблайди (СР-2) ҳамда бу Ўзбекистон жамиятининг реал этноконфессионал тузилишига мос келади. Бироқ ўзбекистонлик туб аҳоли кўпчилигининг эътиқоди вербал характерга эга (3-расм). Одамлар Худога чин дилдан ишонсаларда, шу билан бир вақтда, аксар аҳоли (72,5%) ўз турмуш тарзини диний деб эмас, балки дунёвий деб ҳисоблайди (СР-3). Атиги 12,6 фоизи ислом динининг барча йўл-йўриқларини бажаришларини ҳамда қатъий диний турмуш тарзи юритишларини қайд этади (СР-4).

2-расм. «Сиз худога ишонасизми?»
деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




3-расм. «Сиз ўзингизни диндор деб ҳисоблайсизми?» деган
саволга респондентларнинг жавоблари, %



Танлаб олинган тўртинчи гуруҳдаги чин эътиқодли кишиларнинг нисбатан кўпчилигини ёши 50да ва ундан ошган шаҳарлик аёллар ташкил этди. Сўраб чиқилганларнинг 12,2 фоизи ҳар куни 5 марта намоз амалини бажаради. Бунда ҳар куни мачитга бориш сўраб чиқилганларнинг бор йўғи 5,5 фоизига тааллуқли бўлди, холос.

Сўров натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг туб аҳолиси онгида диний қарашнинг муайян ўсишига қарамай, диний норма ва анъаналар таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойида сўраб чиқилганларнинг 40,9 фоизи доимо ва тўлиқ рўза тутади, яна 25,1 фоизи эса атиги бир неча кун рўза тутади. Респондентларнинг 34 фоизи турли сабабларга кўра рўза тутмайди[1].

Ўзгарувчиларни ташкил этиш. Танлаб олинган гуруҳлар мустаҳкам таснифлашнинг барча ташқи белгиларига эга ҳамда уларнинг негизида ўзгарувчиларнинг яхлит тизимида кейинги параметрларни белгилаш, функционал боғлиқларни топиш, социал объектлар ва ҳодисалар хусусиятларинииг барқарор бирикмаларини белгилаш мумкин.

Социал сўров асосида тўпланган ахборот бир қатор вазиятларда тадқиқот жараёнида ҳал қилиш зарур бўлган саволларга жавоб беради.

Агар муайян вақт мобайнида танлов тавсифларининг бирини таснифлаш мақсад саналса, одатда бир ўлчовли таҳлил, яъни бизни қизиқтирувчи белгиларнинг ўқи бўйлаб кузатишларнинг («ҳодисалар») тақсимланишини таснифлаш усули қўлланилади.

Учта ва ундан ортиқ ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни бир вақтда таҳлил қилиш учун кўп ўлчовли таҳлил талаб қилинади. Бу эса улар ўртасидаги боғлиқлар сабаблари тўғрисидаги фаразларни у ёки бу шаклда текшириб кўриш имконини беради.

Ушбу усуллар ўртасидаги фарқлар мутлақ эмас. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш мобайнида ҳар бир янги гипотезани аниқлаш ва кўрсатиш маълумотларни таҳлил қилишнинг янги йўсинини танлаш заруриятига олиб келади. Жумладан, агар икки ўзгарувчининг (айтайлик, касб ва даромад) ўзаро муносабатининг бошланғич модели маълумотлар тўпламида муайян қонунийликни кўрсатмаса,

---

1. Қаранг: Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни Т., «Ижтимоий фикр» маркази. 2003, 11-бет.

тадқиқотчи биронта учинчи ўзгарувчининг таъсирини, масалан, жинснинг, уни қизиқтирувчи муносабатини назорат қилувчи, статистик техникадан бирини танлайди.

Тадқиқотчи қандай усуллардан фойдаланишидан қатъи назар, маълумотларни таҳлил қилишда ҳар бир ўрганилаётган ўзгарувчи учун частотали тақсимланишни тузиш ҳамиша муҳим қадам саналади. Олинган натижаларни ҳар бир муҳим ўзгарувчи учун вақт оралиғида тақсимлаш жадваллари (ёки оддий - тақсимлаш жадваллари) кўринишида тасаввур қилиш қабул қилинган[1]. Тадқиқотлар ўтказилишининг тез-тезлигини мутлақ рақамларда кўрсатишдан ташқари, маълумотлар фоиз (мутаносиблик, салмоқ) кўрсаткичларида ҳам келтирилади. Таҳлил қилиш жараёнида фоиз қисмлари мақсадга мувофиқроқ, чунки улар турли ҳажмдаги икки популяцияни қиёслаш жараёнини енгиллаштиради ҳамда ахборотни дарҳол ошкор қилади.

Қиёслаш социологик маълумотларни таҳлил қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Қиёслаш тартиб-қоидаси - таҳлилнинг ўзагидир. Ўзгаришлар бўлмаса, қиёслаш ҳам йўқ демакдир. Таҳлил қилишни энг катта ва энг кичик мазмундан бошлаш керак - бу эса тадқиқотчига кўриб чиқилаётган ўзгарувчининг кўлами тўғрисида дарҳол тасаввур беради.

Таҳлилнинг муваффақияти кўп жиҳатдан турли типларнинг шкалаларидан фойдаланишга боғлиқ. Кўрсаткичларни экспериментал ҳодисалар ўлчанаётган тушунчаларнинг уларда акс этиш даражасига мос тартибда жойлашган шаклда тартибга солиш имконини берадиган бир қанча кўрсаткичлар шкалалар, деб номланади[2]. Шкала қийматларига эришиш жараёни шкалалаш, деб аталади. Шкала турлари ўлчашнинг тегишли даражаси ошиб бориши тартибида жойлашади: номинал, даражали, оралиқ, пропорционал.

Номинал шкалалар ёрдамида бир-биридан сон жиҳатидан фарқланмайдиган ўзгарувчилар ўлчанади. Уларни бир-бири билан «катта-кичик», «баланд-паст» тамойилига кўра, қиёслаб бўлмайди. Шунинг учун номинал шкалага кўра олинган маълумотлар одатда оддий частотали тақсимлаш (масалан, машғулот тури ва жинсига кўра фикрларни тақсимлаш) ёрдамида хулосаланади. Частоталарни мутлақ рақамларда кўрсатишдан ташқари, маълумотлар фоиз (пропорция, со-

---

1. Девятко И.Ф. Методы социологического исследования. М.,Книжный дом «Университет». 2002. 237-бет.

2. Джарол Б.Мангейм, Ричард К.Политология. Методы исследования. М., Весь мир. 1997. 539-бет.

лиштирма оғирлик) кўрсаткичларида ҳам келтирилади. Таҳлил қилиш жараёнида фоиз улушлари мақсадга мувофиқроқ, чунки улар турли ҳажмдаги икки популяцияни қиёслаш жараёнини енгиллаштиради ҳамда ахборотни дарҳол ошкор қилади.

Сўраб чиқиш усулида олинган маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда даражали шкала кенг қўлланилади. Даражалаш - уларни тартибга келтириш асосида ўрганилаётган объектлар (мақбуллиги) нисбий аҳамиятини белгилашнинг тартиб-қоидасидир. Даража - баҳолаш учун аҳамиятли хусусиятларга эга бўлган баҳоланаётган ва бошқа объектларнинг гуруҳдаги ўрнини ифодаловчи кўрсаткичдир. Мазкур меъёр даражалари тартиб бўйича (каттадан кичикка, ёки аксинча, кичикдан каттага) жойлашган назорат категорияларини ўз ичига олади.

Интервал шкала ўлчанаётган хосса бошқа объектларга нисбатан катта ёки кичик миқдорда ифодаланаётганини кўрсатади.

Икки ўзгарувчи ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини англаган тадқиқотчи ушбу ўзаро боғлиқликни талқин қилишга киришади. Бошқача қилиб айтганда, икки ўзгарувчи ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўлчашнинг сўнгги мақсади топилган ўзаро боғлиқликнинг сабабли усулига тааллуқли бирорта мазмун билан боғлиқ таклифни тасдиқлаш (ёки инкор қилиш) ҳисобланади[1].

Сўнгги пайтларда жамиятнинг турли гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабат (миллатга, сиёсатга доир ва ҳ.), шунингдек, ушбу гуруҳлар ва социал институтлар (давлат органлари, ОАВ ва б.) ўртасидаги ўзаро муносабат ўзига хос муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатда юз берган янги социал ҳодиса ва жараёнлар ўрганишнинг янада аниқ ва самарали усулларини татбиқ қилишга эҳтиёж уйғотади. Йўл-йўриқларни ўлчашда янада самаралироқ шкалаларни яратиш қоидалари мавжуд.

Йўл-йўриқларни ўлчаш шкалаларининг энг оддий тури ўзига ўзи баҳо бериш шкаласи ҳисобланади. У оддий савол шаклида ёки ижобий ва салбий градациялар ўзаги кўринишида тузилган бўлиши мумкин. «Анъанавий» савол шаклида ўзига ўзи баҳо бериш шкалаларини тузишда унинг ўрни, албатта, симметрик ҳолда жойлашади ва «бетараф» вазиятга бўлинган ижобий ва салбий баҳоларнинг тенг сонларидан таркиб топади.

Даражалаштириш шкаласи. У - унинг ёрдамида йўл-йўриқларни ўлчаш натижалари даража шкалалари учун қўлланиладиган қоида-

---

1. Девятко И.Ф. Кўрсатиб ўтилган китоб. 265-бет.

ларга мувофиқ равишда таҳлил қилинадиган ўзига хослик билан ажралиб туради.

Бундай шкалаларнинг қоидаларига кўра йўл-йўриқларни ўлчашнинг энг оддий усули - тадқиқотчини қизиқтирадиган объектларга нисбатан респондентларни даражалаштиришдир. Демак, кўп мандатли сайловларда у ёки бу номзоднинг имкониятларини аниқлаш учун респондентларга карточкаларни тадқиқот мавзуси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш таклиф қилинади. Даражалаш натижаси номзоднинг сайланиш имкониятлари тўғрисида маълумот беради.

Даражали шкалалар ёрдамида йўл-йўриқларни ўлчашнинг янада мураккаброқ варианти - жуфтли қиёслаш усулиидир. Унинг моҳияти респондентларга жуфт бўлиб баҳолаш учун карточкаларда белгиланган объектларнинг (уларнинг номлари) энг мақбулини кўрсатишни таклиф қилиб, навбатма-навбат кўрсатишдан иборатдир. Бунда бундай қиёсий баҳолашда барча жуфт объектлар кўрсатилади.

Багардуса шкаласи. Унинг асосий вазифаси - миллий ва ирқий кўрсатмаларни ўлчашдир. Шкалаларнинг ўзига хослиги ҳар бир баҳолаш (фикр, ўрин) автоматик равишда кейингисини ўз ичига олиб, ўзидан олдингисини йўққа чиқаради.

Ҳодисаларни умумлашган ҳолда тавсифлаш учун таҳлил қилишнинг икки асосий типи қўлланилади: марказий тенденция (энг кўп учрайдиган қиймат) ҳамда маълумотлар дисперсияси (ўзгарувчанлилиги).

Марказий тенденциялар чора-тадбирлари қолган назоратлар атрофида гуруҳларга бўлинган белги моҳияти, ўрта ёки типик жойлашувни белгилайди. Умумлаштирилган маълумот берадиган ўртача қийматнинг лаёқати жавоблар тақсимланишининг бошқа нуқталаридан - минимум ва максимумдан олинади.

Бўлиниш ўзгарувчанлик моҳиятининг тарқатиб юборилганини ифодалайди, энг умумий, ўрта ёки марказий моҳиятда ўзгарувчанликнинг барча белгиланган моҳиятини маҳкам ёки заиф бўлинганлилигини кўрсатади. Бўлинишнинг бутунлай мавжуд бўлмаган ҳолати барча кузатилаётган моҳиятлар бутунлай бир хил бўлганида, яъни бир хил категорияга тўғри келганида намоён бўлади.

Марказий тенденцияларни ўлчашнинг энг оддий йўли мода саналади. Мода ёки модал категория, деб маълумотлар ўртасида энг кўп учрайдиган моҳиятларга айтилади. Масалан, танлаб сўров ўтказишда респондентларнинг 63 фоизи мусулмон, 25 фоизи православ ҳамда 5 фоизи бошқа конфессиялар вакилларидан иборат бўлса, у ҳолда модал сифат «мусулмон» бўлади.

Марказий тенденцияларни қисмларга ажратиш учун модани белгилашга қўшимча равишда медиана аниқланиши мумкин. Медиана - барча частоталарнинг ярми тўғри келадиган даражадан юқори ёки паст қийматдир. Бошқача қилиб айтганда, бу ўрталик кузатиш тегишли бўлган (ўзгарувчининг қиймати) категориядир.

Миқдорий ўзгарувчилар учун марказий тенденциянинг бошқа бир ўлчови - кўпинча ўртача, деб номланадиган ўрта арифметик ўлчов кенг ёйилган. Ўртачани аниқлаш тартиб-қоидаси ҳаммага маълум: кузатишларнинг барча қийматини жамлаш ва олинган суммани кузатишлар сонига бўлиш керак.

Социологик тақиқотлар маълумотларини таҳлил қилиш учун билимнинг бошқа соҳаларида ишлаб чиқилган математик-статик усуллар (омилли, дисперсияли, регрессив ҳамда тузатиш киритиладиган таҳлиллар, таснифлаш усуллари) қўлланилади.

1. Дисперсияли таҳлил - омиллар (А,В,С...) деб аталадиган бир-бирига боғлиқ бўлмаган белгиларнинг айрим кузатиладиган «У» белгига таъсирини аниқлашга мўлжалланган. Моҳияти: «У» белгиси дисперсиясининг турли қисмларини ажратиш ва қиёслаш. Қисмларни қиёслаш алоҳида омилнинг «У» ўзгарувчига таъсирининг аҳамиятлилиги ёки аҳамиятсизлиги тўғрисида хулоса чиқариш имкониятин беради. Масалан, А омили - В-жинс омилининг пайдо бўлиши. А ва В нинг меҳнатдан қониқиш ҳосил қилганлигига (»У» белгиси) таъсирини кўриб чиқамиз. А учта градацияга (1-ўрта, 2-ўрта-махсус, 3-олий) эгадир; В (1-эркак., 2-аёл.), «У» белгиси эса - меҳнатдан қониққанлик индекси. Турнинг жадвали тузилади: А В 1 2 3 1 у(1,1) у(1,2) у(1,3) 2 у(2,1) у(2,2) у(2,3). Сўнгра эса формулаларга кўра дисперсияни баҳолаш - А ва В омилларининг статистик қиймати ва таъсири ҳисоблаб чиқилади.

2. Таснифлаш усуллари - кўп ўлчовли статистик таҳлил усуллари жами. Таснифлаш усуллари ўрганилаётган объектлар умумийлигини алоҳида гуруҳларга (синфларга) бўлиш имконини беради. Бўлиш шундай амалга ошириладики, бир синфга тегишли объектлар ўхшаш деб, ҳар хил синфларга тегишли объектлар - турли типдагилар, деб ҳисобланади. Таснифланиши керак бўлган объектлар улар асосида таснифлаш белгилари шаклланадиган дастлабки белгилар жами сифатида тавсифланади. Таснифлаш усуллари ахборотларни зичлаш ва социал ҳодисаларнинг типологик таҳлили усулларини амалга ошириш учун қўлланилади.

3. Тузатиш киритилувчи (ўзаро боғланган) таҳлил - тасодифий ўлчамлар ўртасидаги ўзаро боғланишни ифодалайдиган нисбат баҳо-

лари усулларининг жамига тузатиш киритиш, ҳеч бўлмаганда, миқдорлардан бири нафақат бошқанинг маълумотларига, балки бир қанча тасодифий омилларга боғлиқ бўлганда кўриб чиқилади.

4. Регрессив таҳлил - У белги боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган X1......Xn ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилишдир; икки мақсадга - олдиндан тахмин қилиш ҳамда тушунтириб беришга хизмат қилади. Регрессив таҳлил усуллари оила бюджетини ўрганишда сўров муносабатларини баҳолаш учун социал-иқтисодий тадқиқотларда татбиқ қилинади.

5. Омилли таҳлил қилиш - айрим яширин, бевосита кузатилмайдиган омилларни ажратиб кўрсатиш асосида ўрганилаётган объектнинг кузатилаётган белгилари ўртасидаги алоқалар таркиби тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни мухтасар шаклда тақдим этиш имконини беради.

Социологик тадқиқот ўтказиш жараёнида математик усулларни қўллаш қуйидаги мақсадларга эришишни таъминлайди:

- математик-статистик усулларни қўллаш тадқиқотчини ўрганилаётган объект тўғрисида ўз қарашларини аниқ шакллантиришга ундайди. Бироқ социал ҳодисаларнинг мураккаблиги билан белгиланадиган тегишли аниқлаштиришларнинг бир хил эмаслиги бир қанча усулларни комплекс татбиқ қилиш, моҳирона қиёслаш, тегишли натижаларни изоҳлаш зарурлигини келтириб чиқаради. Бу, албатта, таҳлил қилишни мураккаблаштиради. Бироқ бу комплекслилик бизнинг реаллик тўғрисидаги қарашларимизни бойитиш имконини беради. Ҳар бир ёндашув унинг атиги бир қиррасини акс эттиради. Фақат барча қирраларни идрок қилиш айни бир вақтда ҳодисаларнинг бутун тўлиқлигини бир хилда кўришни таъминлайди;

- математика ёрдамида фойдаланиладиган мантиқий хулосаларни кенгайтириш ҳисобига «юзада» ётмайдиган сермазмун хулосаларга эришиш мумкин. Математика социологга айнан мана ана шундай объектларни ўрганишда инсоният тўплаган барча интеллектуал ютуқлардан фойдаланиш имконини беради;

- юзада ётмаган хулосалар амалда ҳар қандай социал ҳодисани аниқлашга олиб келадиган ахборотнинг жуда катта массивини яратиш, жуда кўплаб фактларни ҳисобга олиш эвазига эришилиши мумкин. Бироқ кўрсатилиб ўтилган имконият фақат математик усуллардан фойдаланишни таъминлабгина қолмай, компьютер йўналишини ривожлантиришга ҳам қулай шароит яратади.

Таҳлил ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ҳисобот (маъруза) тайёрлаш билан якунланади. Ҳисобот - бу тажрибага асосланган

социал тадқиқотлар якунини чиқаришнинг ёзма шакли. У дастурнинг барча бўлимлари баёнини, дастлабки назарий асосларни, шунингдек, услубий аппарат йўсинини ўзида мужассам этиши керак.

Пухта таҳлилий ҳужжат ёзиш тадқиқотчидан билим ва малаканинг такомиллаштирилишини талаб қилади. Бу эса ўз тилини яхши билишни тақозо этибгина қолмасдан, балки уни давлат сиёсатининг тўлақонли иштирокчисига айлантиради.

Таҳлилий ҳужжат қудратли восита ҳисобланади ва сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнида кўплаб мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Сиёсатни ишлаб чиқишнинг ҳар бир жараёнида татбиқ қилиниши мумкин бўлган тадқиқотнинг умумий маълумотлари ва натижалари ўрин олиши мумкин. Бу маълумотлар ва натижалардан сиёсатни ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай жараёнида фойдаланиш мумкин. Моҳиятига кўра, ҳужжатдаги тавсияларни тасдиқлайдиган ва демак, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда восита сифатида фойдаланиш мумкин бўлган тўлиқ ва ишончли далиллар тақдим этилиши сиёсатни ишлаб чиқувчилар учун таҳлилий ҳужжатларнинг мақсади ҳисобланади.

Таҳлилий ҳужжат анъанавий назарий тадқиқотлардан шуниси билан сезиларли даражада фарқ қиладики, унда амалий тадқиқот натижалари амалиётда қўллаш учун тавсияларнинг муайян тўплами сифатида қўлланилиши керак. «Муаммо - ечим»нинг ўзаро боғлиқлиги таҳлилий ҳужжат учун асос саналади.

«Яхши» таҳлилий ҳужжатни ёзиш мезонлари қуйидагича:

- маъруза реал муаммоларга эътиборни жамлайди;
- маъруза Сиз унда муаммони ўрганиш учун концептуал асосни баён қилишингиз учун етарли равишда мукаммал бўлиши керак;
- маъруза масалаларни ҳал қилиш йўлларини таҳлил қилишда сизнинг мавжуд билимларинигизни татбиқ қилишга қодирлигингизни кўрсатиши керак.

Таҳлилий ҳужжат социал-сиёсий соҳадаги ўз тадқиқотларининг натижаларини маълум қилиш учун социологлар фойдаланадиган мулоқотнинг асосий воситаси ҳисобланади. Шунинг учун уни муҳим билим ва маълумотларнигина эмас, балки уни тузишга доир зарур кўникмаларни ҳам ўз ичига оладиган тарзда тақдим этиш лозим.

Булар:

- академик (фундаментал) билимлар, концепцияларни татбиқ этиш;
- касбий (тажриба, янгиликни кўриш, масалаларни ҳал қилишга қодирлик);

- шахсий (тугалланганлик ва шахсий қониқишнинг яққол далолати, эълон қилиш, лойиҳанинг бозор қиймати ошиши).

Таҳлилий ҳужжатларни тузишнинг умумий усуллари мавжуд. Тадқиқот якунларини расмийлаштиришда муайян шаклга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилий ҳужжатнинг (маърузанинг) таркибий қисмлари:

- Номи;
- Мундарижаси (умумий маълумотлар);
- Жадвал ва расмлар рўйхати;
- Кириш;
- Таҳлилий бўлим;
- Хулоса ва тавсиялар;
- Библиография.

Қисмларнинг бундай тавсифланиши таҳлилий ҳужжатни тайёрлашда сиёсатни тадқиқ қилиш соҳасида кўплаб муаллифлар амал қиладиган умумий ёндашувни акс эттиради.

Таҳлилий ҳужжатнинг биринчи қисми унинг номланиш ҳисобланади. Гарчи ҳужжатдаги ахборотни бериш жараёни айнан ҳужжатнинг қандай номланишидан бошланса ҳам таъсирли ном беришнинг муҳимлиги кўпинча муносиб баҳоланмайди. Шунинг учун ном бериш қуйидагича бўлмоғи керак: тавсифий (ҳужжатда кўриб чиқилаётган мавзу ва масалани тушунтириб бериш); аниқ; қисқа ва лўнда; ўқувчи учун қизиқарли.

Умумий маълумотлар (мундарижа)да тадқиқотнинг ташаббускорини, унинг асосий мақсадини, ким томонидан ва қаерда амалга оширилганлигини кўрсатиш керак. Бунда танлаб олишнинг асоси, сўраб чиқилганлар сони, сўров географияси, шунинглек, кузатиш бирликларини танлашнинг қисқа тавсифи ҳам берилади. Мундарижа ҳужжат ташкил этилишини кўрсатади; унинг боғлиқлигини таъминлайди.

Жадвал ва расмлар рўйхати ўқувчиларни тадқиқотда фойдаланиладиган маълумотларга йўналтиради.

Кириш қисмида муаммоли вазиятнинг муфассал тавсифи, тадқиқотнинг объекти, мавзуи, мақсади ва вазифалари берилади. Ҳисоботнинг назарий бўлими мазкур масалага доир эълон қилинган материаллар тадқиқотнинг асосий тушунчалари назарий таҳлилини, зарур асослар билан бирга назарий ва иш моделини ўз ичига олади. Кириш қисми масала ва тадқиқот доираларини таърифлаган ҳолда ўқувчини тайёрлайди.

Таҳлилий бўлим сўровнома бўлимлари бўйича олинган таҳлил натижаларини ўз ичига олади. Графиклар ва жадваллар билан асос-

ланган тадқиқот натижалари тўғрисидаги ахборотни ўқувчига тушунарли шаклда етказиш бу бўлимнинг асосий вазифасидир. Кўп ҳолларда ушбу бўлимнинг мантиғи сўровноманинг тузилиши билан белгиланади, чунки саволлар унда муайян кетма-кетликда берилади. Тадқиқот натижалари тўғрисидаги бўлимнинг матни таркиблантирилган ва мантиқан изчил бўлиши керак.

Ҳисобот тушуниш учун осон, касбий ва илмий терминларсиз бўлиши керак. Барча келтирилган фикр ва хулосалар сўров натижасида олинган маълумотлар билан асосланиши шарт.

Масалаларнинг энг муҳим гуруҳлари таърифи учун жадвал ва графиклар ҳисоботда келтирилади. Жадвал ва графиклар матнидаги ахборотларни такрорлаш шарт эмас. Жадвал ва графиклар тартибга солинган, ягона форматда тузилган, шунингдек, ўқувчи учун осон ва қулай бўлиши керак.

Таҳлилий ҳужжат матнида турмушда кўп ишлатиладиган сўзларни такрорламаслик ҳамда масалаларнинг аниқ тавсифини бериш лозим.

Хулоса ва тавсиялар. Ушбу бўлимда тадқиқот мақсадига мувофиқ равишда тадқиқот якунлари келтирилади, хулоса ва таклифлар шакллантирилади, тавсиялар ёки ўрганилаётган жараённи бошқариш йўсини берилади.

Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар аниқ, реалистик хусусиятга эга, тадқиқот материалларида зарур равишда асосланган бўлиши ҳамда ҳужжатлар ва статистик маълумотлар билан тасдиқланиши керак. Тавсияларга фақат илмий ва амалий фаолиятга жорий қилинадиганларигина киритилади. Улар объектни ўрганаётган ишчи жамоаларга маълум қилиниши керак.

Якуний материаллар ҳокимиятнинг манфаатдор органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳар хил муассаса ва потенциал ҳомийларга тақдим этилади. Тадқиқот материалларидан оммавий ахборот воситаларида фойдаланилиши мумкин ва зарур. Энг яхшиси мустақил равишда мақола ёзиш ёки суҳбат ташкил этиш лозим. Буларнинг барчаси социологик тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда аҳолининг жамиятда юз бераётган реал жараёнлардан хабардорлигини оширишга кўмаклашади.

Истиқболлар ва тенденцияларни аниқлаш учун зарур бўлган янги йўналишларни социал прогнозлаштириш, ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган социологик тадқиқотларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Прогнозлаштиришда фикрларни мувофиқлаштириш ва асосли ечимларни ишлаб чиқиш мақсадида таҳлилий ёзишмалар ва «дав-

ра суҳбатлари»дан тортиб махсус эксперт баҳолашга қадар эксперт усуллари кенг қўлланилади. Социал прогнозлаштиришда қўлланиладиган усуллар орасида Эдип самараси катта роль ўйнайди. Бу жараёнга одамларнинг яратувчанлик фаолияти жалб этилса, жараёнда кутилган ижобий ҳолатлар амалга оширилса ёки таҳдид ва хавф бартараф этилса, лойиҳанинг ўзини ўзи амалга ошириши ёки ўзини ўзи йўқ қилиши имконияти юзага чиқади[1].

Библиография ўқувчиларга Сизнинг далилларингиз асосига кириш имконини беради. Унда фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхати келтирилади.

Маълумотларни таҳлил қилишнинг турли усулларидан фойдаланишда риоя қилиниши керак бўлган асосий қоидалар мавжуд.

Тадқиқот якунларини тавсифлаш фақат чексиз рақамлардан иборат бўлмаслиги керак. Рақамлар ўз-ўзидан ҳеч қандай маъно касб этмайди. Улар фақат бирон фикр-мулоҳаза орқали мазмунга эга бўлади. Ушбу рақамларни тадқиқот мавзуси тўғрисидаги мавжуд тасаввурга сингиб кетадиган тарзда бериш зарур. Шунинг учун мавжуд маълумотларни тадқиқотнинг бошида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб таърифлаш, улар илгари сурилган гипотезани тасдиқлаши ёки рад этишини кўрсатиш керак. Маълумотларни изоҳлашда респондентларнинг жавобларига таъсир қилган барча омиллар комплексини эътиборга олиш лозим.

Шу билан бирга рақамли кўрсаткичлар имкони борича тўлиқроқ келтирилиши зарур. Бунда жавоб беришга қийналганлар сонини шарҳлаш жуда муҳим ҳисобланади. Тадқиқотчи, шунингдек, интервью олувчининг саволларига жавоб беришдан бош тортишнинг сабаблари хусусида ҳам изоҳ бериши лозим.

Баённинг изчиллиги, қоидага кўра, тадқиқот давомида бажарилган амалларнинг изчиллигини, айниқса, - сўровнома саволлари изчиллигини такрорламаслиги керак. Саволлар умумий ниятга ва тадқиқот мантиғига эга бўлади ҳамда ҳал қилинадиган масалаларнинг йирик блокларига кўра гуруҳларга бўлинади. Сўровномадаги барча саволларни баён қилиш шарт эмас. Уларни гуруҳларга бўлиш ва таққослаш мумкин. Бироқ бу ҳолда ҳисоботдаги ҳамма маълумотлар акс этган бўлиши лозим.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш одатда қуйидагилар бўйича келтирилади: у ёки бу савол бўйича (агар мавжуд бўлса, олдинги сўров натижалари билан қиёслаган ҳолда) ўз фикрини билдирган

---

1. Тощенко Ж. Социология. М., Прометий.Юрайт. 1999. 418-бет.

барча сўраб чиқилганларнинг сони; яшаш жойи (шаҳар-қишлоқ); жинси (эркак-аёл); ёши; иш соҳаси; миллати; минтақа (вилоят). Респондентларнинг фикрлари бир-биридан унча фарқ қилмаса, мазкур ҳолат кўрсатилган ҳолда таҳлил қилинмаса ҳам бўлади.

Иш натижаларини қандай қилиб энг яхши тарзда тақдим қилиш муаммоси ҳисобот ёзишда муҳим саналади. Ҳисобот услуб жиҳатдан тушунарли, қисқа, аниқ ва олинган маълумотларни холисона акс эттириши зарур. Натижалар тушунилиши осон бўлган тарзда тақдим этилиши лозим. Кўп ҳолларда маълумотларни тўғри талқин қилиш нафақат юқорида айтилган статистик таҳлилларни татбиқ қилишга, балки схематик ва график материалнинг сифатига, жадвал ва диаграммаларни тўғри танлашга, уларнинг аниқ ва тушунарли тузилганлигига боғлиқ бўлади[1].

Тадқиқот матни одатда графиклар, диаграммалар, гистограммалар билан тасвирланади. Бундан ташқари, ҳисобот жадваллар, диаграммалар, гистограммалар тавсифини ўз ичига олади.

Жадваллар бир қатор кўрсаткичларнинг қиёсланишини осонлаштиради. Жадвалда энг яхшиси айрим кўрсаткичларни бирлаштириш ва йириклаштириш керак. Рўйхатли жадвал (қаранг, 1-жадвал) моҳиятига кўра рўйхат бўлган тадқиқот маълумотларининг жадваллар кўринишида оддий тақдим этилишини ифодалайди. Бир қанча мураккаб бўлмаган кўрсаткичларни бирлаштирадиган йиғма жадваллар тузиш мумкин.

Ҳар бир жадвал унда кўрсатилган маълумотлар мундарижасини яққол акс эттирадиган сарлавҳага эга бўлиши керак. Ушбу сарлавҳа ўқувчига жадвални батафсил ўрганишга қарор қилиши учун етарли даражада ахборот бериши лозим. Жадваллар сарлавҳаларида савол таърифларини қўллаш мумкин. Жадвалда муайян вақт қамраб олинган бўлса, ушбу вақтни ҳам сарлавҳага киритиш керак. Жадвалга оид тушунтирувчи ҳаволаларни юлдузча ёки бошқа белги билан сарлавҳадан кейин белгилаш лозим. Жадвалнинг фақатгина бир қисмига тегишли бўлган ҳаволалар жадвалнинг ўзида белгиланади.

Жадвални тайёрлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

1. Жадвал ва сарлавҳа рақами саҳифанинг марказида (ёки унинг ўнг қисмида) ва илгариги матннинг хат бошида ҳамда жадвалнинг ўзида қўйилади. 2. Барча жадваллар кетма-кет рақамланган бўлиши керак. 3. Ҳар бир жадвал ҳеч бўлмаганда бир саҳифа шарҳга эга бўли-

---

1 Джарол Б.Мангейм, Ричард К.Политология. Методы исследования. М., Весь мир. 1997. 375-бет.

1-жадвал

**«Ўзингизнинг келгуси режаларингизни амалга ошириш учун нима қилишингиз керак?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, % ***

| Жавобларнинг вариантлари | 2001 | 2002 | 2004 |
|---|---|---|---|
| Ўқишни яхши тамомлаш | 44,2 | 35,6 | 42,9 |
| Пул тўплаш | 34,1 | 24,1 | 34,0 |
| Мутахассисликка эга бўлиш | 35,1 | 40,3 | 33,7 |
| Сиёсат билан шуғулланиш | 4,6 | 3,9 | 3,5 |
| Жисмоний камол топиш | 3,6 | 1,8 | 2,2 |
| Динга берилиш | 1,9 | - | 1,7 |
| Ўзини иш билан таъминлаш | - | - | 1,1 |

* «Ўзбекистон ёшлари: социал фаоллик, маънавият ва ахлоқ, келгуси режалар» социологик тадқиқоти натижалари бўйича.

ши лозим. Бу шарҳлар жадваллар мундарижасини шунчаки такрорламаслиги керак. Жадвални шарҳлаш унда кўрсатилган ўзаро боғлиқликни ойдинлаштириши ва ўқувчининг эътиборини асосли ҳамда асоссиз хулосаларга қаратиши керак. 4. Жадвалларда нотўлиқликка йўл қўймаслик лозим.

Жадвалда ифодалашдан ташқари графиклар орқали тақдим этишнинг турли усуллари қўлланилади. Бир ўлчовли тақсимлаш график тақдим этишнинг энг кўп тарқалган усулидир. Булар: - гистограмма ёки устунчали диаграммадир (4-расм).

Устунчали диаграмма - бир ёки бир нечта ўзгарувчилар бўйича устунларнинг баландлиги айрим кузатишларни тасвирлайдиган график тасвирдир.

Сегментли диаграммада ҳар бир алоҳида устунча ана шу устунчалар билан кўрсатилган умумийликнинг бўлиниши ёки хоссаси тўғрисида бирон қўшимча ахборотни ўз ичига олган қисмларга бўлинган.

Чизиқли диаграмма - кузатишларнинг тегишли натижаларига мувофиқ бўлган нуқталар кўпинча ранги ёки тасвирлаш усулига кўра фарқ қиладиган чизиқлар билан ўзаро бирлаштирилган график тасвирдан иборат. Бу ривожланиш йўналишини ёки бошқа боғлиқликни акс эттириш имконини беради (5- расм).

Секторли диаграмма - назорат натижалари секторларга бўлинган доира шаклида кўрсатилган графикдир (6-расм).

Кейинги ўн йилликда социолог ишини техник жиҳатдан таъминлашда жиддий ўзгаришлар юз берди. Шахсий компьютерларнинг ҳаётга жадал суратда кириб келиши ва улар асосида технологияларни татбиқ қилиш тадқиқотчи фаолияти имконияти ва услубини туб-

4-расм. **Ёшларнинг телевизион кўрсатувларга устунлик бериш рейтинги, %** *




* «Ўзбекистон ёшлари: социал фаоллик, маънавият ва ахлоқ, келгуси режалар» социологик тадқиқоти натижалари бўйича.

дан ўзгартириб юборди. Улар дастурчи ёки бошқа мутахассисларга мурожаат қилмай, тадқикот давомида олинган маълумотларни компьютерга киритиш ва қайта ишлащдан иборат мураккаб ишларни мустақил ва самарали бажариш имконини бериши компьютерларнинг асосий афзалликларидан ҳисобланади.

Дастурий таъминлаш - инновацияларнинг иккинчи ажралмас қисми, маълумотларни таҳлил қилиш усулларидан тадқиқотчиларнинг кенг доираси фойдаланишини таъминлайди.

Ва, ниҳоят, нисбатан паст қиймат ушбу барча технологик янгиликлардан тадқиқот ишлари услубини ўзгартирган ҳолда унча катта бўлмаган тадқиқот гуруҳларининг фойдаланиши учун имконият яратади. Шахсий компьютерларнинг энг машҳур хорижий универсал статистик дастурлари орасида SPSS (социал фанлар учун статистик пакет), SAS, Statgraphic Plus ларни келтириш мумкин.

Мазкур дастурларнинг оддий базавий функциялари - ўзгарувчиларни тадқиқотчига керакли шаклга айлантириш, белгиларни тақсимлашнинг ҳар қандай фоизли жадвалларни ҳисоблаб чиқиш, ўртача, дисперсияли ва бошқа шунга ўхшаш кўрсаткичларини, ҳар хил алоқа коэффициентларини ҳисоблаб чиқишдан иборат. Дастурларнинг ушбу пакетларида тадқиқотчи-социолог у ёки бу типик вазиятда дуч келишига тўғри келадиган нарсаларни топиши мумкин.

5-расм. «Сизнинг фикрингизча, қуйидагилардан қайсилар одамларни кўпроқ бирлаштиради?», деган саволга респондентларнинг жавоблари, %*




* «Миллий ўзликни англаш» социологик тадқиқот натижалари бўйича.

6-расм. «Сиз динга қандай муносабатдасиз?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %*




* «Ўзбекистон ёшлари: социал фаоллик, маънавият ва ахлоқ, келгуси режалар» социологик тадқиқот натижалари бўйича.

Тадқиқот натижаларини график тасвирлашга мўлжалланган дастурларни алоҳида қайд этиш керак. Графикларнинг турли типларини қуришнинг кенг имкониятларига MS Exell, Lotus 1-2-3 ва бошқа дастурларнинг «электрон жадваллар»и эгадир.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича жаҳон тажрибаси янги тадқиқот технологиясининг - сўровномалар ўрнига мўъжазгина компьютер қўллашнинг истиқболли эканлигидан далолат беради. Дастур респондентларнинг жавоблари мантиғини кузатиб боради ва жавоблари кўп бўлган кўптармоқли сўровномаларни қўллаш имконини беради. Компьютер оддий телефон каналлари билан киритилган ахборотни дала бўлимига бериши мумкин.

Мамлакат ҳаётидаги социал-сиёсий хусусиятга эга энг муҳим воқеалар - сайловларда ўзини тутишни, у ёки бу номзодларга овоз беришнинг сабаблари ва омилларини ўрганиш бўйича жамоатчилик фикрини тезкор сўраб чиқишда тез олинган маълумотлар айниқса муҳимдир.

Ҳозирги вақтда сайлов прогнозлари кенг жамоатчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, тахминлар ва ҳақиқий натижалар бошқа-бошқа нарсалар эканлигини тажриба кўрсатмоқда. Респондентлар жавобининг холислигига кўп ҳолларда турли шарт-

шароитлар таъсир қилмоқда. Мисол учун социологик хизматлар савол сифатида кўпчилик фуқароларнинг менталитетига мос келмайдиган профессионал сиёсатчилар тўғрисида ўз қарашларини тиқиштиради. Кўпинча саволларда исталган жавоб яққол кўрсатиб қўйилган бўлади, яъни бунда жамоатчилик фикрини аниқлашга интилиш эмас, балки жаоатчилик фикрини шакллантиришга интилиш намоён бўлади. Кўпчилик социологик хизматлар сайлов ўтказилаётган пайтда махсус усуллар ёрдамида сиёсий кайфият даражаларини аниқлайди. Лекин сайлов вақти яқинлашганида ушбу кайфиятлар тубдан ўзгариши мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча сиёсий етакчиларнинг социал буюртмасига кўра амалга оширилган сиёсий тахминлар сайловларда ўз тасдиғини топмаётир. Бу ҳолда жамоатчилик фикри орқали найранг ишлатиш тўғрисида гапириш мумкин. Жамоатчилик фикри қачонки, ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар аниқ танлаб олинганда ва ташкил этилганда, мақсадлар ойдинлашганида, эришиш воситалари белгиланганда амалий ҳисобланади.

Жамоатчилик фикрининг амалийлигига унинг ҳокимият институтлари билан ўзаро алоқаси катта таъсир кўрсатади. У ҳам ҳукуматдан, ҳам жамиятнинг барча тузилмаларидан ўзини ҳурмат қилишларини талаб қилади. Жамоатчилик фикрини тан олиш натижалари жамият жипслигининг интеграцияси ва мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бирор-бир социал муаммони ҳал қилиш учун ҳокимият тузилмаларининг амалий сиёсатига оммавий социал баҳо беришлар кўпроқ киритилса, ҳокимият ва жамоатчилик фикрининг ўзаро алоқаси кўпроқ шерикчилик руҳини касб этади.

Амалга оширилган таҳлилий тадқиқотлар натижалари жорий этилиши муваффақияти таҳлилий ҳужжатлар ва ишлаб чиқилган тавсияномаларнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишга ҳокимият органлари вакиллари ва ички экспертлар қанчалар жалб этилганлигига боғлиқдир.

Жамоатчилик фикри нормал ҳолатда мавжуд бўлиши учун нафақат ўз фикрларини эркин ифода этиш йўллари, балки уни ўрганадиган ва таҳлил қиладиган кўплаб йўллар мавжуд бўлиши зарурдир. Биринчиси учун фикрни ифода этишнинг потенциал йўллари диапазони муҳимдир. Булар - ОАВ ва оммавий тадбирларни ўз ичига олади. Иккинчиси учун уни ўрганиш ва аниқлаш бўйича ишончли услубиёт, услубий ва ташкилий аппаратларнинг мавжуд бўлиши характерлидир. Бошқарув қарорлари ва сиёсий қарорларга жамоатчилик фикрини самарали жалб қилиш учун оммавий социал баҳоларнинг аниқлиги ва уларни ўлчашнинг муқобиллиги муҳимдир. Оғиш,

бузиш ва хатоларга йўл қўйилганда социал институт сифатида жамоатчилик фикрининг фаолият кўрсатиш режими тўғрисида гапириш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозирги кунда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг усули ва йўриқлари соҳасида бир қанча муаммолар мавжуд: жумладан, социологик ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишнинг кўплаб истиқболли усуллари адабиётимизда ишлаб чиқилмаганлигича қолмоқда.

Электрон-ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминлашнинг ривожланиши тадқиқотчиларнинг кенг оммасига маълумотларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш имконини бермоқда. Бироқ кўплаб статистик пакетларда (масалан, SPSS) «олма пиш оғзимга туш» тамойилига риоя қилиниши социологияда етарлича мураккаб усулларни ўйламасдан татбиқ қилиш ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланиш маданиятлари даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

Интервью усули билан сўраб чиқиш қиймати етарлича серхаражат ва бугунги кунда муқобил усулларни излаш муҳимдир. Масалан, мамлакатда телефонлаштириш етарли даражада эмаслиги ҳамда шаҳарлараро сўзлашув ҳақи юқорилиги телефонда сўров ўтказиш усулининг кенг оммалашмаганлигига сабаб бўлмоқда.

Сўровнинг тезкорлиги - айниқса социал муҳим муаммолар бўйича жамоатчилик фикри сўрови илгари сурилган яна бошқа бир талабдир. Кўп ҳолларда сўровнома шунчалар қийин ва катта ҳажмли бўладики, ҳатто тажрибали интервью олувчи ҳам хатога йўл қўяди, сўралаётган шахс эса толиқиб қолади.

Ишончли, чуқур илмий маълумотларни олиш учун нафақат янги техник усулларни, балки социал маълумотларни таҳлил қилишнинг мавжуд ва аллақачонлар синаб кўрилган усулларини ҳам ўзлаштириш, уларни муайян тадқиқот вазифаларини кўзлаб ўзгартириш; социологик маълумотларни таҳлил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш истиқболларини масаланинг фақат услубий жиҳати билан боғлаб бўлмайди. Айни вақтда сўров ўтказиш услубини, олинган маълумотлар таҳлилини такомиллаштириш социологлар прогнозларининг сифати ва аниқлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади.

Учинчи боб

# ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ АМАЛИЁТИ

## 1. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин илмий жиҳатдан аниқ асослаб берилган миллий сиёсат асосида ривожланишнинг ёрқин, истиқболли йўлига кириб бормоқда. Бу сиёсат ўзбек халқининг ўзлигини англаши узлуксиз ўсиши ҳамда маънавий қайта тикланишини миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш сари йўналтириш имконини бераётир. Шу боисдан ҳам миллий ўзликни англаш билан бевосита боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш зарурати шу куннинг долзарб талабига айланди.

Миллий ўзликни англаш миллат ҳаётида, унинг ривожланиш муаммолари, ҳозирги ва узоқ муддатли манфаатларини амалга ошириш омиллари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бергани ҳолда, илғор тарихий вазифани адо этаётганлиги учун ҳам бу жараён моҳиятини ижтимоий усуллар кўмагида тадқиқ қилишнинг амалий зарурати ва муҳимлиги муқаррар равишда муттасил ортиб бормоқда.

Бунда шуни назарда тутиш кераки, бир томондан, қатъий қилиб айтадиган бўлсак, миллий қадриятлар, ўзликни англашнинг ички

* Тадқиқотда мониторинг сифатида 1999-2004 йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилган социологик сўровларнинг асосий натижалари ёритилган. Умумий сўровда қатнашган респондентларнинг сони 6735 киши, шу жумладан, 1999 йилда сўровда қатнашганлар - 1204 киши, 2001 йилда - 1969 киши, 2003 йилда - 2073 киши, 2004 йилда - 1489 киши. Сўровларда Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат вакиллари қатнашган: ўзбеклар, қорақалпоқлар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, руслар, татарлар, украинликлар, яхудийлар ва бошқалар.

имкониятлари; иккинчи томондан эса, жаҳонда юз бераётган оламшумул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар муҳитида аксарият давлатлар маданиятига қўшилиб улгурган ва катта аҳамият касб эта бошлаган қадриятлар тараққиёт манбалари ҳисобланади. Ушбу маънода давлатимиз бошлиғи И.А.Каримовнинг фикри илк бор ва ўз вақтида айтилди: «Анъанавий маънавий бойликларимизни ҳозирги замон демократик жамият маънавий бойликлари билан айнан уйғунлаштириш - бизнинг келажакда равнақ топишимиз гарови, жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб кетишининг гаровидир»[1].

Ўзбекистондаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазият миллий ўзликни англашни ўрганишнинг долзарблигини тобора кучайтираётир. Бу эса ўзбек жамияти якдиллиги ва бирдамлигини янада чуқурлаштириш, бинобарин бунда жипслашиш жараёнини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида ички имкониятлардан тобора самарали фойдаланишдан келиб чиқадиган тезкор вазифалар айнан шуни тақозо қилади. Бу эса масалан, яхлит ижтимоий онгнинг, умумфуқаролик менталитетининг шаклланишида ўз ифодасини топади.

Миллий ўзликни англаш юзасидан самарали ижтимоий тадқиқот олиб бориш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илк бор ишлаб чиқилган миллий ўзликни англаш ва маънавий бойликлар ўртасидаги мавжуд ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги асосий фикр (концепция) ягона услубий мўлжал сифатида қабул қилинган. Тадқиқот олиб боришнинг жамики босқичларида улар шуни кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг аксарият қисми учун миллатнинг ўзига хос этник хусусиятларга ҳамда ўз тилига эга эканлиги миллатларни бир-биридан фарқлайдиган асосий белги сифатида намоён бўлмоқда.

Айни паллада қиёсий таҳлил миллатни ягона ҳудуд, тил, эътиқод, маданий жиҳатдан ўзлигига хослигини сақлаган одамлар бирлигидан иборат, деб тушуниш ғоясининг муттасил сусайиб бораётганлигини кўрсатаётир. Масалан, бу нуқтаи назарни ёқлаганлар сони 2001 йилда 55,8 фоизга етган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 44,4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, миллатни ягона маданият, тарих ва тилга эга одамлар бирлиги, деб тушунадиганлар сони ҳам камаймоқда (1999 йилда бу кўрсаткич 47,5 фоиз бўлса, 2004 йилда - 35,3 фоиздан ортмади). Тарихий келиб чиқишини тан олиб, ўзини ўз миллати билан бирдай деб ҳисобловчилар сони 2003 йилдаги 43,8 фоиздан 2004 йилда 41,7 фоизгача қисқарди. Бу масалада руҳий омилга

---

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т. 1997, 145 - бет.

7-расм. Ўзбекистонликларнинг «миллат» деган тушунчага муносабати, %*




* Бу ерда ва бошқа расмлар ва жадвалларда жавобларнинг жами натижаси 100 фоиздан ортиқ чиқса, респондентлар саволга бир нечта жавоблар бериши имкониятига эга бўлган.

алоҳида урғу бераётганлар сони ҳам 21,8 фоиздан (2003 й.) 18,9 фоизгача (2004 й.) қисқарди.

«Миллат» тушунчасининг ишлатилишига салбий қараш, бундан олдинги сўровдагига қараганда, анча кўп эътироф этилди (2003 йилда - 5,7 фоиз ва 2004 йилда 6,1%). Бунда сўровда қатнашганларнинг 2,8 фоизи бу тушунча ҳеч қандай эскирган эмас, деб ҳисоблайди (2003 йилда 2,5 фоиз), 3,3 фоизи эса «миллат» деган тушунча одамларнинг бир-бири билан яқинлашувига халақит беради, деб эътироф этади (2003 йилда - 2,7%). Уларнинг ҳар бешинчиси - қирғиз (20%) ва ҳар ўнинчиси - рус (9,5%).

Фуқаронинг «миллат» ҳақидаги шахсий тасаввури уларнинг этник ва маълумот даражаси билан боғлиқ масалалардан қанчалик хабардорлигини акс эттиради. Бу тушунчани тил, тарих ва маданият билан боғлаш ноаксариятни ташкил этувчи кўп этник муҳитдаги миллат вакилларида анча устунлик қилади. Масалан, қирғизларнинг 80,0 фоизи «миллат» тушунчасини маълум бир халққа мансублик билан тенглаштиради, туркманларнинг 85,0 фоизи учун бу тушунча уларнинг тарихий келиб чиқишини акс эттиради, қорақалпоқларнинг 56,3 фоизи «миллат» тушунчасини этник урф-одатлар ва тилга боғлиқлик билан изоҳлайди, татарларнинг 52,9 фоизи «миллат» деганда тил, тарих ва маданиятнинг умумийлигини тушунади, корейсларнинг 75,0 фоизи бу масалада аввало, ўзининг миллатга мансублигини кўнглида ҳис этишига асосланади.

«Миллат» деганда ўзининг маълум бир халққа мансублигини ҳис этиш олий маълумотли одамларда анча юқори (69,6%, тўлиқсиз олий маълумотли одамларда - 49,4 фоиз ва шаҳарликларда - 50,0%).

Миллий давлатчиликни ҳаммабоп, умуминсоний бойлик деб тушунадиган қишлоқ аҳолисининг 46,6 фоизи «миллат» деганда «ягона ҳудуд, давлат, тил, дин ва ўзига хос маданий анъаналарга эга одамларнинг бирлигидир»,- деган вариантни қўллаб-қувватлайди.

Қуйидаги саволларга берилган жавоблар айниқса катта қизиқиш уйғотади.

*«Сиз паспортингизда қайси миллат вакили сифатида қайд этилгансиз?»*

*«Сиз ўзингизни қайси миллатга мансуб, деб ҳисоблайсиз?»*

Сўровда қатнашганларнинг аксарияти қайси миллатга мансублигини ўзининг қайси этник хусусиятларга тегишли эканлигига қараб белгилайди.

Шу билан бир қаторда амалий ҳаётда бу борада ҳануз қарама-қаршиликлар кўзга ташланади, лекин улар илгариларидагига қара-

ганда бир мунча кам. Масалан, ўзбеклардан 0,3 фоизининг паспортида миллати «ўзбек», деб қайд этилмаган, руслар орасида бу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил қилади. Аммо сўровда қатнашган (ўзини ўз миллати билан бирдай, деб ҳисоблайдиган) жами украинларнинг ҳар иккитасидан биттаси рус деб ҳисобга олинган. Худди шундай миллий мансубликнинг аралашиб кетиш ҳолатлари илгариларга қараганда 0,3 фоиз даражасида бўлса ҳам (1999 йилда - 24,2%) тожикларда учрайди, улар ўзларини ўз миллати билан бир хил, деб ҳисоблашса ҳам тожикларнинг паспортларида миллати ўзбек, деб қайд қилинган (8,2%).

*«Сизнинг ўз миллатингизга мансублигингиз нимада ифодаланади?»*, деган асосий саволга сўров қатнашчиларининг 42,7 фоизи «ўз халқига мансубликни ҳис этиш, у билан маънавий бирдамликда», 42,1 фоизи эса «аждодларимиз яшаётган (яшаган) она-заминга меҳр» деган вариантни танлади.

Миллий нуқтаи назардан миллий ўзликни англаш ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, тожик миллати вакиллари учун «мен ўз она тилимда сўзлайман; фикр юритаман ва ўзимни унинг вакили, деб ҳисоблайман», - деган нуқтаи назар ўз миллатига мансубликни ҳис қилишнинг асосий белгиси сифатида тан олинади. Ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, украинлар учун ўз халқига мансублигини жўшқин ҳис этиш ва бу билан маънавий бирликка интилиш бу масалада асосий мезон ҳисобланади. Қорақалпоқлар ва туркманлар учун ўз миллатига мансубликни англамоқ ўзлари туғилиб-ўсган ва авлод-аждодлари яшаётган (яшаган) ерга меҳр туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир. Аксарият қирғизлар учун эса ўз миллатига мансублик бой тарихга эгалик ва ўз миллатидан мағрурланиш туйғусида акс этади.

Маълумотлар таҳлили ўзбекларнинг халққа мансублик ва у билан бирдамлик, она-ватан ҳамда халқ маданиятига муҳаббат ҳиссига асосланган жўшқин таркибий қисмлар салмоғи муттасил ўсиб бораётир, деб тахмин қилишга асос беради. «Ўз она тилимда сўзлашаман ва фикр юритаман», деган нуқтаи назарни илгари сураётган, маълум бир миллатга мансубликни ҳис қилишдан иборат бирёқлама фикрнинг камайиб бориши (2001 йилдаги 46,7 фоиздан 2004 йилдаги 35,3 фоизгача) кузатилмоқда.

Айни паллада, тадқиқотнинг олдинги босқичига қараганда, ўз миллатининг тили ва маданиятини билмаганлиги сабабли ўзини ўз миллатининг ҳақиқий вакили, деб ҳисоблай олмайдиган ўзбекистонликларнинг сони анча (2003 йилдаги - 34,1 фоиздан 2004 йилда - 25,2 фоизгача) камайди.

Сўнгги тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, «менинг қайси миллатга мансублигимнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, энг муҳими, мен инсонман ва одатий ҳаёт кечиришим учун менга шунинг ўзи кифоя», - деган вариантда акс этган фикр ўзбекистонликларнинг бошқа миллат вакилларига нисбатан хайрихоҳлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради (28,0%). Бу борада украинлар (50,0%), яҳудийлар (50,0%), қорақалпоқлар (40,6%), руслар (40,5%), туркманлар (35,0%) анча илгарилаб кетдилар, сабаби улар учун қайси миллатга мансублик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сўров қатнашчиларининг мутлақ кўпчилиги (78,7%) Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига қайси миллатга мансубликнинг ёзиб қўйилишини ижобий баҳоламоқдалар (2001 йилда - 83,0 фоиз, 1999 йилда - 78,2 фоиз, 2003 йилда эса 82,4%).

Қайси миллатга мансубликнинг қайд этилишини Марказий Осиё халқларидан туркманлар (85,0%), қорақалпоқлар (84,4%), қозоқлар (81,4%), ўзбеклар (80,9%) айниқса маъқуллашмоқда. Бундай қайднинг паспортда бўлишига славян халқларининг кўпчилик қисми (60,0%) ҳануз бефарқ қарамоқда. Уларнинг фикрича, бу нарса славян халқларининг ҳаёт кечиришлари учун мутлақо монелик қилмайди (2003 йилда 45,2%).

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, сўровдан ўтган фуқароларнинг ҳар иккинчиси (46,2%) ўзини даставал ўзбекистонлик, деб билади, ҳар учтадан биттаси (33,0%) ўз миллати вакили, деярли ҳар олтинчиси (17,5%) ўзбекистонлик ва ўз миллатига мансуб, деб ҳисоблайди (8-расм).

Миллий ўзликни англовчи фуқароларнинг мамлакат тарихи ва маданиятига муносабати миллий ўзликни англашнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Сўров натижасида шу жиҳатдан қуйидагилар аниқланади. «Сиз ўзингиз туғилиб-ўсган ўлканинг тарихи ҳамда маданиятини етарли даражада биласизми?,- деган саволга сўровда қатнашганларнинг аксарияти (93,2%) ижобий жавоб берди. Аммо уларнинг фақат 41,8 фоизи «ҳа, етарли даражада биламан» (1999 йилда - 43,7 фоиз, 2001 йилда - 35,1 фоиз, 2003 йилда - 45,6%), деб жавоб қайтарди. Ўзбекистонликларнинг ҳар иккинчиси «биламан, лекин етарли даражада эмас» (51,4%), 6,8 фоизи эса «билмайман», деб айтди.

Бу кўрсаткичлар амалиётда ўзгармайди. 2001 йилда бу масалада ўз билимларининг етарли эмаслигини 51,8 фоиз, 2003 йилда эса 50,4 фоиз киши тан олди. «Билмайман», - деб қайд қилганлар ўртасида

8- расм. «Сиз ўзингизни, даставвал ким деб ҳис қиласиз: ўзбекистонлик (мамлакат фуқароси) ёки ўз миллатингиз вакили дебми?», деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




славян халқларига мансуб миллат вакиллари кўпчиликни (руслар - 16,7 фоиз, украинлар - 25,0%) ташкил этди. Пойтахтда истиқомат қилувчилар (20,2%), Сурхондарё (15,8%) ҳамда Андижон (12,6%) вилоятларининг аҳолиси ҳам шу ҳисобга киради.

Ўзбекистон тарихини билиш масаласи ўзбекистонликлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир (92,4%). Сўровда қатнашганларнинг 42,8 фоизидан 29,3 фоизи (2001 й.) Ўзбекистон тарихини «етарли даражада» билади; ҳар иккинчи фуқаро (50,4%) эса «етарли даражада билмайди».

Сўровда иштирок этганларнинг - 7,3 фоизи «йўқ, билмайман», - деб жавоб қайтарди (2003 йилда - 6,8%). Уларнинг ичида бухороликлар (18,4%), андижонликлар (12,6%), фарғоналиклар (12,1%) ва мактаб ўқувчилари (17,6%) кўпчиликни ташкил этдилар.

Тадқиқотлар ўзбекистонликларнинг ҳар иккинчисидан ортиқроғи (57,6%) Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихи, маданияти ҳамда маънавий бойлигини чуқур ўрганишга интилаётганлигини тасдиқлади. Бунда тарих, маданиятни билмаслигини ёки етарли даражада билмаслигини тан олган сўров иштирокчиларининг ҳар еттинчиси (14,2%) энди бу масалаларни ўрганишга киришган. Аммо сўровдан ўтганларнинг ҳар тўртинчиси (24,0%) ўрганишни мақбул, лекин шарт эмас, деб ҳисоблайди. Қарийб ҳар ўнинчи респондент

(9,6%) эса бу ҳақда ўйлашга хоҳиш ва қизиқиш йўқлигини айтади.

Қиёсий маълумотлар ўзбекларнинг ўз халқи маънавий қадриятларини чуқур ўрганишга қизиқиши бироз (2003 йилдаги 63,8 фоиздан 2004 йилда 44,7 фоизгача) сусайганлигини кўрсатди. Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга нисбатан қайта қизиқиш аксарият туркманлар - (80,0%), корейслар (66,7%), қирғизлар (46,1%), руслар (41,9%), тожиклар (35,0%), украинлар (33,4%) учун айниқса хосдир. «Ўрганиш мақбул, лекин шарт эмас» деган вариантни қирғизлар (23,0%) ва қозоқларнинг (21,6%) ҳар бешинчиси танлади. Давлат ва фуқаролик бирдамлилиги (40,8%), шунингдек, миллат ва унинг ичидаги бирдамлиликдан (40,4%) иборат бирлашган омил бўйича ўзбекистонликлар фикри амалий жиҳатдан тенг қисмларга ажралди. 2003 йилда ўтказилган сўровда миллат ва унинг ичидаги бирдамлик асосий омил, деб тилга олинди (45,0%). «Давлат ва фуқаролик бирдамлиги» ғоясини сўров қатнашчиларининг 43,6 фоизи илгари сурди.

1999 ва 2001 йилларда ўтказилган сўровларда «давлат ва фуқаролик бирдамлиги» вариантини ёқловчилар устунлик (59,1 фоиз ва 53,3%) қилди (9-расм).

Сўров иштирокчиларининг тақсимланиши фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан илгарилаган сари миллат ичидаги ва фуқаролар ўртасидаги бирдамликни ҳар томонлама уйғунлаштириш ўзбе-

9-расм. «Сизнинг фикрингизча, қуйидагилардан қайси бири одамларни ҳаммадан кўпроқ бирлаштиради?», деган саволга респондентларнинг жавоблари (%).



кистонликлар учун бирлаштирувчи омиллар жумласига киришини кўрсатди. Бироқ этник гуруҳлар ўртасида ушбу омилнинг тарқалиш даражаси бўйича анча тафовут кўзга ташланади. Агар миллий бирдамлик қорақалпоқлар (59,4%), яҳудийлар (50,0%) ва ўзбекларга (41,1%) салмоқли даражада тааллуқли бўлса, фуқаролик бирдамлигининг ниҳоятда зарурлигини туркманлар (80,0%), украинлар ва корейслар (75,0 фоиздан) ҳамда руслар (50,0%) амалда исботладилар.

Тадқиқотларнинг ўтган босқичларига қиёслаганда динни бирлаштирувчи асос, деб ҳисобловчи сўров қатнашчилари сони (18,8%) муттасил ортиб бораётганлиги кузатилаётир. 1999-2003 йилларда бу кўрсаткич сўровда қатнашганларнинг ўндан ортиқроқ қисмини ташкил қилди. Жиззах (40,3%), Фарғона (34,5%), Тошкент (30,4%) вилоятларидаги сўров иштирокчиларнинг кўпчилиги ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди. Шу жумладан, уларнинг ҳар тўрттадан биттаси мактаб ўқувчиси (25,9%), ишчи (21,4%), нафақахўр (21,1%) ҳисобланади. Дин ва диний туйғуларнинг аҳамиятини қирғизлар (73,3%), татарлар (29,4%) ва қозоқлар (20,9%) алоҳида таъкидлайдилар.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги аҳволи ва ўрни ҳақидаги фикрларнинг таққослама таҳлили республика аҳолисининг ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси ғоят юқорилигидан далолат беради.

Берилган баҳолар бундан олдинги сўров маълумотлари билан таққослаб кўрилганда жамиятдаги (мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла қўшилишига тўсқинлик қилаётган) мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларга нисбатан танқидий эътирозлар бир мунча камайганлигини кўрсатмоқда (2004 йилда 7,7 фоиз, 2003 йилда - 15,0 фоиз, 2001 йилда - 13,6%). Бу борада славян халқлари (26,2%), украинлар (25,0%) ва бошқа миллат вакиллари (ўрта ҳисобда ўн қисмига яқини) бу борада танқидий мулоҳазаларни камроқ билдирмоқдалар.

2003 йилда славян халқлари вакилларининг 36,0 фоизи ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид муаммолар мавжудлигини қайд қилди.

«Ўзбекистон - тарихий-маданий, адабий-маънавий ҳамда илмий меросга бой ўлка», - деган вариантни қўллаб-қувватлаганлар сони мутаносиб равишда ортди. Яҳудийлар (100,0%), корейслар (100,0%), қозоқлар (88,4%), қирғизлар (86,7%), туркманлар (80,0%) ва тожикларнинг (79,6%) мутлақ кўпчилиги, қорақалпоқлар (68,8%),

ўзбеклар (68,0%), татарлар (58,8%) ҳамда русларнинг (54,8%) аксарият қисми жавобнинг шу вариантини қайд этди.

Ўзбекистонликлар фуқаролик даражасининг анча юксаклиги шунда акс этадики, мамлакат аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (87,6%) ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тўла ҳис этади (87,6%). Ўзбекистонликларнинг озроқ қисмигина (4,8%) ҳануз ўзини СССР фуқароси, деб билади, аммо бу ҳиссиёт кун сайин сусаяпти. Бундай қарашга берилган кишиларни украинлар (25,0%), аосан руслар (21,4%) ва кекса авлодга мансуб - 70 га кирган ҳамда бу ёшдан ошган қариялар (15,4%), шунингдек, 60-69 ёшдаги фуқаролар (10,8 фоиз)ни ташкил этмоқдалар.

Тадқиқотлар фуқароликни тушунишда, улар томонидан ватанпарварликни ҳис этишда, шунингдек, ўз Ватанларига содиқликда, фуқаролик бурчини англашда етуклик даражасини ҳар қачонгидан ҳам тўла намоён қилишлари учун қулай имконият мавжудлигини кўрсатади. Масалан, сўров иштирокчиларининг кўпчилиги учун «Ватан» тушунчаси инсоннинг туғилиб-ўсган ери (82,6%), шунингдек, мустақил Ўзбекистон билан бевосита боғлиқ (17,3%), деган тасаввурдан иборатдир.

Ўзбекистонликларнинг аксарият қисми ўзини мустақил Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарварлари, деб ҳисоблайди (77,1%); улар ватанпарвар деганда Ватанга сидқидилдан хизмат қилишни (49,9%), унга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббатни англайдилар (42,2%); сўровдан ўтганларнинг атиги 2,5 фоиз ватанпарвар эмасликларини тан олди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар ҳолда ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиганларнинг сони 2003 йилдагига нисбатан 13,6 фоиз камайди. Шу билан бирга сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги халққа содиқлик нимадан иборат эканлигини яхши билади. Бу тушунчанинг замирида «Ўз халқининг бахтли келажаги учун кураш» (47,3%), «ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббат (42,2%), ўз халқи тарихига ҳурмат ва уни яхши билиш» (10,5%) ётади.

Бу ўринда «ўз халқининг бахтли келажаги учун кураш» варианти аҳамиятининг муттасил ортиб бораётганлиги диққатга сазовордир. 2003 йилда ўтказилган сўров қатнашчиларининг 36,7 фоизи шу ғояни ёқлади.

Эмпирик маълумотлар ўзбек жамиятининг этник-ижтимоий моҳиятини баҳолашда жамоатчилик фикри аниқ ва қатъий тўхтамга эга эканлигини яққол кўрсатди: сўров қатнашчиларининг кўпчилиги (73,7%) «Ўзбекистон - кўп миллатли мамлакат, бу ерда жамики

фуқароларнинг (қайси миллат ва динга мансублигидан қатъи назар) тенг ҳуқуқлиги конституция асосида кафолатланган» (2003 йилда - 73,7%), деган фикрни билдиришди.

Сўров қатнашчиларининг ҳар бешинчиси мамлакат тақдири учун асосий (титул) миллатнинг масъуллигини таъкидлайди (20,3%); уларнинг ҳар иккинчиси - яҳудий (50,0%), учдан бири - рус (33,3%), ҳар тўртинчиси тожик (22,4%), ўзбек (21,4%) ва қирғиздир (20,0%).

»Ўзингиз учун Ўзбекистоннинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?» - деган саволга сўров иштирокчиларининг аксарияти «Менинг Ватаним» (63,0%), ҳар тўртинчиси - «Менинг уйим» (26,3%) ва фақат 10,7 фоизи «Яшаётган мамлакатим», - деб жавоб берди.

Сўровда қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги «Жаҳонда Ўзбекистондан яхши мамлакатнинг ўзи йўқ», деб ҳисоблайди ва шу боисдан бошқа мамлакатда яшашни асло истамайди (83,0%). Бошқа мамлакатда яшаш истагини билдираётганлар сони 2003 йилдагига қараганда 11,1 фоиз дан 7,2 фоизгача камайди. Уларнинг ичида руслар 33,3 фоизни, татарлар 29,4 фоизни ва бошқа миллат вакиллари 50,0 фоизни ташкил қилди.

«Сиз фарзандларингизнинг бошқа мамлакатга бориб яшаш истагида бўлиб қолишига қандай қарайсиз?» деган саволга сўров қатнашчиларининг 58,5 фоизи «Мутлақо қаршиман, фарзандлар ўз ота-оналари ёнида яшашлари керак», - деб жавоб қайтарди. Айни паллада «агар хоҳлашса, майли чет элга бориб ҳам яшайверишсин», - деб қаршилик қилмаётганларнинг сони 2001 йилдаги 34,0 фоиздан 24,3 фоизгача камайди.

Сўнгги пайтларда ўтказилган сўровга кўра бошқа мамлакатга ишлаш учун вақтинча бориш истагидагилар сони ҳам бирмунча (2003 йилда 35,8%), сўнгги сўровда ( 21,0%) камайди.

Ўз фарзандларининг ўқиш ёки ишлаш учун чет элга вақтинча боришини истаётганларга татбиқан ҳам худди шундай ҳолат кузатилмоқда (41,3%). Сўров қатнашчиларининг 0,2 фоизигина шундай фикрга қўшилдилар. Сўровдан ўтказилганларнинг қоқ ярмидан ортиқроғи ўз фарзандларининг яшаш учун чет элга кетишларига мутлақо қарши. Аммо сўров иштирокчиларининг чорак қисми (24,5%) ўз фарзандларининг бошқа мамлакатда яшашларига тарафдор.

Ўзбекистонликлар ўз фарзандларининг ўқиши учун АҚШ (44,9%), Россия (16,2%), Англия (13,2%), Германия (9,6%) ва Кореяни (8,1%) мақбул мамлакатлар жумласига киритадилар; ишлаш учун эса Россия (60,0%), Корея (30,0%) ҳамда АҚШни (10,0%) мақсадга мувофиқ мамлакатлар деб ҳисоблайдилар.

Сўров натижалари инсоннинг миллий-фуқаролик нуқтаи назари шаклланишига таъсир кўрсатадиган асосий омилларни аниқлашга ёрдам берди. Оила ва қариндошлар ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган омиллар жумласига киради (78,6%).

Тадқиқот натижалари маҳалла ва унда амалий кучга эга бўлган жамоатчилик фикри инсоннинг миллий-фуқаролик нуқтаи назари шаклланишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бунинг устига ушбу ижтимоий институтнинг мавқеи 1999 йилда 45,7 фоиз дан 2002 йили 54,5 фоизгача, ҳозирги вақтга келиб эса 55,5 фоизгача ортди. Бу ҳолат маҳаллий миқёсдаги ўз-ўзини бошқариш органи сифатида маҳалла аҳамияти муттасил кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Мактаб ва бошқа ўқув муассасалари (45,5%), оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот - 27,0%), меҳнат жамоаси (жамоадаги муҳит - 20,1%) бу масаланинг ечимида ўзбекистонликлар учун анча салмоқли омил ҳисобланади. Аммо шуни унутмаслик керакки, адабиёт ва санъат (1999 йилда - 23,0 фоиз, 2001 йилда - 18,0 фоиз, 2003 йилда - 12,6 фоиз ва 2004 йилда - 11,0%), маданият ҳамда маданий муассасаларнинг (шунга мувофиқ тарзда 12,0 фоиз, 13,9 фоиз, 13,5 фоиз, 12,3%), миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти (2001 йилда - 10,3 фоиз, 2003 йилда - 7,6 фоиз ҳамда 2004 йилда - 2,7%) муттасил камайиб бораётир.

Миллий ўзликини англаш ва миллатлараро мулоқот - алоқа ривожида тил ғоят муҳим аҳамиятга молик омил ҳисобланади.

«Ижтимоий мулоқот - алоқа жойларида аслида сиз қайси тилдан фойдаланасиз»? - деган саволга икки вариантдаги жавоблар танланганда қуйидаги натижаларга эришилди: Масалан, асосан ўзбек тилида

2-жадвал

**«Ижтимоий мулоқот - алоқа жойларида аслида Сиз қайси тилдан фойдаланасиз?», деган саволга респондентларнинг жавоблари, %**

| Кўрсаткичлар | ўзбек тили | рус тили | ўзбек ва рус тиллари | тожик тили | қорақалпоқ тили | қозоқ тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Оилаларда | 81,3 | 6,0 | 5,9 | 5,2 | 2,4 | 1,7 |
| Дўстлар ва қўшнилар даврасида | 76,5 | 6,4 | 13,3 | 4,6 | 2,4 | 1,5 |
| Мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида | 76,0 | 7,3 | 12,2 | 4,0 | 2,3 | 1,5 |
| Жамоа тўпланадиган жойларда | 71,9 | 6,4 | 19,1 | 3,8 | 2,3 | 1,4 |
| Меҳнат жамоаларида | 70,5 | 7,1 | 17,1 | 3,7 | 2,8 | 1,7 |

гаплашадиган оилалар 81,3 фоизни (1999 йилда - 75,5 фоиз, 2001 йилда - 67,3 фоиз, 2003 йилда - 78,1%); ўзбек ва рус тилларида сўзлашадиган оилалар 5,9 фоизни (2003 йилда 8,8%); рус тилида мулоқот қиладиган оилалар 6,0 фоизни (2003 йилда 8,3%) ташкил этди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, республика миқёсидаги, шунингдек, айниқса шаҳарлардаги ижтимоий мулоқотларда ўзбек тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти салмоқли равишда ортиб бораётир. Масалан, дўстлар, қўшнилар даврасида 76,5 фоиз, (2003 йилда - 71,1%), мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида - 16,5 фоиз (2003 йилда - 71,4%), жамоатчилик йиғинларида 71,9 фоиз (2003 йилда - 63,7%) ўзбекистонликлар ўзбек тилида мулоқотга киришадилар.

Жамоат жойларида (19,1%), меҳнат жамоаларида (17,1%) ўзбек ва рус тиллари баб-баравар ишлатилади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, руслар, европалик миллатлар вакиллари жамоатчилик тўпланадиган жойларда асосий алоқа воситаси сифатида рус тилидан фойдаланадилар.

Сўровда иштирок этган русларнинг 66,7 фоизи жамоатчилик жойларида, шунингдек, 71,4 фоизи меҳнат жамоаларида рус тилида гаплашадилар. Шуни унутмаслик керакки, рус миллатига мансуб фуқаронинг ҳар бешинчисидан зиёдроғи (21,4%) жамоат жойларида мулоқот воситаси сифатида ўзбек ва рус тилларидан фойдаланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, аҳолининг кўпчилик қисми (84,7%) давлат тили бўлмиш ўзбек тилининг келгусидаги ривожини қўллаб-қувватлайди. Сўров катнашчиларининг ярмидан кўпроғи давлат тилини ўрганиш шартларини такомиллаштириш юзасидан зарур чоралар кўришлиши лозим, деб ҳисоблайди; ҳар бештасидан биттаси (20,2%) давлат тилини ўрганиш жараёнини эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга ошириш зарур, деган фикрни маъқуллайди, 10,3 фоизи эса бошқа этник вакилларнинг тили ва маданиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадга мувофиқ, деган фикрда. Шу билан бирга сўров иштирокчиларидан 8,6 фоизининг таъкидлашича, бу жараёнга аралашиш номақбулдир.

Ўзбек жамиятининг бағрикенглик даражасини «Сиз миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?» - деган саволга қайтарилган жавобларга қараб ҳам аниқласа бўлади.

Ўзбекистонликларнинг 36,6 фоизи (2003 йилда - 38,8%) бундай никоҳга салбий муносабат билдиради, 22,8 фоизи (2003 йилда - 26,9%) бу ҳолатни яхши, деб баҳолайди, 24,6 фоизи (2003 йилда - 22,8%) эса бунга бефарқ - бетараф эканлигини таъкидлайди.

Ўз этник гуруҳи доирасида никоҳ битими тузиш этник келиб чиқишни барқарорлаштириш чораси маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш чораси бўлибгина қолмай, айни паллада бу даставвал ўзликни англаш ва ўз халқи билан руҳий боғлиқликни ҳис этиш усули ҳамдир.

Миллатлараро никоҳга тоқат қилиш намунасини татарлар ва яҳудийларнинг ярми (50,0%), ўзбекларнинг қарийб тўртдан бир қисми (23,0%) яққол намоён этди. Туркманлар (80,0%), корейслар (50,0%), украинлар (50,0%), татарлар (41,2%), руслар (38,1%), тожиклар (24,5%) ва ўзбекларнинг (23,5%) аксарият қисми бу масалага бетараф қарашини билдирди.

Миллатлароро никоҳга ёшлар анча хайрихоҳлик билан қарамоқдалар; 16-19, 20-29 ёшлардаги ҳар икки ёш йигит ёҳуд қиз «яхши», «фарқи йўқ», «бетарафман», деган вариантларни таъкидлаб, бундай никоҳларга ижобий баҳо беради.

Бу ҳолат ўз этник маданият қадри билан боғлик масалаларни чуқур билмасликнинг оқибатдир.

Ўз миллатининг анъаналарига амал қилиш қишлоқ жойларида кучлироқ сезилади (38,8%). Қишлоқ ҳаёт тарзида қадимий миллий урф-одат ҳамда анъаналарга қатъий амал қилинаётганлиги, миллатлараро мулоқотларда эса етарли тажрибага эга бўлмаслик, ўз этник хусусиятлари аҳамиятининг оқибатда мустаҳкамланишига олиб келаётир.

Сўров шуни кўрсатдики, этник хусусиятларга майли кучли бўлган фуқароларнинг аксарияти аралаш никоҳларга айнан салбий муносабат билдирмоқда. Масалан, ўзбекларнинг ярмидан кўпроғи (62,9%) ўз миллатига мансуб одам билан никоҳ тузишини афзал кўришини билдирди. Ўз ота-оналарининг бундай аҳдини сўровдан ўтган ўзбекларнинг 8,3 фоизи жуда номақбул ҳисоблайди; ўзбекларнинг ҳар икктадан биттаси ўз фарзандларининг рус миллати вакили билан никоҳдан ўтишига мутлақо салбий муносабатда эканлигини тан олди. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, эндиликда ўзбекларнинг анча кам қисмигина шу фикрни ёқлаб чиқмоқда. 2003 йилда ўтказилган сўровда улар аксариятни ташкил қиларди (72,4%). Ўзбекларнинг кўпчилиги ўз фарзандларининг туркманлар (85,0%), шунингдек, қорақалпоқ, тожик, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари билан никоҳдан ўтишларига қаршилик қилмайди (шунга мувофиқ тарзда 46,9 фоиз, 46,9 фоиз, 46,7%).

Сўров натижалари кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг аксарият қисми ўз миллати анъана ва урф-одатларини яхши билади ва сўров

иштирокчиларининг мутлақ кўпчилиги (93,8%) уларга маълум даражада амал қилади (фақат 6,2 фоизи салбий жавоб қайтарди); анъана ва урф-одатларни «етарли даражада биламан», деган вариантни танлаган ўзбеклар 59,9 фоизни, тожиклар 51,0 фоизни ташкил этди. Қозоқлар ва қирғизлар ўз анъана ва урф-одатларини озроқ кўламда билишади (27,9 фоиз, 26,6%). Ўз анъана ва урф-одатлари ҳақида ҳеч нарса билмайдиган фуқаролар ўртасида русларнинг улуши юқори (19,0%).

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ҳамда ривожи бўйича келгусида мониторинг тадқиқотлари ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ана шундай тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг ўзлигини этник жиҳатдан аниқлаш харитасини тузиш учун зарур имконият туғилади. Бу эса пировардида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш асосларини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

## 2. Кўпмиллатли Ўзбекистон*

Тадқиқотнинг асосий мақсади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларнинг ҳолатини, уларнинг динамикаси, фуқаролик оламини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи шарт-шароит ва омилларни, жамиятдаги тотувлик ва барқарорликни аниқлаш.

Ўзбекистонликлар мамлакатдаги миллатлараро муносабатлар ҳолатини барқарор ижобий деб баҳолайдилар. 2003 йилда сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (95,3%) миллатлараро муносабатлар ҳолатини ижобий баҳолайди. Жумладан, ҳар тўртдан бир ўзбекистонлик (20,3%) уларни «жуда яхши», ҳар иккитадан бири (53,8%) эса, «яхши» сифатида баҳолайди (10-расм).

* Тадқиқот «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзусида мониторинг сифатида 1999-2003 йилларда ўтказилган социологик сўровномалар натижаларига асосланган. Сўровлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ўтказилган. Сўровда мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакиллари, ижтимоий қатламлар қатнашган. Умумий респондентлар сони - 6935 киши. Уларнинг жинси ва ёш таркиби мамлакат аҳолисининг демографик таркибига мос. Асосий таҳлил 2003 йилнинг март ойида ўтказилган социологик сўров маълумотлари асосида олиб борилади. Ушбу сўровда 2021 респондент иштирок этган.

10-расм. Миллатлараро муносабатлар ҳолатининг баҳоси, %




| | Яхши | Жуда яхши | Ўртача | Ёмон |
|---|---|---|---|---|
| ■2003 й | 53.8 | 26.3 | 15.2 | 1,3 |
| □2001 й. | 53.7 | 33.1 | 10.9 | 0,7 |
| ■1999 й. | 42,2 | 30.6 | 23,0 | 2,4 |

Қиёсий таҳлил 1999 йил билан 2003 йил ўртасидаги даврда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг респондентлар томонидан берилган ижобий баҳоси барқарорлигини кўрсатади.

Кўриниб турибдики, сўралганларнинг атиги 1,3 фоизи (2001 йилда - 0,7 фоиз ва 1999 йилда 2,4%) уни ёмон деб баҳолаган. Улар ўртасида энг кўп мамлакатнинг кўп миллатли ва иқтисодий ривожланган минтақалари - Тошкент шаҳри (4,7%) ва Тошкент вилоятида (3,7%) яшовчилардир. Полиэтниклик бирмунча юқори бўлган минтақалардаги текширувда миллатлараро муносабатларнинг салбий баҳоси бир мунча юқори эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, миллатлараро муносабатларни ёмон деб ҳисобловчи респондентларнинг жавоби ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас ва чекланган, кўпроқ маиший соҳада. Лекин зарурат этник йўналтиришлар ва қадриятларнинг максимал мослашуви, уларнинг турли этносларнинг муҳим манфаатларидан бири катта бўлмаган даражада амалга ошириладиган ва бошқаларга зарар келтирмайдиган уйғунлаштириш ҳисобланади.

Қиёсий таҳлил 18-29 ёшли ёшлар ўртасидаги миллатлараро муносабатлар ҳолатининг ижобий баҳосининг барқарор ўсишини ва барча ёш тоифаларидаги салбий баҳонинг даражаси ҳамон паст эканлигини кўрсатади.

Миллий тарзда баҳонинг юқори кўрсаткичи Ўрта Осиё этносларига хосдир. Масалан, миллатлараро муносабатларни 40,6 фоиз туркманлар, 40,0 фоиз қорақалпоқлар, 33,0 фоиз қирғизлар «энг яхши» деб баҳолайди. Бироқ, бу этник гуруҳлар ўртасида 2001 йил сўрови-

га нисбатан «жуда яхши» баҳо сони камайган, ўзбекларда 25,5 фоиздан 28,0 фоизгача, тожикларда 30,8 фоиздан 18,0 фоизгача тушган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар қандай ўзгарганлигини аниқлаш учун респондентларга тегишли савол берилди. Сўралганларнинг кўпчилиги (66,1%) миллатлараро тотувлик - бу даврда ўсди, деб ҳисоблайди. 18,5 фоиз респондент бу соҳада ҳеч нарса ўзгармаганлигини кўрсатади. Кўришимизча, 1999 йилда сўралганларнинг бешдан бир қисми (21,3%), 2001 йилда эса 14,7 фоизи шундай хулосага келган. 6,8 фоиз сўралганлар (2001 йилда 3,7%) миллатлараро муносабат соҳасида кескинлик вужудга келганлигини таъкидлайди.

Салбий пландаги жавоблар миқдорининг ўсиши миллатлараро муносабатлар соҳасида асосан тўқнашув имкониятининг вужудга келиши мумкинлигини кўрсатади. Кескинлик вужудга келиши мумкин бўлган манбанинг мавжудлиги уни келтириб чиқарувчи сабабларни бирмунча батафсил таҳлил қилишни талаб этади. Миллатлараро муносабатлар ёмон тарафга ўзгараётганлигини (6,8%) кўрсатувчи респондентлар гуруҳида эркаклар (7,0%), асосан Сурхондарё вилояти (24,5%) ва Тошкент шаҳри (15,5%) аҳолиси, 30-39 ёшдаги (9,1%), олий маълумотли (8,8%) респондентлар устунлик қилади.

Миллатлараро муносабатлардаги кескинлик вужудга келиши мумкинлигини асосан славян этнос вакиллари (23,2%), тожиклар (9,0%), татар, туркман, корейслар (6,3 фоиздан), ўзбеклар (6,0%), қозоқлар (4,5%) ва қирғизлар (2,2%) бирмунча кўпроқ кўрсатдилар.

Сўровноманинг «Бизнинг умумий уйимизда тинчлик ва миллий ҳамда фуқаровий тотувлик мустақил Ўзбекистоннинг энг қимматли ютуғи эканлигига Сиз қўшиласизми?» деган саволга сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (93,0%) ижобий жавоб берган. Шу билан бирга бу фикрга респондентларнинг 55,5 фоизи тўлиқ қўшилган, 37,5 фоизи эса шунчаки қўшилган. Бу ҳолатга респондентларнинг 3,3 фоизи қўшилмаган, бу хусусда 3,7 фоиз респондент маълум фикрга эга эмас. Шуни қайд этиш керакки, бизнинг жамиятда миллатлараро ва фуқаровий тотувликнинг барқарорлиги бўйича республика аҳолисининг юқори баҳоси тадқиқотнинг барча йилларида бир хил. Бу тақдим этилаётган расмда ўз аксини топган (11-расм).

Бизнинг умумий уйимиз миллатлараро ва фуқаровий тотувликнинг асосини респондентларнинг мутлақ кўпчилиги аҳоли томонидан Президент ва давлатнинг мамлакатимизда ўтказаётган миллийсиёсат стратегиясини маъқуллаётганликлари (92,2%) деб ҳисоблайди (12-расм).

11-расм. Аҳолининг Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаровий тотувликка эришилганлиги бўйича муносабати, %




12-расм. Жамиятдаги миллатлараро ва фуқаровий тотувликнинг асоси, %*




Қиёсий таҳлилнинг кўрсатишича, қисқа вақт ичида, ўзбек халқининг ахлоқий сифати уларнинг бағрикенглиги (2001 йилдаги сўровдаги 20,8 фоиздан 2003 йилдаги сўровда 27,6 фоизга ошганлиги),

шунингдек, ўзбекларнинг бошқа миллат вакилларига нисбатан хайрихоҳлиги (тегишлича 17,8 фоиз ва 21,9%)2 деб ҳисоблайдиганлар сони ошди. Бу нуқтаи назарни славян миллатидаги респондентларнинг бешдан бири (21,1%) ва корейсларнинг 26,7 фоизи қувватлайди. Ўзбекларнинг диний муносабатларини қирғизларнинг 14,0 фоизи, славянларнинг 13,8 фоизи, корейсларнинг 13,9 фоизи ва Ўзбекистонда 20 йилдан ортиқ яшаган респондентларнинг 13,3 фоизи кўрсатган.

«Сиз учун Ўзбекистон нима ҳисобланади?» деган саволга сўралганларнинг ярмидан кўпи (55,1%) «Менинг севикли Ватаним» деб жавоб берди. Сўралганларнинг учдан бири (35,0%) учун «Ўзбекистон туғилган ва улғайган мамлакат» ҳисобланади. Шунча киши (33,3%) уни ўз аждодларининг Ватани деб ҳисоблайди. Тахминан сўралганларнинг олтидан бири (15,4%) учун Ўзбекистон - «менинг севимли уйим» атамасини эмоционал идрок қилиш характерли. Сўралганларнинг ўндан бири (11,8%) Ўзбекистонни «яшаётган мамлакат» деб ҳисоблайди. Бу жавоб славянлар (36,0%), корейслар (25,0%), татарлар (23,8%) ўртасида тарқалган. Сўралганлар ўртасида ҳудудий миқёсда бундай жавоблар Сурхондарё (38,5%), Тошкент вилоятлари (25,8%) ва Тошкент шаҳри (18,8%) асосий ўринни эгаллайди.

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (86,9%) Ўзбекистонда миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинади, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, сўралганларнинг ярмидан кўпи (51,3%) улар тўлиқ даражада, учдан бир қисмидан кўпроғи (35,6%) етарли даражада амал қилинади, деб уқтиради. Ўндан бири (10,9%) ҳуқуқ ва эркинликларга етарли даражада амал қилинмайди, деб ҳисоблайди. Фақат сўралганларнинг 2,0 фоизи мазкур саволга «амал қилинмайди», деб салбий фикр билдиради.

1999-2003 йиллардаги сўров давомида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиш даражасига талабларнинг аста-секин ошганлигини кўрсатади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилиниши етарли даражада эмаслигини кўрсатганлар орасида бирмунча танқидий нуқтаи назар ёшларга қараганда ўрта ёшдаги кишилар учун характерли. Масалан, мазкур саволнинг ушбу вариантини 50-54 ёшдагиларнинг 13,3 фоизи, 18-29 ёшдагиларнинг 8,6 фоизи кўрсатган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинмайди, деб кўрсатганлар орасида корейслар 6,3 фоиз, қозоқлар 4,5 фоиз, татарлар 3,2 фоиздир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинмайди, деган фикрни ҳудудий нуқтаи назардан қараганда бошқалардан кўра кўпроқ Тошкент шаҳри респондентлари (5,3%), фарғоналик (3,6%) ва хоразмликлар (3,3%) кўрсатишган.

Мамлакатимизда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга амал қилинмайди, деган жавобни берган респондентларга «Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинмаслиги нималарда намоён бўлади?» деган аниқ савол берилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигига амал қилмасликнинг асосий сабабини сўралганлар уларнинг ҳуқуқий таъминотидаги қусурларда, сўралганларнинг бешдан бири (20,0%) қонунларнинг мукаммал эмаслигида ва уларга риоя қилинмаслигида кўрадилар, 17,5 фоизи милиция томонидан қонунга риоя қилинмаслик ва сўз эркинлиги йўқлиги мавжуд, деб билади, сўралганларнинг 12,5 фоизи ҳокимият органларида унвонсиз миллатларнинг вакиллиги етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Сўралганларнинг бошқа қисми ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишида, деб билади. Улар ўртасида сўралганларнинг, амалда бир ҳил сони (12,5 фоиздан) моддий таъминотдаги, даромадларни тақсимлаш ва фақат «ўз шахсий манфаат ва фойдаси ҳақидагина ўйловчи» алоҳида шахсларнинг худбинлиги тўғрисидаги бузилишлар, деб кўрсатади.

Респондентларнинг учинчи гуруҳини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги бузилишини ижтимоий-психологик сабаблар билан боғлайдиганлар ташкил этади: сўралганларнинг 7,5 фоиздан қисми иш ва жамоат жойларида тенг ҳуқуқлиликнинг йўқлигида, деб кўрсатади.

Ҳокимият органларида унвонсиз миллатларнинг вакиллиги етарли эмаслигини славян (25,0%) ва қозоқларнинг (25,0%) тўртдан бири кўрсатди.

«Сиз учун нима муҳим - Сизнинг миллатингизми ёки Сизнинг фуқаролигингизми?» деган саволга сўралганларнинг деярли ярми (48,1%) «у ҳам, бу ҳам бир хилда муҳим» деб жавоб берган. 1999 йилдаги сўровда улар 36,9 фоиз эди, 2001 йилда эса 35,8 фоизни ташкил этди. Иккинчи ўринни миллат варианти эгаллади - 27,1 фоиз (2001 йилда 34,7%). Сўралганларнинг 21,0 фоизи учун фуқаролик муҳим ҳисобланади (2001 йилда 24,9%) (13-расм).

Респондентларнинг атиги 2,1 фоизи «у ҳам, бу ҳам бир хилда бефарқ» эканлигини кўрсатган, сўралганларнинг 1,8 фоизи салбий тушунчаларга нисбатан ўз муносабатларини белгилай олмаган. Бефа-

13-расм. <u>Аҳолининг «миллат» ва «фуқаролик» тушунчаларига муносабати, %</u>




рқликни, асосан корейсларнинг (6,3%), славянларнинг (5,6%), қозоқларнинг (5,6%), туркманларнинг (3,1%), тожикларнинг (2,2%) ва ўзбекларнинг (1,8%) вакиллари кўрсатган. Ўзбеклар учун ўзини фуқаролигига тенглаштиришига (18,8%) қараганда ўз миллатини ҳис қилиш муҳим (29,7%) эканлиги характерлидир. Корейслар учун «фуқаролик» (43,8%) ва «миллат ҳамда фуқаролик»нинг (45,8%) даражаси деярли бир хилда муҳим. Татар, қирғиз ва қорақалпоқлар ўртасида амалий жиҳатдан иккала тушунча бир хилда.

Респондентларнинг фуқаролик туйғусининг холисона баҳоси: <u>«Сиз Ўзбекистон фуқароси ҳисобланишингиздан қандай туйғуни ҳис этасиз?»</u> деган савол бериш билан аниқланди. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги фахрланиш ва қониқиш билан ҳис этишини билдирган. Шу билан бирга респондентларнинг 68,5 фоизи «фахрланиш»ни, 20,6 фоизи эса «қониқиш»ни кўрсатган. Лекин 2001 йилдагига нисбатан бефарқликни билдирганлар (2,2 фоиздан 5,8 фоизгача) ва бу саволга жавоб беришга қийналишини билдирганлар сони (2,9 фоиздан 5,1 фоизгача) ошган.

Фуқаролик туйғусини энг кўп билдирганлар 18-29 ёшдаги (89,1%) ва 40-49 ёшдаги респондентларга (91,9%) тўғри келади. Миллатлари бўйича булар - туб миллатли қорақалпоқ (98,0%), туркман (96,9%), ўзбек (91,9%) респондентлардир. Фуқаролик туйғусини энг кам билдирганлар славянлар вакиллари (57,6%) ҳисобланди.

Ўз фуқаролигига бефарқлигини ифодалаган славянлар сони (16,3 фоиздан 23,2 фоизгача) ошган. Бу этник гуруҳ вакилининг деярли бешдан бири (19,2%) жавоб бераолмаган. Бефарқликни ифодалаган-

лар орасида татарлар 12,7 фоиз ва корейслар 12,5 фоиздир. Ўзбеклар орасида сўралганларнинг 4,5 фоизи (2001 йилда 1,3%) ўз фуқаролигига бефарқликни билдирган, мазкур саволга жавоб беришга 3,6 фоиз (2001 йилда 1,6%) киши қийналган, бу қозоқлар орасида тегишлича 15,7 фоиз (2001 йилда 3,3%), татарлар орасида 4,8 фоиз (2001 йилда 2,7%), корейслар орасида 12,5 фоизни (2001 йилда 3,1%) ташкил этади.

Маълумки, ҳатто яхши миллатлараро муносабатларда ҳам ҳаётий алоқалар даражасида миллатчиликнинг кўринишлари мавжуд. Ўзбекистонликлар уларга қанчалик дуч келишади?

Сўровноманинг тегишли саволига олинган жавобларга қараганда, респондентларнинг кўпчилиги (69,7%) ҳаётий миллатчилик кўринишларига дуч келмаган. Саволга 22,9 фоиз (2001 йилдан 18,5%) киши ижобий жавоб берган. Шу билан бирга 6,3 фоиз (2001 йилда 4,6 фоиз, 1999 йилда 3,6%) киши бу кўринишга кўпинча, 16,6 фоиз (2001 йилда 13,9 фоиз, 1999 йилда 19,5%) киши баъзан дуч келган.

Ҳудудий нуқтаи назардан у ёки бу даражада ҳаётий миллатчиликка бошқаларга қараганда Тошкент шаҳри (48,8%), шунингдек, Тошкент (43,7%) ва Наманган (34,2%) вилоятлари респондентлари дуч келган. Шу билан бирга, бу кўринишга пойтахт респондентлари (15,3%), наманганликлар (13,3%) ва бухороликлар (12,1%) дуч келади.

Ҳаётий миллатчиликнинг мавжудлигини бошқа этник гуруҳларга қараганда славянлар (44,0%), корейслар (43,8%), татарлар (36,5%) ва туркманлар (31,5%) кўпроқ кўрсатишган.

Маълумотларнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича, миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, ҳамон Ўзбекистон жамиятининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Сўралганларнинг катта қисми (46,7%) «тарбиядаги асабийликлар»ни миллатлараро низонинг асосий сабаби, деб ҳисоблайди. Лекин бу муаммонинг кескинлиги аста-секин камаймоқда. Масалан, 1999 йилдаги сўровда сўралганларнинг 51,8 фоизи шундай ҳолни кўрсатган эди.

Сўров асносида олинган маълумотлар аҳолининг нотинчлиги, асосан давлат алоҳида эътиборни қаратган диний экстремизм натижасидаги безовталик аста-секин камаяётгани ҳақида ҳам дарак беради. Шу билан бирга этникларaро келишмовчиликлар сабаби кўринишидаги диний экстремизмни Марказий Осиё этнослари вакиллари кўрсатишган. Масалан, мазкур сабабни 40,0 фоиз қирғизлар, 29,0 фоиз ўзбеклар, 22,0 фоиз тожиклар, 20,0 фоиз қозоқлар осойишталикнинг асосий «бузғунчилари» деб ҳисоблайдилар.

Славян миллати вакиллари томонидан кўрсатилган этносллараро низолар сабабининг муҳити деб ҳисобланган «ишга олиш пайтида ва амал мартабасидаги унвонли миллат (ўзбеклар)нинг устунлиги» ҳақидаги фикрлар 1999 йилдаги 31,7 фоиз, 2001 йилдаги 23,1 фоиздан 2003 йилда 16,0 фоизга камайганлиги қайд этилади. Шундай қилиб, мазкур вариант иккинчи ўриндан тўртинчи ўринга пасайди. 2003 йилдаги сўровда иккинчи ўринни «ҳаётий миллатчилик» (28,8%) эгаллади.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг ижтимоий фикрида миллий негизда бирон-бир низонинг шарт-шароити йўқлиги ҳақидаги нуқтаи назар ҳукмронлик қилинишини қайд этишга имкон беради. Бироқ жавобнинг бу вариантини белгиловчи улуш 2001 йилдагига қараганда бир мунча пасайган (2001 йилдаги 80,0 фоиздан 76,3 фоизгача), лекин 1999 йилдагига (66,2%) нисбатан ҳамон юқори. Шу билан бирга «ўзбеклар ва руслар ўртасидаги этникларaро низо кутилиши мумкинлиги» ҳақидаги вариантни белгилаган улуш борасидаги респондентларнинг фаразлари сони анча камайди - 8,0 фоиз (1999 йилда - 14,9 фоиз, 2001 йилда 14,6%). «Ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги» вариантни белгилаганлар сони ҳам (1999 йилдаги 11,9 фоиз, 2001 йилдаги 7,5 фоиздан 2003 йилдаги 6,4 фоизгача) камайди. «Ўзбеклар ва қозоқлар ўртасидаги» низо 2001 йилдагига қараганда бироз (2001 йилдаги 1,6 фоиздан 2003 йилдаги 4,1 фоизгача), «ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги» (1,6 фоиздан 3,4 фоизгача) кўпайганлиги кузатилади.

Таҳлилнинг кўрсатишича, этникларaро негизидаги низонинг катта қисми шаҳарларда юзага келади. Буни минтақалар бўйича олинган маълумотлар кўрсатади. Пойтахт аҳолисининг ҳар учдан бири (33,5%) «ўзбеклар ва руслар ўртасидаги», ҳар бешдан бири (20,6%) «ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги», ҳар олтидан бири (15,9%) «ўзбеклар ва қозоқлар ўртасидаги» низоларни кўрсатган.

Жиззах вилоятида асосий ихтилоф «ўзбеклар ва қозоқлар ўртасида» (14,3%), шунингдек, «ўзбеклар ва тожиклар ўртасида» (12,2%) вужудга келади. Лекин бундай низони тилга олиш частотаси анча камайди. 2001 йилда ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги низо мавжудлигини сўралганларнинг 30,3 фоизи кўрсатган эди. Шундай қилиб, миллатлараро ихтилоф, ҳаётий негиздаги низо частотаси, умуман олганда, пасайганлигини қайд этиш мумкин.

Тадқиқот маълумотларининг кўрсатишича, славянлар бирмунча кўпроқ танқидий ёндашганлар, бошқа этнослар вакиллари ўзбеклар ва бошқа этник гуруҳлар ўртасидаги низо мавжудлигини кўрсатиб яқин-

роқ ёндашган. Барча этник гуруҳларда «ўзбеклар ва руслар ўртасидаги», «ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги», «ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги», «ўзбеклар ва қозоқлар ўртасидаги» бирикма комбинацияси анча барқарор кўринишга эга. Шу билан бирга, 2001 йилдаги сўровда «ўзбеклар ва қозоқлар ўртасидаги» комбинацияни қозоқлардан ҳеч ким белгиламаган, сўралган ўзбекларнинг эса 1,7 фоизи унга белги қўйган. Бу галги сўровда бу комбинацияни 6,7 фоиз қозоқ ва 3,5 фоиз ўзбек кўрсатган. Бу мазкур халқлар вакиллари ўртасиддаги муносабатларда ташвишли аломатлар мавжудлигини кўрсатиш мумкин.

Олинган маълумотлар келгусида этник соҳадаги бундай кескинлик ва ихтилофлар бўйича ғаламислик қилувчи ривож омилларини ўрганишга ундайди. Бу соҳада, алоҳида диққатни ёшларга қаратиш талаб этилади. Сўров натижалари, талабалар ўртасида ана шундай хавотир кенг тус олиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, олий ўқув юрти ёшлари орасида сўралганларнинг тўртдан бири ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги (26,8%), шунингдек, ўзбеклар ва руслар ўртасидаги (23,2%) миллатлараро ихтилофни кўрсатган. 2001 йилдаги сўровда бу комбинацияни респондентларнинг тегишлича 3,6 фоизи ва 14,3 фоизи кўрсатган.

Сўров натижалари 1999 йилдагига қараганда Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари эмоционал аҳволидаги нохушликнинг пасайишини кўрсатади. «Сиз ўз миллатингиз билан боғлиқ бўлган бирон-бир қийинчилик ёки ноқулайликни шахсан бошдан кечирасизми?» деган саволга сўралганларнинг кўпчилиги (86,1%) «йўқ» деб жавоб берди. Шунга қарамай, бу соҳада ўз муаммоларини очиқ-ойдин билдирган (4,0%) (2001 йилда 3,6%), шунингдек, миллати билан боғлиқ ўз ноқулайликлари ҳақида жавоб беришга қийналган ёки, эҳтимол, очиқ айтишни хоҳламаган 9,9 фоиз (2001 йилда 5,2%) респондентларнинг кичик гуруҳи бор.

Миллатлараро муносабатлардаги қийинчиликлар кўпроқ Тошкент шаҳри респондентлари томонидан қайд этилади (13,5%). Респондентлари Тошкент вилоятида бешдан бири (21,6%), Хоразм вилоятида 17,5 фоизи, Наманган вилоятида 13,9 фоизи, Фарғона вилоятида 10,3 фоизи, Тошкент шаҳрида 12,9 фоизи жавобни аниқлай олмади.

Ўз миллати туфайли «ноқулайликни» бошдан кечирадиганларнинг кўпчилиги сўралган славянлар ўртасидадир (12,0%). Мазкур саволга жавоб беришдан бош тортганлар орасида корейслар (18,8%), татарлар (15,9%), славянлар (12,8%) кўпчиликни ташкил этди.

Миллатига мансублиги билан боғлиқ маълум қийинчиликни бошдан кечирадиган респондентларга: «Бу аниқ нималарда намоён бўла-

ди?» деган, махсус савол берилди. Сўровноманинг мазкур саволи очиқ бўлиб, респондентларга «этник ноқулайлик» ўрнига эга бўлган сабабларни ўзлари белгилашлари таклиф этилди. Натижада, 1999 йил ва 2001 йилдаги маълумотлар билан таққослаш келтирилган қуйидаги муайян тартибдаги жавоблар олинди (3-жадвал).

Қиёсий таҳлил респондентларнинг миллатга мансублиги билан боғлиқ қийинчиликлар ноқулайликлар характерининг ўзгаришини кўрсатади. Ўзбек тилини билмаслик билан боғлиқ ноқулайлик 1999 йилдаги биринчи ўриндан 2003 йилда олтинчи ўринга тушган. Кейинги йилларда респондентлар учун асосий тўсиқнинг қийинчилиги ишга қабул қилиш пайтида ҳисобланади, бироқ уларнинг кескинлиги аста-секин пасайиш томон кетмоқда (2001 йилдаги 25,0 фоиздан 2003 йилда 16,3 фоизгача).

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликларнинг эътиборсизлигини кўрсатган респондентлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши кузатилади. Бу сабаб 1999 йилдаги сўровда тилга олинмаганди, 2001 йилда уни сўралганларнинг 5,6 фоизи илгари сурди, 2003 йилда улар 13,8 фоизни ташкил этди. Ўзбекларнинг устунлиги ҳам респондентларнинг аввалги миқдорига қараганда кўп кўрсатилган (тегишлича 6,2 фоиз, 2,8 фоиз ва 13,8%).

Ишга қабул қилиш пайтидаги қийинчиликни туркманлар (50,0%), қорақалпоқлар (50,0%), қозоқлар (20,0%), славянлар (13,3%) ва

3-жадвал

**Респондентларнинг миллати билан боғлиқ қийинчиликлар ва ноқулайликлар намоён бўлиши баҳоси, %**

| | 1999 й. | 2001й. | 2003 й. |
|---|---|---|---|
| ўзбекларда имтиёз кўпроқ | 6,2 | 2,8 | 13,8 |
| маҳаллий аҳоли билан муносабатда | 7,1 | 13,9 | 12,5 |
| хизматда кўтарилишда тўсиқ бор | 7,1 | 4,2 | 11,3 |
| ўзбек тилини билмаслик билан боғлиқ ноқулайлик | 25,6 | 5,6 | 8,8 |
| олий ўқув юртига кириш пайтида | 6,2 | 5,6 | 6,3 |
| она тилида адабиётларнинг етишмаслиги | - | 2,8 | 5,0 |
| армиядаги хизматнинг қийинлиги | - | 8,3 | 3,8 |
| миллатчилик | - | - | 3,8 |

14-расм. Респондентларнинг ўзбек тилини билиш даражаси, %




ўзбеклар (13,0%) кўрсатган. Маҳаллий ҳокимликларнинг хайрихоҳлиги етарли эмаслиги ва эътиборсизлигини учдан бир (33,3%) тожик, 17,4 фоиз ўзбек, ўндан бир (10,0%) қозоқ ва 6,7 фоиз славян кўрсатган.

Сўровнинг кўрсатишича, ўзбек тилини билмаслик муаммоси аста-секин тушиб бормокда. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги у ёки бу даражада ўзбек тилини билади (97,8%), шу билан бирга давлат тилини билмайдиганлар сони вақт ўтиши билан аста-секин - 1999 йилдаги 19,8 фоиздан 2003 йилда 2,3 фоизгача қисқарган (14-расм).

Маҳаллий бўлмаган миллатлар вакилларининг ўзбек тилини билиши даражаси анча ошди. 87,6 фоиз корейслар, 74,4 фоиз славянлар у ёки бу даражада давлат тилини билишади. Лекин славянларнинг ҳар тўртдан бири (25,6%) уни билмаслигини тан олади. Ўзбек тилини ўрганиш истагини сўралганларнинг учдан бири (33,8%) ифодалайди.

Олинган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, 2001 йилга нисбатан давлат тилини ўрганиш учун имконият камайган, шунинг учун қўйилган саволга респондентларнинг ижобий жавобларининг камайиши - 59,4 фоиздан 44,0 фоизга - намоён бўлди.

Бу муаммога нисбатан ўзбек тилини ўрганиш учун имкониятларни аниқлаш ва ташкилотлар раҳбариятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кузатилади. Масалан, ижобий жавоблар коэффициенти 2001 йилдаги 50,0 фоиздан 2003 йилда 35,8 фоизга камайганлиги қайд этилади. Жавобни аниқлай олмаган респондентлар сони сезиларли даражада (29,7 фоиздан 38,1 фоизгача) ошганлиги далили диққатни ўзига тортади.

Тадқиқотлар натижасининг кўрсатишича, сўралганларнинг иккидан бири (52,1%) ўзбеклар орасида маҳаллийчилик муносабатларининг мавжудлигини рад этади. Лекин сўралганларнинг бешдан бири (20,1%) улар у ёки бу даражада намоён бўлади деб ўйлайди.

Сўралганларнинг 27,9 фоизи мазкур саволга жавоб беришга қийналган.

Ўзбеклар ўртасида маҳаллийчилик одатдаги ишда мавжудлиги далилини келтирувчи пойтахт (41,1%), Сирдарё (25,3%), Наманган (24,1%), Навоий (20,7%), Самарқанд (20,5%) ва Сурхондарё (20,3%) вилоятлари респондентлари орасида кўпроқни ташкил этади. Энг паст кўрсаткич Андижон вилоятига (3,9%) тегишли.

Миллатлар орасида корейслар (31,3%), қорақалпоқлар (28,0%), тожиклар (22,5%), татарлар (20,6%), ўзбеклар (19,2%), қозоқлар (15,7%), қирғизлар (15,6%) ва бошқа миллат вакиллари (22,8%) ижобий жавоб бердилар.

Тадқиқотнинг аниқлашича, маҳаллийчилик, асосан, турли соҳалардаги ошна-оғайнигарчилик (58,6%), ўзи ва ҳамюртлари учун ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиш (18,0%) шаклида, ёмон тарбия ва ҳурматсизликда (7,2%) намоён бўлади.

Сўралганларнинг ярмидан кўпроғи (57,5%) Ўзбекистон жамиятида у ёки бу даражада уруғ-аймоқчилик намоён бўлишини кўрсатган. Лекин уларнинг кўпчилик қисми (28,7%) ҳар ҳолда бу кам даражада намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Ҳудудий бўлинишда уруғ-аймоқчилик кўринишини қайд қилган сўралганларнинг аксарият кўпчилиги Сурхондарё вилоятида (91,0%) ва пойтахтда (84,7%) яшайди. Улар орасида 18,8 фоизи «жуда кўп даражада» вариантини белгилаган (4-жадвал).

Миллатлар орасида уруғ-аймоқчилик кўришларини бошқаларга нисбатан кўпроқ тожиклар (64,0%), татарлар (63,5%), славянлар (63,2%) ва корейслар (62,8%) кўрсатган.

Сўралганларнинг кўпчилиги (64,4%) уруғ-аймоқчилик у ёки бу даражада Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларга таъсир этади, деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, сўралганларнинг учдан бири уруғ-аймоқчилик миллатлараро муносабатларга бирон-бир таъсир кўрсатмайди, деб билади.

Миллатлар орасида уруғ-аймоқчилик муносабатларга кучли таъсир қилишини 26,9 фоиз қирғизлар, 20,3 фоиз славянлар, 18,8 фоиз туркманлар, 12,5 фоиз қорақалпоқлар, 9,2 фоиз ўзбеклар эътироф этган.

Сўровноманинг: «Нима дейсиз, бошқарув органларида миллий хусусиятга қараб кишиларни қўллаб-қувватлаш (мансабга тайинлаш, хизматда кўтарилиш ва бошқалар) мавжудми?» деган саволига жавобларнинг кўрсатишича, сўралганларнинг 40,7 фоизи бунга қўшилган. Шу билан бирга, сўралганларнинг тўртдан бири (26,7%) фикрига

4-жадвал

**Республика вилоятларида уруғ-аймоқчилик кўринишлари ҳақидаги аҳолининг баҳоси, %**

| Вилоятлар | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | жуда кўп даражада | кўп даражада | кам даражада | мавжуд эмас |
| Андижон | 15,3 | 11,3 | 11,9 | 61,6 |
| Бухоро | 9,5 | 18,1 | 26,7 | 45,7 |
| Жиззах | 3,1 | 15,3 | 49,0 | 32,7 |
| Қашқадарё | 2,4 | 17,5 | 31,7 | 48,4 |
| Навоий | 6,1 | 14,6 | 20,7 | 58,5 |
| Наманган | 1,3 | 15,2 | 50,0 | 33,5 |
| Самарқанд | 6,7 | 12,9 | 16,1 | 64,3 |
| Сурхондарё | 3,5 | 39,2 | 48,3 | 9,0 |
| Сирдарё | 4,2 | 21,1 | 26,8 | 47,9 |
| Тошкент | 7,9 | 16,3 | 35,8 | 40,0 |
| Фарғона | 4,9 | 26,8 | 33,9 | 34,4 |
| Хоразм | 6,7 | 20,0 | 21,7 | 51,7 |
| Тошкент шаҳри | 18,8 | 46,5 | 19,4 | 15,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 13,9 | 13,1 | 13,9 | 59,0 |
| **Жами** | **7,8** | **21,0** | **28,7** | **42,6** |

кўра бу ҳодиса у ёки бу даражада ёйилган. Респондентлардан 6,4 фоиз қисми унинг кўп тарқалганлигини, бешдан бири (20,3%) эса кўрсатилган ҳолат мавжудлигини қайд этади. Сўралганларнинг деярли учдан бири (32,6%) мазкур саволга жавоб беришга қийналган.

Бошқарув органларида кишиларни миллий хусусиятига қараб қўллаб-қувватлаш тарқалганлигини кўпроқ славянлар (44,8%), корейслар (43,8%), қирғизлар (34,3%) кўрсатган.

Кўрсатилган ҳолатнинг мавжудлигини эътироф этадиганларнинг (26,7%) кўпчилиги у миллатлараро муносабатларга таъсир этади (67,7%), деб ҳисоблайди.

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги мамлакатимиз Президентини бизнинг умумий уйимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг кафолати, деб ҳисоблайди (94,9%). Сўров мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ҳақидаги тадқиқотнинг аввалги босқичларидаги хулосани тасдиқлайди. Сўралганларнинг 42,7 фоизи ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш рўй бермоқда, жамиятда тинчлик, миллатлараро ва фуқаровий тотувлик сақланмоқда, деб

ҳисоблайди. Сўралганларнинг учдан бири (35,4%) халқ ўзини осойишта ва ишончли ҳис қилишини уқдиради. 2001 йилга қараганда халқаро терроризм (25,4 фоиздан 6,8 фоизгача) ва диний экстремистлар фаолияти (9,6 фоиздан 6,3 фоизгача) билан боғлиқ таҳликали ва ташвишли ҳолатлар анча пасайди. Бундай ҳолатлардан у ёки бундай ташвишда эканликларини ифода этганлар орасида пойтахтдан сўралганларнинг учдан бири (38,8%), Хоразм вилоятида 35,0%и, славянларнинг тўртдан бири (25,6%) билдирган.

Қуйидаги салбий ҳолатларни Ўзбекистон учун кўпроқ хавфли ва тинч ҳаётга халал беради деб ҳисоблайдилар, булар: «диний экстремизм ва терроризм» - 44,5 фоиз (1999 йилда - 55,5 фоиз, 2001 йилда 68,8%); «ижтимоий муаммолар» - 30,0 фоиз (1999 йилда - 25,4 фоиз, 2001 йилда 25,5%); «жиноятчилик ва гиёҳвандлик» - 28,6 фоиз (тегишлича 30,1 фоиз ва 31,5%), «коррупция ва порахўрлик» - 26,6 фоиз (27,5 фоиз ва 18,0%).

Ноҳукумат ташкилотлар фаолияти ва умумий уй қурилишида фуқароларнинг иштирокига берилган баҳо ҳамон паст. Бу эса фуқароларнинг ижтимоий камолотининг етарли даражада юқори эмаслиги, шунингдек, улар ҳаракатининг етарлича самарадор эмаслигидан далолат беради. Шу билан бирга ўзбекистонликлар тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаровий тотувликни мустаҳкамлаш муҳим эканлигини яхши биладилар (68,3%). Респондентларнинг фикрига қараганда, бу мақсадга эришиш учун турмуш даражаси ва сифатини ошириш ўз моҳиятига кўра иккинчи омилдир (61,5%). Учинчи ўринга «халқаро терроризмни жиловлаш» қўйилади (31,8%).

Аҳолининг кўчиш (миграция) кайфиятини ўрганиш, шундай хулоса чиқаришга имкон бердики, респондентларнинг кўпчилиги (91,0%) Ўзбекистондан чиқиб кетишни хоҳламайди, кўчиб кетишни хоҳловчилар сони эса паст даражада қолган. Масалан, «яқин орада кетади, ҳамма нарса ҳал бўлган» деганлар, 2001 йилдаги сўровда респондентлар сони 1,0 фоизни ташкил этган. Кўчиб кетишга қарор қилганлар орасида 4,8 фоиз славянлар ва 3,4 фоиз қозоқлардир.

Мамлакатдан кетиш истагининг асосий сабаби - қариндошлар ва яқинлари билан бирлашиш (27,6), турмуш даражасининг пастлиги ва нархларнинг баландлиги (25,4%), сўралганларнинг 9,9 фоизи ўз хоҳишини ўз болаларининг келажагига ишончсизлиги, 9,4 фоизи эса - бошқа мамлакатлардаги ҳаётга қизиқиш билан изоҳлаганлар. Сўралганларнинг учдан бири (32,0%) Россияга кетишни истайди. Лекин мазкур мамлакатга кетишни хоҳлаганлар сони доим камайиб борган (1999 йилда - 75,6 фоиз, 2001 йилда - 43,8%). Россияга ке-

тишни хоҳлаганлар орасида славянлар 49,1 фоизни, татарлар 45,0 фоизни ташкил этади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон аҳолиси мустақиллик йилларида мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаровий тотувлик, миллатлараро муносабат маданиятини оғишмай юқори баҳолайди. Бундай фикрни сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги баён этган (93,0%). Шу билан бирга, аҳоли миллатлараро ва фуқаровий тотувлик-барқарорлигининг юқори даражасининг асосий кафолатини мамлакат Президенти олиб бораётган мунтазам ва самарали миллий сиёсатнинг натижаси, деб ҳисоблайди. Буни респондентларнинг 92,2 фоизи кўрсатган.

2. Республиканинг бутун кўп миллатли аҳолиси учун фуқаролик ва ватанпарварликнинг юксак туйғуси характерли. Қиёсий таҳлилнинг кўрсатишича, миллат ҳам, фуқаролик ҳам бир хилда муҳим деб билувчилар сони (2001 йилдаги 35,8 фоиздан 2003 йилдаги 48,1 фоизгача) кўпайган. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (86,9%) мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоя қилинади, деб кўрсатади. Шу билан бирга улардан кўпроғи етарли даражада ҳимоя қилинишини таъкидлайди. Тадқиқотнинг олдинги босқичига қараганда салбий баҳонинг коэффициенти узлуксиз камайиб бормоқда.

3. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистон аҳолисида Ватан, Она юрт, ўз уйи туйғусининг кучайиши намоён бўладиган барқарор ватанпарварлик кайфияти шаклланди. Ўзбекистонни фақат ўзи яшайдиган мамлакат деб ҳисобловчи респондентларнинг сони камайди.

4. Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (95,3%) мамлакатдаги миллатлараро муносабатлар ҳолатини ижобий баҳолайди. Сўралганларнинг фақат 1,3 фоизи миллатлараро алоқалар ҳолатини «ёмон» деб ҳисоблайди. Тадқиқотнинг олдинги босқичига нисбатан миллатлараро муносабатнинг ёмонлашишини кўрсатган славянлар сони кескин (22,7 фоиздан 4,8 фоизгача) камайганлиги ибратлидир.

5. Респондентлар тарбия ва маданият ривожининг издан чиқиши, диний экстремизм ва ҳаётий миллатчиликнинг намоён бўлиши миллатлараро ихтилофларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда миллатлараро муносабатларни тарбиялаш ҳамон Ўзбекистон жамиятининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Олинган маълумотлар аҳолининг диний экстремизм соҳасидаги ташвиши камайиб бораётганлигидан далолат беради. Бу хусусда ишон-

чли прогноз учун асос бор. Бу мазкур соҳада аниқ бир мақсадга йўналтирилган ва холисона текширилган давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасидир.

6. Эмпирик (тажрибадан келиб чиққан) кўрсаткичлар миллатлараро муносабатлар, асосан, қуйидаги миллатлар вакиллари: ўзбеклар, славянлар, тожиклар, қозоқлар ва қирғизлар вакиллари ўртасида мақбул ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ўйлашга имкон беради. Энг аввало, Ўзбекистон халқларининг интеграциясига, турли миллатли кишиларнинг муносабатлари мақомини тарбиялаб, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамланишига ёрдам беришга ундайдиган унвонли миллат - ўзбеклар асосий ролни бажаради.

Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (86,1%) этносоциал жиҳатдан ўзини тўлиқ бадастир ҳис этади. Шу билан бирга сўралганлар орасида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги қийинчилик ва ноқулайликлар хусусида очиқ айтувчиларнинг оз миқдори (4,0%) мавжуд.

7. Давлат тилига нисбатан муносабат хусусида ўтказилган таҳлил якуни аҳолининг мутлақ кўпчилиги (97,8%) уни у ёки бу даражада билишларидан далолат беради. Шу билан бирга маҳаллий бўлмаган миллат вакиллари - славянлар (74,4%), корейсларнинг (97,6%) ўзбек тилини билиш даражаси анча ошди. Шунинг баробарида славянларнинг тўртдан бири (25,6%) уни билмаслигини ва славянларнинг учдан бири (33,8%) хоҳламаслигини тан олади.

Давлат тилини ўрганишни рад этиш бир томондан, лингвистик эътироз, иккинчи томондан, унвонсиз миллат вакиллари ўртасидаги яширин кўчиб кетиш кайфияти, ўзбек тилини яхши ўрганишнинг енгил имконияти йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўров натижаларининг таҳлили давлат тилини ўрганиш имкониятларининг баҳоси 59,4 фоиздан 44,0 фоизгача пасайганлигини кўрсатди. Фуқароларнинг фикрича, уни ўрганиш - шакллантиришни тўхтатаётган омилни ўрганишнинг қимматлигидир. Бу кўрсаткич 10,0 фоиздан 14,9 фоизгача кўтарилди. Респондентларнинг бир қисми (13,4%) ўрганиш даражасининг пастлигини кўрсатади, шунингдек, «ўрганиладиган жой йўқ» деган жавоб варианти ҳам мавжуд (10,4%).

Қиёсий таҳлил ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан давлат тилини ўрганишга бўлган эътибор даражасининг пасайганлигини (50 фоиздан 35,5 фоизга) ҳам кўрсатади. Тил сиёсати хусусидаги саволга энг юқори ижобий жавоб талабалар ўртасида қайд этилган.

8. Ўзбекистон аҳолиси мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳолатини оғишмай ижобий баҳолайди, бу жараёнда Президент роли-

ни алоҳида таъкидлайди. Сўралганлар тадқиқот маълумотларига кўра диний экстремистлар фаолиятининг фаолияти ва халқаро терроризм кўринишларининг эҳтимоллиги билан боғлиқ хавотир ёки ташвишни кам ҳис қилмоқда. Бироқ сўралганлар орасида республикада ишсизлик, жиноятчилик ва гиёҳвандлик, коррупция ва порахўрлик сингари ижтимоий муаммолар сақланиб қолиши ташвишлантириши ҳолати мавжуд.

9. Тадқиқот респондентларнинг мутлақ кўпчилиги этно-ижтимоий соҳада ўзини етарли даражада бадастир ҳис қилишини кўрсатди. Миллатлари билан боғлиқ кийинчиликлар ва ноқулайликлар хусусида очиқчасига айтувчиларнинг ўзи (4,0%) ишга қабул қилиш вақтидаги қийинчиликларни маҳаллий ҳокимиятларнинг эътиборсизлиги, уларнинг хайрихоҳлиги етарли даражада эмаслиги билан изоҳлайдилар.

10. Ижтимоий ўзаро ёрдамнинг ўзига хос ижтимоий тизим сифатидаги маҳалла - фуқаролар ўртасида ўзаро меъёрий муносабатларни вужудга келтириш учун шарт-шароит яратиш, унинг ҳудудида яшовчи турли миллатдаги аҳолининг жипслигини яратишга ёрдам берувчи маскан деб билинади.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (87,5%) 2003 йил Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлигини билади. Сўралганларнинг кўпчилиги ўз маҳалласи тадбирларида иштирок этадилар. Шу билан бирга маҳалла қўмиталари фаолияти баҳосида жамоат фикри бир хил эмас. Масалан, сўралганларнинг олтидан бири (16,3%) маҳалла қўмиталари унчалик фаол эмас ва фойдали фаолият билан бўш шуғулланади, деб жавоб берган.

11. Олинган эмпирик далилларнинг таҳлили мамлакатда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш жараёнини фаоллаштириш ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Шу билан бирга бу жараён Ўзбекистон аҳолисини ташкил этувчи барча этник гуруҳлар вакиллари, умумўзбекистон ватанпарварлигини кучайтириш негизида миллатлараро алоқаларнинг асл маданиятини шакллантириш соҳасидаги миллий-маданий марказларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигининг ўсиши билан баравар содир бўлади.

12. Қонунлар ва инсоний муносабатлар меъёрларини амалга ошириш, мамлакатдаги мувозанатни сақлаган ички сиёсат таъсири остида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Шу муносабат билан маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик сингари салбий ҳолатларни махсус тизимли ўрганиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

13. Ўзбекистонда яшовчи тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар вакиллари миллий ўзлигини фаоллаштириш, уларда Ўзбекистоннинг барча аҳолисининг ватанпарварлик миллий ўзлигини умумий ривожи жараёнида миллий маданият ва тилга қизиқишга табиий интилиш мавжуд.

14. Умумўзбекистон ватанпарварлигини шакллантиришда Ўзбекистон фуқаровий тарихини, унинг халқи маданиятини, турли этнослар вакилларининг мураккаб тарихий даврдаги бирдамлиги ва дўстлиги далилларини тарғиб қилиш ва ўрганишдан яхши фойдаланиш зарур.

15. Ўзбекистонда яшовчи деярли барча этник гуруҳларнинг миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, уларнинг республикамизнинг келгусида ривожланишидаги эҳтиёжларида Ватан тарихи билан алоқасига интилишлари жараёнини фаоллаштириш лозим.

16. Аҳолининг жамоатчилик фикрида Ўзбекистонга чуқур содиқлик унинг амалий томондан амалга оширишдаги фаол ҳаётий нуқтаи назари билан уйғунлашуви, Ўзбекистон ватанпарварлиги ғояси қарор топмоқда.

## 3. Маҳалла жамоатчилик фикрида*

Ўзбекистон Республикасида 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ва маҳалланинг кишилар ҳаёти билан чамбарчас боғланганлиги, унинг шахсни вояга етишида ғоят муҳим аҳамият касб этиши муносабати билан «Ижтимоий фикр» маркази томонидан 2003 йилнинг январь ойида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида «Маҳалла жамоатчилик фикрида» мавзусида социологик сўров ўтказилди.

Сўровнинг мақсади: Ўзбекистон аҳолисининг ўзбек маҳалласи ҳақида фикрлари, маҳалланинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг маҳаллада ўтказиладиган тўй ва базмлар, ўлим маросими, маъракa ва тадбирларга муносабатларини ўрганиш, қандай масалаларда маҳалла аҳолига ёрдам бериб келаётгани, ёшлар ўртасида қандай тарбиявий ишлар ташкил этилаётгани ва бошқа ижтимоий-сиёсий, маънавий масалаларда маҳалла қандай фаолият кўрсатаётганлигини аниқлаш.

* Сўровда 1743 нафар 18 ёшдан юқори бўлган респондентлар иштирок этди, шу жумладан 49,2% эркаклар, 50,8% - аёллар, 65,0% - қишлоқда яшовчилар, 35,0% - шаҳарликлар. Сўровда республикамизда яшайдиган барча миллат вакиллари қатнашдилар.

Мамлакатимизда 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлигидан аҳоли қандай даражада хабардор эканлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, сўровномада қатнашган 1743 респондентнинг аксарият кўпчилиги (76,5%) 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аталганлигини яхши билади. 12,3 фоиз респондентлар эса шу ҳақда эшитган. Шу билан бирга, 11,0 фоиз респондент «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлигини билмайди. 11,2 фоиз респондент берилган саволга жавоб бермаган. Лекин вилоятлар бўйича қилинган таҳлил шуни кўрсатдики, кўпчилик вилоятларда респондентлар 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлигини билган ҳолда Бухоро вилоятида 26,0 фоиз, Сирдарё вилоятида 24,3 фоиз, Хоразм вилоятида 21,1 фоиз, Тошкент шаҳрида эса 33,8 фоиз респондентлар бу ҳақда ҳеч нарса билмасликларини ёзишган.

«Обод маҳалла деганда Сиз нималарни тасаввур қиласиз?» деган саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, республика миқёсида сўровномада қатнашган кишилардан учдан бир қисмидан кўпроғи кўркам ва чиройли кўчаларни кўз олдиларига келтирадилар. 26,0 фоиз респондентлар эса тинчлик ва осойишталик ўрнатилган жойни, 17,5 фоиз респондентлар одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва аҳиллик ҳукм сурган жойни тасаввур қиладилар. Қолган респондентлар эса қут-барака ўрнатилган жойни, одамларни дўстлиги ва бирдамлиги, шунингдек, тартиб-интизом ўрнатилган жойни тасаввур қиладилар. Ушбу саволга респондентларнинг жинслари бўйича берилган жавоблар таҳлил этилганда, 60,0 фоизга яқин эркаклар, 60,0 фоиз аёллар ҳам маҳалла деганда кўркам ва чиройли кўчаларни, тинчлик ва осойишталик ўрнатилган жойни тасаввур қиладилар. Вилоятлар бўйича респондентлардан олинган жавоблар ҳам қарийб шу маънода қайд этилган. Фақат Сирдарё вилояти респондентлари обод маҳалла деганда биринчи ўринга маҳаллада одамларни дўстоналигини, бирдамлигини ёзишган. Бунинг сабаби шундай бўлиши мумкинки, сирдарёликларнинг кўпчилиги бу ерга бундан анча йиллар муқаддам янги қўриқ ерларни очгани бошқа вилоятлардан кўчиб келишган. Балки шунинг учун улар биринчи ўринга маҳаллада одамларни дўстона ва бирдамлик, аҳиллик билан яшашини муҳим омил деб кўрсатилган.

«Сизнинг ҳаётингизда ва оилангизда маҳалланинг ўрни қандай?» деган саволга олинган жавоблар шуни кўрсатдики, 60,6 фоиз респондентлар кишилар ва оила ҳаётида маҳалланинг аҳамиятини «жуда

15-расм. **«Сизнинг ҳаётингизда ва оилангизда маҳалланинг аҳамияти қандай?»** деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




катта» деб фикрлайдилар. 27,7 фоиз респондент эса «унчалик катта эмас» деб ҳисоблайди (15-расм).

Кўриниб турибдики, аксарият кўпчилик маҳалланинг шахс ва оила ҳаётидаги аҳамиятини катта деб кўрсатади. Бу эса маҳалла қадимдан ўзбекларга хос ҳаёт тарзи бўлиб келганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам маҳалланинг аҳамияти ғоят катталигини 66,8 фоиз ўзбеклар кўрсатган бўлса, Марказий Осиё халқларидан 51,1 фоиз, славянлардан эса 15,0 фоизгина респондентлар шундай деб жавоб қилган.

Маҳалланинг оила ҳаётидаги аҳамияти катта эканлигини Фарғона водийси вилоятларидаги, Жиззах ва Самарканд, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги респондентларнинг жавоблари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг аксарият кўпчилиги маҳалланинг аҳамияти катта эканлигини қайд этган.

60,0 фоизга яқин респондентларнинг маҳалла тадбирларида мунтазам иштирок этишларини кўрсатиши ҳам маҳаллани кишилар ҳаёти билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам улар маҳаллада ўтказилган тўй-томошаларда, ўлим маросимларида, Наврўз байрамларида қатнашиб келадилар. Шу билан бирга айтиш керакки, респондентларни кўпчилиги (68,6 фоиз) асосан тўй-томошаларда кўпроқ қатнашар экан. Қолган маросим-тадбирларда озроққатнашадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, респондентларнинг кўпчилиги (65,1%) ўз оиласи ёки шахсан ўзларининг муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла қўмитасига мурожаат қилиб турадилар (16-расм).

Миллатлар бўйича олиб қаралганда 67,1 фоиз ўзбеклар, 69,0 фоиз Марказий Осиё халқлари вакиллари, 44,2 фоиз славян халқлари вакиллари маҳалла қўмиталарига ўз муаммолари бўйича мурожа-

16-расм. «Сиз ўзингиз ёки оила аъзоларингиз бирон бир муаммоларингизни ҳал этиш учун маҳаллангизга мурожаат қиласизларми?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




ат қилиб турадилар. Респондентларни жинслари бўйича таҳлил этилганда 65,4 фоиз эркаклар, 64,9 фоиз аёллар ҳам мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун, маҳаллаларга мурожаат қилар экан.

Лекин шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, Сирдарё вилоятида 56,8 фоиз, Тошкент вилоятида 61,4 фоиз, Тошкент шаҳрида 43,0 фоиз респондентлар ўзларининг ёки оила аъзоларининг муаммолари билан маҳалла қўмиталарига мурожаат килмаган. Бошқа вилоятларда бундай кишилар озчиликни ташкил этади.

Ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, маҳалла қўмитаси мурожаат қилган респондентларни 28,0 фоиз муаммоларини тўла ҳал этиб берганлигини, 33,0 фоиз респондентлар қисман ҳал этганлигини қайд этган. 8,9 фоиз респондентлар эса маҳалла қўмитасини муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермаганлигини ёзган, 31,1 фоиз респондентлар «Айтишим қийин» деган (17-расм).

Шуни қайд этиш керакки, вилоятлардаги маҳалла қўмиталарида ўз аризалари билан мурожаат қилган кишиларнинг аризаларини ижобий ҳал этиши даражаси ҳар хилдир. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (5-жадвал).

Жадвал натижалари кўрсатиб турибдики, Навоий вилоятидаги маҳалла қўмиталарида 52,5 фоиз, Самарқанд вилоятидаги маҳалла қўмиталарида 44,8 фоиз респондентлар ўз муаммоларини тўла ижобий ҳал этиб келганлар. Шунингдек, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятларида эса 31,2 фоиздан 39,5 фоизгача кишилар маҳалла қўмиталари орқали ўз муаммоларини ҳал этганлар.

Қолган вилоятлардаги маҳаллаларда мурожаатлар билан келган кишиларнинг муаммоларини ҳал этиб бериш даражаси унча яхши эмас.

17-расм. <u>«Агар мурожаат қилган бўлсангизлар, маҳалла муаммоингизни ечишга ёрдам бердими?»</u> деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




5-жадвал

## <u>Агар маҳалла қўмитасига мурожаат қилган бўлсангиз муаммоларингизни ечишга ёрдам бердими?</u> деган саволга ҳудудлар бўйича респондентларнинг жавоблари

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ҳа,ёрдам берди жаъми, % | | Қисман ёрдам берди жаъми, % | | Йўқ,ёрдам бермади жаъми, % | | Айтишим қийин жаъми, % | |
| Андижон | 54 | 34.8 | 44 | 28.4 | 8 | 5.2 | 29 | 18.7 |
| Бухоро | 20 | 19.2 | 21 | 20.2 | 15 | 14,4 | 48 | 46.1 |
| Жиззах | 9 | 13.0 | 58 | 84.1 | 2 | 2,9 | - | - |
| Навоий | 31 | 52.5 | 7 | 11.9 | 6 | 10.2 | 15 | 25.54 |
| Наманган | 55 | 38,5 | 55 | 38,5 | 1 | 0.7 | 32 | 22.4 |
| Қашқадарё | 63 | 39.6 | 22 | 13.8 | 4 | 2.5 | 70 | 25.8 |
| Самарканд | 81 | 44.8 | 66 | 36.5 | 9 | 5.0 | 25 | 13.8 |
| Сурхондарё | 34 | 27.2 | 66 | 52.8 | 2 | 1.6 | 23 | 18.4 |
| Сирдарё | 5 | 13.5 | 3 | 8,1 | 2 | 5.4 | 2.7 | 72.9 |
| Тошкент | 19 | 12.0 | 27 | 17.1 | 15 | 9.5 | 97 | 61.4 |
| Фарғона | 62 | 31.2 | 58 | 29.1 | 16 | 8.0 | 63 | 31.7 |
| Хоразм | 14 | 15.6 | 43 | 47.8 | 9 | 10.0 | 24 | 26.6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 16 | 14.2 | 55 | 48,7 | 35 | 31.0 | 7 | 6.2 |
| Тошкент шаҳри | 25 | 16,6 | 50 | 33,1 | 31 | 20.5 | 45 | 29.8 |

Маълумки, она ва болалар муҳофазаси муҳим масалалардан биридир. Шундан келиб чиқиб анкетага «Она ва болаларни муҳофаза қилиш учун маҳаллангизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?» деган савол киритилди. 57,4 фоиз респондентлар берилган саволга маҳаллада кўп болали кам таъминланган оилаларга ва ёлгиз оналарга

нафақалар бериб турилганлигини, 14,1 фоиз респондентлар кўп болали оилаларга маҳалла жамғармасидан хайрия пуллари ажратилишини, 4,2 фоиз респондентлар кўп болали аёлларга маҳалла жамғармасидан хайрия пуллари берилишини кўрсатган. Шу билан бирга 7,6 фоиз респондентлар маҳалла қўмитасида бундай масалалар бўйича ҳеч қандай иш қилинмаслигини қайд этган, 16,6 фоиз респондентлар ушбу саволга жавоб бергани қийналган.

Сўровномадаги <u>«Маҳаллангизда қарияларга эътибор қандай?»</u> деган савол бўйича олинган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи галда 1743 нафар респондентлардан 30,3 фоизи «Маҳалламизда асосий эътибор уруш қатнашчиларига, ёлғиз қарияларга қаратилади, уларга мунтазам тиббий ва моддий ёрдамлар кўрсатилади» деб жавоб қилган. Ундан кейин сўровда катнашган 27,5 фоиз кишилар маҳаллада қарияларга тиббий ёрдамлар кўрсатилиб, даволанишлари учун тегишли мададлар берилишини, 7,0 фоиз респондентлар қарияларга санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун бепул йўлланмалар ажратилишини кўрсатган. Шу билан бирга 13,1 фоиз кишилар «Ҳеч қандай эътибор берилмайди» деган. 22,1 фоиз респондентлар ушбу масала бўйича аниқ жавоб бергани қийналган.

Маҳаллаларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган ишлар шуни кўрсатдики, бу борада маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш деярли яхши йўлга қўйилмаган. 20,4 фоиз респондентгина ўзлари яшайдиган маҳаллаларда ёшлар ўртасида «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати билан биргаликда ишлар олиб борилишини, 21,3 фоиз респондентлар маҳалла ёшлари ўртасида турли хил суҳбатлар ўтказилиб турилишини, тарбияга оид маърузалар қилинишини ёзган. 11,7 фоиз респондентлар маҳаллада тарбияси оғир болалар билан суҳбатлар олиб борилишини, 3,4 фоиз респондентлар эса аввал диний экстремистлар билан алоқада бўлган ёшлар ўртасида тегишли тарбиявий тадбирлар ўтказилишини кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда ёшларни спортга жалб этиш ишлари ҳам яхши даражада эмас. 3,7 фоизгина респондентлар маҳалла ёшларининг спортга жалб этилишини, 3,5 респондентлар эса спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақалар уюштирилишини қайд этишган. 3,9 фоиз киши эса бу ҳақда ҳеч қандай иш қилинмаслигини кўрсатган. 24,4 фоиз респондентлар ушбу масала бўйича аниқ бир фикр айтгани қийналган.

Респондентларнинг вилоятлар бўйича жавоблари ҳақида қуйидагиларни қайд этиш керакки, бир қатор вилоятлардаги маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Маса-

**18-расм. <u>«1998 йилдаги тўй маросимлари ва маъракаларни тартибга келтириш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилингач, маҳаллангизда тўйлар қандай ўтмоқда?»</u> деган саволга респондентларнинг жавоблари, %**




лан, Наманган вилоятида бир вақтлар ваҳҳобийчилик кучли бўлган, шунга қарамай бу вилоятдаги маҳаллаларда аввал диний экстремистлар билан алоқада бўлган ёшлар ўртасида алоҳида ишлар олиб борилиши ҳақида бирорта ҳам респондент кўрсатмаган. Жиззах, Навоий, Хоразм, Сирдарё вилоятларида ҳам бу ҳақда бирорта респондент маълумот бермаган.

Вилоятлардаги маҳаллаларда ёшларни спортга жалб этиш ҳам яхши эмас. Масалан, спорт мусобақалари ўтказилиши ҳақида Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридан ҳеч бир респондент маълумот бермаган. Шундай экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги Фармони бўйича маҳаллаларда ёшларни спортга жалб қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилиши лозим.

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида ўтказилган тадқиқотнинг сўровномасига <u>«1998 йилдаги тўй маросимлари ва маъракаларни тартибга келтириш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилин-</u>

гач, маҳаллангизда тўйлар қандай ўтмоқда?» деган савол ҳам қўйилган эди. Ушбу саволга олинган жавобларнинг натижалари шуни кўрсатдики, 1743 нафар респондентларнинг тўртдан бир қисми (25,5%) Президент Фармонидан кейин тўйлар бироз тартибга тушганлигини, лекин ҳозирги вақтда олдингидай ўтказилаётганлигини, 19,9 фоиз кишилар эса тўйларни ўтказишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўрсатишган, 10,5 фоиз кишилар тўйлардаги исрофгарчилик яна ошганини, дабдабали тўйларга йўл қўйилаётганини қайд этган, 33,1 фоиз респондентлар эса ўзлари яшаётган маҳалласида тўйлар маҳалла назорати остида, исрофгарчиликка йўл қўйилмай ўтаётганлигини ёзган. 10,9 фоиз респондентлар ушбу саволга аниқ жавоб бера олмаган (18-расм ва 6-жадвал).

6-жадвал

**Вилоятлар бўйича тўйларни қандай ўтказилиши ҳақида респондентларнинг фикрлари, %**

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Президент Фармонидан кейин тўйлар бироз тартибга тушди, лекин ҳозир аввалгидек ўтказилмоқда | Тўйлар аввалгидек ўтаяпти, ҳеч нарса ўзгармади | Тўйларда исрофгарчилик, дабдабозлик ошди | Тўйлар маҳалла назорати остида ўтмоқда | Айтишим қийин |
| Андижон | 25,2 | 18,7 | 11,0 | 38,1 | 7,1 |
| Бухоро | 76,0 | - | 1,9 | 19,2 | 2,9 |
| Жиззах | 14,5 | 1,4 | 66,7 | 17,4 | - |
| Навоий | 45,8 | 3,4 | - | 50,8 | - |
| Наманган | 28,7 | 20,3 | 4,2 | 32,9 | 14,0 |
| Қашқадарё | 16,4 | 5,0 | 1,3 | 70,4 | 6,9 |
| Самарқанд | 16,0 | 17,1 | 8,9 | 40,9 | 17,1 |
| Сурхондарё | 46,4 | 23,2 | 3,2 | 24,0 | 3,2 |
| Сирдарё | 10,8 | 62,2 | 2,7 | - | 24,3 |
| Тошкент | 9,5 | 21,5 | 7,6 | 29,1 | 32,3 |
| Фарғона | 20,6 | 25,6 | 12,1 | 36,7 | 5,0 |
| Хоразм | 31,1 | 28,9 | 11,1 | 21,1 | 7,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 11,5 | 32,7 | 22,1 | 20,4 | 13,3 |
| Тошкент шаҳри | 23,2 | 30,5 | 13,2 | 21,2 | 11,9 |
| Республика бўйича | 25,5 | 19,9 | 6,1 | 33,1 | 10,5 |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Масалан, Бухоро вилоятидаги 76,0 фоиз, Сурхондарё вилоятидаги 46,4 фоиз, Навоий вилоятидаги 45,8 фоиз респондентларнинг фикрига қараганда тўйларни тартибга солиш бўйича чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан кейин дастлабки вақтларда тўйларни ўтказиш бўйича бирмунча ишлар қилинган ва дабдабали тўйларни ўтказиш тўхтаган. Лекин кейинчалик бу иш унутилган ва ҳозирги вақтда аввалгидек ўтмоқда.

Тўйларда исрофгарчиликка йўл қўйилмай маҳалла назорати остида ўтказилиши Қашқадарё, Навоий вилоятида анча яхши. Бу ҳақда Қашқадарё вилоятидан 70,4 фоиз, Навоий вилоятидан 50,8 фоиз респондент ижобий фикр билдирган. Қолган вилоятларда бундай фикр билдирганлар озчиликни ташкил этади. Улар 50,0%га ҳам етмайди. Бухоро, Жиззах вилоятларидан олинган ижобий жавоблар 20,0%га ҳам етмайди. Сирдарё вилоятида эса бу ҳақда бирорта ҳам респондент ижобий фикр билдирмаган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, дабдабали тўйлар, базмлар ва маъракаларни ўтказишни республика бўйича кўпчилик, яъни 69,8 фоиз респондентлар қоралайди. Уларнинг фикрича, бундай дабдабали тадбирлар (тўй, базм, маъракалар) ўзбек халқининг миллий анъаналарига мос келмайди (19-расм).

Вилоятлар бўйича буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (7-жадвал).

Ушбу жадвалдан маълум бўляптики, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан ташқари барча вилоятлардаги сўровномада қатнашган респондентларнинг аксарият кўпчилиги дабдабали тўй, базм, маъракаларни ўзбек халқининг миллий қадриятларига тўғри келмаслигини кўрсатган. Самарқанд вилоятида эса бундай жавоб берганлар фақат 47,5%ни, Тошкент вилоятида 36,1%нигина ташкил этади. Шундай экан мазкур вилоятлардаги маҳалла кенгашлари олимлар, мутахассислар билан тегишли тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

Дабдабали тўйларга ва базмларга ҳам кўпчилик респондентларнинг муносабатлари мутлақо яхши эмас. Масалан, 1743 нафар респондентдан 1609 нафари (92,3%) бундай дабдабали тўйлар ва базмларнинг миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётганлигини, баъзи бир кишиларни шуҳратпарастликка берилиб кетиб ўзини кўз-кўз қилишини, баъзи одамларнинг бели оғримасдан нопок йўллар билан топган пулларини қаерга қўйишни билмай шундай ишлар қилаётганини кўрсатган (20-расм).

19-расм. «Сизнинг фикрингизча дабдабали тўйлар, базмлар ва маърака маросимлари ўзбек халқимизнинг миллий анъаналарига мос келадими?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




7-жадвал.

**«Сизнинг фикрингизча дабдабали тўйлар, базмлар ва маърака маросимлари ўзбек халқимизнинг миллий анъаналарига мос келадими?» деган саволга худудлар бўйича респондентларнинг жавоблари, %**

| Худудлар | Жавоблар | | |
|---|---|---|---|
| | Йўқ мос келмайди | Ха, мос келади | Айтишим қийин |
| Андижон | 65,8 | 16,8 | 17,4 |
| Бухоро | 81,7 | 14,4 | 3,9 |
| Жиззах | 84,1 | - | 15,9 |
| Навоий | 91,5 | - | 8,5 |
| Наманган | 65,0 | 15,4 | 18,9 |
| Қашқадарё | 90,6 | 3,8 | 5,6 |
| Самарқанд | 47,5 | 35,4 | 17,2 |
| Сурхондарё | 88,0 | 6,4 | 5,6 |
| Сирдарё | 59,5 | 27,0 | 13,5 |
| Тошкент | 36,1 | 17,7 | 46,2 |
| Фарғона | 78,9 | 12,6 | 8,5 |
| Хоразм | 71,1 | 16,7 | 12,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 73,5 | 3,5 | 23,0 |
| Тошкент шаҳри | 67,5 | 11,9 | 20,6 |

«Маҳаллангизда қабул қилинган одатлар, хулқ-атвор йўналишлари ва қоидаларига шахсан ўзингиз қай даражада амал қиласиз?» деган саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, республика бўйича 46,5 фоиз респондентлар «Маҳалламизда қабул қилинган ҳамма одатлар, хулқ-атвор йўналишлари ва қоидаларига кўпинча амал

20-расм. «Дабдабали тўйларга ва оилавий базмларга Сизнинг шахсий муносабатингиз қандай?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




қилишга ҳаракат қиламан» деб жавоб қилган, 45,8 фоиз кишилар эса «Маҳалламизда қабул қилинган одатлар ва қоидаларнинг энг асосийларига ўрта даражада амал қилишга ҳаракат қиламан» деган, 7,1 фоиз респондентлар эса «Маҳалланинг урф-одатлари, қоидаларини умуман бажаришга мажбурман» деб жавоб қилган, 0,6 фоиз респондент ушбу саволга жавоб бермаган.

Шуни эътиборга олиш керакки, маҳалла урф-одатлари ва қоидаларининг энг асосийларини бажаришга 41,0 фоиз ўзбеклар ҳаракат қилса, Марказий Осиё халқларидан эса 63,2 фоизи, славянлардан 69,2 фоизи, бошқа миллат вакилларидан 60,0 фоизи ҳаракат қилади. Бу шуни кўрсатадики, маҳалла институти бошқа миллат вакилларининг ижтимоий ҳаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Тадқиқот натижаларидан яна қуйидаги ҳолатлар маълум бўлдики, республика бўйича 61,3 фоиз респондентлар ўз оила аъзоларининг ҳаётига ёки унинг ахлоқига тааллуқли масалаларнинг ечилишида (тўй, кийим танлаш, меҳмон кутиш ва ҳ.к) аввало оила аъзоларини хоҳиш ва манфаатларини ҳисобга олади, 35,5 фоиз респон-

дентлар эса маҳаллада қабул қилинган хулқ-атвор қоидаларини эътиборга олади. Агар буни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси мисолида кўрмоқчи бўлсак 68,0 фоиз шаҳарлик респондентлар, 57,6 фоиз қишлоқда яшовчи респондентлар оила аъзолари ҳаётига, ахлоқига оид масалаларни ҳал этишда ўз оиласи аъзоларининг хоҳиш ва манфаатларига қараб иш тутадилар.

Сўровномадаги «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деган ҳикматга Сиз қўшиласизми?» деган саволга 1743 нафар респондентларнинг 51,5 фоизи «Ҳа, тўлиқ қўшиламан», 32,8 фоизи «Ҳа, қисман қўшиламан», 15,8 фоизи «Йўқ, қўшилмайман» деб жавоб берган. Бу шуни кўрсатадики, аҳолининг кўпчилик қисми маҳаллани ота-онасининг бағридек ҳис этади. Бу айниқса ўзбек миллатига хосдир. Чунки ушбу саволга ўзбекларнинг 55,8 фоизи, Марказий Осиё халқларининг 46,6 фоизи, славян миллатига мансубларнинг 20,0 фоизи шундай жавоб қилган. Бу борада яна шуни айтиш керакки, 44,6 фоиз респондентлар маҳаллани бева-бечораларга, ногиронларга, ночор оилаларга чин кўнгилдан ёрдам берадиган меҳрибон гўшадек ҳис қиладилар, 21,0 фоиз респондентлар ёрдамга муҳтож қўни-қўшниларга ўз ёрдамларини аямайдиган аҳил жой деб тушунадилар. Яна баъзилари ўз муаммоларининг ечимини маҳалла ҳал қилиб беради деб тушунадилар.

Сўров натижаларидан яна маълум бўлдики, республика бўйича 60,1 фоиз респондентлар маҳалласида маҳалла қўмитаси аъзоларини сайлаш ҳақидаги йиғилишдан хабардор бўлади. 70,2 фоиз респондентлар маҳалла қўмитаси аъзоларини сайлашда қатнашиш лозимлигини ўзининг бурчи деб билади. Лекин улардан 15,9 фоизи йиғилишда берган овозининг деярли ҳал қилувчи роль ўйнамаслигини кўрсатган. 19,7 фоиз респондент эса маҳалла йиғилишида қатнашишни ўзининг бурчи деб ҳисобламайди. 10,1 фоиз респондент ушбу саволга жавоб бергани қийналган. Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, 18-29 ёшгача бўлган ёшлардан кўра 30-50 ва ундан катта ёшдаги кишилар маҳалла йиғилишида фаол қатнашадилар ва буни улар ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар. Бундай жавоб берган катта ёшли кишилар 56,3 фоиздан 62,5 фоизгачадир.

Маҳаллада яшовчи оқсоқоллар ва фаоллар томонидан ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини ўрганиш шуни кўрсатдики, 34,6 фоиз респондентлар маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг ёрдамга муҳтож кишиларга чин кўнгилдан ёрдам беришини, 16,6 фоиз респондентлар зарур бўлганда ҳатто давлат идораларига бу борада мурожаат қилишни ёзган. 30,2 фоиз респондентлар эса бу масалада улар томонидан қисман ёрдам берилиши кўрса-

тилган. 7,1 фоизгина респондентлар маҳаллада ёрдамга муҳтож кишиларга умуман ёрдам берилмаслигини қайд этган. 11,5 фоиз респондентлар ушбу масала бўйича «Айтишим қийин» деган.

Ўтказилган тадқиқот саволлари қаторига «Маҳаллада яшовчилар, балки шахсан Сиз ёки Сизнинг оила аъзоларингиз олдида турган қуйидаги муаммоларнинг қай бирини маҳалла қўмитангиз ҳал қила олади, қай бирини ҳал қила олмайди?» деган савол ҳам киритилди. Мазкур саволларга берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, 71,3 фоиз респондентлар мунтазам иш ҳақи тўланадиган доимий иш топишда маҳалланинг кучи етмаслигига ишонади. Фақат 14,0 фоиз респондентларгина бундай ишларни амалга ошира олади деб ўйлайди. 14,7 фоиз кишилар эса бу ҳақида бирор аниқ фикр айтишга қийналган, 65,1 фоиз респондентлар эса маҳаллани моддий ёрдам кўрсатишга қодир эканлигига ишонади, 28,9 фоиз респондентлар эса маҳалла бундай ишни амалга ошира олмайди деб ўйлайди, 6,0 фоиз респондент бу ҳақда жавоб бермаган.

Шу билан бирга респондентларнинг ярмидан кўпроғи (52,7%) маҳалла қўмитасининг бемор кишиларга дори-дармонлар олиб беришига, беморларга ёрдам кўрсатишига ишонмайди, 36,0 фоизгина респондентлар ушбу масалада маҳалланинг кучига ишонади, 11,4 фоиз респондент эса бу борада аниқ жавоб бермаган.

«Маҳалла оиладаги ички муаммоларни ҳал қила оладими?» деган саволга 63,1 фоиз респондент ижобий жавоб қилган. Шунингдек, 82,5 фоиз респондент маҳалла қўмитасининг қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишига, 84,4 фоиз респондент тўй, маърака, дафн маросимларини ташкил этишига ишонади.

Шу билан бирга баъзи муаммолар борки, уларни ҳал этишда маҳалланинг кучи етмайди. Масалан, 52,6 фоиз респондент маҳаллани аҳолини газ, кўмир ва ёқилғи билан, 48,7 фоиз респондент тоза ичимлик суви билан таъминлай олмаслигини кўрсатган.

1743 нафар респондентдан фақат 312 нафари ёки 17,9 фоизи маҳалладаги бой одамларнинг шу маҳаллада яшайдиган камбағал ва ночор, ёрдамга муҳтож одамларга ёрдам бериб туришларини кўрсатган. 655 нафар (37,6%) респондент эса ҳар замонда ёрдам беришларини, 29,4 фоиз респондент ҳеч қандай ёрдам бермаслигини қайд этган. 15,1 фоиз респондентлар ушбу саволга «Айтишим қийин» деган.

Маълумки, маҳалланинг ишларини юритишда, унинг обод бўлишида, таълим-тарбияли, ахлоқ-одобли ёшларни тарбиялашда маҳалла оқсоқолининг роли ғоят каттадир. Шундан келиб чиқиб, респон-

дентларга берилган «Маҳаллангиз оқсоқолини биласизми?» деган саволга олинган жавоблар таҳлилидан маълум бўлдики, 82,4 фоиз респондентлар маҳалла оқсоқолини яхши биладилар, 17,6 фоиз респондент эса билмайди. Буни вилоятлар бўйича қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

**«Маҳаллангиз оқсоқолини биласизми?» деган саволга ҳудудлар бўйича респондентларнинг жавоблари, %**

| Ҳудудлар | жавоблар | |
|---|---|---|
| | Ҳа, биламан | Йўқ, билмайман |
| Андижон | 92.9 | 7.1 |
| Бухоро | 83.7 | 16.3 |
| Жиззах | 100,0 | - |
| Навоий | 98.3 | 1.7 |
| Наманган | 86.7 | 13.3 |
| Қашқадарё | 95.6 | 4.4 |
| Самарқанд | 85.6 | 14.4 |
| Сурхондарё | 93.6 | 6.4 |
| Сирдарё | 59.5 | 40.5 |
| Тошкент | 89.9 | 10.1 |
| Фарғона | 73.9 | 26.1 |
| Хоразм | 72.2 | 27.8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 69.9 | 30.1 |
| Тошкент шаҳри | 50.3 | 49.7 |
| Республика бўйича | 82.4 | 17.6 |

Жавоблардан кўриниб турибдики, барча вилоятларда маҳалла оқсоқолларини респондентлар бир хилда танимайди. Тошкент шаҳрида 49,7%, Сирдарё вилоятида 40,5%, Қорақалпоғистон Республикасида 30,1%, Хоразм вилоятида 27,8% респондентлар маҳалла оқсоқолларининг кимлигини билмайди. Қолган вилоятларда маҳалла оқсоқолларини сўровномада қатнашганларнинг кўпчилиги яхши билади. Улар ҳақида респондентларнинг фикрлари анча ижобийдир. 1743 нафар респондентдан 36,3%и маҳалла оқсоқолининг билимдон, яхши обрў-эътиборга эгалигини, 34,7%и маҳалла оқсоқолининг маҳалла учун қўлидан келган барча яхши ишларни амалга ошира олишини, 9,7%и маҳалла оқсоқолининг маҳалла манфаатини ўз манфаатидан юқори

қўйишини, 8,4%и уларнинг адолатли ва ҳалол, виждонли эканлигини ёзган.

Респондентлар томонидан маҳалланинг фуқаролар йиғини фаолиятига берган баҳолари ҳар хил. 5,5 фоиз респондентлар маҳалланинг фуқаролар йиғини фаолиятига «жуда юқори» деб баҳо берган бўлса, 36,0 фоизи эса «юқори» деб, 40,3 фоиз «ўртача» деб жавоб берган, 7,9 фоиз респондент маҳалла фуқаролари йиғини фаолиятини қониқарсиз деб ҳисоблайди, 10,2 фоизи ушбу саволга аниқ жавоб бермаган (21-расм).

Вилоятлар бўйича респондентлар томонидан маҳалланинг фуқаролари йиғини фаолиятига берган баҳоларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (9-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики маҳалла йиғинлари фаолиятига Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятларида респондентларнинг 60,0%га яқини, Навоий вилоятида эса 74,6%и «юқори» деб ижобий баҳо берган. Қолган вилоятлардаги маҳалла йиғинларига «юқори» деб берилган ижобий баҳолар 50,0%га ҳам етмайди. Тошкент шаҳри маҳалла йиғинлари ҳақида фақат 22,5%, Тошкент вилоятида 22,1%, Хоразм вилоятида 32,3%, Сирдарё вилоятда эса 18,9%, Бухоро вилоятида 18,3%, Қашқадарё вилоятида 37,1%гина респондентлар «юқори» деган фикрдалар.

Шу билан бирга Сирдарё вилоятида 18,9%, Жиззах вилоятида 14,5%, Тошкент шаҳрида 12,6% респондентлар маҳалла йиғинлари фаолиятини «паст» ёки қониқарсиз деб баҳолаган.

Шундай қилиб, тадқиқот қуйидагиларни таъкидламоқда:

1. 2003 йилнинг Президентимиз таклифи билан «Обод маҳалла

21-расм. «Маҳаллангизнинг фуқаролар йиғини фаолиятига қандай баҳо бера оласиз?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %



9-жадвал

**«Маҳаллангизнинг фуқаролар йиғини фаолиятига қандай баҳо бера оласиз?» деган саволга худудлар бўйича респондентларнинг жавоблари. %**

| Ҳудудлар | Олинган жавоблар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жуда юқори | Юқори | Ўртача | Паст | Жуда паст | айтишим қийин |
| Андижон | 10,3 | 48,4 | 34,8 | 1,9 | 1,9 | 2,5 |
| Бухоро | 5,8 | 12,5 | 70,2 | 4,8 | 0,0 | 6,7 |
| Жиззах | 4,3 | 50,7 | 29,0 | 14,5 | 0,0 | 1,4 |
| Навоий | 15,3 | 59,3 | 22,0 | 0,0 | 0,0 | 3,4 |
| Наманган | 3,5 | 39,9 | 39,2 | 4,9 | 0,0 | 12,6 |
| Қашқадарё | 5,0 | 32,1 | 52,8 | 8,2 | 0,0 | 1,9 |
| Самарқанд | 12,2 | 45,3 | 26,0 | 3,9 | 0,0 | 12,7 |
| Сурхондарё | 0,8 | 42,7 | 45,6 | 0,8 | 1,6 | 4,0 |
| Сирдарё | 5,4 | 13,5 | 43,2 | 18,9 | 0,0 | 18,9 |
| Тошкент | 0,6 | 21,5 | 50,0 | 8,9 | 2,5 | 16,5 |
| Фарғона | 5,5 | 42,2 | 37,2 | 9,5 | 1,5 | 4,0 |
| Хоразм | 6,7 | 25,6 | 46,7 | 7,8 | 2,2 | 11,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5,3 | 35,4 | 20,4 | 9,7 | 1,8 | 27,4 |
| Тошкент шаҳри | 0,0 | 22,5 | 43,0 | 11,3 | 1,3 | 21,8 |
| Республика бўйича | 5,5 | 36,0 | 40,3 | 6,9 | 1,0 | 8,9 |

йили» деб эълон қилинганлигини республикада аксарият кўпчилик аҳоли билади ва бу тадбирни қўллаб-қувватлайди. Буни 90,0 фоизга якин респондентларнинг берган жавоблари исботлайди. Улар «Обод маҳалла» деганда тинчлик ва осойишталик ўрнатилган кўркам ва чиройли аҳоли яшайдиган жойларни тушунадилар. Бу ерда одамлар орасида меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам фазилатлари мавжуд.

2. Респондентларнинг 60,6 фоизи маҳалланинг инсон ҳаётида тутган ўрнига ғоят катта баҳо берадилар ва улар маҳалла ишларида, маҳаллада ўтказиладиган тўй-томошаларда, маросимларда фаол қатнашадилар. Шу билан бирга, айтиш лозимки, респондентлар берган жавобларга қараганда уларнинг кўпчилиги ўлим маросимлари, маъракаларга нисбатан тўй ва томошаларда фаол иштирок этадилар.

3. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, 65,0 фоиз респондент ўзи ёки оиласининг муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла қўмитасига мурожаат этади ва уларнинг кўпчилиги имкон даражасида маҳалладан зарур мадад ва ёрдамлар олади.

4. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий тарбиявий, спорт ишларини янада кучайтириш талаб этилади. Маҳалла қўмиталари билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар, кўпчилик респондентларнинг берган жавоблари қараганда, талаб даражасида эмас.

5. Маҳаллаларда ўтказиладиган дабдабали тўй-томошалар, базмлар ва ортиқча харажатлар кетказиб қилинган маърака, худойиларни ўзбек халқининг миллий анъаналарига мос келмаганлиги сабабли кўпчилик аҳоли бу ҳолатга салбий баҳо берган.

6. Маҳалланинг неча асрлар давомида таркиб топган ўз қоидалари ва шаклланган жамоатчилик фикри бор. Шунинг учун ҳам маҳалла аҳолисининг кўпчилиги кийиниш, юриш-туриш ва бошқа масалаларда ана шу маҳалла анаъналарига, жамоатчилик фикрига амал қилади.

7. Респондентларнинг 54,3 фоизи маҳалла қўмитаси йиғилишида иштирок этишни ўз бурчи деб билади.

8. Маҳаллага ҳозирги вақтда кўп вазифалар юклатилган. Шундай экан маҳалла ўз имкониятидан келиб чиқиб иш олиб боради. Буни респондентларнинг жавоблари исботлайди. Жумладан, маҳалла ўз ҳудудидаги ёрдамга муҳтож аҳолига имкон даражасида маблағ билан моддий ёрдам кўрсатади, оилалар ва қўни-қўшнилар орасида содир бўлган жанжални бартараф этиш ва улар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатиш, маҳаллада турли тадбирлар (Наврўз байрами, ўлим маросими, худойи, ифторлик) ўтказиш борасида кўп ишларни амалга оширади. Лекин маҳалла аҳолини газ, кўмир, ўтин, ичимлик суви билан таъминлашни, касаллар ва ногиронларга тиббий ёрдамлар кўрсатишни ва уларни дори-дармонлар билан таъминлашни талаб даражасида амалга ошира олмайди. Бунинг учун маҳалланинг бюджетини, моддий-техник базасини кучайтириш керак. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган махсус Дастур ғоят муҳим роль ўйнайди.

9. Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги (82,4%) маҳалла оқсоқолини яхши танийдилар ва улардан 36,3%и маҳалла оқсоқолини билимли, обрў-эътиборли эканлигини, 34,7%и эса қўлдан келган барча яхши ишларни амалга ошира олишини, 18,1%и инсонпарвар, адолатли эканлигини кўрсатган. Шу билан бирга баъзи кишилар (2,0%) маҳалла оқсоқолини таниш-билишликка йўл қўйишини, 0,8%и билим даражасининг пастлигини, 1,4%и кўпчиликнинг фикрига амал қилмаслигини қайд этган.

10. Юқорида келтирилган ижобийроқ фикрларга қарамай кўпчилик маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларининг фаолияти юксак даражада эмас. Респондентларнинг фақат 41,5 фоизи фуқаролар йиғинининг фаолиятини юксак деб баҳолаши шунга мисол бўла олади.

11. Маҳаллаларнинг ночор, кам таъминланган кишиларга, ёлғиз қарияларга берадиган ёрдамини кучайтириш учун маҳалланинг мод-

дий томонини кучайтириш; бюджетни кўпайтириш учун турли маҳаллий корхоналар, тижорат ишларини йўлга қўйиш зарур.

12. Маҳалланинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ёшлар орасида ҳуқуқий орган ходимларини таклиф этган ҳолда кўпроқ тарбиявий тадбирлар: ҳуқуқ ва қонунлар ҳақида суҳбатлар ўтказиш, турли спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш лозим.

13. Маҳаллада яшовчи ногирон, кам таъминланган, касал кишиларни қўллаб-қувватлаш учун шу маҳаллада истиқомат қиладиган бой-бадавлат кишилар, идоралар кўмагидан фойдаланиш зарур. Шундай инсонпарварлик қилган шахсларни «Маҳалла» газетасида мақташ, тарғибот этиш лозим.

14. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада фаоллаштириш, кадрлар сифатини яхшилаш, ишга қобилиятли, билимли ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни маҳалла оқсоқоли этиб тайинлаш зарур.

15. Маҳаллалар фукаролар йиғини раҳбарларининг малакасини ошириш, улар учун бир ҳафталик ўқишлар ташкил этиш ва бу ўқишларда маҳаллада комплекс иш юритиш йўл-йўриқларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

## 4. Ўзбекистон мустақиллиги*

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли, жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқларнинг жамоатчилик фикри томонидан қандай баҳоланаётганлигини, шунингдек, мамлакатнинг ҳал қилувчи сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий институтларига фуқароларнинг муносабатини аниқлашдир.

Сўров натижалари Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларининг жамоатчилик фикри томонидан баҳоланишида ижобий ўсиш мавжудлигидан далолат беради. 2003-2006 йил-

---

* Тадқикот Ўзбекистон мустақиллиги кунига бағишланиб, 2003-2006 йилларда ўтказилган социологик сўровлар натижаларига асосланган. Сўровлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида ўтказилган. Сўровда мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар вакиллари, ижтимоий қатламлар қатнашди. Умумий респондентлар сони 5186 киши. Уларнинг жинсий ва ёш таркиби республикамизнинг демографик таркибига мос. Асосий таҳлил 2006 йилнинг июль ойида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланиб ўтказилган сўров маълумотлари асосида олиб борилади. Ушбу сўровда 1417 киши иштирок этган.

ларда ўтказилган барча тадқиқотларда фуқаролар мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг асосий ютуқлардан бири сифатида мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланишини қайд этишган. Шу билан бир вақтда аҳоли томонидан мамлакатимизнинг халқаро майдонда тан олиниши, жамиятдаги миллатлараро ва динлараро тинчлик ва тотувлик, ҳуқуқий демократик давлат асосларининг яратилиши, ижтимоий сиёсат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиниши, бозор муносабатларининг шаклланиши сингари муҳим ютуқлар ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилган (22-расм).

22-расм. «Сизнинг фикрингизча, мустақилликнинг 15 йили давомида Ўзбекистон томонидан босиб ўтилган йўлнинг асосий ютуқлари нималардан иборат?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %*




Мустақиллик йилларида мамлакат қўлга киритган асосий ютуқларнинг шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси, эркаклар ва аёллар томонидан баҳоланиши деярли бир хил ва умумий кўрсаткичлардан фарқ қилмайди.

Сўровдан маълум бўлишича, жамиятнинг катта қисми томонидан тан олинган ютуқлар ҳақида гап кетганда одамлар тоталитар тузум йилларида маҳрум бўлган ҳуқуқ ва эркинликларнинг қўлга киритилиши, давлат бошқарувида фуқаролар иштирокининг ортганлиги (80%), инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг (75%), жумладан, сўз ва фикр эркинлигининг (76%) таъминланиши, виждон ва диний ташкилотлар эркинлигининг таъминланиши (90%) сингари ютуқлар биринчи ўринга чиқади. Ўзбекистон фуқаролари учун, шунингдек, иқтисодий фаолият эркинлигининг таъминланиши (70%),

23-расм. <u>Респондентлар томонидан қайд этилган Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари, %*</u>




хусусий мулк, мулкдор, тадбиркор, фермер ҳуқуқларининг таъминланиши (75%) каби соҳаларда эришилган ютуқлар ҳам муҳим аҳамият касб этади (23-расм).

Респондентлар шунингдек, ҳам ҳар бир одам, ҳам умуман мамлакат учун аҳамиятли бўлган бандларни ҳам ажратиб кўрсатишган. Улар орасида мамлакат бозорини товарлар билан тўлдириш, чекловларсиз хоҳлаганча пул топа олиш ва шахсий карьера қила олиш имконияти кабилар бор.

Сўровлар орқали аҳолининг шаҳар ва қишлоқлар кўриниши, йўллар, алоқа воситалари қурилиши, ижтимоий инфраструктуранинг, айниқса, қишлоқ жойларида, ривожланиши, оила асосларининг мустаҳкамланиши, аёллар ва ёшлар ижодий фаолияти ва маълумот даражасининг ўсиши учун қулай шароитлар яратилганлиги, меҳнатга лаёқатли аҳолининг касб маҳорати ошганлиги билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар фуқаролар томонидан юқори баҳоланаётганлиги маълум бўлди. Умумий ҳисобда сўров ўтказилган барча ҳудудлардаги 50 фоиздан 70 фоизгача бўлган респондентлар ушбу масалалар бўйича рўй бераётган ўзгаришларга ижобий баҳо беришган.

Буларнинг барчаси ўзбекистонликларга ўзлари ва фарзандларининг келажагига умид ва ишонч билан қарашларига имкон беради. <u>«Сиз ўзингизни ўйлантираётган муаммоларни яқин йиллар ичида ҳал қила олишингизга ишонасизми?»</u> деган саволга 70 фоиздан кўпроқ респондентлар ижбий жавоб қайтаришган. Эртанги кунга бўлган умид-

24-расм. **«Сиз нима деб ўйлайсиз, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий, молиявий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамландими, унинг ўз ички муаммоларини ҳал қила олиш қобилияти ортдими?»** деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




нинг юқори даражасига Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида иқтисодий, молиявий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланганлигига бўлган ишонч далолат бермоқда (24-расм).

Шунинг билан бирга аксар кўпчилик яқин келажакда бизнинг мамлакатимиз бундан-да ривожланган ва фаровон бўлади деб ҳисоблашади.

Сўровлар натижаларини таққослаганда 2006 йилда жамоатчилик фикри томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти ижобий баҳоланишининг ўсиш тенденцияси кузатилаётганлиги маълум бўлди.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, кўпчилик фуқаролар Ўзбекистоннинг ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишига ҳамда юқори даражада ривожланган ва фаровон мамлакатга айланишига ишонишади, бу эса ўзбекистонликларнинг эртанги кунга бўлган ишонч даражаси анча юқорилигидан гувоҳлик беради (25-расм).

Ҳудудлар орасида эртанги кунга бўлган ишончнинг нисбатан юқори даражаси Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари аҳолиси учун хос (10-жадвал).

Бунда мамлакатимиз ўтиш даври қийинчиликларини муваффақиятли ҳал этади ҳамда юқори даражада ривожланган ва фаровон мамлакатга айланади деб ҳисобловчилар бунинг асосий омиллари сифатида:

25-расм. «Сиз мамлакатимиз ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал қила олиши ҳамда юқори даражада ривожланган ва фаровон мамлакатга айланишига ишонасизми?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %*




10-жадвал

«Сиз мамлакатимиз ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал қила олиши ҳамда юқори даражада ривожланган ва фаровон мамлакатга айланишига ишонасизми?» деган саволга респондентларнинг ҳудудлар бўйича жавоблари, %.

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳа | ҳа, лекин унчалик эмас | йўқ | айтишим қийин |
| Андижон | 66,9 | 18,8 | 6,8 | 7,5 |
| Бухоро | 50,0 | 22,7 | 3,4 | 23,9 |
| Жиззах | 54,1 | 11,5 | 1,6 | 32,8 |
| Кашқадарё | 35,7 | 22,2 | 8,7 | 33,4 |
| Навоий | 54,2 | 27,1 | 8,3 | 10,4 |
| Наманган | 82,6 | 11,6 | 0 | 5,8 |
| Самарканд | 55,5 | 24,0 | 11,0 | 9,6 |
| Сурхондарё | 36,8 | 15,8 | 9,5 | 37,9 |
| Сирдарё | 70,7 | 14,6 | 7,3 | 7,3 |
| Тошкент | 69,4 | 16,0 | 2,1 | 12,5 |
| Фарғона | 44,6 | 19,9 | 4,2 | 31,3 |
| Хоразм | 43,4 | 36,1 | 2,4 | 18,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 59,8 | 31,5 | 3,3 | 5,4 |
| Тошкент шаҳри | 36,0 | 35,2 | 12,8 | 16,0 |

11-жадвал.

**«Сиз нима деб ўйлайсиз, ўтган 15 йил мобайнида умуман олганда мамлакатимизда ҳаёт қандай ўзгарди: ҳаёт яхшиландими ёки ёмонлашдими, яшаш осонлашдими ёки қийинлашдими, эркинлик кўпайдими ёки камайдими?» деган саволга респондентларнинг ҳудудлар бўйича жавоблари, %.**

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳаёт яхшиланди | ҳаёт ёмонлашди | жавоб беришдан бош тортди | айтишим қийин |
| Жами | 69,9 | 29,2 | 0,3 | 0,3 |
| Андижон | 66,9 | 31,6 | 1,5 | 0,0 |
| Бухоро | 55,7 | 42,0 | 0,0 | 2,3 |
| Жиззах | 83,6 | 16,4 | 0,0 | 0,0 |
| Кашқадарё | 46,0 | 53,2 | 0,8 | 0,0 |
| Навоий | 72,9 | 27,1 | 0,0 | 0,0 |
| Наманган | 93,4 | 6,6 | 0,0 | 0,0 |
| Самарқанд | 70,5 | 29,5 | 0,0 | 0,0 |
| Сурхондарё | 42,1 | 57,9 | 0,0 | 0,0 |
| Сирдарё | 90,2 | 7,3 | 2,4 | 0,0 |
| Тошкент | 83,3 | 16,0 | 0,0 | 0,7ё |
| Фарғона | 69,9 | 29,5 | 0,0 | 0,6 |
| Хоразм | 80,7 | 19,3 | 0,0 | 0,0 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 85,9 | 14,1 | 0,0 | 0,0 |
| Тошкент ш. | 56,0 | 43,2 | 0,8 | 0,0 |

- мамлакат Президентининг сиёсати;
- мамлакатдаги тинчлик ва осойишталик;
- мамлакатнинг олдинга қараб тараққий этаётганлиги;
- мамлакат заҳиралари;
- халқнинг Ватанни гуллаб-яшнатишга интилиши;
- бошқа мамлакатлар билан муносабатларнинг ўрнатилиши;
- ёшларни кўрсатиб ўтишган.

Сўралганларнинг аксарият кўпчилиги (93,1%) фикрига кўра, барқарорлик сақланиши, мустақиллик мустаҳкамланиши ва ёш давлатимиз олдида турган муаммолар муваффақиятли ҳал қилинишининг асосий кафолати - Президент, қонун устуворлиги ва халқнинг якдиллигидир.

Сўровдан маълум бўлишича, мамлакат фуқароларининг кўпчилиги ўтган 15 йил мобайнида ҳаёт енгиллашди, эркинлашди деб ҳисоблашади (69,9%). Юқори кўрсаткичлар Наманган (93,4%), Сирдарё (90,2%), Жиззах (83,6%), Тошкент (83,3%) вилоятлари, шу-

нингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (85,9%) респондентлари учун хосдир. Нисбатан қуйироқ баҳо Сурхондарё (42,1%), Қашқадарё (46,0%) вилоятларида қайд этилган. Қолган вилоятларда ижобий баҳолар ўртача баҳодан фарқ қилмайди.

Миллий томондан ўтган 15 йил давомида мамлакат ҳаётидаги ўзгаришларни тавсифловчи кўрсаткичларнинг марказий тенденциядан нисбатан паст даражаси славян миллатига мансуб респондентларда қайд этилган. Ушбу этник гуруҳнинг бешдан бир қисми ушбу даврда ҳаёт яхшиланди деб ҳисоблайди. Катта қисмининг фикрича эса, мазкур даврда ҳаёт оғирлашган. Респондент-ўзбеклар (71,1%) ва Марказий Осиё халқларига мансуб респондентлар (57,1%) эса ўртача кўрсаткичнинг икки томонида туриб мамлакатда ҳаёт яхшиланганини қайд этишган.

Сўров давомида фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаёти турли соҳаларининг ривожланишидан қониқиш даражаси ҳам аниқланган. Ушбу масалага доир фикрлар 12-жадвалда кўрсатилган. Жадвалда келтирилган маълумотлар сўровда қатнашган фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётининг кўпгина соҳаларидан қониқиши даражаси ортганлигидан гувоҳлик беради.

Жумладан, сўровнинг олдинги босқичларига нисбатан мамлакат аҳолисининг тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган шароитлардан (30,5 фоиз 2003 йилда ва 45,5 фоиз 2006 йилда), таълим муассасаларининг ишидан (32,4 фоиз 2003 йилда ва 45,5 фоиз 2006 йилда) қониқиш даражаси ортган. Шунингдек, яна давлат ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бўлган фуқаролар, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояси даражаси ҳам ортган (2003 йилда 34,4 фоиз ва 2006 йилда 43,5%), бу эса давлат томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган катта кўламли ишлар ҳақида гувоҳлик беради. Умуман олганда, ўзбекистонликларнинг, 2003 йилдаги сўровга нисбатан, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ривожланишдан қониқиш даражаси икки баравар ортган (21,1 фоиздан 40,4 фоизгача).

Бироқ, тиббий хизмат, аҳолини тоза ичимлик суви, ёқилғи, транспорт билан таъминлаш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг фикрича, ҳали янада ривожлантириш ва яхшилашга муҳтож (12-жадвал).

Умуман олганда, сўров натижаларига кўра, сўровда қатнашган эркак ва аёлларнинг юқорида келтирилган кўпгина масалалар бўйича фикрлари деярли фарқ қилмайди. Анчагина сезиларли фарқлар ҳудудлар бўйича қайд этилган: Наманган, Сирдарё ва Андижон вилоятлари респондентлари давлат ва жамият ҳаётининг санаб ўтилган

12-жадвал.

**«Сиз давлат ва жамият ҳаётининг қуйидаги соҳаларида эришилган натижалар ва улардаги мавжуд аҳволдан қай даражада қониқасиз?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %**

| ҳаёт соҳаси | мутлақо қониқаман | | | қисман қониқаман | | | Қониқмайман | | | айтишим қийин | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2003 | 2004 | 2006 | 2003 | 2004 | 2006 | 2003 | 2004 | 2006 | 2003 | 2004 | 2006 |
| иқтисодиёт барча соҳаларининг ривожланиш характери | 21,1 | 32,4 | 40,4 | 52,5 | 41,7 | 43,5 | 22,6 | 19,0 | 11,3 | 3,7 | 6,8 | 4,8 |
| тадбиркорликнинг самарали ривожланиши учун яратилган шароитлардан | 30,5 | 38,6 | 45,5 | 44,9 | 38,2 | 38,5 | 14,9 | 11,3 | 9,1 | 9,4 | 11,9 | 6,9 |
| фуқаролар, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояси даражасидан | 34,4 | 36,6 | 43,5 | 41,1 | 39,7 | 37,2 | 21,9 | 17,2 | 14,7 | 3,1 | 6,6 | 4,6 |
| инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва муҳофазаси даражасидан | 34,1 | 43,0 | 39,2 | 37,8 | 33,0 | 39,9 | 18,0 | 12,2 | 10,5 | 10,1 | 11,8 | 10,4 |
| фуқаролар шахсий хавфсизлигининг таъминланиш даражасидан | 50,5 | 53,7 | 46,3 | 31,1 | 28,9 | 36,6 | 12,1 | 7,4 | 8,7 | 6,3 | 10,0 | 8,4 |
| аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатидан | 30,3 | 34,1 | 33,7 | 39,9 | 37,4 | 39,9 | 27,7 | 23,3 | 23,3 | 2,0 | 5,2 | 3,1 |
| таълим муассасаларининг ишлаш даражасидан | 32,4 | 35,9 | 45,0 | 42,6 | 42,8 | 35,1 | 20,4 | 13,8 | 15,7 | 4,6 | 7,5 | 4,2 |
| аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасидан | 36,8 | 40,8 | 32,7 | 33,6 | 30,9 | 36,2 | 28,8 | 26,8 | 27,6 | 0,8 | 1,5 | 3,5 |
| аҳолини газ, иссиқлик, ёқилғи билан таъминлаш даражасидан | 37,0 | 49,8 | 30,9 | 35,0 | 30,6 | 39,8 | 27,4 | 18,0 | 26,2 | 0,6 | 1,6 | 3,1 |
| аҳолини транспорт хизматлари билан таъминлаш даражасидан | 53,7 | 62,3 | 50,7 | 30,4 | 25,5 | 33,6 | 14,3 | 8,6 | 12,3 | 1,6 | 3,6 | 3,4 |

соҳаларида эришилган натижалар ва улардаги ҳозирги аҳволдан энг кўп қониқиш ҳосил қилаётганликлари маълум бўлган, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида эса бунинг нисбатан паст даражаси қайд этилган.

Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг қониқиш даражасида ўзига хос фарқлар қайд этилган. Масалан, қишлоқликлар

кўпроқ тоза ичимлик суви, ёқилғи ва транспорт хизматлари билан таъминланиш даражасидан норози. Шаҳарликлар эса тадбиркорликнинг самарали ривожланиши учун яратилган шароитлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва муҳофазаси, фуқаролар шахсий хавфсизлигининг таъминланишидан норозиликларини билдиришган. Юқорида санаб ўтилган барча масалаларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожланишида эришилган ютуқлардан ўз қониқишларини билдирган респондентларнинг энг кўп сони Сирдарё (65,5%) ва Наманган (52,3%) вилоятларида яшовчилар ўртасида эканлиги аниқланган. Энг кўп норозилар Навоий (33,3%) ва Самарқанд (21,2%) вилоятларида яшовчи сўралганлар орасида эканлиги маълум бўлган, бу эса, эҳтимол, ушбу вилоятлардаги иш ўринларининг тақчиллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қайд этиш лозимки, катта ёшли, жумладан, 50-59 ёшли фуқаролардан кўра 18-19 ёшли сўралган фуқаролар иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ривожланишдан қониқаётганликларини айтишган (мувофиқ равишда 35,0 фоиз ва 54,5%). Бу эса кўпроқ катта ёш гуруҳларининг замонавий бозор муносабатларига қийинчилик билан мослашаётганлиги ва уларга ўтиш даври қийинчиликлари, мамлакат иқтисодиётидаги бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар оғирроқ таъсир этаётгани билан изоҳланади.

Нисбатан фаол иш билан банд аҳоли ўртасида иқтисодиётнинг ривожланиш характеридан, аввало, нодавлат ташкилотларида ишловчилар (48,5%) ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар (52,1%) қониқиш ҳосил қилаётганликларини билдиришган. Шунингдек, ўрта табақага мансуб респондентларнинг (45,2%) бошқа ижтимоий гуруҳларга қараганда қониқиш даражаси юқори (16,7 фоиз - бой ва 27,5 фоиз - камбағал аҳоли катламлари билан киёслаганда).

Республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири фуқаролар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ҳар томонлама кўмак беришдир. Жамоатчилик фикри сўровлари натижалари ҳам бунга гувоҳлик бермоқда, уларга кўра фуқароларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган шароитлардан қониқиши даражаси 2006 йилда 2004 йилга нисбатан тахминан 7 фоизга ортган (2004 йилдаги 38,6 фоиздан 2006 йилдаги 45,5 фоизгача).

Шунга қарамай, мамлакатнинг бирор худудида тадбиркорликнинг самарали ривожланиши учун яратилган шароитлардан қони-

қиш ҳосил қилган респондентлар мутлақ кўпчиликни ташкил қилганлиги қайд этилмаган. Шу жумладан, масалан, юқорида санаб ўтилган шароитлардан мутлақо қониқиш ҳосил қилаётган сўралганларнинг катта қисми Наманган (64,5%), Жиззах (59,0%) ва Тошкент (54,9%) вилоятларига тўғри келади. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган ҳозирги даврдаги шароитлардан мутлақо қониқмаётганлигини билдирган респондентларнинг катта қисми Сурхондарё (20,0%) ва Навоий (16,7%) вилоятида яшовчи сўралганлар орасида эканлиги аниқланган.

Ўтказилган сўровдан маълум бўлишича, ўтган йилда бўлгани каби бу йил ҳам қишлоқ жойида яшовчи фуқаролар орасида тадбиркорликнинг самарали ривожланиши учун яратилган шароитлардан ўзининг тўла қониқишини билдирган фуқаролар шаҳарда яшовчиларга қараганда бирмунча кўп (2006 йилда мувофиқ равишда 39,6 фоиз ва 36,4 фоиз, 2005 йилда 46,4 фоиз ва 44,0%).

Якка тартибдаги савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар ва фермерлар орасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган шароитлардан қониқиш даражаси аҳолининг бошқа тоифаларига қараганда юқори.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса аҳолининг нафақахўрлар, ногиронлар, аёллар ва болалар сингари ҳимояга муҳтож қатламларининг ижтимоий муҳофазаси даражасидан Наманган (71,9%), Сирдарё (51,2%) ва Хоразм (50,6%) вилоятларида сўралганларнинг ярмидан кўпи ва Самарқанд (48,8%) вилоятида эса ярмидан сал камроғи умуман олганда қониқаётганликларини маълум қилишган. Ушбу масала бўйича тадқиқ этилган барча ҳудудлардаги фуқароларнинг учдан бир қисмдан кўпроғи қисман қаноатланмоқда. Тошкент шаҳри (20,0%) ва Навоий вилоятида (20,8%) яшовчилар эса бошқаларга қараганда кўпроқ қониқмаётганликларини изҳор этишган, бу ушбу ҳудудлар аҳолисининг ҳаётга муносабатидаги нисбатан юқори талаби билан изоҳланади.

Қишлоқ жойларида яшовчилар, олдингидек, аҳолининг ижтимоий ҳимояси даражасидан шаҳарликларга қараганда кўпроқ қониқмоқдалар (мувофиқ равишда мутлақ қониқаётганлар 46,4 фоиз ва 38,2 фоиз, қисман - 37,1 фоиз ва 37,3%).

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси даражасидан моддий таъминот жиҳатидан ўрта ва ўртадан паст аҳоли қатламига мансуб респондентлар кўпроқ қониқмоқдалар (мувофиқ равишда мутлақ - 52,3 фоиз ва 45,0 фоиз, қисман - 32,6 фоиз ва 37,5%). Аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида ушбу соҳадаги аҳволдан норози

бўлган респондентларнинг энг катта миқдори мавжудлиги аниқланган (19,0%).

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва ҳимоясидан мутлақо қониқаётганларнинг катта қисми Наманган вилояти (66,1%), Қорақалпоғистон Республикаси (57,6%) ва Самарқанд (35,5%) вилоятида кузатилади. Энг паст қониқиш даражаси Жиззах вилояти респондентлари - 19,7 фоиз ва аввалгидек Тошкент шаҳрида яшовчилар (17,6%) орасида кузатилган, бу эса ҳам ушбу соҳадаги юқори талаблар, ҳам ижтимоий вазиятдаги кескинлик билан изоҳланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва ҳимояси даражасидан қишлоқликлар шаҳарликларга қараганда кўпроқ қониқмоқдалар. Масалан, агар шаҳарликларнинг 12,2 фоизи давлат ҳаётининг ушбу соҳасида эришилган натижалардан қониқмаётган бўлсалар, қишлоқликлар орасида ушбу кўрсаткич фақат 9,6 фоизнигина ташкил этган.

Мамлакатдаги шахсий хавфсизликни таъминлаш даражасидан мутлақ қониқишларини Наманган (84,3%), Сирдарё (56,1%) ва Жиззах (54,1%) вилоятларидаги респондентларнинг кўпчилиги изҳор этишган. Қониқмаётганларнинг энг юқори даражаси Андижон вилояти (13,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (13,0 %), Сурхондарё вилоятида (12,6 %) яшовчи сўровда иштирок этган фуқароларда кузатилган.

Сўров натижаларига кўра, шаҳарда яшовчилар қишлоқ аҳолисига қараганда икки баравар кўпроқ шахсий хавфсизликнинг таъминланишидан ўзларининг қониқмаётганликларини билдиришган (12,5 фоизга қарши 6,6%). Ушбу факт шаҳарликларнинг инсон ҳаёт фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашда анча юқори талаблари мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда эришилган натижалар ва соҳадаги ҳозирги вактдаги аҳволдан сўровда қатнашган фуқароларнинг фақат учдан бир қисми мутлақ қониқмоқда - 33,7 фоиз, сўралганларнинг учдан биридан сал кўпроғи фақат қисман қониқаётганлигини айтишган - 39,8 фоиз.

Шаҳарда яшовчилар қишлоқликларга қараганда кўпроқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва ривожланишини танқидий баҳолашади ва бу билан кўрсатилаётган тиббий хизматларга бўлган ўз юқори талабларини намоён этишади. Масалан, сўровда иштирок этган шаҳарликларнинг 27,4 фоизи ушбу хизматнинг кўрсатилиш даражаси ва сифатидан норози, қишлоқликлар орасида эса ушбу рақам 21,0 фоизни ташкил этади.

Сўров характерли бўлган қонуниятни юзага чиқарди: респондентнинг ёши қанча катта бўлса, у шунча кўпроқ тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини танқидий баҳолайди. Мамлакат ушбу ижтимоий соҳасининг ривожланишидан қониқмаётганлар сони «18-19 ёш» гуруҳидаги 14,0 фоиздан «40-49 ёш» гуруҳидаги 25,5 фоизгача фарқланиб туради.

Таълим муассасаларининг ишлаш даражасидан мутлақо қониқаётганликларини кўпчилик наманганликлар - 87,6 фоиз, Бухоро (52,5%), Фарғона (55,4%) ва Сирдарё (56,1%) вилоятлари респондентларининг ярмидан кўпи билдиришган. Қониқмаётганларнинг энг кўп сони Қашқадарё (34,8%) ва Сурхондарё (22,1%) вилоятларида қайд этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги энг нохуш ҳолат, аввал ҳам қайд этилганидек, Қашқадарё (50,8%) ва Бухоро (59,1%) вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда. Тошкент шаҳрида фақат 15,2 фоиз сўралганларнинг тоза сув таъминотидан ва 11,2 фоиз аҳолининг ёқилғи (газ) таъминотидан норози эканлиги маълум бўлган. Сўровнинг кўрсатишича, аҳолининг тоза ичимлик суви ва ёқилғи билан таъминоти даражасидан шаҳарликлардан кўра қишлоқликлар кўпроқ қониқмайдилар.

Сўровда қатнашган мамлакат аҳолисининг ярмиси - 50,7 фоиз жамоат транспорти ишидан қониқадилар. Аҳолининг транспорт хизматлари билан таъминланишидан Наманган (85,1%), Сирдарё (83,2%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (63,2%) яшовчилар энг кўп қониқадилар. Аҳолининг транспорт хизматлари билан таъминланишидан энг кўп норозилар Қашқадарё вилоятидаги сўралганлар орасида эканлиги маълум бўлган - 31,9 фоиз.

Жамоатчилик фикри сўрови фуқароларнинг ўз маълумот даражасини анча юқори баҳолашини аниқлади. Жумладан, сўралганлардан ярмидан кўпроғининг фикрига кўра (64,7%), мамлакат фуқароларининг маълумот даражаси ортган. Яна 17,3 фоизи у ўзгармаган деб ҳисоблашади (26 расм).

Ўтказилган тадқиқотга кўра, умумий маълумотлилик даражасини баҳолаганда шаҳарда яшовчилар (66,8%) қишлоқликларга (63,6%) қараганда кўпроқ мазкур даража ошди деб ҳисоблашади.

Респондентлар худди шундай баҳоларни фуқароларнинг турли фаолият соҳаларидаги касбий сифатларига ҳам беришган. 63,6 фоиз нинг фикрига кўра мустақиллик йилларида фуқароларнинг турли фаолият соҳаларидаги касб-кор маҳорати даражаси, уларнинг про-

фессионаллиги анча ортган. 17,9 фоиз сўралганлар у олдин қандай бўлса, шундайлигича қолди деб ҳисоблашади, 10,1 фоизи - пасайди деган фикрда (27-расм).

26-расм. <u>«Сизнинг фикрингизча, мустақиллик йилларида мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси қандай ўзгарди?»</u> деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




27-расм. <u>«Сизнинг фикрингизча, мустақиллик йилларида фуқароларнинг турли фаолият соҳаларидаги профессионаллик даражаси қандай ўзгарди?»</u> деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




Ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан уларнинг тезлигига боғлиқ. Баъзида ислоҳотларнинг амалга оширилиш тезлиги уларнинг йўналиши билан тенг қимматга эга бўлиши мумкин, бироқ агар уларнинг йўналиши ҳамма вақт ҳам бизнинг иродамизга боғлик бўлмаса, ундан фарқли ўлароқ уларнинг тезлиги амалдаги сиёсат томонидан белгиланиши мумкин. Аҳолининг янги шароитларга жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий асослари емирилмай туриб мослаша олиши айнан мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тезлигига боғлиқ.

Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг суръати респондентлар томонидан турлича баҳоланган. 49,5 фоиз сўралган фуқаролар мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўртача тезликда амалга оширилаяпти деб ҳисоблашади. 16,8 фоиз респондентларнинг фикрига кўра улар жуда ҳам тез, 24,1 фоизи фикрича эса секин амалга оширилаяпти.

Қуйидаги 28-расмдан маълум бўлганидек, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўртача тезликда олиб борилаяпти деб ҳисоблайдиган фуқаролар сонининг ортганлиги тенденцияси кузатилмоқда (2003 йилда 42,9 фоиз ва 2006 йилда 49,6%). Шунинг билан бирга улар секин олиб борилаяпти деб ҳисоблайдиган респондентларнинг улуши 17,3 фоиздан 16,9 фоизгача камайган.

Умуман олганда жамиятда иқтисодиётни тез суръатлар билан ислоҳ қилишга бўлган барқарор эҳтиёж чет эл фирмалари, нодавлат ташкилотларида ишлайдиган респондентлар, тадбиркор ва фермерларга хосдир.

Сўров турли ёш гуруҳидаги респондентлар ўртасида ушбу масала бўйича кескин фарқлар борлигини намоён этмади, фақат энг катта - 70 ва ундан катта ёш гуруҳидагилардан ташқари. Уларнинг ҳар учтасидан бири иқтисодий ислоҳотлар мамлакатда секин суръатлар билан олиб борилаяпти деб ҳисоблайди (33,3%).

Қуйида келтирилган жадвалдан кўриниб турганидек, мамлакатнинг турли вилоятлари, ҳудудларида респондентларнинг амалга оши-

**28-расм. Фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг олиб борилиши суръатларига муносабати, %**



13-жадвал «Сиз нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар умуман олганда қандай суръатлар билан амалга оширилмоқда?» деган саволга худудлар бўйича респондентларнинг жавоблари, %

| Ҳудудлар | жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ўртача | жуда тез | секин | айтишим қийин |
| Андижон | 48,9 | 17,3 | 19,5 | 14,3 |
| Бухоро | 64,8 | 8,0 | 18,2 | 9,0 |
| Жиззах | 36,1 | 21,3 | 24,6 | 18,0 |
| Кашқадарё | 54,8 | 5,6 | 32,5 | 7,1 |
| Навоий | 52,1 | 20,8 | 25,0 | 2,1 |
| Наманган | 60,3 | 14,9 | 20,7 | 4,1 |
| Самарканд | 38,4 | 24,7 | 36,9 | 0 |
| Сурхондарё | 28,4 | 21,1 | 21,1 | 29,4 |
| Сирдарё | 58,5 | 24,4 | 12,2 | 4,9 |
| Тошкент | 52,1 | 8,3 | 22,9 | 16,7 |
| Фарғона | 52,4 | 20,5 | 24,7 | 2,4 |
| Хоразм | 53,0 | 19,3 | 24,1 | 3,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 58,7 | 12,0 | 15,2 | 14,1 |
| Тошкент ш. | 40,0 | 24,8 | 26,4 | 8,8 |

рилаётган иқтисодий ислоҳотлар суръати ҳақидаги фикрлари бир-биридан анча фарқ қилади. Сўралганларнинг каттагина қисми ислоҳотлар суръатини секин деб айтишган (Самарқанд 36,9 фоиз, Қашқадарё (32,5%) вилоятларида учдан бир қисмдан кўп, Тошкент шаҳрида 26,4 фоиз (13-жадвал).

Бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири барча фуқароларнинг ўз моддий ва маиший муаммоларини муваффақиятли ҳал қила олишлари учун қулай шароитларни яратишдир. Шунинг учун ҳам жамоатчилик фикри томонидан ўтказилаётган ислоҳотларнинг қандай баҳоланиши муҳим, у фуқароларнинг ушбу ислоҳотлар одамлар манфаатини кўзлаб ўтказилаётганлигига бўлган ишончлари ҳақида гувоҳлик беради.

Сўралганларнинг учдан бири (33,8%) олиб борилаётган бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотлар наф келтирди, кўпчилик одамларнинг моддий аҳволини яхшилади деб ҳисоблашади. Шу билан бирга 53,2 фоиз респондентлар ислоҳотлардан фақат алоҳида инсонлар тоифасигина фойда кўрди деб ўйлашади.

Тадқиқот давомида респондентларга Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган йилларда фуқароларнинг ҳаётга қарашлари ва уларнинг мамлакатнинг асосий ижтимоий институтларига муносабатлари қандай ўзгарганлигини баҳолаш таклиф этилган эди.

Тадқиқотдан сўралганлар кўпчилигининг фикрича (69,4%) 14 йиллик мустақиллик даврида фуқароларнинг қонунга ҳурмати кучайганлиги маълум бўлди. Бироқ Андижон (34,6%), Навоий (29,2%), Қашқадарё (28,6%) вилоятларидаги учдан бир қисм ва ундан кўпроқ сўралганлар ушбу даврда Қонунга ҳурмат сусайди деб ҳисоблашади.

Қишлоқ ва шаҳар жойида яшовчиларнинг фикри ўртасида ҳам сезиларли фарқлар борлиги аниқланган. Жумладан, қишлоқликларнинг 70,7 фоизи мустақиллик йилларида фуқароларнинг Қонунга ҳурмати ортди деб ҳисоблайди ва фақат 19,6 фоизи сусайди деб ўйлайди. Шунинг билан бирга шаҳар аҳолиси ўртасида респондентларнинг ушбу масалага қараши мувофиқ равишда 67,2 фоиз ва 25,5 фоиз нисбатда эканлиги маълум бўлди.

Ҳар иккидан бир респондент (61,0%) мустақиллик йилларида республикада инсон ҳуқуқларига ҳурмат умуман олганда ошди деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг учдан бирга яқини - 29,4 фоизи эса аксинча, яъни мамлакатда инсон ҳуқуқларига бўлган ҳурмат сусайди деган фикрда. Бу асосан Сурхондарё (43,2%), Андижон (35,3%), Фарғона (36,1%) вилоятларида сўралганлардир.

58,9 фоиз респондентлар «Фуқаролар атрофдагиларни кўпроқ ҳурмат қиладиган бўлишди» деб ўйлашади ва бу кўрсаткич ўтган йилдагидан (53,7%) бирмунча кўпдир. Шу билан бир вақтда 35,5 фоиз сўралганлар инсонларнинг бир-бирига ҳурмати сусайди деб ҳисоблашади. Шундай деб ўйлайдиган респондентларнинг катта қисми Сурхондарё (58,9%) вилоятида эканлиги аниқланган (14-жадвал).

Қайд этиш лозимки, сўралганларнинг катта қисми (62,6%) камбағал фуқароларга нисбатан одамлар кўпроқ раҳмдил ва эътиборли бўлишди, деб ҳисоблашади. Шунинг билан бир вақтда респондентларнинг учдан бир қисмдан кўпроғи (29,3%) ночор одамлар ҳақида қайғуриш сусайди деган танқидий фикрни билдиришган. Наманган (83,5%), Хоразм (90,4%) вилоятларидаги респондентларнинг кўпчилиги шундай деб ҳисоблашади. Бу замонавий жамиятда инсонлар ўртасидаги аҳлоқий муносабатларни намоён этувчи тенденцияларнинг бир хил эмаслигини кўрсатади.

Шаҳар аҳолиси орасида 34,2 фоиз сўралганлар камбағал фуқароларга эътибор ва улар ҳақида қайғуриш сусайди деб ҳисоблашади

14-жадвал

**Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳаётга қарашлари ва қуйидагиларга муносабати қанчалик ўзгарди, %**

| фуқароларнинг муносабати | жавоблар | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | кучайди | | | | сусайди | | | | айтишим қийин | | | |
| | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 |
| Қонунга ҳурмат | 69.8 | 61.7 | 59.8 | 69.4 | 17.8 | 30.1 | 28.6 | 21.7 | 12.4 | 8.2 | 11.6 | 8.9 |
| Инсон ҳуқуқларига ҳурмат | 59.4 | 53.1 | 55,6 | 61.0 | 23.8 | 38.2 | 32.4 | 29.4 | 16.8 | 8.7 | 12.0 | 9.6 |
| Атрофдагиларга ҳурмат | 57.8 | 51.8 | 53.7 | 58.9 | 34.0 | 42.3 | 39.1 | 35.5 | 8.2 | 5.9 | 7.2 | 5.6 |
| Никоҳнинг мустаҳкамлиги | 50.3 | 50.1 | 50.1 | 58.1 | 37.2 | 40.5 | 41.4 | 34.0 | 12.5 | 9.4 | 8.5 | 7.9 |
| Аёлга ҳурмат | 73.8 | 65.6 | 63.2 | 76.6 | 19.4 | 28.3 | 28.9 | 19.3 | 6.7 | 6.1 | 7.9 | 4.1 |
| Қариялар, нафақахўрларга ҳурмат | - | 73.5 | 70.8 | 77.1 | - | 22,8 | 21,7 | 18.4 | - | 3.7 | 7.5 | 4.5 |
| Виждонан ва сифатли ишлашга интилиш | 49.5 | 39.3 | 43.6 | 45.7 | 38.8 | 52.3 | 44.5 | 44.3 | 11.6 | 8.4 | 11.8 | 10.0 |
| Шахсий жавобгарлик | 57.5 | 48.9 | 48.4 | 55.5 | 28.0 | 42.7 | 35.1 | 30.6 | 14.5 | 8.4 | 17.5 | 13.9 |
| Жамият ва давлат ҳаётида фуқароларнинг иштироки | 55.0 | 42.6 | 43.6 | 54.9 | 24.3 | 41.0 | 32.5 | 28.3 | 20.7 | 16.4 | 23.9 | 16.8 |
| Ночор, камбағал фуқаролар ҳақида қайғуриш | 60.0 | 53.2 | 56.6 | 62,6 | 29,2 | 39.9 | 34.2 | 29.3 | 10.8 | 6.9 | 9.2 | 8.1 |
| Бошқалардан фарқланиб турадиган кишиларга нисбатан тоқатлилик | 34.4 | 44.9 | 44.8 | 42.1 | 24.9 | 33.5 | 24.6 | 29.7 | 40.7 | 21.6 | 30.6 | 28.2 |
| Моддий қадриятлар, нима қилиб бўлса-да бойлик орттиришга интилиш | - | 76,4 | 77,4 | 71.6 | - | 17,4 | 15,3 | 17,5 | - | 6,2 | 7,3 | 10.9 |
| Маънавий ва ахлоқий қадриятлар | - | 69.7 | 68,1 | 60,0 | - | 23,4 | 21,2 | 27,4 | - | 6.9 | 10,7 | 12,6 |
| Худога ишониш, динга эътиқод | 82,2 | 85,4 | 79,4 | 77,4 | 8,2 | 8,4 | 11,9 | 14,6 | 9,6 | 6,2 | 8,7 | 8,0 |

(қишлоқликлар - 26,7%). Қишлоқликлар нисбатан кўпроқ бир-бирини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишади (65,9%).

Бироқ, қайд этиш лозимки, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (77,1%) мустақилликнинг ўтган 15 йилида мамлакат фуқаролари қариялар ва нафақахўрларни кўпроқ ҳурмат қиладиган бўлишди деб ҳисоблашади. Бунга қарама-қарши фикрни ёқлайдиганларнинг энг кўп миқдори Сурхондарё (34,7%), Тошкент (26,4%), Андижон (23,3%) ва Навоий (22,9%) вилоятларида қайд этилган. Шаҳарликлар қишлоқ аҳолисига қараганда икки баравар кўпроқ ҳурмат сусайди деб айтишган (мувофиқ равишда 25,1 фоиз ва 14,7%). Ушбу

масала бўйича эркак ва аёлларнинг тутган мавқеи бир хил - 17,8 фоиз ва 18,8 фоиз.

Мустақиллик йилларида жамиятда аёлга нисбатан ҳурмат кучайди деб ҳисобловчиларнинг сони ортган (2005 йилда - 63,2 фоиз, 2006 йилда - 76,6%). 19,3 фоиз респондентлар фуқаролар аёлларни кам ҳурмат қиладиган бўлишди, деб ҳисоблайдилар. Улардан 31,6 фоизи - Андижон, 29,4 фоизи - Қашқадарё, 27,4 фоизи - Сурхондарё вилоятларида сўралганлардир.

58,1 фоиз респондентлар никоҳ асослари мустаҳкамланди деб ҳисоблашади, 34,0 фоиз сўралганлар бунга тескари нуқтаи назарни ёқлашади. 2003-2006 йилларда ўтказилган сўровлар маълумотларининг қиёсий таҳлили ушбу масала бўйича фуқароларнинг фикрлари ўзгармаганлигини кўрсатади (15-жадвалга қаранг). Ҳаммадан кўпроқ никоҳ асослари бирмунча сусайди деб Жиззах (45,9 фоиз) ва Сурхондарё (45,3 фоиз) вилоятларида яшовчилар ҳисоблашади.

Ўтган йилги сўров билан таққослаганда, Ўзбекистон аҳолиси ўзи ва жамият олдида янада масъулиятлироқ бўлишди деб ҳисоблайдиганлар сони ортган (2005 йилда - 48,4 фоиз, 2006 йилда - 55,5%). Шунинг билан бирга респондентларнинг учдан бири 30,6 фоиз ижтимоий масъулият сусайди деб ҳисоблашади. Улар орасида андижонликлар 45,9 фоиз, навоийликлар 45,8 фоиз ва хоразмликлар 34,9 фоиз. Сўров давомида қишлоқликларнинг (57,1%) шаҳарликларга (52,5%) қараганда жамият олдидаги масъулиятни кўпроқ ҳис қилишлари маълум бўлди.

Сўров натижалари шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси томонидан жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар иштирокининг баҳоланишини аниқлашга имкон берди. Сўралганларнинг ярмидан кўпроғи (54,9 фоиз) мустақилликнинг 15 йили мобайнида фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштироки ортди деган фикрни билдиришган, респондентларнинг учдан бирдан озроғи эса (28,3%) камайди деб жавоб беришган. Жумладан, Самарқанд (78,8%) ва Тошкент (61,1%) вилоятларида сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар иштирокининг ортганлигини қайд этишган.

Тадқиқ этилаётган бошқа ҳудудларда ушбу кўрсаткич 50 фоизгача ортган ва фақат Бухоро вилоятида учдан бирдан кўпроқ (34,1%).

Мамлакатнинг 45,7 фоиз сўралган аҳолиси одамларнинг виждонан ва сифатли ишлашга интилиши кучайди деб ҳисоблашади ва бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан бирмунча ортган (39,3%). Бироқ, респондентларнинг ярмига яқини (44,3%) бунга тескари фикрда. Жумладан, Сурхондарё (58,9 фоиз), Андижон (57,9 фоиз), Қашқадарё

15-жадвал

**Фуқароларнинг Ўзбекистондаги қуйидаги давлат ҳокимияти институтларига ишончи кўрсаткичлари, %**

| Фуқароларнинг қуйидагиларга ҳурмати ва ишончи: | ортди | | | камайди | | | айтишим қийин | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2004 | 2005 | 2006 | 2004 | 2005 | 2006 | 2004 | 2005 | 2006 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентига | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Олий Мажлисга | 55,9 | 56,4 | 63,3 | 20,9 | 17,7 | 16,8 | 23,2 | 25,9 | 19,9 |
| Вазирлар Маҳкамасига | 53,7 | 55,3 | 60,0 | 20,6 | 19,7 | 17,2 | 25,7 | 25,0 | 22,8 |
| Вилоят, шаҳар ҳокимлигига | 47,2 | 54,1 | 60,2 | 25,5 | 20,5 | 18,1 | 27,3 | 25,5 | 21,7 |
| Туман ҳокимлигига | 48,0 | 57,1 | 60,9 | 24,3 | 19,8 | 18,0 | 27,7 | 23,1 | 21,1 |
| Ўз-ўзини бошқариш органларига (маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинига) | 71,2 | 72,7 | 78,6 | 15,2 | 13,4 | 13,3 | 13,6 | 14,0 | 8,1 |
| Прокуратурага | 43,9 | 46,3 | 45,1 | 30,0 | 25,8 | 29,5 | 26,1 | 27,8 | 25,4 |
| Судга | 45,4 | 47,8 | 49,2 | 28,0 | 24,2 | 27,0 | 26,6 | 28,0 | 23,8 |
| Милицияга | 37,4 | 44,1 | 43,2 | 40,8 | 31,5 | 37,2 | 21,8 | 24,4 | 19,6 |
| Солик хизматига | 40,2 | 41,9 | 42,6 | 37,3 | 32,4 | 37,4 | 22,5 | 25,8 | 20,0 |
| Нодавлат ташкилотларига | 39,2 | 48,6 | 44,6 | 18,6 | 14,6 | 19,6 | 42,2 | 36,8 | 35,8 |
| Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига | 56,4 | 58,6 | 61,3 | 27,5 | 22,7 | 23,8 | 16,1 | 18,8 | 14,9 |

(58,7 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (47,2 фоиз) сўралган респондентларнинг айтишича, одамларнинг виждонан ва сифатли ишлашга бўлган интилиши камайган.

Сўровдан маълум бўлишича, сўралганларнинг мутлақ кўпчилигининг (71,6%) фикрича, фуқароларнинг нима қилиб бўлса-да бойлик орттиришга бўлган интилиши ортган. Ушбу кўрсаткич олдинги сўровдан кўра бирмунча пасайган - 2005 йилда 77,4 фоиз. 17,5 фоиз кишилар, 2005 йилдагидек, бунга қарама-қарши фикрда. Бунда қишлоқликлар ва шаҳарликлар, эркак ва аёллар фикри ўртасида сезиларли фарқ кузатилмаган.

Қайд этиш лозимки, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги фикрича, мустақиллик йилларида жамиятда маънавий ва ахлоқий қадриятлар кучайган (60,0%). Бундан ташқари, 77,4 фоиз респондент ушбу даврда жамиятда диний қадрият ва маросимларга амал қилиш улар учун катта аҳамиятга эга бўлган диндор фуқароларнинг

сони кўпайганлигини қайд этган. Худди шундай манзара барча ўрганилаётган йўналишлар бўйича кузатилган.

Тадқиқот давомида мустақиллик йилларида аҳолининг давлат ҳокимияти бўғинлари ва нодавлат ташкилотларига бўлган муносабати анча ўзгарганлиги аниқландики, бу 15-жадвалда ўз аксини топган.

Келтирилган маълумотлар олдинги йиллардагидек аҳолининг мамлакат Президентига бўлган ҳурмати ва ишонч даражаси бениҳоя юқори, барқарор бўлиб қолаётганлигини яққол кўрсатмоқда. У худди олдингидек мамлакатнинг шак-шубҳасиз миллий йўлбошчиси бўлиб қолмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ўзбекистонликларнинг Президентга у ушбу лавозимни эгаллаб тургандан буён ўз муносабатларини ўзгартирмаганликларини кўрсатмоқда. Президентга ишончнинг юқори даражаси биринчи навбатда мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси сингари олий давлат ҳокимияти органларига бўлган ишонч даражасининг ҳам анча юқори эканлигини қайд этиш керак. Бунда олий ҳокимият органларига ҳурмат ортган. Ҳам Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасига, ҳам вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятларига ишонч ортган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига муносабат ҳам, умуман олганда, яхши томонга ўзгарган.

Нодавлат ташкилотлари Ўзбекистон жамиятида ҳали ўзларини етарли даражада кўрсатиб улгуришмаган, шу сабабли ҳам 35,8 фоиз сўралганлар уларга бўлган муносабатлари борасида бир фикр айтишга қийналишган. 2004 йил билан таққослаганда, мамлакатимизда фуқароларнинг НТларга бўлган ҳурмати ортди деб ҳисобловчилар сони сал камайган (2004 йилда - 39,2 фоиз, 2005 йилда - 48,6 фоиз, 2006 йилда - 44,6%).

2004, 2005, 2006 йиллардаги сўровларнинг қиёсий натижалари респондентлар оилаларининг моддий ва турмуш даражаси ўзгарганлигидан далолат бермоқда. Жумладан, сўров натижаларига кўра, мустақиллик йилларида 38,9 фоиз сўралганларнинг моддий ва маиший аҳволи яхши томонга ўзгарган. Яна 38,1 фоиз респондентлар улар оилаларининг моддий ва маиший аҳволи олдин қандай бўлса, шундайлигича қолганлигини айтишган (29-расм).

Мустақиллик йилларида оилалари моддий ва маиший аҳволи қандай ўзгарганлигига доир респондентлар жавобларининг яшаш ҳудудлари бўйича тақсимоти қуйидаги 16-жадвалда келтирилган.

29-расм. <u>«Сиз нима деб ўйлайсиз, республикамизда олиб борилаётган бозор иктисодиётига ўтишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар кўпчиликка наф келтириб, уларнинг моддий аҳволини яхшилаб, ҳаётини яхши томонга ўзгартирдими ёки фақат алоҳида аҳоли тоифаларинингми?»</u>, деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




16-жадвал

<u>«Мустақиллик йилларида Сизнинг оилангиз моддий ва маиший аҳволи қандай ўзгарди?»</u> деган саволга респондентларнинг ҳудудлар бўйича жавоблари, %

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | яхшиланди | ўзгармади | ёмонлашди | айтишим қийин |
| Андижон | 57,1 | 27,8 | 9,8 | 5,3 |
| Бухоро | 28,4 | 42,1 | 6,8 | 22,7 |
| Жиззах | 54,1 | 14,7 | 18,0 | 13,1 |
| Қашқадарё | 25,4 | 53,1 | 10,3 | 11,1 |
| Навоий | 35,4 | 47,9 | 16,7 | 0 |
| Наманган | 61,2 | 24,8 | 8,3 | 5,8 |
| Самарканд | 43,8 | 38,3 | 16,4 | 1,4 |
| Сурхондарё | 25,3 | 36,9 | 27,4 | 10,5 |
| Сирдарё | 48,8 | 36,6 | 12,2 | 2,4 |
| Тошкент | 22,9 | 47,9 | 9,7 | 19,5 |
| Фарғона | 34,3 | 46,4 | 11,4 | 7,8 |
| Хоразм | 55,4 | 22,9 | 16,9 | 4,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 31,5 | 33,7 | 22,8 | 12,0 |
| Тошкент ш. | 32,8 | 43,2 | 5,6 | 18,4 |

Қишлоқ аҳолиси шаҳарликлардан кўра кўпроқ ўз оилалари моддий аҳволининг яхшиланганини ижобий баҳолашган: 40,4 фоиз қишлоқликлар ўз турмушларининг яхшиланганини қайд этишган

**30-расм. <u>«Мустақиллик йилларида Сизнинг оилангиз моддий ва маиший аҳволи қандай ўзгарди?»</u>, деган саволга респондентларнинг жавоблари, %**




бўлса, шаҳарликлар орасида ушбу кўрсаткич 36,1 фоизни ташкил этган.

Асосан 18-19 ёш (45,2%), 50-59 ёшдаги (40,6%), ўрта ижтимоий табақага мансуб (59,3%) фуқароларнинг моддий аҳволи яхшиланган - бу эса мулкдорларнинг ўрта табақасини шакллантириш давлат сиёсати доирасида кечмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари мустақилликка эришгандан буён мамлакатда содир бўлаётган ҳодисаларга алоқадорликлари ва унинг муаммоларини ҳал қилишга ўз шахсий масъулиятларини ҳис қилмоқдалар. Бундай туйғу кўпчилик фуқаролар учун хосдир: 43,8 фоиз сўралган фуқаролар мамлакатда содир бўлаётган воқеалар олдида ўз катта масъулиятларини ҳис қилишади ва 38,1 фоизи - ўзларини қисман жавобгар деб ҳис этишади. Сўров давомида яна 6,5 фоиз респондентлар мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал қилишга катта масъулият ҳис қилмаётганликларини айтишган. Ҳеч қандай масъулият ҳис қилмаётганларнинг сони анча камайган (9,0 фоиздан 1,6 фоизгача) (30-расм).

Шуниси характерлики, ушбу масалада аҳоли ёш гуруҳлари ўртасида тафовутлар кузатилади. Катта масъулиятни ҳис қилиш кўпроқ аҳолининг 30 дан 49 ёшгача бўлган ижтимоий фаол қисмига хос: 30-39 ёш - 43,3 фоиз, 40-49 ёш - 45,5 фоиз. Шунинг билан бирга мамлакатда содир бўлаётган ҳодисаларга нисбатан ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмайдиган 30 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 2005 йилдаги 8,0 фоиздан 2006 йилда 3,1 фоизга камайган.

Ҳар тўрттадан битта респондент (24,6%) ва унинг оиласи учун моддий, 23,3 фоизи учун оилавий: жумладан, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, уларни уйли-жойли қилиш, уй қуриш ва таъмирлаш

билан боғлиқ муаммолар долзарблик касб этади. Анъанавий равишда ёш авлодни тарбиялаш ва уларга таълим бериш муаммоси катта роль ўйнайди (10,8%). Аҳоли учун ишсизлик (9,1%), саломатлик (3,3%) билан боғлиқ муаммолар аҳамиятлидир. Шуниси эътиборлики, 11,0 фоиз сўралганлар ўзлари ва оилаларида ҳеч қандай муаммо ва қийинчилик мавжуд эмаслигини айтишган.

Шахсий ва оилавий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш имконияти кўп ҳолларда Ўзбекистонда бунинг учун яратилган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларга боғлиқ. 54,5 фоиз сўралганлар уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун мамлакатда барча шароитлар яратилган деб ҳисоблашади. 2005 йилда шундай деб 37,6 фоиз сўралганлар ҳисоблашар эди. Бинобарин, саволга салбий жавоб берганларнинг сони 42,9 фоиздан 28,9 фоизга камайган. Бу мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан гувоҳлик беради. Жавоб беришга қийналганлар улушининг камайганлиги фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ортганлигидан, уларнинг мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга жонли муносабатда бўлаётганлигидан далолат беради (31-расм).

Ушбу масалада Наманган (80,2%), Тошкент (68,0%) вилоятларида яшовчилар энг кўп ўз ижобий кайфиятларини изҳор этишган, салбий муносабатда бўлганларнинг катта қисми - Хоразм (39,8%), Андижон (39,8%) ва Навоий (41,7%) вилоятлари аҳолиси орасида эканлиги аниқланган. Шаҳарликлар қишлоқликларга қараганда кўпроқ ўз олдиларида турган муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатда яратилган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ижобий баҳолашмоқда (мувофиқ равишда 59,3 фоиз ва 51,8%).

31-расм. «Сиз Ўзбекистоннинг муаммоларини ҳал қилишга ўз шахсий масъуллигингизни ҳис қиласизми?» деган саволга респондентларнинг жавоблари, %



Бугунги кунда, шунингдек, фуқароларнинг ўз олдиларида турган муаммоларни ҳал қилишни қандай тасаввур этишлари, уларнинг қанчалик ўз кучларига ишонишлари, қанчалик жамият ва давлатнинг ижтимоий институтларидан умид қилишлари ҳам муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Фуқароларнинг улар олдида турган муаммоларнинг ҳал этилиши кимга боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлари, бир томондан, уларнинг мустақилликлари, ўз кучларига ишонч даражалари ва мустақил фикрлай олиш қобилиятларини билдиради. Сўралганлардан ҳар учтадан биттасидан кўпроғи (39,1%) у ва унинг оиласи олдида турган муаммоларни ҳал қилиш фақат унинг ўзига, ўз имконият ва қобилиятларига боғлиқ деб ҳисоблайди. 2005 йилда бундайлар 30,6 фоизни ташкил этган.

31,1 фоиз (2005 йилда 28,7%) респондентлар улар муаммоларининг ижобий ҳал этилиши тенг даражада ҳам уларнинг ўзлари, ҳам давлатга боғлиқ деб айтишган. Ҳар тўрттадан битта (23,8%) сўралган муаммоларнинг ҳал этилиши кўпроқ давлатга боғлиқ деган фикрда. 2005 йилда деярли ҳар уч кишидан биттаси шундай жавоб берган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турганидек, инсонларда ўз муаммоларини ҳал қилишга бўлган шахсий жавобгарлик ҳисси ортмоқда, давлатга бўлган боқимандалик кайфияти йўқолмоқда, ўз ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашнинг мувофиқ йўлларини топишга бўлган интилиши намоён бўлмоқда (32-расм).

32-расм. «Сиз нима деб ўйлайсиз, мамлакатимизда Сиз ва оилангиз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун барча зарурий ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилганми?», деган саволга респондентларнинг жавоблари, %



Ўз кучларига Сирдарё (65;9%) ва Наманган (65,3%) вилоятларида яшовчилар кўпроқ ишонишади, Фарғона вилоятида эса бундайлар 23,5 фоиз эканлиги маълум бўлган. Кўпроқ инсонлар олдида турган муаммоларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши давлатга боғлиқ дегувчиларнинг катта қисми Сурхондарё вилоятида қайд этилган (45,3%). Ўрта позицияни шахс олдида турган муаммони ҳал қилиш ҳам давлат, ҳам инсоннинг ўзига бирдай боғлиқлигини қайд этган Қорақалпоғистон Республикаси (45,7%) ва Тошкент вилояти (40,3%) респондентлари эгаллашган (17-жадвал).

17-жадвал

«Ҳозирги вақтда шахсан Сизнинг, оилангизнинг олдида турган муаммоларни ижобий ҳал этиш кўпроқ кимга боғлиқ: Сизгами ёки давлатгами?», деган саволга респондентларнинг жавоблари, %

| Ҳудуд | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | шахсан менга боғлиқ | кўпроқ давлатга боғлиқ | ҳам менга, ҳам давлатга тенг даражада боғлиқ | айтишим қийин |
| Андижон | 36,1 | 29,3 | 30,8 | 3,8 |
| Бухоро | 34,1 | 15,9 | 43,2 | 6,8 |
| Жиззах | 39,3 | 16,4 | 32,8 | 11,5 |
| Қашқадарё | 31,7 | 24,6 | 39,7 | 4,0 |
| Навоий | 47,9 | 22,9 | 27,1 | 2,1 |
| Наманган | 65,3 | 5,0 | 24,0 | 5,7 |
| Самарқанд | 47,3 | 33,6 | 18,5 | 0,6 |
| Сурхондарё | 30,5 | 45,3 | 20,0 | 4,2 |
| Сирдарё | 65,9 | 19,5 | 14,6 | 0 |
| Тошкент | 38,9 | 16,0 | 40,3 | 4,8 |
| Фарғона | 23,5 | 28,3 | 33,1 | 15,1 |
| Хоразм | 45,8 | 15,7 | 37,3 | 1,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 31,5 | 16,3 | 45,7 | 6,5 |
| Тошкент ш. | 34,4 | 32,0 | 22,4 | 11,2 |

Сўров давомида респондентларга инсонларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги шахсий фикр ва муносабатларини яқинроқ ва тўлароқ ифодалайдиган қатор фикрлар тавсия қилиниб, улар орасидан ўзларига маъқулини танлаш таклиф этилган (18-жадвал).

2005-2006 йиллар сўровларининг қиёсий натижалари фуқароларнинг давлатга бўлган муносабатида ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2005 йил билан солиштирганда «Давлатимиз бизга ҳамма нарсани берди, ҳеч кимнинг яна нимандир талаб қилишга

18-жадвал

**Мамлакат фуқароларининг ўз давлатларига муносабатлари, %**

| жавоблар | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. |
|---|---|---|---|
| давлатимиз бизга ҳамма нарсани берди, ҳеч кимнинг яна ниманидир талаб қилишга ҳаққи йўқ | 14,5 | 19,7 | 21,2 |
| давлатимиз бизга кўп нарса берди, лекин ундан ҳам кўпроқ нарса талаб қилса бўлади | 24,1 | 27,7 | 26,6 |
| давлат бизга кам нарса бераяпти | 19,0 | 14,2 | 13,8 |
| бизнинг давлатимиз ҳозир шундай аҳволдаки, биз қандайдир қурбонлар эвазига бўлса ҳам унга ёрдам беришимиз керак | 15,7 | 16,4 | 15,6 |
| айтишим қийин | 26,7 | 22,1 | 22,8 |

ҳаққи йўқ» деб ҳисобловчиларнинг сони ортган ва «Давлатимиз бизга кўп нарса берди, лекин ундан ҳам кўпроқ нарса талаб қилса бўлади» қабилидаги фикрни ёқловчиларнинг сони бирмунча камайган.

Ҳудудлар бўйича натижаларни кўриб чиққанимизда давлат олдида ўзларининг юқори масъулиятларини ҳис қилувчилар ва «давлат бизга ҳамма нарсани берди» деб ҳисоблагувчиларнинг энг кўп миқдори Қорақалпоғистон Республикасида эканлиги маълум бўлди (43,5%).

«Давлатимиз бизга кўп нарса берди, лекин ундан ҳам кўпроқ нарса талаб қилса бўлади» деб ўйловчиларнинг кўпчилиги Навоий (62,5%), Сирдарё (51,2%), Тошкент (38,2%), Андижон (36,1%), Қашқадарё (31,0%), Самарқанд (30,0%) вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳри (28,0%) аҳолиси орасида кузатилган.

«Бизнинг давлатимиз ҳозир шундай аҳволдаки, биз қандайдир қурбонлар эвазига бўлса ҳам унга ёрдам беришимиз керак» деб Наманган вилоятидаги 52,9 фоиз ва Жиззах вилоятидаги 31,1 фоиз респондентлар ҳисоблашади.

Юқорида айтилган нуқтаи назарлар бўйича барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аниқланган тамойиллар 19-жадвалда янада яққолроқ кўрсатилган.

Тадқиқот бизнинг мустақил давлатимиз хавфсизлигига раҳна солаётган асосий таҳдидларни ҳам аниқлади, улар орасидан аҳоли томонидан терроризм ва диний экстремизм биринчи ўринда қайд этилган. Сўралганларнинг аксарият кўпчилиги (98,4%) Андижонда содир этилган жиноий хуруж ташкилотчилари ва ижрочиларини кескин танқид қилганлар ва мамлакат раҳбарияти томонидан терро-

19-жадвал

**Фуқароларнинг ҳудудлар бўйича ўз давлатларига муносабати, %**

| Ҳудудлар | Жавоблар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | давлат бизга ҳамма нарсани берди | давлат бизга кўп нарса бераяпти, лекин ундан ҳам кўпрок талаб килиш мумкин | давлат бизга кам нарса бераяпти | биз давлатга ёрдам беришимиз керак | айтишим қийин |
| Андижон | 26,3 | 36,1 | 22,6 | 6,0 | 9,0 |
| Бухоро | 19,3 | 14,8 | 19,3 | 5,7 | 40,9 |
| Жиззах | 6,6 | 1,6 | 3,3 | 31,1 | 57,3 |
| Қашқадарё | 27,8 | 31,0 | 4,8 | 12,7 | 23,8 |
| Навоий | 4,2 | 62,5 | 10,4 | 14,6 | 8,3 |
| Наманган | 14,0 | 9,1 | 0 | 52,9 | 24,0 |
| Самарқанд | 26,7 | 30,1 | 23,3 | 5,5 | 14,4 |
| Сурхондарё | 16,8 | 13,7 | 18,9 | 14,7 | 35,8 |
| Сирдарё | 4,9 | 51,2 | 17,1 | 9,8 | 17,1 |
| Тошкент | 32,6 | 38,2 | 3,5 | 9,7 | 16,0 |
| Фарғона | 7,8 | 25,3 | 21,1 | 18,1 | 27,7 |
| Хоразм | 26,5 | 20,5 | 16,9 | 22,9 | 13,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 43,5 | 23,9 | 7,6 | 14,1 | 10,9 |
| Тошкент ш. | 18,4 | 28,0 | 18,4 | 6,4 | 28,8 |

ризм, диний экстремизм ва антиконституциявий фаолиятга қарши олиб борилаётган чораларни тўла қўллаб-қувватлашларини билдирганлар.

Сўров терроризмга қарши кураш жараёнида умумий мақсад ва вазифалар туфайли бирлашган халқнинг якдиллиги муҳим аҳамият касб этшини тасдиқлади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ўзбекистонликларнинг ватанпарварлиги уларнинг Ўзбекистоннинг буюк келажагига бўлган ишончлари билан бевосита боғлиқ.

Жумладан, сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (90,4%) икки ижобий жавобни умумлаштирганда мамлакат мудофаасининг шу давргача эришилган ва ҳозирда мавжуд даражаси, шак-шубҳасиз, мустақил Ватанимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли таъминлашга имкон беради, деб ҳисоблашади (33-расм).

Барча ҳудудларда сўралганлар мамлакат хавфсизлиги даражасини умуман олганда деярли бир хилда баҳолашган (20-жадвал).

Сўров давомида мустақилликнинг 15 йиллиги байрами арафасида фуқароларнинг ижтимоий кайфияти қандайлиги ҳам аниқланган.

33-расм. <u>«Ҳозирги вактда шахсан Сизнинг, оилангизнинг олдида турган муаммоларни ижобий ҳал этиш кўпроқ кимга боғлиқ: Сизгами ёки давлатгами?»</u>, деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




20-жадвал

<u>«Сиз нима деб ўйлайсиз, мамлакат мудофаасининг ҳозирги кунда эришилган ва мавжуд даражаси мустақил Ватанимиз хавфсизлиги ва ҳудудий дахлсизлигини ишончли таъминлай оладими?»</u>, деган саволга респондентларнинг ҳудудлар бўйича жавоблари, %

| Ҳудудлар | жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳа | ҳа, лекин тўла эмас | йўқ | айтишим қийин |
| Андижон | 56,4 | 31,6 | 7,5 | 4,6 |
| Бухоро | 52,3 | 22,7 | 2,3 | 22,7 |
| Жиззах | 72,1 | 27,9 | 0 | 0 |
| Қашқадарё | 50,8 | 31,7 | 2,4 | 15,1 |
| Навоий | 66,7 | 31,3 | 2,1 | 0 |
| Наманган | 90,9 | 5,8 | 0 | 3,4 |
| Самарқанд | 68,5 | 24,0 | 5,5 | 2,1 |
| Сурхондарё | 67,4 | 18,9 | 5,3 | 8,4 |
| Сирдарё | 80,5 | 9,8 | 7,3 | 2,4 |
| Тошкент | 70,8 | 23,6 | 2,1 | 3,5 |
| Фарғона | 74,1 | 22,3 | 2,4 | 1,2 |
| Хоразм | 75,9 | 22,9 | 0 | 1,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 56,5 | 34,8 | 2,2 | 6,5 |
| Тошкент ш. | 49,6 | 30,4 | 5,6 | 14,4 |

53,5 фоиз (2005 йилда 50,4%) сўралганлар учун нормал, бир маромдаги кайфият хосдир, бу эса нафақат алоҳида инсон, балки умуман

34-расм. «Сиз нима деб ўйлайсиз, мамлакат мудофаасининг ҳозирги кунда эришилган ва мавжуд даражаси мустақил Ватанимиз хавфсизлиги ва ҳудудий даҳлсизлигини ишончли таъминлай оладими?», деган саволга респондентларниг жавоблари, %




жамиятнинг ўзини қандай ҳис қилаётганлигидан далолатдир. Аъло, юқори кайфият сўнгги пайтларда 21,5 фоиз респондентлар учун хосдир (34-расм).

Шунга қарамай, фуқароларнинг кўпчилиги (53,0%) ўз ҳаётларидан буткул ёки умуман олганда рози. 2005 йилда бундайлар 40,2 фоизни ташкил этган. Олдингидан кўра бирмунча камроқ респондентлар (31,3%) ўз ҳаётларидан қисман қониқаётганликларини айтишган (2005 йилда - 39,5%), худди олдинги каби ҳар ўнтадан битта респондент (2006 йида 11,4 фоиз ва 2005 йилда 10,3%) унинг ҳаёти кўп томонлама уни қониқтирмаётганлигини қайд этган. Фақат 2,9 фоиз (2005 йилда 6,6%) респондентлар ўз ҳаётлари уларни мутлақо қониқтирмаётганлигини кўрсатиб ўтишган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

1. Ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови натижалари таҳлили мустақилликнинг 15 йилида мамлакат иктисодий, сиёсий, маънавий тараққиёти соҳасида эришилган ютуқларнинг аҳоли томонидан юқори ва барқарор баҳоланаётганлигини кўрсатди. Ўзбекистондаги жамоатчилик фикри ҳолати ўзининг юқори даражадаги барқарорлиги билан ажралиб туради. 2003-2006 йилларда ўтказилган барча тадқиқотларда фуқаролар мустақилликнинг қўлга киритган бош ютуқларидан бири сифатида мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликни кўрсатиб ўтишган. Маълумотлар фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётининг кўпгина соҳаларидан юқори даражада қониқаётганликларидан гувоҳлик бермокда.

35-расм. <u>«Сўнгги пайтларда Сиз учун қандай кайфият кўпроқ хос?»</u>, деган саволга респондентларнинг жавоблари, %




36-расм. <u>«Умуман олганда, ҳозирги вақтдаги Сизнинг ҳаётингиз Сизни нечоғли қониқтиради?»</u>, деган саволга респондентларнинг жавоблари




2. Олинган натижалар жамоатчилик фикри томонидан мамлакат раҳбариятининг аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун етарли ҳаракат қилмоқда деб баҳоланаётганлигидан далолат беради.

3. Олинган маълумотларда қайд этилишича, республика аҳолиси Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни юқори даражада ижобий баҳоламоқда. Мустақилликнинг ўтган 15 йили давомида жамоатчилик фикри сўровлари Ўзбекистон фуқароларининг давлат раҳбарига бўлган юқори ишонч даражасини қайд

этиб келмоқда. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (бу йилда 92,8 фоиз, 2005 йилда - 91,2 фоиз, 2004 йилда - 91,0%) мамлакат Президентини барқарорлик, мустақиллик мустаҳкамланиши ва мамлакат олдида турган муаммолар муваффақиятли ҳал қилинишининг бош кафолати деб ҳисоблашади.

4. Сўров давомида олинган маълумотларга кўра мамлакат фуқароларининг кўпчилиги ўтган 15 йил давомида ҳаёт енгиллашди, эркинлашди деб ҳисоблашади (69,0%). Юқори кўрсаткичлар айниқса Наманган (93,4%), Сирдарё (90,2%), Жиззах (83,6%), Тошкент (83,3%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (85,9%) учун хосдир.

5. Сўровнинг олдинги босқичлари билан солиштирганда, мамлакат аҳолисининг тадбиркорликнинг самарали ривожланиши (2004 йилда 30,5 фоиз, 2005 йилда 38,6 фоиз ва 2006 йилда 45,5%), таълим муассасаларининг ишидан (2004 йилдаги 32,4 фоиздан, 2005 йилда 35,9 фоиз ва 2006 йилда 45,0%гача) қониқиши даражаси ўсган. Давлат ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бўлган фуқаролар, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояси даражаси ҳам сезиларли ортган (2004 йилдаги 34,4 фоиздан, 2005 йилда 36,6 фоиз ва 2006 йилда 43,5%гача), бу эса давлат томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган катта кўламли ишлар ҳақида гувоҳлик беради. Умуман олганда, ўзбекистонликларнинг, 2003 йилдаги сўровга нисбатан, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ривожланишдан қониқиш даражаси икки баравар ортган (21,1 фоиздан 40,4 фоизгача).

6. Тадқиқот давомида олинган натижалар фуқароларнинг ўз маълумот даражасини баҳолашининг анча - 2004 йилдаги 49,4 фоиздан 2005 йилдаги 64,7 фоизгача ўсганлигини аниқлади. Ўзбекистон жамоатчилиги фикрича, фуқароларнинг турли фаолият соҳаларидаги профессионаллик сифатларининг баҳоланиши ҳам 2004 йилдаги 48,6 фоиздан 2005 йилдаги 63,6 фоизгача ортган.

7. Тадқиқот муҳим тамойилни юзага чиқарди: фуқаролаик ўз-ўзини англаш жараёни ижобий барқарорлик касб этмоқда, айниқса аҳолининг энг фаол ва бунёдкор қисми бўлган ёшлар ўртасида. Ёш авлоднинг тафаккури миллий истиқлол ғояси, мамлакатнинг кейинги ривожланиши учун демократиялаштириш, ошкоралик, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, давлат мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг аҳамиятини англаш каби ғоялар билан суғорилган.

8. Аҳолининг фуқаролик онгида миллий истиқлол ғояси ва уни ҳаётга татбиқ эишнинг долзарб вазифалари мустаҳкам ўрнашган. Бу

барча қийинчилик ва муаммолар мавжудлигига қарамасдан фуқароларнинг эркинлик ва ўз давлатлари мустақиллиги йўлидан чекинмасликлари, уни ҳимоя қилишга тайёр эканликларидан далолат беради.

9. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қарор топиши 15 йил давомида аҳоли сиёсий онги ва сиёсий маданияти ўзгаришидаги энг олий ютуқдир. Шунинг билан бирга, тадқиқот натижаларининг гувоҳлик беришича, мустақиллик ғоясининг ижтимоий қадрият сифатида янада мустаҳкамроқ қарор топиши учун мамлакат фуқароларини безовта қилаётган долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни тубдан ҳал қилиш, жойлардаги давлат органлари ишини яхшилаш, уларнинг ўзларига юкланган вазифаларни бажаришлари учун жавобгарликни кучайтириш зарур.

10. Тадқиқот халқимиз учун бош сиёсий қадрият мамлакат ҳаётида тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши эканлигини тасдиқлади. Айнан мустақилликнинг қўлга киритилишини инсонлар тинчлик ва осойишталикнинг сақланиши, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий низоларга йўл қўйилмаслигининг бош асоси деб ҳисоблашмоқда. Тадқиқот натижалари аҳолининг демократик идеал ва қадриятларга содиқлигининг умумий ўсганлиги тамойилини кўрсатди. Бу мамлакат раҳбариятининг дунёвий демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган йўналиши аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганлигидан гувоҳлик беради. Иқтисодий янгиланишлар соҳасидаги натижаларнинг баҳоланиши ўтиш даври бирданига ҳал қилиш мумкин бўлмаган кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан кечишидан далолат бермоқда. Фуқаролар иқтисодиётдаги ислоҳотлар дарров кутилган натижаларни келтириши ва бир вақтнинг ўзида барча ижтимоий табақалар ҳаётини яхши томонга ўзгартириши мумкин эмаслигини тушуниб етмоқдалар.

11. Тадқиқот натижалари яна бир бор жамоатчилик фикрининг турли давлат ҳокимияти институтлари фаолият сифати аниқловчи ва жамият турли соҳаларида эришилган ютуқларни кўрсатувчи ойна эканлигини исботлади. Бу ҳақда мамлакат фуқароларининг давлат ва жамият ҳаётининг турли турли соҳаларида эришилган натижалардан қониқиш ҳосил қилиш юқори даражаси кўрсаткичлари гувоҳлик бериб турибди. Бироқ ушбу қониқиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига даражаланган ҳолда тааллуқлидир. Эришилган натижаларнинг фуқаролар томонидан танқидий баҳоланиши ҳоллари тиббий хизмат, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида, қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида

ҳали кўпгина ишлар қилиниши кераклигидан далолат беради.

12. Эртанги кунга бўлган ишончнинг юқори даражасидан аҳолининг Ўзбекистон иқтисодий, молиявий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланди ва ўз ички муаммоларини мустақил ҳал қилишга янада қодир бўлди деган қатъий фикри гувоҳлик беради. Фуқароларнинг аксарият кўпчилиги мамлакат ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиши ва юқори даражада ривожланган ва фаровон давлатга айланишига буткул ишонишади.

13. Сўров анъанавий қадриятларнинг сақланиши билан бир қаторда қонун, инсон ҳуқуқларига ҳурмат сингари демократик қадриятларнинг ҳам нуфузи органлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ижтимоий онгда бир қатор қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида Худога ишончнинг кучайиши ва никоҳ асосларининг кучсизланиши, шахсий масъулиятнинг ортиши ва инсонларнинг виждонан ва сифатли ишлашга интилишининг сустлиги кузатилади. Ушбу номувофиқликлар мамлакатнинг ўтиш даври билан боғлиқ ҳолат бўлиб, уларнинг бартараф этилиши ҳам иқтисодиёт, ҳам маънавият соҳасида қаттиқ ишлашни талаб қилади.

14. Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик онгининг шаклланиш жараёни умуман олганда ижобий барқарорлик ва фаоллиги билан ажралиб туради. Фуқаролик онгини фаоллаштирадиган асосий омил аҳоли ижтимоий фикрининг ўзи бўлиб, у жамият муҳитидаги ижобий ҳодисаларни рағбатлантириб туради. Ўрта ёшдаги одамлар ва ёшлар ижтимоий онгидаги ўзгаришлар айниқса жуда тез кечмоқда. Бироқ, катта ёшдаги шахслар умуман олганда янги ижтимоий ва иқтисодий воқеликка муваффақиятли кўникмоқдалар. Вазиятга мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган аниқ мақсадли ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Сўров қилинганларнинг кўпчилиги ушбу стратегияни нафақат қўллаб-қувватлашади, балки ижтимоий нафи ортиши учун уни янада кучайтирилишига умид қилишади. Эришилган натижалар жамоатчилик фикри ижобий барқарорлашувининг кучли омили, охир-оқибатда эса - бутун жамият барқарорлигининг асосидир.

15. Мамлакат барча ҳудудларида фуқароларнинг мустақил ҳаёт позициясига эгалиги истиқбол учун умид уйғотади. Умуман олганда мамлакатнинг деярли ҳар иккита фуқаросидан бири ўз олдида турган муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши унинг шахсий фаоллигига боғлиқ деб ҳисоблайди.

16. Сўров мамлакат фуқароларининг терроризм ва диний экстремизмни кескин қоралашлари ва давлатнинг тинчлик ва барқарор-

ликни таъминлаш мақсадида террористик ва экстремистик хуружларга қарши олиб бораётган курашини тўла қўллаб-қувватлашларини аниқлади. Мамлакат аҳолисининг 98,4 фоизи Андижонда содир этилган жиноий хуруж ташкилотчилари ва ижрочиларини кескин танқид қилганлар ва мамлакат раҳбарияти томонидан терроризм, диний экстремизм ва антиконституциявий фаолиятга қарши олиб борилаётган чораларни тўла қўллаб-қувватлашларини билдирганлар.

17. Сўров Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ўзбекистонликларга нормал, бир маромдаги кайфият хослигини исботлади, бу эса нафақат алоҳида инсон, балки умуман жамиятнинг ўзини қандай ҳис қилаётганлигидан далолатдир. 2006 йилда 2004 йилдагига нисбатан фуқаролар ижтимоий кайфиятининг ижобий ўсиши кузатилган ва бу кўрсаткич 2005 йилдаги 50,4 фоиздан 2006 йилдаги 53,5 фоизгача ўзгарган. Аҳоли орасида мамлакатнинг ўз олдида турган мураккаб ўтиш даври муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиши ва юқори даражада ривожланган ва фаровон давлатга айланишига бўлган етарли ишонч даражаси мавжуд бўлиб, жамоатчилик томонидан бунинг кафолати сифатида Президент, қонун устуворлиги ва халқ бирлиги санаб ўтилган.

18. Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида ўтказилган ижтимоий сўров маълумотлари Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўли тўғрилигини ишонарли равишда тасдиқлади. Улар аҳолининг шундай қисқа тарихий давр мобайнида улкан ва самарали натижаларга эришишга имкон яратган бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган Президент сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганидан гувоҳлик беради.

# ХУЛОСА ЎРНИДА

## «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази: дастлабки қадамлар ва истиқболли йўналишлар

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва олинган хулосаларнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган жамиятни мутассил ва жадал демократиялаштириш жараёнининг самарали механизмларидан бири ҳисобланади. Жамиятни демократиялаштириш маънавий бой ва сиёсий фаол шахс, фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштиради. Айнан мана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги Фармони билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилди.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш устуворликлари орасида жамоатчилик фикри омилини ажратиб кўрсатди. У «жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу»[1] эканлигини таъкидлади.

Жамоатчилик фикри - бу мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, аҳолидан мунтазам равишда сўраб чиқиш материаллари негизида ташкил этилиши мумкин. Шу муносабат билан жамоатчилик фик-

---

1 Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

ри фуқароларнинг бир лаҳзалик кайфиятини ифодалайдиган юзаки ҳодисадир деган қараш жуда хато қараш эканлигини таъкидлаш лозим. Методик жиҳатдан ишнинг кўзини билиб амалга оширилган тадқиқотлар омма кайфияти ва кўрсатмаларининг ҳар хил даражаларини ўрганиш воситаси бўлиши мумкин. Бунда «турли даражалар ўртасида ўтиш мавжудлигини кўрсатиш етарли эмас, бундай ўтишнинг эҳтимол тутилган омилларини - ҳаракатлантирувчи кучлари, қаршилиги, варианти ва ҳоказоларни таҳлил қилиш ҳам жамоатчилик фикри тадқиқотчиларининг вазифасига киради»[1].

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш тажрибаси жамоатчилик фикри сўровлари натижасида олинадиган субъектив ахборот ишончлилигининг жуда юқорилигини, ҳар ҳолда социал статистика ишончлигидан кам бўлмаган даражада ишончлилигини кўрсатади.

Жамоатчилик фикрига, энг аввало, унинг амалий аҳамияти нуқтаи назаридан қараш зарур. Бунда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг амалий натижалари қуйи даражага эга, уни салоҳият сифатида талқин қилиш ва, жумладан, мазкур ресурсдан амалда фойдаланиш ресурси сифатида прогнозлаштириш мумкин деб уқтирадиган Ю.Леваданинг фикрига қўшилиш лозим. Жамиятда юз бераётган ҳар хил ҳодисаларни прогнозлаштиришнинг жуда муҳим воситаси сифатида социология нуқтаи назаридан жамоатчилик фикри сўровининг аҳамияти айниқса каттадир[2].

Ўзбекистоннинг жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида ишлаётган мутахассис олимлари олдида жуда муҳим вазифа - ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ва мамлакатнинг сиёсий ривожланиши соҳасида жамоатчилик фикри шаклланишининг асосий тенденциялари ва муаммоларини, шунингдек ўтиш даври шароитларида фуқаро шахси қарор топишини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш вазифаси турибди.

Миллий мустақиллик ғояси, юксак маънавият ва маърифатпарварлик, демократия ва фуқаролик жамиятининг мутаҳкамланиши Ўзбекистоннинг мавжуд ва ривожланишининг тарихан янги сифатини белгилаб беради. Ўзбекистоннинг социология фани мураккаб, би-

---

1 Левада Ю. Активы и ресурсы общественного мнения // Мониторинг общественного мнения. 1998. №4. 112 б.

2 Қаранг: Левада Ю. «Средний человек» фикция или реальность? //Мониторинг общественного мнения. 1998. №2. 7 б.

роқ сермаҳсул изланиш босқичида турибди: миллий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтиш даври шароитларида юз бераётган тарихий жараёнларни, жамиятнинг ривожланиши назарияси ва методологиясининг ишончи таҳлилини амалга ошириш ва тушунтириб бериш зарур. Методологик ёндашувлар қаторида тизим ҳосил этувчи мезонларни - Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ажратиб кўрсатиш лозим. Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиши хавфсизлик ва барқарорликка қаратилиши - Ўзбекистон социология фани ва амалий социологиянинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини бевосита белгилаб беради. Уларнинг энг асосийларини кўриб чиқамиз.

Бозор ислоҳотлари ва демократик ислоҳотлар фаол амалга оширилаётган ўтиш даврида жамоатчилик фикридаги қарама-қаршилини тадқиқ этиш шахс, жамият ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги аниқ социологик тадқиқотлар орқали аксинча алоқанинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, бу билан демократик ва фуқаролар мулоқотининг самарали бўлишига кўмаклашиш зарур.

Базавий социал-демократик гуруҳларнинг ишончи социологик «қиёфаси»ни ишлаб чиқиш муҳимдир. Ижтимоий янгиликлар ва шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг уларга мослашиши орқали ёшлар, аёллар, тадбиркорлар социологиясининг устувор муаммоларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, социология жамиятда ва унинг аниқ бир ижтимоий гуруҳларида фуқаровийлик ва ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, мафкура, демократлаштириш маданияти, ижтимоий ўзини ўзи танқид, ижтимоий масъулият сингари омилларни мавзуси ўрганиш назарияси ва технологиясини ишлаб чиқиши зарур. Ижтимоий ривожланишининг ижобий тенденцияларини аниқлар экан социология Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим миллий манфаатларига хавфлар ва таҳдидларнинг «нозик» методикасини ишлаб чиқишга даъват этилгандир.

Мустақиллик ва жамиятнинг маънавий янгиланиши шароитларида шахс, жамият ва давлат ривожланишининг яхлит ҳолатини социологик ўрганиш мамлакат олимларини Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг кўламда интеграцияси туфайли келиб чиққан замонавийлаштириш ва мослаштириш каби глобал жараёнларнинг тенденциялари ва қонунларига нисбатан йирик умумлашмалар чиқаришга олиб келиши зарур.

Барқарорлик ва тараққиёт кафолати шартларининг бири сифатида демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг

шакллантирилиши халқ демократик институти бўлмиш маҳалланинг ижтимоий салоҳиятини ўрганишини, Ўзбекистонда жамоатчилик фикри шаклланишининг муҳим механизми сифатида маҳалланинг ўрни ва ролини аниқлашни фаоллаштиради. Бугунги кунда жамоатчилик фикрини ўрганиш билан биргаликда уни жамият учун зарур бўлган йўналишида шакллантиришни ўрганиш жуда муҳимдир. Буни ижтимоий нуқтаи назардан маҳалла даражасида энг самарали амалга ошириш мумкин.

«...Нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлмиш умумэътироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш...» зарур. «...Шуни унутмаслик лозимки, авваламбор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади»[1].

Марказ ташкил этилган пайтдан бошлаб унинг фаолиятига муайян вазифа - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиши соҳаларида жамоатчилик фикрининг асосий тенденцияларини тизимли аниқлаш, таҳлил қилиш ва комплекс ўрганиш вазифаси асос қилиб олинди. Социологиянинг ушбу йўналиши Ўзбекистонда эндигина пайдо бўлмоқда ва республикада социология фанининг ролини кучайтиришда фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда авж олдирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистон социология фани олдига иқтисодиёт, жамият ва давлат билан муносабатларнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги вазифасини қўйди.

Республиканинг мустақиллик йилларидаги тажрибаси жамиятдаги унинг барча аъзоларининг талабларини турлича етарлиликда қондириши мумкин бўлган моддий ва идеал нисбатни аниқлашни талаб этадиган ички зиддиятларни ҳал этишда интеграл ёндашув зарурлиги тўғрисидаги ғояни тадиқлайди.

---

1 Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2003 йил 25 апрель.

Ушбу ҳолат жамиятнинг турли қатламлари мувозанатини сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки жамиятнинг барқарорлигини, ҳар бир кишининг маънавий олами ва қадр-қимматини таъкидлайди. Ўзбекистонда айнан ушбу мувозанат сақланганлиги туфайли ривожланишининг янги босқичига ўтиш даври ижтимоий ларзаларсиз рўй берди. Вақт ўтиши билан устуворликлар ўзгариши мумкин, фақат мувозанатлилик ва уйғун нисбат принципи ўзгаришсиз қолди.

Янги ижтимоий тизимга ўтиш фан учун изсиз бўлмайди. Ўзбекистондаги социология фани ҳам бундан мустасно эмас. Ҳақиқатни излашнинг мураккаб ва кўп жиҳатдан қийин жараёни кечмоқда ва ҳақиқатнинг кўплаб бирламчи назарий қоидалари ижтимоий муносабатларнинг янги тизимида яна шубҳа остига олинмоқда. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга татбиқан теран, асос бўлувчи, пухта социологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёж долзарблашмоқда.

Марказ фаолият кўрсатган нисбатан унча катта бўлмаган даврда Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётининг энг аҳамиятли масалалари бўйича 160 комплекс, тўлақонли, мақсадли социологик тадқиқотлар ва жамоатчилик фикри сўровлари ўтказилади. Республика барча минтақаларининг 7100 маҳалласи, 4300 қишлоқ кенгаш улар билан қамраб олинди. Сўровда иштирок этган респондентлар сони 150 000 кишидан ошади. «Ижтимоий фикр» маркази жамоатчилик фикрини яхлит таҳлил қилиш воситасига айланмоқда, ҳокимият органлари ва жамият ўртасидаги аксинча алоқа функциясини бажармоқда.

Марказ қуйидаги йўналишлари бўйича тадқиқотчилик лойиҳаларга алоҳида аҳамият беради,

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш устуворликлари ва муаммолари ҳамда ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- мамлакат ижтимоий ҳаётининг, давлат сиёсатининг долзарб масалалари ҳақида жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув олий органлари қарорларининг аҳоли томонидан тушунишини тавсифлайдиган жамоатчилик фикрининг устувор тенденцияларини аниқлаш;
- кишилар дунёқарашини шакллантиришнинг, улар ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маънавий, ҳуқуқий ва диний онги ҳолати ва мазмунининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

- аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштиришнинг устуворликларини белгилаш.

Бугунги кунда Ўзбекистон социология фанини тиклашда муайян босқич босиб ўтилганлигини ва унинг йўналишларидан бири - жамоатчилик фикри социологиясини ўрганиш соҳасида янги сифатга ўтиш вазифаси турганлигини қайд этиш зарур. Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг илмий асослаган прогнозларини ишлаб чиқиш имконини берадиган аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги соҳасида ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият соҳасида асос бўлувчи социологик тадқиқотларни янада ривожлантириш зарур.

Мамлакатни ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ва ҳуқуқий ислоҳотларга муносабатини тадқиқ этиш олдинда турган даврда устувор вазифа ҳисобланади.

Фаол меҳнат қилиш ва ижтимоий фаоллик ёшидаги фуқаролар авлодининг бўлажак алмашиши ҳисобга олинган ҳолда ёшларнинг қадриятли йўналишлари ёппасига ўрганилиши лозим.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли мамлакат эканлигини ҳисобга олган ҳолда миллий жамоаларнинг ватанпарварлик кайфиятини ва миллатлараро уйғунлик жамиятини барпо этишда уларнинг ҳиссаларини очиб берувчи мавзулар қизиқиш уйғотади.

Жамиятимиз ҳаётида тадбиркорликнинг роли тобора ўсиб бораётганлиги уларнинг қадриятли йўналишларини, ижтимоий-сиёсий устуворлик беришларини ва ҳуқуқий маданияти даражасини аниқлаш мақсадида фуқароларнинг ушбу ижтимоий тоифасини комплекс тадқиқ этиш тақозо этилади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш шароитларида дин шахснинг фуқаролик нуқтаи назарига жиддий таъсир кўрсатадиган энг интегратив омил ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу мураккаб жараённи янада ўрганиш талаб этилади. Ижтимоий кайфият жамиятнинг маънавий соғломлиги ва барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу аҳолининг ижтимоий психологиясини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий кайфият кўрсаткичларини ишлаб чиқишни долзарблаштиради.

Доимий олиб бориладиган мониторинг, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га мурожат қилган шахсларни сўраб чиқиш, шунингдек, мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеаларга, масалан, Олий Мажлис сессиясига жамиятнинг муносабатини тадқиқ этиш асосида ўзини оқлаган жамоатчилик фикрини сўраб

чиқиш орқали Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни ўрганиш давом эттирилиши зарур.

Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий, маънавий ва дунёқараш билан боғлиқ жараёнларнинг моҳияти ва тенденцияларини хорижий илмий ва ижтимоий жамоатчиликка тушунтириш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш зарур.

Ҳуқуқий маданият, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ривожланишининг ишончли прогнозларини тайёрлаш соҳасида социологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий муаммолари ва методиткасини прогноз қилишни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Аҳолини ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти эътиборга олинган ҳолда оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг дунёқарашини шакллантиришда уларнинг роли тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганишга доир тадқиқотлар давом эттирилиши керак.

Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XI сессиясида таъкидлаганидек, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш жамиятимизнинг кундалик сиёсий ҳаётининг белгисига айланиши, мамлакатдаги тарихий қайта ўзгартиришлар даврида - ижтимоий жараёнларни бошқариш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида социология фани салоҳиятидан фойдаланиб, жамоатчилик фикрида юз бераётган туб силжишларни англашга ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан фаол фойдаланиши керак. Бу жамоатчилик фикри социологияси фани олдига қўйилган муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

# ИЛОВАЛАР

*1-илова.*

## «ЎЗБЕКИСТОН -УМУМИЙ УЙИМИЗ»
### социологик тадқиқот дастури

Муаммонинг қўйилиши. Истиқлол йўлига чиқиб олган Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган ислоҳотлар миллатлараро муносабатлар соҳасида бевосита акс этмоқда. Барқарор ва миллатлараро тотувлик - янги Ўзбекистон давлатчилигининг хусусиятидир. Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида таъкидлаганидек, «Сўнгги йилларнинг энг катта неъмати - бу умумий уйимиздаги тинчлик ва тотувликдир».

Ўтиш даврида давлатнинг зийрак сиёсати чуқур сифатий ўзгаришларни тақозо этуви миллатлараро муносабатларнинг мутлақо янги тизимини яратишга йўналтирилгандир. Бу мураккаб жараённинг миллатлараро тангликсиз қарор топишида, шубҳасиз, мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Аҳиллик ва бошқа миллат вакилларига ўзаро ҳурматда бўлиш каби ўзбекларда тарихан шаклланган сифатлар «уларнинг умумий маданияти ҳамда менталитетнинг ажралмас таркибий қисмига айланган» (И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент, 1997, 77-б).

Лекин шу билан бирга эришилган ютуқлар бизни хотиржамликка берилишимизга замин яратмаслиги керак, зеро, миллатлараро муносабатлар қандайдир ўзгармайдиган нарса эмас, ваҳоланки, тарих, сиёсат, маданият ва албатта, инсон руҳияти билан чамбарчас боғланган ҳаётий жараёндир. Маълумки, миллий ҳис-туйғулар энг нозик ва олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади. Одамларнинг маълум миллатга мансублигини англаши кўпмиллатли жамиятимизда биринчидан, бошқа миллатларнинг ўз милла-

тига бўлган муносабатларини тушуниши ва иккинчидан, умумий уйга тааллуқлигини англаш ҳис-туйғулари билан уйғунлашган ҳолда ҳис этилиши лозимдир.

Шу сабабли этник хусусиятларнинг ҳал этилмаган масалаларини белгилаш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради ва бу борада тадқиқотларни амалга оширишни кун тартибига чиқазади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар аҳволини тадқиқ қилиш зарурлиги қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчидан, мустақиллик йиллари давомидаги нафақат республикамизда, балки бошқа давлатларда орттирилган тажрибани ҳисобга олиш. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаги, турли миллат вакиллари орасида фақат ўзаро ҳурмат, ишонч, уларнинг ўзаро маданий таъсири, келишув маданиятини ривожлантириш шароитидагина умумий уйимиз, келажагимизни кўриш мумкин;

- иккинчидан, Марказий Осиёда тарихан мавжуд бўлган универсализм ғояларидан айниқса, чуқур суғорилган Ўзбекистондаги ижтимоий муроса ва келишувчилик маданияти. Бу маданиятнинг асосини минтақадаги асосий миллатларнинг бошқаларга сабр, қаноат ва чидамлилик билан қараш хусусияти ташкил этади;

- учинчидан, яқин келажакда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги кескин ўзгаришлар кутилмаётганлиги ва бу соҳада бирон-бир келишмовчилик йўқлиги ҳақида назарий тахминнинг мавжудлиги;

- тўртинчидан, ягона фуқаролик тотувлиги ўрнатилиши жараёнига ёрдам берувчи, лекин аввалги ўн йилликлар сиёсатининг акс-садоси сифатида келишмовчилик вазиятларнинг бўлиши мумкинлигини инкор этмайдиган ўзига хос тарихий-этнографик бирлик шаклланганлигини ҳисобга олиш;

- бешинчидан, миллий давлатчиликка ва жамият хавфсизлигига таҳдид қилувчи этник ва миллатлараро можароларнинг олдини олиш;

- олтинчидан, миллатлараро муносабатлар аҳволи эмпирик социология воситалари орқали етарли даражада ўрганилмаганлиги, масаланинг эмприк пойдевори йўқлиги тадқиқотни ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатдан долзарблигини оширади.

Шубҳасиз, миллатлараро тотувликни таъминлаш кўпмиллатли мамлакат шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар олиб боришнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда ижтимоий жараёнларнинг кейинги даврдаги ривожининг сифати ва мазмуни бу ерда амалда миллатлараро муносабатларнинг уйғунлашувига эришиш масаласида тўғри йўл танланганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу социологик тадқиқотнинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларнинг бугунги кундаги аҳволи Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклардан иборат асосий миллат ва туб ерли бўлмаган миллат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, жанжал ва келишмовчиликлар келиб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш ва турли миллат вакилларининг ижтимоий қулайлик даражасини аниқлашдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг қуйидаги асосий вазифалари қуйидагилар:

- ижтимоий онгнинг асосий қадрият йўналишларини аниқлаш;
- Ўзбекистонга умумий уйимиз сифатида муносабатда бўлиш жамият барқарорлиги ва миллатлараро тотувликни ўрнатишнинг асосий омили деб билиш даражасини аниқлаш;
- жамиятдаги миллатлараро муносабатларга жамиятдаги турли хил ижтимоий гуруҳлар томонидан берилган баҳонинг сифати ва мазмунини ўрганиш;
- турли этник гуруҳларнинг ижтимоий саломатлиги турларини, уларнинг ўз ижтимоий мавқеи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш;
- миллатлараро муносабатлар ривожланиши йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий шакллар ҳолатини аниқлаш.

Тадқиқот предмети сифатида умумий уй шароитидаги ўзбекистонликларнинг этномиллий ва ижтимоий-маданий ҳолатлар жараёнлари олинди. Таҳлилнинг асосий йўналиши қуйидаги муаммоларни аниқлаш орқали очиб берилмоқда:

а) Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат;

б) миллатлараро муносабатлар аҳволига баҳо бериш;

в) ижтимоий-иқтисодий вазиятга муносабат;

г) давлат тилини бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганиш даражаси.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг баъзи минтақаларидаги турли миллат вакиллари олинди.

Тадқиқот гипотезаси (тахмини). Тадқиқотда мамлакатимиз Президенти И.Каримов илгари сурган қуйидаги фикрлар методологик асос вазифасини ўтайди: «миллатлараро муносабатларда можаро вазиятлари юзага келиши учун негиз бор. Бу негиз Марказий Осиё

республикаларининг ҳудудий-маъмурий чегараларини белгилаш бўйича Россия империяси олиб борган ва кейинчалик совет ҳокимияти давом эттирган сиёсатга асосланган». (И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т., 1997 72-73 бетлар).

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакатдир. Бу ерда 950 минг рус, 1200 минг тожик, бир миллиондан ортиқ қозоқ, 250 минга яқин қирғиз ва бошқа кўп миллат вакиллари яшамоқдалар. Улар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун «Ўзбекистон - бизнинг умумий уйимиз» шиори остида бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига қулай кириб боришига ёрдам беради.

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги гипотезаларга таянамиз:

1. Инсон ҳуқуқларининг камситилиш масалалари билан боғлиқ бўлган гуруҳий ва хусусий ёндашувлар, талаблар, шикоятларнинг эҳтимолий мавжуд бўлиши, «ёлғон» стереотиплар, маълум маънода нотўғри шаклланган миллий фикр-қарашлар, «майда миллат синдроми»нинг юзага чиқиши ва бошқа асоссиз бўлган муаммолар.

2. Давлатнинг мунтазам равишда олиб бораётган демократик ва одилона миллий сиёсати жамиятнинг ўз-ўзини миллий англаши жараёни орқали жипслашишга, шунга мос ва ўз вақтида барча миллатларнинг маданий-тил муаммоларини ҳал этилишига, фуқаро тотувлигига ёрдам беради.

Сўров услуби. Тасодифий-эҳтимолий танланма йўли билан аҳолининг ижтимоий-демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган интервью (сўров) - бирламчи маълумот тўплаш усулидир.

1999 йилда сўров Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўтказилди. Режалаштирилган танланма сўров ҳажми - 1600-1700 кишидан иборатдир.

Тадқиқот кўрсаткичлари. Қўйилган масалаларга мувофиқ тадқиқотда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Миллатлар бўйича ижтимоий статистика ва аҳоли рўйхати маълумотлари.

2. Мамлакатдаги миллатлараро ва фуқаровий тотувлик ҳақидаги умуммиллий қадриятларга таяниш даражаси.

3. Она-Ватан респондент учун ниманинг ифодаси эканлигини аниқлаш.

4. Маданият ва тил муаммоларига муносабат.

5. Миллатлараро муносабатларнинг аҳволи, ундаги ижобий ва салбий ҳолатлари белгилаш.

6. Турли миллат вакиллари орасидаги келишмовчиликлар сабаби.

7. Мамлакатда яшашнинг ижтимоий қулайлиги даражаси.

8. Ҳозирги пайтдаги умумий ижтимоий-сиёсий вазиятнинг социологик баҳоси.

9. Умумий уйимиз қурилишидаги айрим салбий ҳолатларни бартараф этиш жараёнлари.

10. Республикадан кўчиб кетиш сабабларининг социологик таҳлили.

11. Шахсий фаоллик ва жамоат ишларида қатнашишнинг умумий манзараси.

Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари:

а) бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш;

б) компьютерга киритиш;

в) маълумотни ЭҲМда қайта ишлаш;

г) қайта ишланган якуний жадвалларни яратиш;

д) иккиламчи-учламчи маълумотлар тақсимотининг бирламчи таҳлили;

е) якуний таҳлил;

ж) хулоса ва тавсиялар.

Тадқиқот якунлари

Маълумот таҳлил ҳисоботи, таҳлил маърузаси, маъруза матни.

Кутилаётган натижалар

Тадқиқот миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни аниқлаб беради, салбий ҳолатларни йўқотиш йўлларини кўрсатади, умумий уйимизга бўлган фахр-ифтихор ҳиссиёти манбалари ва шаклланиш йўлларини белгилаб беради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**«Ижтимоий фикр»**
**жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази**

# «КЎПМИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН»
## социологик сўровнинг

## С А В О Л Н О М А С И

№______ .

**I. Минтақа**

1. Тошкент шаҳри
2. Қорақалпоғистон Республикаси

**Вилоятлар:**

3. Андижон вилояти
4. Бухоро
5. Жиззах
6. Қашқадарё
7. Навоий
8. Наманган
9. Самарқанд
10. Сурхондарё
11. Сирдарё
12. Тошкент
13. Фарғона
14. Хоразм

**II. Яшаш жойи**

1. Шаҳар
2. Қишлоқ

III. Шаҳар ______________________________

IV. Туман ______________________________

V. Қишлоқ кенгаши ______________________________

VI. Қишлоқ (овул), маҳалла ______________________________

VII. Аниқ манзил ______________________________

Тошкент - 2006

*Ассалому алайкум! Менинг исмим _________________________ .*

*Мен «Ижтимоий фикр» марказининг вакилиман. Биз одамларнинг мамлакатимиздаги миллатлараро, шахслараро муносабатлари ҳақида фикрини билмоқчимиз.*

*Бизнинг сўровномамиз махфий бўлиб, исм ва фамилиянгизни белгилашиш шарт эмас. Сизнинг жавобларингиз фақат умумлаштирилган ҳолда кўрилади ва бизнинг умумий уйимизда миллатлараро ва фуқаровий хамжихатликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.*

Сана: ________ Кун ________ Ой ______________ Йил.

***Интервью бошланган вақти:* ______ *Соат* _________ *Дақиқа.***

А. Ўзбекистоннинг кўпмиллатлиги

А1. Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари мобайнида энг қимматли топилмаси, умумий уйимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролар орасидаги ҳамжиҳатлик деган фикрга қўшиласизми?

1. Ҳа, тўлиқ қўшиламан
2. Қўшиламан
3. Йўқ, қўшилмайман — а3 саволга ўтинг
4. Жавоб беришга қийналаман — а3 саволга ўтинг

А2. Жамиятимизда миллатлараро ва фуқаровий хамжихатликнинг асоси нимада деб ўйлайсиз?

Интервьюер, 2 тагача жавобни белгилаш мумкин.

1. Президентимизнинг миллий сиёсати
2. Давлатимизнинг оддий фуқароларга нисбатан ғамхўрлиги
3. Ижтимоий-сиёсий соҳада, иқтисодиётда барқарорлик
4. Ўзбек халқининг юксак маънавий хислатлари, унинг бағрикенглиги
5. Ўзбекларнинг бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан хушмуомалалиги
6. Ўзбекистон мусулмонларининг бошқа дин вакилларига самимий муносабатлари
7. Мамлакатимиздаги ўзбек миллатига мансуб бўлмаган миллат-

лар вакилларининг фуқаровий нуқтаи назаридан ўзини тўғри тута билиши

8. Бошқа нима? (ёзинг) ________________________.

А3. Сиз учун Ўзбекистон ниманинг тимсоли?

И! 2 тагача жавобни белгилаш мумкин!

1. Менинг жонажон Ватаним
2. Аждод-авлодларим Ватани
3. Мен туғилиб ўсган мамлакат
4. Менинг севимли уйим
5. Яшаш жойим
6. Бошқа нима? (ёзинг) ________________________.

А4. Бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қомуси томонидан белгилаб берилган, диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эркинлиги ва хуқуқларига амал қилиняптими?

1. Ҳа, тўлиқ амал қилиняпти — а6 саволга ўтинг
2. Ҳа, етарли даражада амал қилиняпти — а6 саволга ўтинг
3. Етарли даражада амал қилинмаяпти — а6 саволга ўтинг
4. Амал қилинмаяпти

А5. Агар амал қилинмаётган бўлса, бу нимада ўз аксини топяпти? (ёзинг) ________________________.

А6. Сиз учун нима муҳимроқ - Сизнинг миллатингизми ёки Сизнинг фуқаролигингизми?

1. Миллатим
2. Фуқаролигим
3. Иккаласи муҳим
4. Иккаласига нисбатан бефарқман
5. Айтишим қийин

А7. Сиз давлат (ўзбек) тилини биласизми?

1. Ҳа, аъло биламан — А9 саволга ўтинг
2. Ҳа, яхши биламан — А9 саволга ўтинг
3. Озгина биламан
4. Йўқ, билмайман

А8. Агар давлат тилини билмасангиз, уни ўрганишни хоҳлайсизми?

1. Ҳа, хоҳлайман
2. Ҳозир ўрганяпман
3. Йўқ, хоҳламайман
4. Айтишим қийин

А9. Ўзбек тилини ўрганиш учун мавжуд имкониятларни қандай баҳолайсиз?
Фақат битта жавобни белгилаш мумкин
1. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд
2. Ўзбек тилини ўргатадиган жой йўқ
3. Имкониятлар бор, лекин тилни ўрганиш қимматга тушади
4. Бундай ўқишларга жойлашиш қийин
5. Ўқитиш даражаси паст
6. Яна нима? (ёзинг) ______________________.

А10. Сиз ишлайдиган (ўқийдиган) жойнинг жамоа раҳбарлари томонидан давлат тилини ўрганмоқчи бўлганларга аҳамият ёки ёрдам бериладими? (ишлайдиган ва ўқийдиганлар учун)
1. Ҳа 2. Йўқ 3. Айтишим қийин

А11. Ўзбекистон фуқароси эканлигингиз Сизда қандай ҳиссиётлар уйғотади?
1. Ғурур
2. Қониқиш
3. Бефарқлик
4. Айтишим қийин

А12. Бизнинг республикамизда Байналмилал маданий марказ мавжуд эканлигини биласизми?
1. Ҳа, биламан
2. Ҳа, эшитгандай бўлганман
3. Йўқ, билмайман А14 саволга ўтинг

А13. Агар билсангиз, унинг фаолияти ҳақида нима дея оласиз? (ёзинг) ______________________.

А14. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи кўпгина миллатлар ўз миллий маданий марказларига эга эканликларини биласизми?
1. Ҳа, биламан
2. Ҳа, эшитгандай бўлганман

3. Йўқ, билмайман — **В блокка ўтинг**

A15. Агар билсангиз, шахсан ўзингиз ўз миллатингизга мансуб бўлган миллий маданий марказ ишларида иштирок этасизми?

1. Ҳа, иштирок этаман
2. Ҳа, баъзида иштирок этаман
3. Йўқ, иштирок этмайман

## В. Миллатлараро муносабатлар

В1. Мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатларни Сиз қандай баҳолайсиз?

1. Жуда яхши — **В3 саволга ўтинг**
2. Яхши — **В3 саволга ўтинг**
3. Қониқарли — **В3 саволга ўтинг**
4. Ёмон
5. Айтишим қийин — **В3 саволга ўтинг**

В2. «Ёмон» деб ҳисобласангиз, Сизнинг фикрингизча бу нималарда намоён бўлади?

И! Фақат битта жавобни белгилаш мумкин

1. Миллий аснода келиб чиқадиган айрим жанжалларда
2. Миллатлараро тўқнашувларда
3. Очиқдан-очиқ миллатлараро тўқнашувларда
4. Славянларнинг ҳуқуқларини камситилишида (рус, украин ва ҳ.к.)
5. Бошқа туб Ўрта Осиё халқларининг ҳуқуқларини камситилишида (тожик, қирғиз, қозоқ, туркман ва ҳ.к.)
6. Яна нимада? (ёзинг) ______________________________

В3. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро муносабатлар қандай ўзгарган?

1. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ўсди
2. Ҳеч нарса ўзгармади
3. Зиддиятлар пайдо бўлди
4. Айтишим қийин

В4. Куйидаги кўрсатилган Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминловчи омиллардан қайси бири энг муҳимдир?

1. Республика Президентининг олиб бораётган миллий сиёсати

2. Давлат органларининг саъй-ҳаракатлари

3. Нодавлат ташкилотларнинг фаолияти

4. Оммавий ахборот воситалари

5. Халқаро ташкилотларнинг фаолияти

6. Яна нима? (ёзинг) ______________________.

В5. Маълумки, миллатлараро муносабатлар яхши бўлганда ҳам айрим маиший миллатчилик ҳоллари учраб туради. Сиз шундай ҳолларга дуч келганмисиз?

1. Ҳа, мен бундай ҳолларга кўп дуч келганман

2. Баъзан учраган

3. Йўқ, мен бундай ҳолларга дуч келмаганман

4. Айтишим қийин

В6. Сизнингча, ҳар хил миллат вакиллари орасида учраб турадиган низоларнинг асосий сабаблари нимада?

И! 2 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Маиший миллатчилик

2. Диний экстремизм

3. Ўзбек халқининг ишга жойлашишида ва мансабга эга бўлишидаги имтиёзи

4. Тарбиядаги камчиликлар

5. Ўзбек халқига мансуб бўлмаган бошқа миллат вакилларини телевидение, радио, республика матбуотида мунтазам чиқиб турмаслиги

6. Яна нима? (ёзинг) ______________________ .

В7. Ўзбекистонда қайси миллат вакиллари орасида низолар учраб туради?

И! 3 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Низолар умуман кузатилмайди

2. Ўзбеклар ва руслар орасида (украинлар ва ҳ.к.)

3. Ўзбеклар ва тожиклар орасида

4. Ўзбеклар ва қирғизлар орасида

5. Ўзбеклар ва туркманлар орасида

6. Ўзбеклар ва қозоқлар орасида

7. Ўзбеклар ва корейслар орасида

8. Ўзбеклар ва қорақалпоқлар орасида

9. Яна кимлар орасида? (ёзинг) ______________________.

В8. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти билан қизиқасизми?
1. Ҳа, жуда қизиқаман
2. Ҳа, қизиқаман
3. Йўқ, қизиқмайман

В9. Ўз миллатингиз билан боғлиқ бўлган айрим қийинчиликлар ёки ноқулайликларни сезасизми?
1. Ҳа
2. Йўқ В11 саволга ўтинг
3. Айтишим қийин В11 саволга ўтинг

В10. «Ҳа» десангиз бу нимада аниқ намоён бўлмоқда?
(ёзинг) ______________________________ .

В11. Сиз қандай ўйлайсиз, бизнинг республикамизда ўзбекларнинг ўзлари орасида маҳаллийчилик ҳоллари борми?
1. Ҳа, бор
2. Баъзан учраб туради
3. Йўқ, бундай холлар йўқ В13 Саволга ўтинг
4. Айтишим қийин В13 саволга ўтинг

В12. Сизнингча, ўзбеклар орасидаги маҳаллийчилик асосан нималарда намоён бўлаяпти? (ёзинг) ______________________ .

В13. Бизнинг жамиятимизда уруғ-аймоқчилик қай даражада мавжуд?
1. Жуда юқори даражада
2. Юқори даражада
3. Камдан-кам
4. Мавжуд эмас В15 саволга ўтинг

В14. Сизнингча, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларга уруғ-аймоқчиликнинг таъсири борми?
1. Ҳа, жуда кучли таъсири бор
2. Ҳа, таъсири бор
3. Таъсири йўқ

В15. Сизнингча, мамлакатимизнинг давлат бошқарув органларида миллий мансублигига кўра қўллаб- қувватлаш (лавозимга тайинлаш, мансаб бўйича кўтариш ва ҳ.к.) мавжудми?

1. Ҳа, бу ҳолат кенг тарқалган
2. Ҳа, бу ҳолат мавжуд
3. Йўқ, мавжуд эмас — B17 саволга ўтинг
4. Айтишим қийин — B17 саволга ўтинг

B16. Юқорида кўрсатилган ҳолат (кишиларнинг миллий мансублигига кўра қўллаб қувватлаш) Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларга таъсир қилмоқдами?

1. Ҳа, кучли таъсир қилмоқда
2. Ҳа, таъсир қилмоқда
3. Йўқ, таъсир қилмайди
4. Айтишим қийин

B17. Сизнингча, мамлакатимизда келажакда миллатлараро муносабатлар барқарорлиги сақланадими?

1. Ҳа, сақланади
2. Ҳа, сақланади, аммо давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида зарур ишлар олиб борилиши лозим
3. Балки сақланар
4. Йўқ, сақланмайди
5. Айтишим қийин

## С. Ижтимоий-сиёсий вазият

С1. Сизга мамлакатимиз фуқароси сифатида Ўзбекистонда нима кўпроқ ёқади?

И! 3 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамиятда фуқаролар ҳамжиҳатлиги, тинчлик
2. Иқтисодий барқарорлик
3. Президентнинг миллий сиёсати
4. Давлатнинг ташқи сиёсати
5. Мамлакатнинг бой тарихи
6. Мамлакатимизнинг гўзал табиати, иқлими
7. Ўзбек халқининг маданияти ва миллий урф-одатлари
8. Яна нима? (ёзинг) ________________________________.

С2. Сизнинг фикрингизча, қуйида келтирилганлардан қайси бири

айни пайтда Ўзбекистоннинг ички сиёсий вазиятини тўлиқ акс эттиради?

И! Фақат битта жавобни белгилаш мумкин

1. Ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланяпти, жамиятдаги миллатлараро, фуқаровий ҳамжихатлик ва тинчлик сақланмоқда
2. Халқ ўзини осойишта ва тинч ҳис этмоқда
3. Диний экстремистларнинг фаолияти муносабати билан боғлиқ ташвишлар бор
4. Халқаро терроризм муносабати билан боғлиқ хавотирлик бор
5. Айтишим қийин

С3. Сизнинг фикрингизча, қуйидаги келтирилган салбий ҳолатлардан қайси бири Ўзбекистонга энг катта хавф туғдирмоқда ва бизнинг умумий уйимизда осойишта ҳаёт кечиришга халақит бермоқда?

2 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Диний экстремизм ва терроризм
2. Коррупция ва порахўрлик
3. Жамиятнинг бой ва камбағалларга табақаланиши
4. Бюрократизм
5. Жиноятчилик ва гиёҳвандлик
6. Маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчилик
7. Ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, маҳаллий ҳокимият ташкилотлари томонидан қонунбузарликка йўл қўйилиши
8. Ижтимоий муаммолар (ишсизлик, нархларнинг юқорилиги, турмуш даражаси)
9. Қўшни давлатлардаги нотинчлик
10. Бошқа нима? (ёзинг) ________________________________ .

С4. Умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикнинг асосий кафолати ким ёки нима?

И! 3 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Президент
2. Маҳаллий ҳокимият ташкилотлари
3. Миллий Армия
4. Давлатимизнинг изчил ички ва ташқи сиёсати
5. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши
6. Нодавлат ташкилотларнинг фаоллиги, умумий уйимиз қурилишида барча фуқароларнинг иштироки
7. Яна нима? (ёзинг) ________________________________ .

C5. Сиз Ўзбекистондан кўчиб кетишни хоҳлайсизми?

***Фақат битта жавобни белгилаш мумкин***

1. Йўқ, хоҳламайман — C8 саволга ўтинг
2. Йўқ, ҳеч қандай шароитда ҳам кўчиб кетмайман — C8 саволга ўтинг
3. Хоҳишим бор, лекин имкониятим йўқ
4. Кўчиб кетишни хоҳлайман, лекин кўчиш учун аниқ бир чора кўрмадим
5. Ўта хавфли вазиятда кўчиб кетаман
6. Яқин орада кўчиб кетаман, кўчиш билан боғлиқ бўлган асосий масалалар ҳал бўлган

C6. Ўзбекистондан кўчиб кетиш хоҳишингиз бўлса, унинг асосий сабаби нимада? (ёзинг) ______________________.

C7. Агар кўчиб кетишни истасангиз, қайси давлатга?
(ёзинг) ______________________.

C8. Айни пайтда умумий уйимиз - Ўзбекистонни ободонлаштиришда нималар муҳим аҳамиятга эга?

И! 5 тагача жавобни белгилаш мумкин

1. Тинчлик, барқарорликни, миллатлараро ва фуқаровий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш
2. Халқаро терроризмни жиловлаш
3. Турмуш даражасини ва сифатини ошириш
4. Жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланиши
5. Бозор ислоҳотларининг изчил ўтказилиши
6. Ўзбек халқининг урф-одатларини сақлаш ва тарихий меросини тиклаш
7. Демократик қадриятларни, ижтимоий адолат тамойилларини ўзлаштириш
8. Барчага (қайси миллатга мансублиги, диний эътиқоди ва жамиятда ҳолатидан мустасно) ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён этиш учун тенг имкониятлар яратиш
9. Эркин сайловлар
10. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш
11. Фуқароларнинг бошқарув жараёнларида иштирокини кенгайтириш
12. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш

13. Оммавий ахборот воситаларининг ишларини яхшилаш
14. Суд тизим ислоҳотлари
15. Яна нима? (ёзинг) ______________________.

C9. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги хақида биласизми?

1. Ҳа, биламан
2. Эшитгандай бўлганман
3. Йўқ, билмайман

C10. Сизнинг маҳаллангиз кўпмиллатлими?

1. Ҳа, бизнинг маҳалла кўп миллатли
2. Йўқ, бизнинг маҳалламиз кўпмиллатли эмас

C11. Ўз маҳаллангизнинг жамоатчилик тадбирларида иштирок этасизми?

1. Ҳа, иштирок этаман
2. Кам иштирок этаман
3. Йўқ, иштирок этмайман
4. Айтишим қийин

C12. Ўз маҳаллангизга бирор муаммони ҳал этиш учун мурожаат қиласизми?

1. Ҳа, тез-тез мурожаат қиламан
2. Баъзида мурожаат қиламан
3. Йўқ, мурожаат қилмайман — C14 саволга ўтинг
4. Айтишим қийин — C14 саволга ўтинг

C13. Маҳалла Сизга ёрдам берадими?

1. Ҳа, тез-тез ёрдам беради
2. Ҳа, баъзан ёрдам беради
3. Йўқ, ёрдам бермайди
4. Айтишим қийин

C14. Сизнинг маҳаллангиз фуқаролари йиғинининг фаоллиги қай даражада?

1. Жуда фаол
2. Фаол
3. Унча фаол эмас
4. Фаол эмас
5. Айтишим қийин

## D. Демография

D1. Жинсингиз?
1. Эркак 2. Аёл

D2. Тўлиқ ёшингиз нечада?

| | | |
|---|---|---|
| 1. 16-20 | 4. 30-39 | 7. 60 ёш ва ундан катта |
| 5. 21-24 | 5. 40-49 | |
| 6. 25-29 | 6. 50-59 | |

D3. Ўзбекистонда қачондан бери яшайсиз?
3. Туғилганимдан бери
4. Қачондан? (ёзинг) ______________________________ .

D4. Миллатингиз?

| | | |
|---|---|---|
| 1. Ўзбек | 6. Рус | |
| 2. Қозоқ | 7. Татар | |
| 3. Тожик | 8. Корейс | |
| 4. Қирғиз | 9. Уйғур | |
| 5. Туркман | 10.Украин | 11. Бошқа (қайси?) __________. |

D5. Маълумотингиз?
1. Тўлиқсиз ўрта
2. Тўлиқ ўрта
3. Ўрта махсус
4. Тўлиқсиз олий
5. Олий
6. Илмий даражам бор

D6. Оилавий аҳволингиз?
5. Уйланган (турмушга чиққан)
6. Уйланмаган (турмушга чиқмаган)
7. Ажрашган
8. Бева

D7. Айни пайтда Сиз қандай иш билан бандсиз?
26. Деҳқон (ширкат ва фермер хўжалигининг ишчиси)
27. Ишчи
28. Муҳандис
29. Ўқитувчи

30. Тиббиёт ходими
31. Маданият соҳаси ходими
32. Савдо ходими
33. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходим
34. Давлат бошқарув органлари соҳаси ходими
35. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, суд ва ҳ.к. ходими
36. Ширкат хўжалигининг раҳбари
37. Фермер (фермер хўжалигининг раҳбари)
38. Илмий ходим
39. Олий ўқув юрти ўқитувчиси
40. Ҳарбий хизматчи
41. Менежер
42. Банкир
43. Программист
44. Тадбиркор
45. Ўқувчи, талаба
46. Бола парвариши бўйича нафақада
47. Нафақахўр
48. Уй бекаси
49. Ногирон
50. Ишсиз
26. Бошқа (қандай) __________ .

*Самимий жавобларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз*
*Интервью тугаган вақти ________ соат ____________ дақиқа*
*Интервьюер__________________________ имзо _____________*

## ТАСОДИФИЙ СОНЛАРНИНГ ЖАДВАЛИ

Тасодифий танлаш учун, агар танлов мажмуасининг ҳажми 1000 дан ортиқ бўлмаса, тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланиб, ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун бош мажмуанинг барча бирликлари тартиб бўйича номерланади. Сўнг, ундан, тартиб номери бўйича жадвалдан ёзиб олинган сонлар билан бир хил бўлган танлов мажмуасининг сонига мос келадиганлари ажратиб олинади.

Агар бош мажмуанинг элементлари уч хонали сонлар билан номерланган бўлса, уларни жадвалдаги биринчи ёки охирги учта сонларнинг рақамлари билан боғлаш лозим. Боғланишни ёки устун, ёки сатр бўйича ўтказиш мумкин. Агар рақамларнинг бирикмаси қандайдир кейин келувчи сонларда такрорланса, у ҳолда бу сонини ўтказиб, кейингисига ўтиш лозим.

10 09 73 25 33 76 52 01 35 86 34 67 35 48 76 80 95 90 91 17
37 54 20 48 05 64 89 47 42 96 24 80 52 40 37 20 63 61 04 02
08 42 26 89 53 19 64 50 93 03 23 20 90 25 60 15 95 33 47 64
99 01 90 25 29 99 01 90 25 29 09 37 67 07 15 38 31 13 11 65
12 80 79 99 70 80 15 73 61 47 64 03 23 66 53 98 95 11 68 77

39 29 27 49 45 66 06 57 47 17 34 07 27 68 50 36 69 73 61 70
00 82 29 16 65 31 06 01 08 05 45 57 18 24 06 35 30 34 26 14
35 08 03 36 06 85 26 97 76 02 02 05 16 56 92 68 66 57 48 18
04 43 62 76 59 63 57 33 21 35 05 32 54 70 48 90 55 35 75 48
12 17 17 68 33 73 79 64 57 53 03 52 96 47 78 35 80 83 42 82

65 81 33 98 85 11 19 92 91 70 98 52 01 77 67 14 90 56 86 07
86 79 90 74 39 23 40 30 97 32 11 80 50 54 31 39 80 82 77 32
73 05 38 52 47 18 62 38 85 79 83 45 29 96 34 06 28 89 80 83
28 46 82 87 09 83 49 12 56 24 88 68 54 02 00 86 50 75 84 01
60 93 52 03 44 35 27 38 84 35 99 59 46 73 48 87 51 76 49 69

22 10 94 05 58 60 97 09 34 33 50 50 07 39 98 65 48 11 76 74
50 72 56 82 48 29 40 52 42 01 52 77 56 78 51 80 12 43 56 35
13 74 67 00 78 18 47 54 06 10 68 71 17 78 17 74 35 09 98 17
36 76 66 79 51 90 36 47 64 93 29 60 91 10 62 69 91 62 68
03 91 82 60 89 28 93 78 56 13 68 23 47 83 41 13 09 89 32 05
05 ва х.к.

## РЕСПОНДЕНТНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА КИШ КАРТАСИНИНГ НАМУНАСИ

Сиз, уй хўжалигини ва шу уй хўжалигида сўровга мос бўлган ҳамма аъзоларни аниқлаганингиздан сўнг, уларни жадвалга қуйидагича ёзиб чиқинг: аввал эркакларни энг катта ёшдан бошлаб энг кичкинасигача, кейин шу тартибда аёлларни ҳам ёзиб чиқинг.

Ундан сўнг оилада қандай мақомга эгалигини (масалан: ота, катта ўғил, буви, она, қизи...) ва ҳар бирининг ёшини белгилаб чиқинг

**16 ёшдан ва юқори**

| № | Исми ва фамилияси | Оиладаги мақоми | Ёши |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Энди Сиз пастда кўрсатилган жадвал асосида ойла аъзоларидан қайси бири жавоб бериши кераклигини аниқлайсиз.

Агар рўйхатдаги
У ҳолда К 1 сонли кишилар сони
К киши билан сўров тенг бўлса ўтказилади
К К 1

1________________________1
2________________________2
3________________________3
4________________________4
5________________________5
6 ва ундан ортиқ 1

Социологик тадқиқотда респондентни аниқлашда Киш картасининг 8-та варианти ишлатилади (№1 Киш картаси, №2 Киш картаси, №8 Киш картаси)

КАРТАЛАР ҲИСОБИНИ ОЛИШ ВАРАҚАСИ

Интервьюернинг И.Ф.О.
Вилоят
Шаҳар
Туман
Қишлоқ кенгаши
Маҳалла
Респодент манзили

Респондентни олдига қатновлар: Интервьюернинг, диққатига! Берилган манзилни бошқаси билан алмаштириш мумкин эмас.

| Қатновнинг тартиб сони | Қатнаш санаси | | | Қатнов вақти | Қатнов натижасининг коди |
|---|---|---|---|---|---|
| | кун | ой | йил | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Натижаларнинг кодлари:**

01 сўровнома тўлдирилди
02 уйда ҳеч ким йўқ
03 респондентнинг ўзи уйда йўқ (далада, фермада)
04 респондентнинг ҳозир вақти йўқ, бошқа вақтни белгилади
05 респондент интервью беришдан қатьий бош тортди
06 уй хўжалигининг аъзолари респондент билан учрашишга рухсат беришмади
07 респондентнинг уйида тантана ёки мотам (никох, суннат, юбилей, жаноза, худойи ва ҳ.к.)
08 респондент суҳбат олиб боришга мадори йўқ (бетоб, руҳий касал, жудаям қари)
09 уйи бузилиб, йўқ бўлиб кетган
10 уйига анчадан бери келмаган (яшамайди)
11 берилган манзил топилмади, умуман йўқ
12. бошқа (нималигини, ёзиб қўйинг): ________________.

# АДАБИЁТЛАР


Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. 1993

Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Т. 1994

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 1995

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида Т. 1995

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон, 1997

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза, 1999 йил 15 апрель, «Халқ сўзи».

Каримов И.А. «Миллат қудрати- ҳамжиҳатликда», 1999 йил 27 март, «Халқ сўзи»

Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» Т. «Ўзбекистон», 2000

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2003 йил 25 апрел.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003

Аверин Ю.П. Люди управляют людьми: модель социологического анализа. М. 1996

Американское общественное мнение и политика. М., 1978.

Актуальные проблемы изучения и формирования общественного мнения в Узбекистане. Под ред. акад. АНРУз. Убайдуллаевой Р.А. Ташкент, «Ижтимоий фикр», 2003.

Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т., 1998

Ата-Мирзаев О.Б. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси. Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. Тошкент, «Ижтимоий фикр», 2001.

Ата-Мирзаев О.Б. Национальная идея и национальная идеология. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 1, 2001.

Ата-Мирзаев О.Б., Икрамов Э. Социология: этапы становления. Ж. «Общественное мнение. Права человека» №3. 2002.

Ата-Мирзаев О.Б. Социология общественного мнения в системе социологических наук и идеология национальной независимости Узбекистана. Ж. «Общественное мнение. Права человека». №3., 2002.

Ата-Мирзаев О.Б. Общественное мнение и идеология национальной независимости. Актуальные проблемы изучения и формирования общественного мнения в Узбекистане. Т. 2003

Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. Ташкент, «Университет», 2004.

Аъзамходжаев И., Умарова Н. Мировоззрение, социальная активность учащихся профессиональных колледжей. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 2, 2005.

Бекмуродов М.Б. Моварауннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. Т., «Фан», 1994

Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Т. «Ижтимоий фикр», 1999

Бекмуродов М., Ота-Мирзаев О., Алиқориев Н. ва бошқалар. Социология. Маърузалар матни. Т. 2000

Бекмуродов М.Б. Социология фани ва миллий менталитет. Ж.«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари», № 3, 2002.

Бекмуродов М. Б. Национальный менталитет в контексте изучения общественного мнения. Международный журнал изучения Центральной Азии, 2004.

Ганиева М.Х. Общественное мнение в Старом и Новом свете. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 2, 2000 г.

Ганиева М.Х. Особенности изучения социально-политических аспектов общественного мнения. Ж. «Общественное мнение. Права человека» № 3, 2002.

Ганиева М. Формирование правовой культуры молодежи Узбекистана. Ж. «Общественного мнение. Права человека». № 3, 2004

Ганиева М. Методика анализа результатов социологических исследований. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 4, 2004

Гольцендорф Ф. Общественное мнение СПб, 1899.

Горшков М.К. Общественное мнение: история и современность М., 1988

Дмитриев А.В., Тощенко Ж.Т. Социологический опрос и политика. «Социс», № 5, 1994.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш: назария ва амалиёт. Илмий-амалий семинар материаллари. Т. «Ижтимоий фикр», 1999, (ўзбек ва рус тилларида).

Житенев В.Б. Общественное мнение в социальном управлении. Новосибирск, 1987.

Зимин А.И. Социология и реальность. «Социс» №9, 1996.

Игитханян М.Х. Сила общественного мнения. М., 1962.

Изучение общественного мнения: теория и практика. Материалы научно-практической конференции. Т. 1999

Каюмов У.К. Духовный облик студента-юриста. Ж. «Хозяйство и право», №12 2004.

Қаюмов Ў.Қ. Ёшлар ва дин. Ж. «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари». № 3, 2004.

Каюмов У.К. Молодежь Узбекистана: социальная активность, нравственность и планы на будуще. Ж. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари». № 1, 2004.

Каюмов У.К. Роль семьи в формировании нравственности и духовных основ общества. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 4, 2004

Каюмов У.К., Умарова Н. Молодежь Кашкадарьи: социальная активность, взгляд в будущее. Ж. «Общественное мнение. Права человека». № 2, 2005.

Концепция Центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» 2000 .

Кузьмичев В.А. Организация общественного мнения. М. Л., 1929

Каланов К. Ўзбекистон ёшларида диний ва дунёвий тасаввурларнинг шаклланиши (социологик тадқиқот натижалари асосида). Тошкент, Ислом университети. 2004 (ҳаммуаллифликда).

Мансуров Н.С. Плюрализм в исследовании общественного мнения. Предисловие к книге Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания. М, 1996

Межэтнические и межконфессиональные отношения граждан в суверенном Узбекистане (результаты социологического опроса). Т., 1999

Мизеров С.Д. Общественное мнение рабочего класса: управление, правопорядок. М., 1979.

Мусаев Б. Жить, располагая правильной информацией. О критериях адекватности в оценке социальных процессов в Узбекистане (к постановке проблемы). Ж. «Общественное мнение. Права человека» № 1., 1998.

Методогия изучения общественного мнения в Узбекистане. Под ред. акад. АНРУз. Убайдуллаевой Р.А. Ташкент, «Ижтимоий фикр», 2004.

Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания М, 1996.

Ота-Мирзаев О.Б., Қаюмов Ў.Қ. ва бошқалар. Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқот асосида ўрганиш. Методик қўлланма. Т. 1999

Общественное мнение в США. М, 1973

Общественное мнение и пропаганда. М, «Мысль», 1980.

Петровская М.М. Общественное мнение в США; опросы и политика. М., 1977.

Поляков Т.Н. Менталитет полиэтнического общества. М. 1998.

Руткевич С.М. «Социология, власть, общественное мнение». Социологические исследования. 1993.

Сафаров Р.А. Общественное мнение и государственное управление. М. 1975.

Сафронов Ю.Н. Общественное мнение и религиозные традиции. М. 1970

Синицина Л.Н. Роль общественного мнения в повышении социальной активности молодежи. М. 1978.

Социологические проблемы общественного мнения и деятельность средств массовой информации. М. 1979 .

Социологическое изучение общественного мнение интеллигенции об эффективности идеологической, политико-воспитательной работы в коллективах. М. 1980.

Социология. Учебное пособие. Под ред. А.Н. Елсукова, Минск. 1998.

Тарасенко А.А. Общественное мнение и поведение личности. М. 1975 .

Ташланов Т. Талабаларнинг фикрини миллий истиқлол мафкураси руҳида шакллантириш. Ж. «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» № 3 2004.

Ташланов Т. Межнациональная толерантность в Узбекистане. Ж. «Общественное мнение. Права человека». №3, 2005.

Тошенко Ж. Этнократия: история и современность М., 2003 й.,

Трубина Л.В., Нещадин А.А., Кашин В.К. Синусоиды общественного мнения. «Социологические исследования» № 7, 1993.

Турсунов Б. Итоги опроса общественного мнения. Сеть этнологического мониторинга и раннего предупреждения конфликтов. Бюллетень № 4. Институт этнологии и антропологии РАН, 1997

Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Ганиева М.Х., Каюмов У.К. и др. Ислам в жизни населения Узбекистана (на узбекском, английском и русском языках). Ташкент, «Ижтимоий фикр» 2003.

Убайдуллаева Р.А. Общественное мнение как выразитель национальной идеологии. Ж. «Общественное мнение. Права человека». (на анг. языке) №3, 2000.

Убайдуллаева Р. Жамоатчилик фикри - миллий истиқлол мафкурасининг ифодаси. Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. Тошкент, «Ижтимоий фикр», 2000.

Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев О., Бекмуродов М., Қаюмов Ў. Социологик тадқиқотлар амалиёти. Методик қўлланма. Т. 2001

Убайдуллаев Р.А., Бекмурадов М., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқалар. Социология. Ўкув қўлланма. Т. 2002

Убайдуллаева Р.А., Нуруллаева Ш. Методогические аспекты социологического исследования уровня религиозности населения Узбекистана. Ж. «Общественное мнение и права человека», №4, 2002.

Убайдуллаева Р.А. Жамоатчилик фикри ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш муаммолари. Ж.«Ҳуқуқ», № 3, 2003.

Убайдуллаева Р.А., Кадырова Д.Ф. Исследование методологии и методов социологического опроса общественного мнения при изучении состояния обеспечения прав человека в Узбекистане. «Мониторинг прав человека». Т., 2003.

Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон аёлининг ижтимоий қиёфаси. «XXI аср аёли: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари». Т., 2003.

Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б. ва бошқалар. Женщины независимого Узбекистана (социологическое исследование). «Ижтимоий фикр», 2004.

Убайдуллаева Р.А., Кадырова Д.Ф. Исследование методологии и методов социологического опроса общественного мнения при изучении состояния обеспечения прав человека в Узбекистане (на примере опросов посетителей Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсмана). Мониторинг прав человека. Т. 2003.

Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б., Ғаниева М.Х, Қаюмов Ў. Қ. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги. Тошкент, «Ижтимоий фикр», 2004.

Убайдуллаева Р.А. Социологический портрет личности аксакала. Ж. «Общественное мнение. Права человека», № 1, 2004

Убайдуллаева Р.А., Ганиева М.Х. Методика изучения и анализа

общественного мнения. Ташкент, «Ижтимоий фикр» 2005.

Убайдуллаева Р.А., Юлдашбаева Д. Методика социологического опроса. Ташкент, «Ижтимоий фикр» 2005.

Убайдуллаева Р.А., Сысина Т. Узбекистан: Общественное мнение - 2004 год. Ж. «Общественное мнение. Права человека». №2, 2005.

Умарова Н. Социальное самочувствие молодежи Узбекистана. Ж. «Общественное мнение. Права человека». 3,2004.

Уледов А.К. Общественное мнение как предмет социологического исследования. «Вопросы философии» № 3, 1959.

Уледов А.К. Общественное мнение советского общества. М. 1963.

Хвостов В.М. Общественное мнение и политические партии. М. 1906.

Холбеков А. Ўтиш даври ва ижтимоий муаммолар. Ж. «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» № 3, 2004.

Қаюмов У.К. Миллий ўзлик (социологик тадқиқотлар асосида). Ж. «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари», № 2. 2001.

Қаюмов У.К, Миллий ўзликни англаш (социологик тадқикотлар натижаси). Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. Тошкент, «Ижтимоий фикр», 2001.

Қаюмов У.Қ. Ҳуқуқшунос талабалар: маънавий дунёқараш, истиқбол режалари. Ж. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» №3, 2003.

Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. Илмий-амалий семинарлар маълумотлари. Масъул муҳаррирлар: ЎзФА академиги Р.А. Убайдуллаева, проф. А.С. Бегматов. Т. 2001.

Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни. Т. «Ижтимоий фикр» 2003, (ўзбек, рус ва инглиз тилларида).

## МУНДАРИЖА

КИРИШ ........................................ 3

Биринчи боб. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Жамоатчилик фикри: асосий тушунчалар ва уни ўрганиш хусусиятлари ........................................ 8
2. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг замонавий методологик базаси ........................................ 17
3. Жамоатчилик фикри Ўзбекистон мустақиллигининг миллий мафкурасини ифодаловчи сифатида ........................................ 21
4. Кўп миллатли муҳитда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг хусусиятлари ........................................ 28
5. Жамоатчилик фикри ижтимоий бошқарув тизимида ........................................ 35

Иккинчи боб. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ УСЛУБИЁТИ

1. Социологик тадқиқот дастури ва саволномаси ........................................ 45
2. Респондентларни танлаш усуллари ........................................ 61
3. Дала ишларини ташкил этиш ва социологик сўровни ўтказиш ........................................ 68
4. Социологик маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаш ........................................ 82
5. Социологик ахборотларни таҳлил қилиш услубиёти ........................................ 90

Учинчи боб. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ АМАЛИЁТИ

1. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги ........................................ 112
2. Кўпмиллатли Ўзбекистон ........................................ 126
3. Маҳалла жамоатчилик фикрида ........................................ 144
4. Ўзбекистон мустақиллиги ........................................ 161

ХУЛОСА ЎРНИДА

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази: дастлабки қадамлар ва истиқболли йўналишлар ........................................ 195
Иловалар ........................................ 202
Адабиётлар ........................................ 224

Раъно Ахатовна Убайдуллаева
Озод Бобо-Мирзаевич Ота-Мирзаев

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ**
(назария, услубиёт, амалиёт)

*Муҳаррир: С. Ғайбуллаев*
*Оператор: Г.Мирхалилова*
*Техник муҳаррир: С.Маҳмудова*

**Босишга рухсат этилди: 28.07.2006. Ҳажми: 15 босма табоқ.
Бичими: 60х84 1/16. Адади: 200. Буюртма: 22.**

**«Ижтимоий фикр» маркази**